

ISSN 0131 – 1832

440

Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK




Sharq yulduzi

11 / 2017

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган



ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Мухаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энахон Сиддикова
Икбол Мирзо
Қаҳрамон Куронбоев
Жумакул Курбанов
Фармон Тошев
Ислом Ёкубов
Умарали Норматов

Хайридин Султонов
Сирожиддин Саййид
Махмуд Тоир
Мехрибон Абдурахмонова
Йўлдош Солижонов
Тоштемир Турдиев
Шуҳрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош мұхаррір в.б. — Сирожиддин Рауф

Масъуль котиб — Элёр Мурод

Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурод

Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

11
2017

УШБУ СОНДА:

НАЗМ



Ойдин ҲОЖИЕВА

ҒАНИМАТ ҒАМЛАР

Туркүм

Жунжикасан, бўм-бўши багрингда
Бурқсиб ётар куз хазонлари.
Инио битар сенинг тўгрингда
Хаттот кузнинг зар мезонлари.

ЭҲАПИРОМ



Ашурали ЖҮРАЕВ

БАҲМЛИ ЁЗУВЧИЛАРДАН БИРИ

Кўз олдимда дастлаб устознинг кулиб турган са-
мимиий ва нурли чеҳралари намоён бўлади. Неъмат
аканинг юриш-туришларида, гап-сўзларида, хатти-
харакатларида – ҳамма-хаммасида меҳр ва самимият
мужассам эди. Тўғрилик, тўғри сўзнинг фидойиси ва
шайдоси эди. Ўзида ҳам, сўзида ҳам ҳалоллик, адолат
барқ уриб турарди.

НАСР



Озод МУСТАФО

ПАНБУР ВА КУМУШ ТУҒНОГИЧ

Ҳикоя

Кўзлари билан қабр тошларидаги ёзувларни қуёш-
нинг сўнгти нурларида ўқишига интиларкан, жонсарак
ниманидир кидиради. Шу пайт кўзи улкан мармар
тошдаги ўзининг суратига тушди-ю, қотиб қолди...
Одам бўйи баробар тошдаги суратга қайта-қайта
каради, ёзувлар устидан бармоғини юргизиб икки-уч
маротаба ўқиб чиқди.

Рахим КОДИР

БОЛА НИГОХИ

Ҳикоя

Шу тобда боланинг кўзига опаси ҳаммадан чиройли кўринди. Йигитнинг қорамтири шими ва оч кўк чизикини кўйлаги ҳам Адҳамга жуда ажойиб туолар, унинг ҳаракатларидан, қўнғир соchlарини дам-бадам силаб қўйишидан ҳайратланарди.



Салима УМАРОВА

ОНА ЎРПИМ – ОЛТИН БЕШИТИМ

ИСТИҚЛОЛИМ, МАННУ – БОКИЙ БҮЛ!

Сен билан баробар туғилган гўдак бугун 26 яшар, алп келбатли, навқирон ўғлон, барчинмонанд, рухафзо киз – санам бўлди. Ёруғ чехрасидан, шаҳду шижаотидан дилда ифтихор, қўнгилларда умидворлик уйгонди. Айниқса, илму зиёсими кўрганда, юрак сарафroz хислардан тўлғонди.



Амиркул ПЎЛКАН

ЧУЧУПЛАС МЕНИ БОТИМ

АРМОН БҮЛЛІБ ҚОЛМА ҚАЛБИМДА

Мен сени севаман,
Юксак тоғлардан
Шошган шоввадек билмайман тиним.
Сенга талпинаман бутун умр бўйи
Боболар Ватани – Ўзбекистоним.



ИБН ДАВЛАТ
(XIX – XX)

Қадрини билған кишига ұар насыхат кимиё

* * *

Рози кил ота-онанг, хизматига тайёр бўл,
Нафси шайтон, зол дунё жумладин безор бўл.

Ота-онангнинг дуоси жаннатий қилгай сани,
Хулки хуш, атвори хуш, дунёда неку кор бўл.

Зиндалик кил бул жаҳонда ожизи бечоравор,
Иzzат ахлидин кочиб, ғори фанода хор бўл.

Туршрўйу талхгўй бўлма падаринг оллида,
Бандайи бечора бўл, дунёда беозор бўл.

Ота-онангнинг қошида узра таксир айлагил,
Бир ғуломи бедирам бўл, дийдаси жўйбор бўл.

Келса кўлдин неклик қил, ол дуои некларин,
Каъбайи максуд талааб қил, толиби дийдор бўл.

Ота-онанг рози бўлмай, бўлмагай рози Худо,
Жон фидо айлаб аларға яхши хизматкор бўл.

Волидангта хизмат эт, оят, хадис бунга далил,
Пайрави фармони бўлғил, хохи йўку бор бўл.

Мустафо аиди: Бехишт ақдоми модарлардадур,
Бўлсанг Умар амри поки Мустафога ёр бўл.

Айлаюр қобил писарлар хокипойин тўтиё,
Айлагай маҳшарда шод, дунёда хушатвор бўл.

Муҳаммад Сайид Йўлдош ИБН ДАВЛАТ – Оқтov этакларидағи Жизмансои қишилогида яшаган. Девон тартиб берганлиги ҳақида маълумот бор.

Шукрилиллох, яхши олдим ота-онамдин дуо,
Ибни Давлат, офарин, таъбингта хуш ашъор бўл.

* * *

Ишқия одам ўқийса, дил фазли ичра дур ғазал,
Ҳар гулистон, сунбулистон, чун гули тардур ғазал.

Сайқалийнинг сўзицек ушбу ғазал кисса эмас,
Мисраи халққа насиҳат, мисли раҳбардур ғазал.

Аксари Ҳакка муножжоту дуодур, доийи дин,
Бул ғазал афсона эрмас, турки Акбардур ғазал.

Қадрини билган кишига ҳар насиҳат кимиё,
Носиҳи воис эрур, тиллойи аҳмардур ғазал.

Ҳар ғазал, ҳар мухаммас ўқифонға дафъи ғам,
Толиби содик кишига гўйиё, зардур ғазал.

Ибни Давлат бул замон тушти ғазалнинг баҳриға,
Баҳри диллур, лаб – садаф, тахтида гавҳардур ғазал.



**Қадрдоним қалам, мардана бўлгил. Бақти
хизматдур.
Азар мендан қеёнин қолсанг, дубосинг сийму
зардандур.**

Муҳаммадшариф СЎФИЗОДА



Қобилжон
ТУРСУНОВ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ТҮЛҚИНИ

Ўзбек халки азалдан ўзининг бунёдкорлиги, яратувчанлиги, илму маърифатга чанқоқлиги билан алоҳида ажралиб турган. Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур ҳам, унинг невараси, шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек, шоир Бобур Мирзо ҳам ўз даврида халқ фаровонлиги учун хизмат киласиган иншоотлар, мадрасалар курдиргандар. Уларнинг бетакрор намуналарини Ер ўзининг сайқали дея эътироф этилган Самарқандда, Ислом динининг куввати бўлмиш Бухорода, очик осмон остидаги жавохиримиз Хивада кўришимиз мумкин. Навоий вилояти ҳам Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган кўхна макон бўлганидан Карманадаги Маликработ ва Сардоба кадамжолари, Мавлоно Ориф Дегтароний зиёратгохи, Мир Саид Баҳром мақбараси, Қосим Шайх Азизон мэъморий мажмуаси каби кўплаб тарихий обидалар ҳамон бу заминнинг ўтмишидан сўзлаб турибди.

Юргашимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Навоий вилоятининг Нурота туманидаги “Чашма” тарихий-мэъморий мажмуасини комплекс реконструкция килиш чора-тадбирлари тўғрисида” карори миллий қадриятларимизнинг асраб-авайланётгандигига яна бир далиллар. Айни дамда Конституциянинг 25 йиллигига багишланган маънавий-маърифий анжуманларда Ватанимизни, Истиклолимизни, халқимизни тараннум этувчи шеърлар ва ўланлар янгравоқда, дўмбира оҳанглари достонларга уланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиши ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот килиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши халқимизнинг, айникса, ёшларнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада юксалтиришга кенг йўл очаётгани янада кувонарлидир. Бу борада вилоятимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Зиёлилар ва ижодкорларимиз иштироқида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ўқувчи ёшлар қалбida китобга муҳаббат туйғусини уйғотмоқда.

Энг аввало, амалга оширилаётган ишлар жойларда замонавий китоб дўконлари куриш ва моддий-техник базани яратиб олишга қаратилиши баробарида, аҳолининг,

Қобилжон ТУРСУНОВ – Навоий вилояти ҳокими. 1964 йилда тугилган. Тошкент давлат техника университети, Бухоро давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академигаси қошидаги Олий бизнес мактабини тамомлаган.

айниқса ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш борасида ҳам кенг тарғибот тадбирлари кучайтирилмоқда. Вилоятда қисқа муддатларда иккита “Китоб олами” савдо мажмуаси курилиб, фойдаланишга топширилди. “Дўстлик байроби” ва “Знамя дружбы” вилоят газеталари таҳририяти давлат корхонаси маблаглари хисобидан лойиха киймати кариб икки миллиард сўм бўлган китоб савдосига мўлжалланган замонавий кўринишдаги икки қаватли мажмуа ишга туширилиши китобсевар ёшлар учун муносиб тухфа бўлди.

Мазкур савдо мажмуаси беш минг китоб сифумига мўлжалланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида юздан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Шунингдек, мажмууда мижозлар учун замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозланган ўкув зали ва бошқа қулайликлар мавжуд. Ушбу мажмуанинг ишга туширилиши оркали ўнта янги иш ўрни яратилди.

Навоий шаҳри марказида Ўзбекистон Ёшлар иттифоки вилоят кенгашига қарашли умумий киймати кариб 400 миллион сўм бўлган замонавий китоб дўкони фаолияти йўлга кўйилди. Бугун ушбу даргоҳ ёшлар билан энг гавжум масканга айланган.

Мустакиллигимизнинг 26 йиллиги байрами арафасида эса Кармана тумани “Талкок” маҳалласида вилоят Маънавият тарғибот бўлими маблаглари хисобидан киймати 1,1 миллиард сўмга teng бўлган яна бир замонавий “Китоб олами” дўкони фойдаланишга топширилди.

Бахшичилик мактаби асрлар давомида маънавиятимизни бойитувчи, ҳалқимизнинг кучига куч кўшувчи манба хисобланади. Вилоятимизнинг Навбаҳор туманида Қоражон номли қишлоқ бор. Унинг тарихи бир неча асрга боғланиб кетган. Айнан бу қишлоқнинг номи “Алпомиши” достонидаги персонаж номи билан аталганини эшитган ҳар қандай кишининг юрагидан ҳайратлар тўкилиши табиий, албатта. Истиқолимиз шарофати билан бугунги кунда дунё маданияти бойликлари каторидан жой олган бу ўлмас достонни қайта-қайта ўқиб, ёхуд уни ёд олмаган киши топилмаса керак. Шу ўринда бир умр ўзбек бахшичилиги тарихи билан шуғулланиб келаётган адаб Рахим Қодиров ўтган йили атокли ҳалқ баҳшиси Мухаммад Жомурод ўғли Пўлкан ҳакида замондошларимизнинг хотира хикояларини тўплаб “Пўлкан шоир ибрати” номи остида чоп эттирганини тилга олиши жоиз. Ўтган асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган Умарқул Пўлкан, Қурбон жиров, Очил шоир, Эргаш Асабоев каби бахши-шоирлар ҳам ҳалқимизнинг орзу-умидлари ҳакида достонлару термалар яратиб, келажак авлод учун бой ижодий мерос колдиргани кувонарлидир. Ўтган аср ҳакида гап кетар экан, биринчи галда иккинчи жаҳон уруши даврида фронт оғир меҳнатга жалб этилган ўсмирлар ва кариялар ҳамда аёлларнинг оғир меҳнати ҳакида сўз айтмасликнинг сира иложи ўйқ. Худди шу каби вокелар таникли ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамдам Эшонкулов томонидан яқинда ёзib тутатилган янги асарга мавзу бўлди.

Ўлкамиздаги янгиланишлар жараёни шу замин дилбандлари бўлган Ўзбекистон ҳалқ шоири Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳосият Бобомуродова, таникли шоир ва адаблар Одил Ҳотамов, Менглибой Муродов, Бибисора Туробова, Ҳалима Ахмедова, Фахриёр, Салима Умарова, Вафо Файзулло, Азиз Саид, Ислом Ҳамро, Бектемир Пирнафасов, Фарход Арзиеv, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев каби адабиётимизда дадиллик билан ўз сўзини айтиётган ижодкорларимиз битаётган сатрларда акс этаётгани билан ҳақли равишда фаҳранамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан амалга оширилаётган “Биринчи китобим” лойихасида иштирок этган хамда китоблари нашр этилган истеъодли ёшлар Дилноза Абдухамидова ва Ифтихор Хонхўжаев сингари навоийлик ёш ижодкорлар кўнглимизда ифтихор уйғотади. Вилоятимиздаги катор таълим мас-канларида бўлиб ўтган китоб тақдимотларида ушбу ёш шоирлар иштирок этишиб, тенгдошлари билан мулоқотда бўлишди, ёш ижодкорларга яратиб берилаётган шароитлар ҳакида тўлкинланиб хикоя қилишди.

Кейинги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддаткор янгиланишлар Навоий вилоятида ҳам ёркин бўй кўрсатмокда. Вилоят ахлиниң турмуш тарзи яхшиланиб, фаровонлиги, эртанги кунга ишончи тобора ошмоқда. Айникса, муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг ташаббуси асосида ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вилоят ахлини янги-янги марралар сари илҳомлантирумокда. Мамлакатимиз бўйлаб “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз” шиори халқимизнинг онгу шуурига теранроқ кириб бормоқда. Мустакиллик берган неъматлар – тинчлик ва хурриятни англаб етган халқимиз янги ва юксак марралар сари бел боғлагани рост. Бу ўзгаришлар мамлакатни модернизация килишда ҳам, демократик ислоҳотларни чукурлаштиришда ҳам, давлат бошқаруви тизимининг сифат ва самарасини оширишда ҳам яққол кўзга ташланяпти.

2017–2018 йилларда вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурига киритилган худудий лойиҳалардан импорт ўрнини босувчи экспортбоп 40 та лойиҳа таклифи саралаб олиниб, тегишли вазирликларга лойиҳа паспорти автоматлаштирилган тизим орқали киритиб борилмоқда. Бугунги кунда ушбу лойиҳалардан 15 тасининг паспортлари тегишли вазирликларга тақдим этилди.

Тадбиркорлик иқтисодиётнинг локомотивига айланиб бораётти. Бугунги кунда вилоятимизда 7559 та кичик бизнес субъекти мавжуд бўлиб, ялпи худудий маҳсулотнинг 26,5 фоизи ушбу соҳа хиссасига тўғри келмоқда. Бу эса мазкур тармокнинг имкониятлари накадар кенглигидан далолат беради. Энг эътиборлиси, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ахолининг 248,1 минг нафари иш билан банд.

Вилоятимиз ҳали ўз экспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдалангани йўқ. Саноат соҳасида етарли тажрибага эга бўлсан-да, мева-сабзавот экспорти бўйича эндиғина харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ва ташки ҳамкорлар билан алокаларни мустаҳкамлаш устида иш олиб бормоқдамиз. Бу эса натижаларда ёркин намоён бўлмоқда. Вилоят бўйича белгиланган йиллик экспорт режаси 62,9 миллион доллар бўлиб, саноат маҳсулотлари режаси эса 29,2 миллион долларни, мева-сабзавот маҳсулотлари режаси эса 33,7 миллион долларни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, шундай катта саноат салоҳиятига эга бўлган вилоятда, ундан-да кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти мавжуд.

Биз улардан унумли фойдаланган ҳолда биринчи ярим йиллик якуни билан вилоят бўйича 12,6 миллион долларлик саноат маҳсулотлари ва 8,5 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширидик.

Сўнгти йилларда вилоятимиз маркази – Навоий шахри ҳам ўзгача қиёфа касб этиб, янги курилаётган кўп қаватли уйлар хисобига кун сайнин кўркамлашиб бормоқда. Бу уйларни куришда замон талабларига катта эътибор каратилмоқда. Уларни бунёд этишда ижтимоий инфратузилма ва бошқа барча қулайликлар эъти-

борга олинмоқда. Шаҳарларда арzon күп хонадонли уйларни куриш дастурига асосан 2017–2020 йилларда Навоий шаҳрида 840 хонадонли 20 та туар жой бинолари курилиши белгиланған. Навоий шаҳар худудида хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан умумий киймати 126 миллиард сүмдан ортиқ бўлган 35 та кўп каватли уйлар курилиши олиб борилаётгани ахолининг уй-жой билан боғлиқ эҳтиёжларини кондиришга хизмат қиласяпти. Мазкур уйлар куриб битказилиши натижасида 1 минг 548 та оила замонавий ва шинам уй-жойларга эга бўлади.

Бундан ташқари, жорий йил давомида кишлек жойларда 1185 та арzon уй-жойларнинг курилаётгани ахолининг хаётий зарурат бўлган орзуларини рўёбга чиқаришга хизмат кильмоқда. 2017–2018 йилларда профилактика инспекторлари учун шаҳарларда 49 та хизмат квартираси ҳамда кишлек жойларда 121 та 2 сотихли, 3 хонали уй-жойлар курилиши кўзда тутилган.

Келажагимиз эгалари бўлмиш болаларимизнинг жисмоний соғлом ўсишлари йўлида амалга оширилаётган ишларимиз қаторида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган 2003–2016 йиллар давомида вилоятда 95 та болалар спорт иншооти куриб битказилганини айтиб ўтиш лозим. Жорий йилда тасдиқланган манзилли дастур асосида Нурота туманида 3285,3 миллион сўмлик ёпик сузиш ҳавзаси курилиб битказилди.

Яратиб берилган бундай шароитлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимиз ўшлари бир қатор нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, кўплаб совринли ўринларни кўлга киритдилар. Жумладан, жаҳон чемпионатлари ва кубокларида 2 та олтин, 3 та кумуш, 1 та бронза, Осиё чемпионати ва кубокларида 2 та олтин, 2 та кумуш, 10 та бронза, ҳалқаро турнирларда 51 та олтин, 29 та кумуш, 69 та бронза, Республика чемпионатлари ва кубокларида эса 285 та олтин, 302 та кумуш ва 353 та бронза медалларининг соҳиби бўлдилар.

Жорий йилда Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида вилоятимиздан иштирок этган 52 нафар ёш спортчи спортнинг 14 тури бўйича 50 та, яъни 17 та олтин, 16 та кумуш, 17 та бронза медалларини кўлга киритишиди.

Давлатимиз раҳбарининг “Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдиди, келажаги учун бекиёс аҳамияти ўйлар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳалқимизнинг миллий манбаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг ҳалқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришининг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда” дега айтган сўзлари барчамизни янгидан-янги парвозлар сари бошламоқда. Бугун барчамиз ана шундай эзгу ишларга ҳисса кўшаётганимиздан янада рухланиб, бутун куч-куватимизни она Ватан равнақига сарфлаётганимиздан гуурулансак арзиди.



Ойдин ҲОЖИЕВА

Ғанимат дамлар

Туркум



* * *

Бу хаётда ҳамма ғанимат,
Хеч ким бўлмас дунёга устун.
Гар мол-мулки бир пулга қиммат,
Жонинг сабил тириклик учун.

Рўзгор – горнинг чувалган тўри,
Ўраб ташлар оёқ-кўлингни.
Гоҳ тулкисан, гоҳида бўри,
Йўқотасан юрар йўлингни.

Кўлларингда сайраган торинг
Чертилмаса тоб ташлар, тинар.
Чўккиларда чарх урган соринг
Ўлжак қувиб қаноти синар.

Тун кечалар сукунатидан
Тополмайсан сехрли эртак.
Зим-зиёлик кўзинг оларкан,
Юлдузлар хам овутмас андак.

Кучоғингда ойдай тўлғанлар –
Фарзандларинг осмондай йироқ.
Болалиқда ёққан гулханлар
Оловида бўлма исинмоқ.

Ойдин ҲОЖИЕВА – Ўзбекистон халқ шоюри. 1942 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Ижодкорнинг “Шабнам”, “Мен севган қўшиқ”, “Манзиллар”, “Наво”, “Тароват”, “Шом шуълалари” сингари йигирмадан зиёд тўпламлари нашр этилган.

Жунжикасан, бўм-бўш бағрингда
Бурқиб ётар куз хазонлари.
Иншо битар сенинг тўғрингда
Хаттот кузнинг зар мезонлари.

Иншоларнинг хулосасида
Бахтми ёки ранжу аламдир...
Мен ўқийман куз нафасида:
Тириклик бу тансиқ байрамдир!

* * *

Дараҳтлар бир кучоқ заррин калава,
Тиллолар сочади тагидан ўтсанг.
Жиловдор куз қўшган олтин арава
Кишининг саройига чопар кисталанг.

Қамчисин босади шамол чавандоз,
Фознинг укпаридай титраб туар жон.
Ярим йўлда тушиб қоларми бехос,
Кўклам боғларига етарми омон –
Йўловчи инсон!

* * *

Қоғоз, қўнгироқлар вақтнинг эгови,
Пайраха мисоли учади умринг.
Ўчиб колмаганим кўринг, оловинг,
Эй маним юрагим, сайроки қумрим?

Чакмоклар тушади сенга юз бора,
Сўзлар найзасидан бўласан пора,
Шиддатли тўфонлар, бўронлар ора
Тинмай дукуллайсан юрак бечора!

Чакмок чакқанида кўкка солар дарз,
Остин-устун бўлар бу курраи Арз,
Сен тоқат бобида кимдан олдинг дарс,
Ловуллаб яшайсан еру кўк ора?

Сокин денгизларда туғилар бўрон,
Қайсар довулларга бешикдир уммон.
Вулкону қасирға бағрингда пинхон
Мўътадил яшайсан, кўксингда ёра!

Минг битта торинг-ла хаётга бандা,
Оҳу зоринг ила нажотга бандা,
Туғилган дамданоқ ёнган гулханда –
Юракда жон билан ўрнашган ишқинг
Сени олиб ўтар зулматлар ора
Эй сирли машъала,
Мангут машъала!

* * *

Кун чараклаб ётади.
Қирор тушган тунука
Том яраклаб ётади.
Бир тутам кун шошилар.
Осмонни опичлаган
Уфқ ерга қўшилар.
Бекасам тўн арчалар
Чаккасида кузги гул,
Мағурман деб жар солар.
Паға булат ўрмалар
Кўкда.
Намозшом кўяр
Тун кўзига сурмалар.
Йўллар қолар ҳувуллаб.
Ўй-уйга, тепа-тўйга.
Ўчокларда ловуллаб
Чарсиллаб ўт ёнади.
Кўнгилларда офтобдай
Орзулар уйғонади.

* * *

Кирад-чикар кийикчадай киз.
Оёғини ўпар остона.
Орқасидан юрар изма-из
Ўйинқароқ шамол дугона.

Қизнинг нозик ҳовуchlарида
Гул кулади қикиру қикир.
Юзидағи кулгичларида
Шуъла берар икки тутам нур.

Осмон тиник кўзгусин тутиб,
Кутиб туар қизни йўлакда.
Маст қиласи оламни тутиб,
Райхон иси хазончинакда.

* * *

Неки ўтди – жонингдан ўтди,
Жонмас, устихонингдан ўтди.

Етайд-етайд деганингда баҳт
Туткич бермай ёнингдан ўтди.

Дашт шамоли хасдек учирди,
Кун тиги қарвонингдан ўтди.

Ёруғ ёзда туриб корбўрон,
Титратиб осмонингдан ўтди.

Чумолидай эзгилаб гоҳ ғам,
Юрагингдан, қонингдан ўтди.

Сабр таги сариқ олтин деб,
Юрсангда имконингда ўтди.

Оҳ десанг, оташлар сачради,
Умрингдан, хирмонингдан ўтди.

Қизил гулдай кўкка чирмашган
Яшнаган бўстонингдан ўтди.

Кўклам кетди. Кузги рутубат
Чароғон осто ningдан ўтди.

Токат-бардош эди қалқонинг,
Бу савдо қалқонингдан ўтди.

* * *

Ё Худо, офтоб бунчалар порлок
Кун ботар чоғида, завол онида!
Симирсанг нурлари мисоли қаймок,
Қувватга айланар одам жонида.

Хушу хушвақт кунлар, ғамгузор кунлар,
Ёмғир шивалаган, қалин қор кунлар,
Ёзги боғлар каби хуш ифор кунлар,
Офтоб хамиртуруш одам жонида.

Эй қуёш, Тангри минг азал тафтисан,
Фумбагига кирган ипак қуртисан,
Эй, сен пари кизлар юртисан,
Жаннатдай абадий хур маконида.

Тунларнинг сир тўла хикоятида,
Заминнинг вулқоний ҳароратида,
Илохий тушларнинг башоратида
Офтобдан зувола кўриб яшайсан.

Бешикка ошиккан гўдакдай гоҳи,
Қафасига сиғмас юракдай гоҳи,
Кўкни қамчилаган гулдурақдай гоҳи
Офтобдан бир тола териб яшайсан.

* * *

Ялтираб ётибди кузнинг гуллари,
Ҳали изиллатар кишлар олдинда.
Сахар кировлари, аёз еллари,
Эркалаб хурмолар ёнар олтиндай.

Дала ҳовлиларнинг бўм-бўш боғида,
Ўйинқароқ шамол мезбонлик қиласар.
Мевалари туршак шотут шохидаги
Олаканот күшлар хушхонлик қиласар.

Нозанин атиргул сўнгти хандаси
Ақиқ ғунчалари бўлар очилиб.
Арча этагида нур алангаси –
Ужгон гунафшалар ётар сочилиб.

Букри тиргаклар ҳам вазмин ёнбошлар,
Дуврарак олмалар пилла мисоли.
Булутларчувалиб пойгасин бошлар,
Ўртада тоғ билан осмон висоли.

Кузги буғдойпоя – зангори денгиз,
Ям-яшил баркетдай товланар ҳай-ҳай!
Одам изин кўмсаб ангору андиз
Қамишлар тилида сайратади най.

Бахордан ёркинрок кузнинг палаги,
Сарпо саватида ипаклари кўп.
Кўксингда ёникли ошиқ юраги,
Тиз чўк, зебо кузнинг этакларин ўп!

КЕТМОНГА СУЯНГАН ОДАМЛАР

Эссе



Исройл
ХОЛБОЕВ

Ҳали ўн-ўн бир ёшлардаги гўр бола эдим. Хуфтон пайти ёвондан хориб келган энам остонага ўтириди-ю кон туфлади. Кўркиб кетдим. Онам шўрлик охистагина кўзларини юмиб, “отангни чакир”, дея зўрға пичирлади...

Бу пайтда отам Оқ жангал деган далада чигит экишга ер очаётганди. Гужумлар ва оқ жангал ўсиб ётган ташландинг ерни одамлар авлиё жой деб баъзан зиёрат килишга келишарди. Биз у томонларга боришга кўрқардик. Тонг саҳарда отам бир алфозда уйга кириб келди. Энамнинг аҳволини билиб, дўхтирга олиб кетди. Дори сепилган далада ишлаган энамнинг жигари заҳарланган экан.

Жуда узқ даволанди, биз тўккиз нафар болага кишлогимизнинг знагаси, етти фарзандини тупрокқа кўйиб ёлгиз қолган Тожихол момо қаради. Отамнинг қачон туриб, қачон уйга келишини билмасдик. Ердан кор кўтарилиб, тупрокнинг бағрига иликлик юргургандан то янаги коргача даладан келмасди хисоб.

Отамнинг кўнглига якин жўралари кўп эди. 70–80-йилларда донг таратган, каҳрамонликдан бошка ҳамма нишонларни олган Жаббор aka билан жуда якин эди. Отам у кишидан ёш бўлса-да, сенлашиб гаплашишарди. Жаббор Турдиев уста дехкон эди, ўша йиллари бригадаси 600 тоннага якин паҳта берарди. Асли тракторчиликдан чикқан, тиқилинч пайтлари ўзиям тракторни миниб кетаверарди.

– Жаббор, бу йил паҳтанинг аҳволи оғирми дейман, ҳеч мўлжални ололмаяпмиз, пландан чиколмасмиз-ов, – деди отам очилиб, сувсизликдан қотиб қолган кўсакни юлиб оларкан.

– Мендаям аҳвол яхши эмас, 600 тонна айтар оғизга осон, катта пайкалдан териб олишнинг ўзи бўлмайди. Бор бўлса-ку, хўби хўп, лекин ҳосил ҳар йилгидек эмас-да сабил.

– Чаноклар қотиб куриб қолган, ҳадеганда паҳтани қўйиб юбормайди. Теримчиларам зада бўп қолди. Чанокларнинг найзадек учлари бармокларини тешиб юборди.

– Вактида сув ичмагандан кейин ғўзанинг аҳволи шу-да, вактида намарза экмай шудгор суви олганимизда бутун бўйтиб ўтирасдик.

– Энди нима дейсан, арбоб-арбоб-да, умрида паҳтани кўрмаган ўрис вакил сенга, менга ўҳшаган дехконга акл ўргатгандан кейин кимга дод дейсан?

Исройл ХОЛБОЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1958 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг рус филологияси факультетини тугатган. Ҳикоя ва публицистик мақолалари вақтли матбуотда эълон қилинган.

Отам тушкун кайфиятда уйга эмас, яна далага кайтди. Қуёш бутун борликни жазилатиб турган бўлса-да, жикка терга ботган отам чидаётмасдан Қозок мозордан бошлаб Олти гектар, Оқ жантал, Масжид карта, Соявон, Хўқиз тили (хар бир даланинг номи бор эди) ёвонларини эринмай айланниб чиқди. Тизза бўйи бўлган гўзалар сувсизлиқдан “хансираф” нафас оларди. Тиржайб қолган кўсаклардаги пахталар чиртакка айланган.

Кузнинг биринчи кунлари бошланиши билан яна ўша “пахтачиликнинг хадисини олган” вакиллар пайдо бўлишиди. “Теримга туш”, “Бойлигимизни нобуд қилмай йигиштириб олайлик”, “Пахта – кудратли давлатнинг стратегик таянчи”, дея айюҳанинос солдилар.

Холбуки, ўша йили чигит кеч, боз устига намарза ерга экилган, пахта хали тўлиқ очилмаганди. Жаббор aka ва отамга ўхшаган бир-икки бригадир эътироz билдиришганди, икки-уч кун олиб бориб-олиб келдилар. Ҳатто райком бюросида (отам гарчи партия аъзоси бўлмаса-да) муҳокама қилишди. Партиядан ўчганлар ҳам бўлди. Ҳа, зўравон ўша тузумнинг сиёсати инсон кадр-киммати, шаъни билан ҳисоблашмасди.

Шу куни отамни олти ой ичida биринчи марта уйимизда кўрдик. Қандай кўзи кийиб ёвонни ташлаб келибди, деб ҳаммамиз ҳайрон. Якинда оёққа турган энам керогазга чой кўйишга тутинди. Дастурхон ёзди, уч-тўрт бўлак чакмок канд ташлади, биз болаларнинг нигоҳимиз қандларга қадалди.

– Жўраларингиз икки-уч сўрашди, Масжид картага сув олиш керакмишми, – энам чойни қайтара туриб отамга каради.

– Энди нимасига сув қўямиз, пахта куйиб-қакшаб бўлди-ку, яна теримга туш деб бўғзимиздан олиб турибди, – зарда килди отам аламини кимдан олишни билмай.

Йўқ, чидолмади, чойини ҳам чала-ярим ичди-ю, дахлизга чиқиб оёғига қотиб кетган пайтавасини ўрай бошлади. Илвираб кетган чопонини қўлига олди-да, ёвонга отланди. Бўсағадан чиқаётib, отам сўқинди. Кимни, нима учун, тушунмадик...

Эртаси куни эшитсан, бутун умри далада ўтган, хеч қандай мансаб, унвон, мукофот талашмаган партиясиз отам райком бюросида ҳайфсан олган экан...

1991 йилнинг 31 августи. 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни сифатида тарихга битилди.

Мустақиллик кунининг айнан 1 сентябрь – билимлар кунига тўғри келишида миллатимизга хос бўлган жуда катта рамзий маъно бор эди. Чунки дунё ҳамжамиятида эндиғина тан олинган мамлакат бамисоли янги туғилган бола бўлса, уни катта хаётга – кудратли давлатлар сафига киритиш шу куни мактаб партасига ўтирган фарзандларимиз қўлига ишониб топширилаётган эди. Оталар мустақил давлат барпю қиссалар, келажак авлод уни вояга етказиб, асраб-авайлайди.

1991 йилнинг 1 сентябрь тонги ҳалқимиз қалбига озодлик насимини олиб кирди. Орзулар ушалди, вужудларни тарқ этган армонлар ўрнини ғалаба нашъаси, шукроналик эгаллади.

Шундай фараҳбахш кунлар шурухи билан юрган дамларимда Юнус бувамдан хол сўрашга ўтиб колдим. Узок-якиндан танийдиганлар у кишини Юнус Турсун бува деб айтишарди. Билимли, мулоҳазали инсон эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортида душман асиirlарини айтилган манзилга кузатиб юрган. Урушнинг сўнти кунигача хизмат қылган. Лекин уруш қатнашчиси деган бирорта ҳужжати ҳам, мукофоти ҳам йўқ эди ва сўраб ҳам бормаган. Урушдан кейин узок йиллар жамоа ҳўжалигига ҳисобни бўлиб ишлади. Нафақага чикқач, дехқончилик, боғдорчилик билан шуғулланди. Ҳовлиси файзли, мевали дараҳтларнинг карийб ҳамма туридан бор эди, томоркаси йил ўн икки ой банд турарди. Ҳафтада бир марта бўладиган Хўжакул эшон бозоридан эгаллаган жойида албатта, ёнгок, олма, шолғом, картошка, ловия, мош бўларди. Юнус бувам Ойражаб момом иккисидан ортган, бизларга тарқатганидан

колган маҳсулотларини бозорга олиб чикарди. Ҳеч качон нархи устида тортишмасди, “Томоркадан дехкончилик-да, кўнгилдан чикариб бирор нима берарсиз-да”, деярди. Бувам газета, бадиий китоб ўқиб турарди. Мехмонхонаси ning токчасида Мухтор Аvezovning “Абай” романини, Абдулла Қаххор асарларини, Ян қаламига мансуб “Чингизхон” романининг биринчи нашрлари ва бошқа кўплаб китоблар териб кўйилганди. 5-6-синфларда ўқиб юрганимда ана шу асарларни, гарчи унчалик ақлим етмаса-да, вараклаб чиқканман. Кейинчалик олий маълумот олиб, ишлай бошлаганимда хам уйига борсам, бу китобларни уйимга бериб юбормасди, ўша ерда ўқишимга рухсат берарди. Ёши саксондан ўтиб колгач, авайлаб-асраб келган барча китобларини менга совға килганди.

– Болам, мана уйлар курилганига ярим асрдан ошди, тўкилиб колди, момонг иккимизга яраша иккита хона тиклаб олиш ниятим бор, савил шу шифери муаммо бўп турибди-да, – деб колди бир келганимда.

– Бува, уруш қатнашчисисиз, ҳақиқий жангда бўлгансиз, ижроқўмга бир хат килсан-чи, – деб ўзимча маслаҳат берган бўлдим.

– Ўша идораларга бош уриб боргим келмайди, худди урушга борганимни миннат қилгандай туюлади.

– Борганингиз рост, ҳужжатларингиз бўлмасаям, қанча жароҳат олгансиз, ахиртирик инсоннинг қофозча кадри йўқми?

– Йўқ-да, бу тузумда қора қилинган қоғоз хамма нарсани ҳал қиласди. Пенсиядан йигиб кўйганимиз бор, етади, топилса бўлди.

– Ўзи қанча пенсия оласизлар? – кизиқдим мен.

– Менини эллик сўмга якин-ов. Момонгники ўттиз атрофида.

– Бу билан рўзгор тебратасизми, пул жамғарасизми? Нахотки хизмати сингтан, бегона юртларда жангларда бўлган одамга шу пенсияни беришса?

– Дўкондан йилда бир-икки марта кийим олмасак, ҳаммаси ҳовлидан чиқса, оз берсаям ортиқча пулимиз йиғилади-да. Кўнглим сезаяпти, якин орада биз орзу килган кунлар келади.

Мустакиллик эълон қилинган куннинг эртасига бувамнига бордим. Катта ёнғок тагига ўрнатилган сўрида чордана куриб ўтирган бувам (бувамни бирор марта ёнбошлаганини кўрмаганман) китоб варакларди. Ўша пайтлар эски уйларини бузуб, янги иморатига эндиғина кўчиб кирганди.

– Энди бемалол, ҳеч нарсадан, ҳеч кимдан ҳайикмай гердайиб яшашимизга ишонч бор. Фақат бундай дориломон кунлар кадрига етиб, мустакиллигимизни араб-авайлалашимиз керак, – деди у.

Юнус Турсун бувам тўқсонни коралаб омонатини топширди. Истиклол йилларида бунёдкор ҳалқимиз амалга оширган ишларнинг гувоҳи бўлди.

Мустакиллик бешигида ётиб, ўзбек онаси ning алласини тинглаб вояга етган фарзандларимиз бугун ҳар соҳада ўзларининг билимлари, иктидорлари билан жаҳонни лол колдираётгани рост. Дунё санъат ахлини ром этган, спорт майдонларини ларзага солган, билим чўққиларини забт этган фарзандларимиз билан фаҳрланмай бўладими? Ҳар қадамда дуч келаётган улкан бунёдкорлик ишларида ўзбекнинг ҳалол ва фидойи меҳнати, тантилиги мужассам.

Тонг ота бошлади. Куз неъматларини ҳалққа тутиб, энди қувват тиклаб олиш учун киш уйкусига тайёрланаётган далалар сахарда окариб, янада жозибали кўриниади. Бу далада отамнинг, Жаббор Турдиев, Юнус бува каби меҳнаткаш, кетмонга суюнган одамларнинг хиди колган. Шафақни тўлдириб келаётган күёш нурларининг тафти ҳам, меҳри ҳам бугун ўзгача.



Одил ХОТАМОВ

Хокисор сўзларим сизни кутади

* * *

...Хотиралар, ракамлар, йиллар,
Киёфага айланар goхи.
Қай биридарайхон, жамбиллар,
Қай бирида отам нигоҳи.

...Уфқларга сингади сароб,
Йўлларидан адашар карвон.
Туйгуларнинг ахволи хароб,
Юраклардан кетади дармон.

...Қай биридан ёғар ёмғир, дўл,
Яшиаб кетар дала, қир-адир.
Қай биридан очилади ўйл,
Мени кайга бошлайди тақдир?..

* * *

Унсиз янграп боғларда баёт,
Хазонбарглар – мактуб бир энлик.
Ғанимат ва муждабахш нажот –
Қаршилайди кузги тенг кунлик.

Тортигб кетар қушлар каноти,
Илиқ, сархуш кундуз боридан.
Ёруғ тортар боғлар ҳаёти,
Мезонларнинг қўшиклиаридан.

Одил ХОТАМОВ – 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Шоирнинг “Кечки майсалар”, “Нигоҳлар”, “Дала ўйли”, “Нафас”, “Осмон иси” шеърий тўпламлари нашр этилган.

* * *

Урилади ойнанғта хар тун
Сояларнинг сассиз зарбаси.
Балки, бўлган тушингта мафтун,
Атиргулнинг ҳоргин шарпаси.

Кундан ортган ғамларни ича,
Бахт тўлишар яна ҳам майин.
Шуъладан маст картавоз кеча,
Тақдирингта фол очар тайин.

* * *

Вужудингда яшар оламлар,
Юрагингда ўзинг – биттасан.
Айтганидан қайтмас одамлар,
Ким тўнғиган, сен-чи, ўтдасан.

Олов меҳр хўп сева-сева,
Туйғуларинг қуёш сийлагай.
Бир қиз бордир – азалий шева –
Иши билан қалбинг нишлагай.

Сенингиз – бу бири кам дунё,
Сенингиз – бу ерни босар ғам.
Ой, юлдузиз тунлар сим-сиё,
Кунлар шаробида йўқдир таъм.

...Қари дунё тортар ҳомузга,
Яшамаган умрини ранглар.
Майин ҳаво охорли, тоза,
Йўлларингдан кетади чанглар.

Тоғларни ҳам кўтарасан даст,
Вужуд – уммон,
кўнглинг – нилуфар.
Кўзинг гулга бунчалар пайваст,
Фаришталар қўлингдан тортар.

Вужуд билан дил ўртасига
Рўзгор юки ҳали тушмаган.
Кулок тутмай сирлар сасига,
Хаёлларинг бўйдоқ – пишмаган.

Зариф сўзлар аллалар оқшом,
Шариф сўзлар уйғотар тонгда.
Тириклиқ – бу курашдан пайғом,
Ўзинг билан тушасан жантга.

Вужудингда яшар оламлар...

* * *

Нуржасаңонбекимга

Минг бир хил гиёхлар ифоридан маst,
Уммондай чайқалган сиғмай уфкка –
Қир-адирлар улкан тиғларга пайваст,
Табиат бу тонгда камалак туққан.

Оний бир суврати абадиятнинг,
Минг бир тус шуълалар – күшлар чолғуси.
Заминни минг бир хил бало, оғатдан,
Оҳанглар ва ранглар асраб колгуси.

* * *

Ниманидир излайман ҳамон,
Топганимдан тўлмайди кўнгил.
Андух, шодлик сийлайди ҳар он,
Туйғуларим майлига кўн, гул.

Шубха, гумон, олкиш тавозе,
Кўзёшларга силтагайман кўл.
Тасаввурга сиғмаган мозий –
Китобларга кўрсатади йўл.

* * *

Чечакларга келмагай малол,
Чўққилarda оху, алкорлар.
Қир-адирда ўтлар бемалол,
Булут каби оппок тулпорлар.

Мусаввирлар лола сайлига,
Келаверсин, дил берар нидо.
Чавандозлар келсин, майлига,
Кўпкаридан келади садо...

* * *

Уфкларда ичиккан рухни,
Аллалайди балки шафак, шом.
Жой излаган ғамни, андухни,
Раксга чорлар хилол – олтин жом.

Чўққиларда учкун – ўксинган,
Охуларнинг кўз ёши – қайғу.
Үйғонади чоллар кўксисда,
Армонларни қаритган орзу.

* * *

Мезонлар бу сирли хилқатнинг,
Донишмандлар хаёлларири.
Баргхазон хуш табиатнинг,
Одамларга саволларири.

Ҳаволарга сингар сўз, хаёл,
Вақт умиднинг содик ҳаммоли.
Ният, иймон топмагай завол,
Ризкин терар ҳамон чумоли.

...Тун күёши зар сочиб сим-сим,
Сукунатга тутар кўлкани.
Кўтарилар борлиги тилсим –
Боғлар аро еллар елкани.

* * *

Сабрим косасининг синиклариридан,
Тикланган иморат –
кўнгил уйи –
шеър.
Хаёл чашмасининг тиник бағридан,
Балиқдай сузади
ишиқ қароли –
сир.

Юрак зарбларининг акс садоси
Ва ё осмон тўла чулдироқ қушлар.
Оқ қоғоз –
ҳайратнинг оппоқ нидоси,
Сассиз сирин сочар нилуфар тушлар.

...Тарих карвонлари келар пешма-пеш,
Минг йиллик кудуклар сувин тутади.
Хиёнатдан холи,
диёнатга эш –
Хокисор сўзларим сизни кутади.



Шойим
ШЕРНАЗАР

Қизларнинг лабида кулади лола

Ватаним

Йикилгандан суждинг мени,
Кафтим тутиб сенга таяндим.
Сен хаётим бўлдинг мазмунни,
Фам, кувончга шерик Ватаним!

Қоқ бағрингдан очиб бердинг йўл,
Нурли манзил бўлди масканим.
Дунёларга узатганда қўл,
Бўла олдинг кўприк, Ватаним!

Кўз тегмасин деб она диёр,
Бўйларингта тумор қададим.
Ҳеч бир ерда топмас сехри бор,
Қалбда ўчмас битик Ватаним!

* * *

Шахмат
донасига ўхшайди умр:
ким отда-ю
ким пиёда юрап.
Тахтанинг
ок,
қора йўлларини кўр.
Кимдир шод ютади,
кимдир мот турар.

Шойим ШЕРНАЗАР – 1958 йилда тугилган. Ижодкорнинг “Тун эртаги”, “Сунбула”, “Соғинч даласи”, “Истара”, “Чанқовуз” номли шеърий китоблари нашир этилган.

Мўъжиза

Бир мўъжиза рўй берар аник,
Навоийни эслаган ондан.
Туйгуларга лиммо-лим тўлик,
Рухи келар афғон томондан.

Бир мўъжиза рўй берар аник,
Арш аълога етар ғазали.
Теграмизда айланар кўхлик,
Навоийнинг етти гўзали.

Бир мўъжиза рўй берар аник,
Булбул, кумри куйлаб тўймайди.
Бир авлодлар келар кўнглим тўқ,
“Хамса”сини кўлдан кўймайди.

Бир мўъжиза рўй берар аник,
Ҳазрат каби курад работлар.
Бир бу дунё лол қолмайди йўқ,
Лол қолади қадим Ҳиротлар...

Бир мўъжиза рўй берар аник...

* * *

Зардоли гуллари бир ҳовуч тилак,
Қизларнинг лабида кулади лола.
Кўкка кўтарилса ўйноки варрак,
Кийкириб-кийкириб чопади бола.

Момом чорсисида гуллайди баҳор,
Бобом димоғини китиклар ялпиз.
Қалдирғоч кирган уй хосияти бор,
Бойчечак ҳадикма, бўйларингни чўз.

Кўнглим осмонида турналар қатор,
Рухим суратини чизар самога.
Бахорим келдингми,
келдингми такрор,
Илтижом етдими, Момо Ҳавога?..

* * *

Уммон чўкиб favvос марジョンга етди,
Чин дилдан истаган иймонга етди.
Синовли дунёнинг кўринг бозорин,
Висол истаганлар хижронга етди.

* * *

Хиёбон...
Таралади барглар шивири,
Йўл қарайсан.
Аёй қалб сири.

Дараҳтлар...
Узо-ок ёрин куттан ошиклар,
Висол истар.
Умидвор улар.

Күшлар...
Менинг кўшиғимни айтади,
Севгим баҳор бўлиб қайтади.

Адоқсиз йўл...
Менинг хаёлларимдек узун,
Бизни яқин қиласди бир кун.

Хотира сўқмоғи

Туркманкишлoқ...
Атрофи дашт, чўл,
Ўт-ўланли катта узун йўл
Ариқ ёқалаган жийдалар,
Ҳайратларга сигмас дийдалар.
Ҳовлимизга суюнган балхтут,
Чўкирида осилган қурут.
Бир ёнида илиқ қумғонлар,
Бўз халтада яхна айронлар.
Дарвозамиз гужумли, бўртган,
Доим очиқ, кимнидир куттан.
Айвон ичи қалдирғоч уя,
Боғда кушлар килас кофия.
Зордолию ҳожиолмалар,
Офтоб шимиб юзга ранг олар.
Момик титар Мукаррам момом,
Урчуғида айланар олам...
...Варракларга кўчар орзулар,
Болалигим – учкур охулар...
...Уйгонади ширин хотира,
Бир-биридан асл бокира...

* * *

ДАРАХТМАН.
Баргларим тўқилиб кетган.
Пойимда ғамларнинг ўюми.
Бағримни аёвсиз
шамоллар титган,
Дардкашим куз –
кисматим шуми?

БОЛА НИГОХИ

Хикоя



Рахим ҚОДИР

Адҳам энди беш ёшдан ошди. Бугун негадир онасининг кўнгли фаш; юриш-туриши хам, гаплари хам бошка.

– А-я! – деб кичкирувди, онасининг жаҳли чиқди.

– Жим бўл, бақираверма!

Адҳамнинг дўндиққина гавдасида хайрат аломати зохир бўлди. Лекин онасининг “Зилола, уканғи кўчада ўйнатиб кел!” – деганидан қувониб кетди.

– Хўп, аяжон... Адҳамжон, мен хозир... – ичкари уйдан опасининг жарангдор овози эшилтилди.

Бир неча дақиқадан сўнг опаси зинадан секин-секин кадам ташлаб, унинг ёнида чўнкайди-да “Тупрок ўйнамайсан, устингни кир қилмайсан”, деб кўйлагининг этағидан тортиб-тортиб, тутгасини ўтказиб кўйди. Опасининг соч, бўйнидан уфурган антиқа хид унинг димогига урилди.

– Опа, нима сепдингиз?

– Жим... – опа жилмайиб бармоғини уканинг қорнига нуқди.

– Ҳа, айтинг...

– Тек тургин...

Кўпинча жеркиб ташлайдиган опаси бу гал ўзгарганга ўхшарди: овози майин, ёқимли, эгнидаги мовий ранг кўйлаги ўзига ярашган; орқасига ташлаган битта йўғон сочи ерга тегади. Унинг баҳтиёр, шодон чехраси – ҳаммаси Адҳамга жуда хам хуш кўринар эди.

Дарвозага яқинлашганда:

– Айтганларим эсингдами, ҳар томонга чопмайсан-а? – деди опа.

Адҳам ҳовлидан чиқса, бас, у ёғи – барибир: нима қиласи, нимани кўради... э-хе, шундай ажойиботлар кўпки, қайсига карашни билмайди, лекин опаси ғалати-да, уни эркин ҳаракат қилишга кўймайди, тергагани тергаган.

Кўшнининг дарвозаси олдида очилган ранг-баранг гулларга ҳаваси келди, бориб олмоқчи эди:

– Каёкка? – деб кайтарди опаси.

Рахим ҚОДИР – 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Бўтакўз”, “Пўлкан шоир ибрати”, “Ўзлари ким?” каби китоблари нашир этилган.

Хиёбоннинг қалин соясида икки аёл сухбатлашарди. Уларнинг олдида безанган аравачада жажжи кизча ўйинчоклари билан ўйнаб ўтирас, ўзича кикиркикир киларди. Адҳам опаси билан унинг ёнидан ўтаркан, индамасдан кизчанинг ўйинчокларига қўл узатди.

– Тегинма! Нега ундан қиласан? – деб унинг кўлини силтади опаси.

Улар юрган йўлкада негадир одам сийрак. Адҳам сарик, кўк, кизғиши рангда бўялган ўринидик томон югурди.

– Адҳам, чопма, йикиласан!..

Шу пайт уларнинг каршисида баланд бўйли, ок юзли, кирра бурун, кўзлари чакнок йигит (уни Адҳам аввал хам кўрувди) пайдо бўлди. Опаси унинг кўзларига хумор кўзлари билан каради ва олмадек силлиқ юзида кизиллик зохир бўлди. Шу тобда боланинг кўзига опаси ҳаммадан чиройли кўринди. Йигитнинг корамтири шими ва оч кўк чизикли кўйлаги хам Адҳамга жуда ажойиб туъолар, унинг харакатларидан, кўнғир соchlарини дам-бадам силаб кўйишидан хайратланарди. Йигитнинг қалинрок лабларида ёкимли жилмайиш нозир бўлди-да, Зилолага кўзини кисиб:

– Опаси, Адҳамжонни уришманг, у шўхлик қилмайди, – деб боланинг кўлига ялтироқ коғозга ўралган музкаймоқни тутқазди.

Улар йўлка бўйлаб секин юриб, ўнгта кайрилиб кетган томонга ўтиб, бир текисда киркилган буталар орасида кўринар-кўринмас ўринидикка ўтириди. Адҳам музкаймоғини еб тутагунча опаси билан йигит ёнида турди.

Бу ер тинч, осойишта... Дараҳт япроқларининг шитирлашидан майин шабада эсаёттандай туюлади. Кушларнинг сайраши боланинг кўнглига ёқади. У дараҳтнинг шоҳлари, қалин бағлари орасидан сайроқи кушларни кўргиси келди, кизикли нигоҳлари билан излади. У баъзан йигит билан опаси томонга хам қарайди. Уларнинг бир-бирига майин, ёкимли жилмайиб, паст овозда, аммо хурсанд ҳолатда гапираётганидан Адҳамнинг хам митти юрагида қандайдир севинч порлагандай бўлди. Кизик: улар учрашганда бўлар-бўлмас тергааш ўрнига кўнгилга илик сўзлар эшитишни билиб олди. “Адҳамжон, узоқка борма!”, “Адҳамжон, қаердасан?” Баъзан, негадир, опасининг овозига у йигитнинг овози хам кўшиларди...

Тоза ҳаво, ям-яшил майсазор. Адҳам ётиб олиб, дам ёнбошга, дам чалканча чўзилади; атрофга завкланиб қарайди: дараҳт шоҳлари мовий осмонни тўстандай кўринади; шоҳ, бағлар орасидан яркираган күёш нурлари кўзларини камаштиради. Аллакандай ўт-ўлан, майсаларнинг исидан тўйиб-тўйиб нафас олар, бундай ёкимли исданми ё ҳавонинг мусаффолигиданми ўзини енгил хис киларди. Адҳам иягини кўллари орасига кўйиб, тирсагини юмшоқ майсага тираганича катта-кичик дараҳт танаалари, ер узра гиламдай ёзилган яшил майсазор ва узокроқда йўлка бўйлаб тизилган турфа гулларни мирикиб томоша киларди. Шу пайт ўнг томондан иккита кучук кулоғини диккайтириб, думини ликиллатиб, Адҳам томон чопиб келди. Унинг ортидан кўлида тасма ушлаган аёл:

– Кўркма, кўркма!.. Тишламайди... – деда шу томон келарди.

Иккита пакана кучук: бири – узун тумшук, сарик ранг; иккинчиси – бети-ю, танасини оқ ва қора жун босган, тумшуғи зўрга кўринади. Иккови тилини осилтирганича Адҳамнинг якинида айлана бошлади.

Шу пайт бояги аёл уларнинг каватига шошиб келди-ю уларга караб:

– Йўқ, хавотир бўлмангиз... Булар злая эмас, ўйнар... – деди татар тилида.

– Адҳамжон, эхтиёт бўл, – деди опаси.

– Итларим болани яхши кўрар, ўйнар...

– Опа, айтуб бўлмайди-да, – деди йигит хавотирланиб.

– Ишан, ишан, хеч нарса этмас...

Икки кучук ҳам бу гапларни тушунгандек, кулокларини диккайтириб, бирбирига тикилганича қимир этмай турарди... Адҳам кўлини узатиб, ола-була сержун кучукни кўлига олмоқчи бўлди, лекин кўлига итнинг нозик тили тегиб кетганда боланинг эти жимирилади, ўзини ғалати сезиб, беихтиёр кулгиси кистади. Пахмок ит унинг кўлини хиддади, ялади; узун тумшуклиси эса кулокларини дам шалпайтириб, дам диккайтириб боланинг атрофида у ёқдан, бу ёқка сакрар, бир-бирини кувиб, чир айланар, бири акилласа, иккинчиси ундан баландрок овозда акилларди. Бола ҳам, икки ит ҳам қиска фурсатда бир-биirlарини билиб олгандек, иноқлашиб бирга ўйнай бошладилар...

Итлар сохибаси – ўрта бўйли, сарик жингалак соchlари оқ бўйини ўраган, семиздан келган татар аёл йўғон кўлида Адҳамга юмшок нон тутқазди. Бола худди у кўрсатгандек кафтига нон бўлакчаларини қўйиб, итларга кўлини яқинлаشتirdи. Улар олд оёкларини чўзиб, бошларини эгиб, нон бўлакчаларини бирин-кетин эҳтиётлик билан охиста тишлаб оларди. Бола кафтига итнинг тили текканида яна ўзини ғалати сезар, вужудида сесканишни хис килар, аммо бу холатдан завқланарди.

Уларнинг ўйини анча вақт давом этди. Кейин кучуклар эгасининг испораси билан пилдираб йўлга тушди. Кетар экан, иккови ҳам дам-бадам ортига қараб қўяр, Адҳам ҳам уларга кўл силкирди. Вақтини шундай ёқимтой кучукчалар билан ўтказган Адҳам жуда хушнуд эди.

Яшил буталар тўғсан ўриндиқдан опаси ва йигит ўринларидан қўзғалди.

– Юр, кетдик! – деб чакирди опаси.

– Каёққа? – сўради боргиси келмай бола.

– Ўй-га, – жавоб берди опа чўзиб.

– Яна озгина ўйнай...

– Бўлди! Шунча ўйнаганинг етар, бас! – деб опаси унинг кўлидан ушлаб етаклади.

Улар қалин буталар тизилган йўлак бўйлаб юриб, тўғри ва кенгрок йўлакка чикишди. Шу ерда йигит билан Зилола яна озгина гаплашди-да, йигит ер депсиниб турган Адҳамнинг лўппигина юзини бармоғи билан силаб сўради:

– Кучуклардан кўркмадингми?

– Йўқ.

– Ана шундай хеч кўркма, болакай! Ботир, довюрак бўл!

– Амаки, кимсиз?

– Мен дўхтирман, болалар шўхлик килса, укол қиласман.

– Мен уколдан кўркмайман.

– Обба, сени-е, тилинг мунча бурро...

Йигит Адҳамнинг бошини силади, унинг лўппи лунжини икки бармоғи билан оғритмай, секин чўзиб кўйди. Сўнг Зилолага маъноли қараб, чукур нафас олди-да, “Кетдим”, деди. Опаси эса мулойим, хумор кўзи билан қаради. Улар шу алфозда бир муддат бир-бирига тикилиб қолди. Ва иккови ҳам энтикиш, хўрсиниши билан ажралди.

Орадан оз фурсат ўтгач, Адҳам опасининг этагидан торткилаб, илжайиб сўради:

– Ким у?

– Мактабда бирга ўқиганмиз.

– Яхши амаки экан.

– Яхшими, сенга ёқдими?

– Ҳа, чиройли.

- Нимаси чиройли?
- Кийимлари чиройли.
- Ўзи-чи?
- Ўзиям.
- Аклли укажонимдан айланай!

Зилола укасининг нозик бўйни, елкасидан маҳкам ушлаб олганича ўзига томон тортиб, бағрига босди-да, пешонасидан ўпди. Опасининг юз, бўйнидан анкиган ёқимли хидга қандайдир хидлар аралашиб, бола димогига янада ўткир хушбўй ис таралганини хис килди. Бундан Адҳамнинг юз-кўзларида ҳайрат порлади:

– Опа, химм... – у бурни билан ҳавони хидлади. – Опа, яна сепдингизми? Буниси бошқача экан-а?!

- Ҳа!
- Ҳа, менга ҳам озгина сепинг...

– Кичкиналарга духи-атир мумкин эмас! – деб қатъий жавоб берди опа. Аммо укасига кўз кирида караб, бошини сарак-сарак килиб, ўз-ўзидан куларди. Бундан бола таажжубда эди.



Инсониятни болаларсиз бун- чалик севиб бўлмасди.

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ

Оқтovedа чўққилар уйғонар ҳар тонг



Бахридин
САДРИДДИНОВ

Бухоро фасллари

Шоир Тошпўлат АҲМАДзя

Бухорони севар баҳор, куз, кишлар.
Кўнгилни узатиб, кўнгилга тўлгин.
Бу манзилни кезсанг – синар ташвишлар,
Бухорога келиб, Бухоро бўлгин.

Бухорони севар баҳор куз, кишлар,
Орингни кўтарган минорларга бок.
Бухорога келиб-кеттан яхшилар –
Мехрин минорларга қадагай узок.

Кўнглингни узатиб, кўнгилга тўлгин,
Сингиниб кўл чўзгин, сен дала-тузга.
Ияриб чопгувчи маҳрами бўлгин –
Минорлар чўмилса Лаби Ҳовузга.

Бухорони кезсанг тинар ташвишлар,
Бу манзилга қору ёмғирлар кўнгай.
Бухорони кўриб, бўлсанг гар ришта –
Лайлаклари келиб бошингга кўнгай.

Бухорога келиб, бўлгин Бухоро,
Юзингни босавер ҳар бир гиштига.
Шомларни эмизган сахарлар аро
Юрагингни топшир, бу қадим ишққа...

Бахридин САДРИДДИНОВ – 1956 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг география ҳамда Навоий давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларини битирган. Ижодкорнинг “Истиғфор мамлакати”, “Ҳайрат гулхани”, “Хушхабар” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

* * *

Сехргар куз улкан боғларни кезгай,
Сарғаяди сархуш дарахтлар барги.
Таъбинг совуқ ҳаводан безгай,
Куз эса қозонин чаппа тўнкарди.

Тўкила бошлади барглар шовуллаб,
Шамолга ияриб роса тўзгайдир.
Куз бу гал олисдан булутни овлаб
Осмондаги дорга аста тизгайдир.

Гоҳида ёмғирлар куяр томчилаб,
Кузги ҳашакларни томга кўйидирди.
Сени изғириллар ўтар чимчилаб,
Эгнингта иссиқроқ кийим кийидирди.

Сарғайган гулзордан кочар капалак,
Ўрилмаган поя етимдек қақшар.
Сехргар бу кузнинг парвойи палак –
Хазонлар шамолни ўйнаб талашар.

Оlamни маст этар кузнинг товуши –
Хазонларни санаб, асло толмайсан.
Қарғалар гоҳида солишар шовқин,
Қотган барг ёзувин ўкий олмайсан.

Барглар йиртилади парча ва парча,
Йўлакни талашиб ерга оқади.
Боғнинг четидаги чайла дарчадан,
Дамин ичга ютиб хайрон бокади.

Сойдан қочиб келган арикча хафа –
Чорбоғдан ортига кайтиши гумон.
Ариқчага шўнгир уч-тўрт курбақа,
Чирик меваларни судрайди сичкон.

Куёшнинг тафти ҳам колаёттир кам,
Яланғоч новдалар кўкка етмайди.
Хазонларга бокиб қурийди тинкам –
Сехргар куз эса боғдан кетмайди.

Икки чумчук ўйнар новдада, ё Раб,
Кузга суйкалай деб, шамол елади.
Кувлашаётган икки чумчукка караб,
Яшасин мухаббат, дегинг келади.

Президент Қаримов * * * Аттишев, Узбекистон

Ҳаёт ойна десанг, расминг кўрарсан,
Кимдир шодланади бўй-басти билан.
Арпа эксанг, бир кун арпа ўрарсан,
Шоли тегирмонда кечар пўстидан.

Сой тошса ёмғирдан, сел аталгайдир,
Бир-бирин суюшган, эл аталгайдир,
Суяшни билмаслар чарчаб, толгайдир,
Селлар босиб ўтар унинг устидан.

Дунёнинг макрига бўлмагин хайрон,
Макрни сотарлар гоҳ киммат, арzon,
Макрдан маст бўлган, воҳ, битта нодон –
Суриниб йикилса, кўрар дўстидан.

Инсоф сотилмайди, эхсон қилинmas,
Инсофсиз дўст топmas, дўстга илинmas,
Гар тошни тишиласанг: синmas, бўлинmas,
Тоғлар кум бўлгайдир шамол дастидан.

Ватандан яхши ёр бўлмагай, эй дўст,
Ватан – мангу дараҳт, сўлмагай, эй дўст,
Рост сўзла, ростгўйлар ўлмагай, эй дўст,
Номардлар ўлгайдир сўзнинг ростидан.

Тақдир шаробини банда ичгайдир,
Ўнг томон ҳамиша чапдан қочгайдир,
Олманинг тагига олма тушгайдир –
Шафтоли термайсан жиода остидан.

Оқтов

Оқтова чўккилар уйғонар ҳар тонг,
Офтоб нурин санчади тикка.
Сойдаги майсалар шамоллар билан
Кураш тушар бунда яккама-якка.

Бу ернинг кирлари токқа суянар,
Мошинларни эмас, тулпорни суйгай.
Бу элнинг одами Ҳакка сигинар –
Кўнглини иймонга очиблар қўйгай.

Бу элда тулпорлар осмонга сакрапар,
Пойга кўрса, ерга ётиб олмайди.
Селлару лойларни кесиб, сачратар,
Тўртбурчак мошиндай ботиб қолмайди.

Бу даштда қўрикчи содда чўпондир,
Ҳар кун қирни кезар кўйлари билан.
Келсанг гар, мартабанг сенинг – меҳмондир,
Кутиб олишарлар тўйлари билан.

Бу ернинг боласи полвондир, билсанг,
Давраларга тушгай кафтига туфлаб.
Кўтариб кўяди, агар йикилсанг –
Кийиминг чангини қокади пуллаб.

Яратганни алқар яхши одамлар,
Оқтовга булоқлар бергани учун.
Оқтовни ҳам алқар бахши одамлар –
Осмонни кўтариб тургани учун.

Дунёни пойга дер, бу ернинг халки,
Пойгада ҳеч ортда колишмайдилар.
Дунёни суюган чўқкилар ҳакки –
Оқтовни дунёга алишмайдилар.



Инсонлар ё ҳасаг, ё қўроғмаслиқ, ёки
нафрат түфайли бир-бирининг дилини
оғримадилар. Доно қиши эса ақд-игроқ
ила буларнинг барчасидан устун туради.
Доноликка эришган одам ҳаммо атайдин
уринса ҳам бунинг ақсини қулоғмайди.

ЭПИКУР

Соғинсам... ёришади юрагим



Ҳилола
ИСМАТОВА

* * *

Мен эсам ёмғир,
Деразангни қанча чертсам,
Осмондан ерга қанча ёғсам,
Қалбинг кулф.

Шовдираб-шовдираб тўқилсам,
Жавдираб-жавдираб термилсам,
Барибир,
бу йиги сўзмас,
Кўнгилга сиғмас...

Қанча ёғсам ича олмассан,
Ёмғир тилин тушунолмассан.
Тупрокларга коришмагунча,
Кўз ёшимни тинглаёлмассан.
Мен йўлда колган хасрат.
Фамга ботгинг келса,
бир кара,
Қайгу чеккинг келса карагин.
Бунча фамгин,
бунчалар фамгин,
Тинаётган ёмғир товуши...

Ҳилола ИСМАТОВА – 1974 йилда туғилган. Навоий давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Китоблари нашр этилган.

Моҳира

Тун.
 Тўқайзор.
 Ҳеч қачон най бўлмас.
 Қамишлар шовуллайди:
 Моҳира бокира,
 Моҳира бокира.
 Ҳеч қачон келинчак бўлмас қиз йиғлайди,
 Елкасида этиклар зарби,
 Конталаш лаблар,

тўзғиган соchlар...

Йиртилган кўксида муҳаббат дарди,
 Бир тутам ёлғонга зор-зор термилар...
 Пешона шўрими аччиқдан-аччик,
 Дунёнинг исмими шайтони лаъин.
 Сут келмас кўкракдек ер каттиқ,
 Сиғдирмас, бағрига борганинг сайин...
 ...Ўзингдан кечганинг сайин ўзингсан,
 Биргина юрагинг сендан тонмайди...
 ...Қамишлар шовуллайди:
 Моҳира бокира,
 Моҳира бокира...

* * *

Коронгида тебранар
 Юрагим шамъи,
 Бир куй шамолида телбадек жоним,
 Ё ишқ, ё кайғу,
 Ё оғу таъми,
 Ё куиди хонумоним
 Ё ташнилик, ё жунун,
 Ё бор-йўғи соғинч алами...

Софисам минг асрга
 Ёришади юрагим.
 Вакт тўхтайди,
 Давр деворлари йикилар.
 Худди илк маротабадек,
 Гўзалликдан мингинчи бор
 Яраланаман...

Оёғимни ўрайди гуллар,
 Рутубатли тупрокка
 Юзим босаман.
 Умр сайин кенгайган боғда,
 Минг йилки ўзимни
 Излаб юраман...

* * *

Кўнгил
Факат кўнгил,
Адашган сингил,
Сокингина, маъсум мусича...

Дон яширган
Кафт ёзувини,
Тумшукларинг билан қонатдинг...

Кафтлар юмилди,
Кафтлар йиглади,
Чизиклари уйқашиб кетди...

Қайси йўлдан учасан энди?..

* * *

Мұҳаббат,
Одамлардан сен ҳақингда сўрадим.
Улар эса ўzlари ҳақида гапиришди...

* * *

Тамом.
Нукта.
Аламли нукта.
Қисматнинг қилиғи,
Пушаймон синиги,
Юрагингда шимилмас ҳаво,
Кўзларингда ўйнамас сабо.
Етмасмикан энди илтижо,
Яマルмасми виждон синиги?
Нега шундай ҳамиша ғарип,
Жарангламас энг сўнгти йиги?..

* * *

Хазонни силкитиб тўкаётир куз,
Кўнгли колганга ўхшайди.
Осмон узра биринчи юлдуз
Үйимнинг устида тўхтайди.

Узоқдан баҳтиёр чирокларнинг
Коронғи деразамга акси тушади.
Сўнг, остоңада соат чик-чики
Имконига имкон олиб кўшади.

Тун уйдан қайгаям кочаман,
Деворлар юрагимга қадар юради.
Шошганимча деразамни очаман,
Баҳтиёр чироклар акси туради.

**Исајон СУЛТОН**

ҲАЗРАТИ ХИЗР ИЗИДАН

Қисса

БИРИНЧИ ҚИСМ

ҚИЗИЛҚУМДАГИ ВОҚЕА

Кун кизиб кеттган эди.

Сахро аллакачон жонланган, майда жонзотлар күм ва кесаклар аро ризк илинжида чопишар, сугурлар инларидан чикиб, каккайиб туришар, катта бир тошибака күмни силжита-силжита имиллаб, сал наридаги янтоқ соясига етиб олишга уринарди.

Хиёл нарида, ёлғиз гужум якинида ёш бир жайрон сувсизликдан ҳолдан тойиб, туёклари дир-дир титраб турарди.

Сахро жонзотлари унинг мажоли куриганини, тез орада ажали етишини сезишиди. Кулранг баргларга бурканган кирмизи юлғун шохига ўралиб олган илон аста судралиб, у томон үрмалай бошлади, ахён-аҳёнда тилини чикариб, ўлжа жойини аниклаб оларди. Юксакларда учеб юрган бургут ҳолдан тойган жайронни ўша баландликдан пайқади, айлана-айлана канот кокиб якин орага келиб кўнди-да, сариқ кўзларини тикиб тураверди. Қачонлардир сел ҳосил килган курғоқ жарликдан ёввойи дашт мушуги чикиб келди, вазиятни дарҳол чамалаб, чўлтикан ортида тек котди.

Нарироқда эса бир нечта жайрон ер тепиниб, не киларини билмасдан туришарди. Бири ахён-аҳёнда титраётган боласига якинлашиб исказ кўрар, тақдир ёзуғига чора тополмаслигини сезгандай ортига қайтар, унинг шу харакатида сезилар-sezilmas айланаеттган чархи давворанинг баҳайбат иродаси бордай туюларди.

Якинлашиб келаётган ажал шарпасини саҳронинг бошқа жонзотлари хам пайқашган бўлса эҳтимол. Аммо табиат буни дафъатган сездираколмайди, сабаби, ҳашароту ҳайвонлар кўрганларини тафаккур килиш иноятидан маҳрумдирлар. Воқеа-ходисалар саҳронинг ҳар жонзоти ҳофзасида муҳрланиб қолади, лекин идрок килинмайди. Шу сабабли, теградаги жон эгалари ажал шарпаси каршисида бамайлихотир турганга ўхшайди.

Айни маҳалда, кум узра олов ланғиллаб турган паллада узун яшил тўн кийиб олган бир киши шу тарафга караб шошилмай юриб келмоқда эди.

Хар томони бир неча кунлик йўл бўлган сариқ саҳро бағрида у одамнинг нима иши бор?

Исајон СУЛТОН – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1967 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Муножот”, “Оидинбулоқ”, “Боги Эрам” каби китоблари нашир этилган. “Боқий дарбадар”, “Озод”, “Генетик” романлари муаллифи.

Бургут унга қингайиб каради. Келаётган жон эгасининг ўлжа ёхуд емиш эмаслигини савки табиий ила сезгани учун ҳам жойидан кимир этмади. Шунингдек, бошқа жонзотлар ҳам унинг йўлидан четланишиди.

Буларнинг бари ҳаётнинг мангу қонуниятларига мутлак бўйсуниш аро рўй берди. Сахрода бир тўп гужум ўсан эди, яшил тўнли одам ўша гужум олдига келиб, бир дам тин олди.

Бу тур дараҳтлар нами буғланиб кетмаслиги учун жазира маҳалла вактида баргларини кўш нури тушмайдиган килиб тиккалаб олишади. Гужумнинг камбар япроқлари шу сабабли соя бермайди.

Гужум-ку ўз ҳолига, янада гаройиби шундаки, келаётган бу одамнинг ҳам сояси йўқ эди!

Ўзи нурдан иборат бўлса, нега соя берсин, ахир? Нур кўл билан ушлаб бўлмайдиган нарса-ку? У холда, Тангри таоло иродаги этган юмушларини қандай бажаради? Масалан, ҳаво ҳам кўзга кўринмайди, лекин қанча ишларни бажаряпти! Шуни-ки оқувчан килиб кўйган зот, яна бир кувватини юрувчан килиб кўёлмайдими?

Бироқ, кўрганлар уни одам сифатида талкин киладилар. Айтадиларки, тахминан олтмиш-етмиш ўшлар орасидаги тик қадли бир чол экан. Чол бўлса, бу фалати сахрода кезиб юришга кайдан куч-кувват топақолди? Яна айтадиларки, гоҳ кўзга кўриниб, гоҳ кўринмасмиш. Инсонлар кўзига кўриниб-кўринмай юришидан кўзланган максад не экани ҳам сирлигича қолаверди.

У одам кафтини кумга тутган эди, салдан кейин тўсатдан ўша жойдан митти булоқ кайнаб чиқди. Иссик, курғок кум зилолни дархол шимиб олди.

Сув!

Сахрода пайдо бўлган нажот иси ҳар ёкка ёйилди. Бироқ, жон эгалари яқин келишга журъат қилолмай турардилар. Наридаги қушлар, юронлар, шоқоллар ва кийиклар гоҳ-гоҳ ер тепиниб, унинг кетишини кутишарди.

Ҳаёт!

Ҳаёт манбаи бўлмиш сув ингичка жилга ҳосил килиб, кум бағрига сингиб кетмоқда эди.

У киши кафтига сув олиб, ҳолсиз жайрон боласи ёнига келди. Жонивор ундан хайикмади, балки ҳовчудаги зилол оч-пушти дудокларига теккани он жонланиб, ютокиб-ютокиб ичиб олди. Сўнг сургала-сургала булоқ ёнигача келди.

Киши узоклашиб кетар экан, жайрон боласи оёққа турган, янги пайдо бўлган булоқ теграсига курту қушлар тўпланиб олган эди.

Жайрон боласига ёрдам берган номаълум кишидан шу воқеа қолди, холос. Орадан йил ўтиб-ўтмай, ҳар сахар чўл адогидан сарик кўш ловуллаб кўтарила бошлаган маҳалда турли-туман жонзотлар сув ичгани келадиган жойга кишилар Жайронбулоқ деб ном беришди. Бора-бора, ҳалқ тилида у Жарабулоқ бўлиб кетди.

ТАҲРИРИЯТДАН

Халқимизда Ҳазрати Хизр билан боғлиқ турли ривоятлар юради. Бу образ бизнинг идро-кимизга шу қадар сингишиб кетганки, ҳаётимиздаги у ёки бу ўзгариш, асосан, ижобий воқеаларни Хизр билан боғлаймиз, унинг кўллашини, мададини кутамиз. Қизиги шундаки, Хизрни қандай англаш ҳам кишининг онги даражасига боғлиқ экан. “Ҳазрати Хизр изидан” қиссаси шу ҳақда баҳс юритади. Шу ўринда яна бир қувончли хабарни маълум қилишини лозим топдик. Мазкур қисса Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган “Open Eurasia – 2017” танлови голиби деб эълон қилинди. Адабни ва адабиёт муҳлисларини ушиб ёзтироф билан чин дилдан кутлаймиз.

ДАШТУ ТУЗ

Шоймардон чол тулки овлаши билан донг тараттан тажрибали овчилардан эди. Ҳозир у ўтова олдида теваракни кузатиб турарди. Чўл қүёши кўтарилиб улгурди. Ғумайлару кавралар иссиқда тек котди.

Шоймардон чол тулки тутишнинг ўзига хос усулини ўйлаб топган кишилардан бири эди. Кечакиеваси билан ошқовокни тулки боши сифадиган даражада кирқиб, ичини тозалаб, янги ивиган қатикдан куйиб кўйди. Шундай тузоклар ҳозир чўл бағридаги беш-олитга жойга ярмигача кумга кўмилиб турар, айёр тулки келиб қатик ичгиси келганида бошини қовоқка тиккакч, чикаролмай иргишлаб-ирғишлаб, ниҳоят тақдирга тан бериб ҳорғин чўзилиб қолишини кўп кўрган эди.

Тулкининг сут-қатик ичиши бор гап. Гоҳида ўтлаб юрган сигирлару эчкиларни эмбиб кетганини кўрганлар бор.

Невараси чакирганида, Шоймардон чол уйига кайтиб кетмоқчи бўлиб турувди. Салдан кейин отига миниб бориб карашса, тулкининг боши қовоққа тикилиб қолган, ғалати ҳаракатлар билан ундан кутулишга уриниб иргишлар, бирок қулоклари ҳал бергани учун чикаролмай, яна иргишилашга тушарди.

Бу – ўн тўққизинчи тулки эди.

– Ҳа-ҳа! – деб қувонч кулгиси ва ғалаба ҳайқириғи аралаш бакирди Шоймардон чол. – Ўн тўққизинчи! Ҳа-ҳа!

Кейин кум сочиб, тузокқа тушган ҳайвон сари чопди.

Бу усулининг афзаллиги шунда эдики, дашт айёрининг товланувчан чиройли териси бус-бутунлигича қолаверади. Уни сотса, нархиям баланд бўлиши турган гап.

Ҳар холда нима рўй бергани аниқ эмас, аммо шу маҳал барҳан ортидан узун яшил тўн кийган бир чол чиқиб келиб, тулкининг бошини қовоқдан чикараётганини икковлон ҳам кўришди.

– Ҳой аҳмок чол! Нима қиляпсан? – деб кичкирди Шоймардон чол, ўша томонга кум сочиб югуриб. – У меники!

Чол эса бу томонга караб ҳам қўймади. Бир маромда охиста кадам ташлаб, ўйлида давом этаверди. Ёнида тулки ҳам унга эргашиб бораради. Яна бироз вактдан кейин улар барҳан ортига ўтиб кўздан ғойиб бўлишди. Шоймардон чол ўша чопишида “тулки барибирам кочиб кетди” деб афсус билан ўйлар ҳамда ўлжасидан жудо килган чолдан аламини олгиси келиб турарди. Буталар орасидан чопа-чопа ҳарсиллаб барҳан устига чиқиб қараганида теварак бўм-бўш, жон зоти кўринмади.

Ҷўл кишиси теварагидаги жонзотларнинг феълини беш кўлдай билади. Бўлмаса тулкидай ҳайвонни хийла ишлатиб тузокқа туширамиди? Сарғайган ўт-ўланлар тугаб кум бошлангач, Шоймардон чол караса, тулкининг факат изи қолибди. Анави чол эса ерга кирганми, осмонга чикканми, хеч каерда ўйк...

Шоймардон чол из бўйлаб боравериби. Ўзи котма, илдам эди-да. Боравериб-боравериб, тулкининг иннини топибди. Барибирам кўлимга тушасан-ку деб хас-чўп ёкиб, тутун ҳайдабди. Бир маҳал караса, иннинг нариги томонидан ўша тулки чиқиб келибди. Ортида тўртта боласи ҳам бор эмиш. Шоймардон чолга қарай-қарай, узоклашиб кетганмиши.

– Мен уни ўгри деб ўйлабман, – деди кейинчалик Шоймардон чол даврадагиларга. – Тузок меники бўлгач, унга тушган ўлжа ҳам меники-да! Шум чол келиб, тайёр ўлжани олди-кетди, дебман!

– Болалари бор экан-да, – дер эди Шоймардон чол, бошини чайқаб. – Агар тери-сига кизикиб сотоворсам, тўртта боласи тиришиб ўлиб кетар экан.

– Аниқ биламан, ўша чол Хизр бува эди, – дерди кейин. Шу воқеа сабаб ўзгариб

қолган, такводор, художўй кишига айланган эди. – Қаранг-а, сал бўлмаса тулкичаларни уволига қолар эканман.

Шоймардон чолнинг уруглари кўп, кай бир ҳалқада ҳаммамиз бир-биримизга чатишиб кетганмиз, дейишни хуш кўришарди. Шуларнинг бари Шоймардон чолнинг Хизрга рўпара келганига ишонишарди. Чолнинг обруси ошди, Хизрни кўрган киши дея маросимларда тўрга чикарап бўлишиди. Лекин рўзгорига сира барака кирмади, қандай бўлса ўшандайлигича қолаверди.

Шоймардон чол узок яшади. Умри охирида тунда уйкуси қочиб, юлдузларга термилиб ўтирадиган одат чикарди. Невараларига гоҳо “Ўша кептан Хизр эди” деб гапиришни хуш кўпар, бирок ҳар гапирганида ич-ичидан эзилиб, афсус тутуни қалбини қоплаб олгани сезиларди.

– Қаранг-а, Хизрни кўрибман-у, хеч нима сўрамабман, – дер эди ўксиниб. – Овимни ўтирилаб олишини кўзлаган бир бетавфик деб хаёл қилибман. Роса коним кайнаган чогим эди-да, ов иштиёки жўш уради. Қилган ишимнинг нимасидир Худога ёкмабдики, Хизр келибди. Йўқса, модомики тулкини куткаришни лозим кўрибди, кўзимни кўрмайдиган, кўл-оёғимни ишламайдиган қилиб қўйсаям бўларди-ку? Эҳ, аттанг...

Шунингдек, ўша воқеадан кейин онгига рўй берган бир учқун ёлқини ҳакида ҳам гапириб берарди.

– Ўшанда миямнинг ичидаги бир нима чирс этди, – дер эди. – Кейин, ҳар нарсада хикмат кўрадиган бўлиб колдим. Қай бирини айтай? Масалан, устингиздаги кўйлак туфайли отангиз билан канча жанжал қилгандирсиз? Аммо, Худойим тулкига қандай ажойиб либос кийдириб, ясатиб кўйганини кўрмайсизми?

Болалар қарип-қартайиб қолган чолнинг гапларига кулишар, ёлғон деб ўйлашарди.

...Умрининг охирида Шоймардон бува воқеа юз берган жойга амал-такал қилиб бориб, бир неча кун ўша ерда ўтириди. Кароматли чол яна кўриниб қолармикин деган илинжда эди. Йўқ, ҳар канча синчилкаб термилса ҳам теваракда Хизр зухур этмади. Учинчи куни тўсатдан совук шамол турди, куз нафасидан дарак бериб, кора булутларни хайдаб келди. Умр кузи ҳам яқинлашиб қолган, тақдир шамоли ажал булутларни кисмат осмонига шу тарз хайдаб келаётганини сезарди чолнинг калби. Бир амаллаб ўша жойда лойдан мақбара ясади, қадимгилардан қолган усулни кўллаб, узун бир таёкка хўкиз думини осиб қўди.

Шоймардон чолдан шу гап-сўзлару ўша мақбара қолди. Хизр кўринган ерни ҳалқ “Ҳазрати Хизр мозори” деб атай бошлади...

Шундай. Бир инсон умрини яшаб, ошини ошаб ўтди-кетди. Ундан бор-йўғи шу воқеа қолди...

* * *

Юрт худудларида Ҳазрати Хизр мозори бир нечта. Ҳаммасида ҳам узун ёғочга түғқадаб кўйилган. Сабабини бирор билмайди, аммо мозор түғсиз бўлишини тасаввур килиши кийин. Одамлар гурос-гурос бўлиб зиёратга келишади, кимдир хўроз, кимдир курка, кимдир кўй опекилиб сўйиб, курбонлик киласди, хожати раво бўлишини сўрайди. Мавсум шамоли бултурги қурук ҳазонларни учирив одамлар оёқ остига олиб келиб уради, бошига катта дастор ўраган киши қалин овозда дўриллаб “...ва одамлар тўп-тўп бўлишиб, Оллохнинг динига кираётгандарини кўрсантиз...” деб кироат киласди, келгувчиларнинг аксарияти унинг маъноларидан бехабар, сўйилган курбонлик гўштларини пишириб, еб-ичиб ўтиришади. Томларда лолакизгалдоклар чайқалади, кушлар учиб-кўнади, юпун, уст-боши афтодаҳол, кўзларida хаёт чарчоклари котиб қолган саноқсиз ёшу қари оломони дарёдай бўлиб мақбаралар сари окаверади.

– Тавба! Хизр ўлганмидики, мозори бўлса?

- Хабаримиз йўқ. Лекин, тахминан мана шу ерда бир мўъжиза кўрсатган. Ўшанинг хаққи-хурмати, даҳма бино қилинганд.
- Ким бино қилган? Нима мўъжиза кўрсатган?
- Билмадик... Аммо кимнингдир мушкулини осон қилиб ўтиб кетган.
- Кайдан келган? Қайга ўтиб кетган?

Умуман, муттасил айланиб турган шу ёргу оламда акл бовар қилмас мўъжизалар кўп. Уларнинг мантикий исботини топишга акл ожиз. Гўё теваракда кўзга кўринмас беҳисоб яратиклар инсонларнинг айттар сўзига, фикру ўйига, дарду изтиробига шоҳид бўлиб туришгандай. Мисол учун, кетма-кет қиз кўрган киши ўғил орзусида, супракоқди кизалогига Ўғилой деб исм кўяди, қарабисизки, кейинги фарзанди ўғил бўлиб туғилади. Бет-қўлида холи билан туғилган боласини Холдор деб атайди, шу билан у хол тек турди, дарду балога айланмайди. Шунга ўхшаш, нажотбахш мозорлару макбаралар юрт бўйлаб сочилиб кетган, ҳар бири қандайдир мушкулини осон килишига кўпчилик каттиқ ишонади. Илмли кишилар имон бобида ваъзлар ўкишади, ботил эътиқод хавфидан огохлантиришади. Бирок, одамлар шу каби мозорларга ихlosини сира канда килишмайди. Катта-кичик кишлоклару касабалар кишилари дарё-дарё бўлиб оқиб келаверишади. Авлий зотлардан хожагларини раво килишини ўтиниб-ўтиниб сўрашади...

ТОҒЛАР ОРАСИДАГИ ВОҚЕА

Тиёнишоннинг кўк музларнию оқ корларини тўзғитиб сарсари шамол эсарди.

Кимсасиз кенгликлардан эсгани учун ёввойи туюларди. У баҳорнинг илик нафасини олиб келди, арчаю сарвларнинг эски шоҳларини синдириди, омонат харсангларни юмалади. Шу иликлик остида муз ёрилди. Унинг карсиллаган овози ҳайвонларни чўчтиб иборди, тог тепаларида ўтлаб юрган кийик галаси жон ҳолатда пастга қараб энди.

Шамол арчаларни синдириб ўтди, шоҳларни бир-бирига қарсллатиб урди, забти остида жонлию жонсиз ўз ҳолича нола қилмоққа, сас чиқармоққа бошлади.

Ағанаб тушган арча кийик боласининг ёғини босиб қолган, она кийик зурёди ёнидан кетолмасди. Сал нарида эса кўнғир пахмоқ юнгли айикполвон ўлжа топилганига ишониб-ишонқирамай, олдинги икки панжаси билан ағанаб тушган бошка бир дараҳтни кучоклаб, шу ёкка караб турарди. Ҳар ҳолда, кийик боласининг ажали етишини кутаётгани аён.

Шу талотўп орасидан яшил тўн кийган узун бўйли бир чол чиқиб келди. Яна ўша ҳолат рўй берди: ҳайвонлар ундан ҳайикишмас, бироқ итоат ила четланиб йўл беришарди.

Чол эгилиб, арча остидаги кийик боласини тутқунликдан озод қилди. Кийик боласи оқсоқлана-оқсоқлана чолнинг ёнига келиб, кафтига бўйинни ишқаб, титраб турарди. Ҳатто кўлларига нозик, чиройли юнглари ёпишиб қолди.

Чол унинг туёғига диккат билан қаради. Эт эзилганини, аммо суюк бутунлигини кўргач, ўша жойга кафтини кўйган эди, тўсатдан оқсоқланиши фойиб бўлди. Шодон сакраб-ййонклаб, онаси ёнига интилди.

Ҳар икковлон йўлсиз ўнгирлардан пастга, уюр томонга елиб кетишиди.

Шамол қаҳ-қаҳ уриб эсарди. Чолнинг соколларини юлқилар, тоҳ самога кўтарилилар, тоҳ ҳайбат ила ёйилар, теваракни зуғумига оларди.

Кимсасиз тог ораларида шу ҳодиса рўй берди.

Ниятига етолмаган айикполвон ўзича фўлдираб, ўлжа кўлдан кеттанига афсулсланиб дараҳтлардан бирининг танасини тимдалаб, сакрай бошлади. Улкан бу қайрағоч тепасида ёввойи асалари уяси борлигини биларди. Уя тепада бўлгани учун чиқолмаслигига кўзи ётса-да, асал иси димоғига урилиб, нафсини китикларди.

Яшил тўнли чол бу манзарани тек кузатди. Сўнг яна йўлида давом этди.

БУҒДОЙЗОР ВОҚЕАСИ

Айтишадики, эндиғина пишиб етилаёзган буғдойзор ёнида күришибди уни. Сап-сариқ олтин бошоқлар эгилиб ётган чиройли дала узра гуриллаб учган күшлар галасини томоша қилиб турғанмиш.

Буғдойзор коровули ўтлар бўликрок ўстган жойга сигирини бойлаб қўйган экан. Хабар олай деб келса, сигир аллақачон арқонини узиб, арик бўйига етиб олибди. Бўйини чўзиб, “тўлқ-тўлқ” сув ичайданмиш. Сал нарида эса баланд бўйли, яшил тўнли бир киши турғанмиш. Буғдойзор коровули уни танимабди.

Нотаниш киши буғдойзорни қок ўргасидан пайҳон қилиб кесиб ўтаётган одамга қаратади:

– Буғдойзорни пайҳон қилган одамга лаънат бўлсин! Буғдойзорни кесиб ўтган одамга лаънат бўлсин! – дея хитоб қиласмиш.

Коровул унинг нега бундай деганини, ўзи кимлигини сўрамоқчи бўлиб ўша томон юрай деса, сигир кўлидан чиқиб яна сувга интилибди. Бойлаб бўлиб караса, чол аллақачон олислашиб кетибди. Ҳа аттанг, сўролмадим-а, деб ўз ишига машғул бўлибди, кейин одамлар орасида, бир куни эсига тушиб, шу воқеани айтиб берибди.

– Ҳа-а, уни қаранг-а, – дейишди буни эшитганлар бир ҳикматни англагандай бўлиб. – Хизр бувага дуч келган бўлманг тагин?

– Йўғ-э, у сирамя чол эмас, кучга тўлган бақувват киши эди.

– Балки сизга ўшандай киёфада кўрингандир? Қандай истаса ўшандай кўринади дейишади...

– Қайдам... Хизр бўлиб бирон мўъжиза кўрсатмади-ку? Бор-йўғи “Буғдойзорни пайҳон қилиб ўтган одамга лаънат бўлсин” деди, холос.

– Ҳа, бирон йўловчи бўлса бордир... Нимага унақа деди экан-а?

– Буғдой бошоғи ризқ-ку? Сиз бошоқ нима дейишшини эшитганмисиз?

– Нима дер экан?

– Менинг ердан кўкартириб, ўзимдан кўпайтирдинг, битта эдим, юзта қилдинг. Бандаларингни ризкни ҳам шунака кўпайтиргин, дер экан!

– Ў-ў, ҳикматни қаранг!

– Ия, шошманг. Машраб бобо эсингиздами?

– Девона Машрабми? Ҳа, эсимизда.

– “Бир дона эрдим, минг дона бўлдим” деганида бошоқни назарда тутганмикин?

– Йўғ-э, одам қайд-ю, бошоқ қайда?

Ҳа, тупроқдан бош кўтариб чиқкан гиёхни, яни бир жон эгасини нобуд қилиш инсон боласига мувоғик иш эмас. Инсоният оламда Хизр аталмиш бир банда борлигидан Ҳазрати Мухаммад туфайли хабар топди. Ваҳоланки, хабар келганидан, яни Хизр ва Мусо воқеаси рўй берганидан сўнг минг йилдан зиёд вақт ўтган эди. Яратганинг у икки буюк бандасининг учрашуви ҳакида одамлар шунча асрлардан сўнг хабар топишганига қараганда, яна бир канча ақл бовар қилмас сирлар махфий турган бўлиши мумкин-ку?

Кўницилган нарсалар низомининг бузилиши одамни ўзига жалб қиласади. Мисол учун, “Фалончи ариқ сувини тескари оқизди” дейдилар. Содда кишилар хайратдан ёқа ушлаб қолишиади. Фалончи эса сув бетида худди ердагидай кадам ташлаб юради эмиш! Яна бири шомни Самарқандда, хуфтонни Маккада ўқиганини кўрганлар бор.

Ҳа, одамлар кўз ўнгидаги рўй бериб турган, ўлимни ва йўқликни рад этиб барқ урган минглаб мўъжизаларга ҳайратланмайдилар-у олам низомини кимдир бузса, оғизларини очиб анграйиб қоладилар.

Аммо, у воқеаларнинг бари тарихда экани ғалати. Ҳаёт давом этади, шодликлару кайгулар алмашаверади, кўзга кўринмай эсувчи кисмат шамоллари инсонларни болачак севинчи, ризқ шодлиги аро мағрибдан машрикка узлуксиз тортиклиайди, воқеаҳодисалар хикматларга айланни оңгларга куйилади, шуларнинг бари бир куни, худди бир голос мева берганни, бир курт пилладан капалак бўлиб учиб чикқани каби, ҳаёт хуласаларига айланади, етилиб келаётган ёш авлодга неларни дир хитоб киласди ва бетиним оқувчи умр дарёси уларни ҳам аста-секин кунботтар тарафларга оқизиб кетади.

— Кунботтарда нима борки, қайта-қайта айтилмоқда? — деб сўрашади улар, бу гапнинг маънисига тушунолмасдан.

— Қибла, — деб жавоб беришади кўпни кўрганлар. — Эсингиздан чиқарманг, қибла кунботардадир.

ЮНУС ХАЛФА ҚИССАСИ

Юнус бува барваста, соч-соколи мошгуруч кария эди. Айтишадики, бир маҳаллар ёшлигига, демакки, бундан эллик-олтмиш йил бурун бир муллага шогирд тушган, сабокни тузукрок эплай олмагани учун халфаликдан хайдалган экан. У гапни одамлар ўзлари тўкиб чиқарган бўлса керак, чунки нима бўлганида ҳам Юнус халфа анча-мунча илми бор одам сифатида обрў-эътиборга сазовор эди.

Биладиганреклар Юнус халфадан масала сўрашар, бирок, сўровчиларнинг ўзлари ҳам илмда ортиқрон эмас эдилар. Мисол учун:

— Дунё маҳлукми, маҳлук эмасми?

Бу хийлакорона савол аслида арабчани биладиган кишидан сўралади. “Маҳлук” арабчада “яратик” маъносини беради. Арабча билган киши “Ҳа, албатта маҳлукдир” деб айтади, чунки яратилишига разм солади. Билмас киши эса жони бор нарсаларни, янада жохилроғи фақат ҳайвонни маҳлук деб ўйлади ва кўзини бақрайтириб: “Ия! Дунё қанақасига маҳлук бўлсин?” деб ҳайратланади.

Юнус халфа бундай саволлар ортида хийла яшириганини билар, жохилроқлар олдиди шу каби саволларни ўртага ташлаб, ўзини илмли килиб кўрсатишни хуш кўрарди.

Умрининг охирида ибодатга жуда берилиб кетди. Качон кирсам ё айвонда, ё кулбасида ўтирганини кўрардим. Барваста, етмишдан ошса ҳам соч-соколида оқидан кораси кўп, кулимсираб турадиган беозор киши эди.

Аслида кишилар килар ишларини кила-кила, қартайишганида художўй бўлиб колишиса-да, Юнус бувадан сабабини сўраганим эсимда.

— Бир воқеанинг мазмунини тушуниб қолдим-у, кўрқиб кетдим, — деб жавоб килди Юнус бува.

— Нима ривоят экан?

— Ҳазрати Юнусни эшитганмисиз?

— Ким экан у?

— Улуг пайғамбарлардан бири. Уни бир куни каттакон балиқ ютиб юборади. Балиқ корнида бир неча кун колиб кетади. Ўша коронгиликдан туриб Худога ти-нимисиз ёлворадики, мени бу зулматдан куткар дея. Ниҳоят, Худо муножотини ижобат киласди, балиқ уни соҳилга чикариб ташлайди.

— Ҳа-а...

— У маҳал Юнус алайхиссалом хушдан кетган эди. Худонинг иноятини кўрингки, қок ердан бир қовоқ униб чиқади. Қовоқ тез ўсишини яхши биласиз. Салдан кейин яшил баргларини ёйиб, Юнус устига соя солади. Шундан кейин ўзига келиб қовоқ мўъжизасини кўргач, яна илтижо киласди...

— Хўш, нима бўпти шунга?

— Ана! Англамадингизми? Одамнинг калласида бир нима ярқ этиши керак-да. Ярқ этмаса қийин...

— Нима экан?

— Эй воҳ! Дунё деган балиқ қорнида етмиш йил яшабману бирон марта бу зулматдан мени куткар деб илтижо қилмабман, — деди у соколи титраб. — Мана, энди ажал кўрина бошлаганида титраб-какшайман-у эрта бир кун киёмат кунида Худойим ҳеч бўлмаса тепамда битта ковок ўстириб қўярмикин деб қўркаман...

Юнус бува етмиш уч ёшида оламдан ўтди.

Бу гаплар ҳамманинг эсида эди. Баҳор маҳали боргандлар қабр устида бир дона қовок барг ёзганини қўришгач, тонг қолиши. Лекин, ҳеч ким “Ҳа энди, бир сабаб бўлиб уруғи тушиб колгандир-да” демади. Ҳамма Юнус буванинг гапларини эслар эди. “Авлиё даражасига етиб колган экан-у, билмай копмиз. Қаранг; Худойим қабри устида киёматда соя солсин дея қовок ўстириб қўйди!” Хуллас, бирданига ҳамма Юнус бува ҳакида яхши гаплар айтадиган бўлиб колди.

Ўйлаб кетасиз: дунёда нечта Юнус бор? Ҳаммаси ўша саодатли Юнус бўлаверармиди? Бири ундоқ, бошкаси мундоқ. Нима бўлсаям ошини ошаб, умрини яшаб борадиган жойига бориб туриби. Лекин азбаройи ўша униб чиккан қовок ҳакки, одамлар бориб қабрини суваб, гувалакдан кичик бир сафана ҳам кўтариб қўйишди. Фариштадай киши эди, фариштадай кетди дея.

У қабр ҳалиям бор. Ёғирларда, шамолларда сувоклари кўчган кичкина қабрча. Қишлоқнинг оламдан кетган қўркам, барваста кишилари катори, Юнус бува ҳам ниҳоятда сокин, ғалати сукунат ичида ётиби.

Жойи жаннатда бўлсин!..

ИККИНЧИ ҚИСМ

Узлуксиз оқиб турган, оламда Тангри таоло кудратидан дарак бериб туралиган тириклик хаёти аро бундай ривоятлар ер юзининг деярли барча ҳалқларида турличи зухур этган.

Хозиргина Тангри таолонинг балиқ қорнида туриб йинглаган Юнус деган бандасини зикр этдиг-а? Уни масихийлар Иона деб аташади. Масихийлар талқини ҳам бизнинг қишлоқдаги талқинга мос: Тангри таоло иродасига бўйсунмагани учун уни денгизда балиқ ютиб юбориби. Барча мусулмон ўлкаларидағи ривоятлар эса айнан бир хил. Ёки ҳазрати Мусо билан сұхбат курган билимли бандани Хидреллез дейишади, бу исм ҳам бизнинг қишлоқлардаги Хизри Илёсга ўхшаб кетади. Теварак яшилликларга бурканган маҳал, экин-тиқин юмушлари бошланишидан аввал ўша ҳалқлар Хидреллез байрамини нишонлашади.

Юнус ибн Матто эса... бирданига уч қават зулмат орасида колди, дейишади билгичлар. Тун зулмати, дентиз зулмати ҳамда балиқ қорнидаги зулмат... Тангри истаса, бир неча кат зулматлар орасига тикиб юбориши ҳеч гап эмас. У воқеа қандай рўй берганининг тағсилотлари эса турли-туман. Шулардан ҳакикатга якини барибирам мусулмон ривоятларидир.

“Юнус ибн Матто имон чорловларидан чарчаб: “Бу ҳалқ сира инсофга келмас эканда” дея тун коронғисида бош олиб кеттанини эсланг”, дейилади асотирларда. “Ҳамда жўнаб кетишига чоғланайтган бир кема олдига келиб, нарги соҳилга ўтказиб қўйишни илтимос қилганини эсланг. Қаранг, мисли қўрилмаган ҳодиса юз бермоқда: Оламлар Парвардигорининг элчиси ўз вазифасидан юз ўтириб кетмоқда. Шунингдек, дентизда тўфон қўтарилиганини ҳам, уйдай тўлқинлар кемани ҳасдай ўйнатганини-ю кишилар унинг чорловларини эслашиб: “Парвардигорингта нола кил, тўфонни тўхтат” дейишаганини ҳам ёдга олинг. Шунда Юнус куръа ташлашни таклиф килди. Куръа уч маротаба

хам Юнусга чиққаң, кемадагилар афсус ва надомат ила уни денгизга отдилар. Кема остида то сохилдан бери сузиб келаёттан баҳайбат балик уни ўша захоти ютиб юборди. Бу воқеанинг ҳайбатига разм солинг. Тўғон шундан сўнг тина бошлагач, кемадагилар “Юнуснинг гаплари ҳақ экан-ку” дей барি бирдай имон келтиришганини ҳам эсланг.

Дунё маҳлукдир. Ундаги ҳою ҳавас балиғи сизни омонсиз ютиб юборишидан кўрқамаяпсизми?

Эсланг, шундан бошқа нажотингиз йўқ ахир. Бу воқеа оламда имон ва виждон ҳайқириги каби, ортида яна ўнлаб-юзлаб маъноларни жам килиб турмокда”.

Воқеанинг қисқача таърифи шу. Бирок, масиҳий уламолари ундан бизнинг Юнус бувамиз каби хулоса чиқаришганми-йўқми, номаълум. Юнус халфанинг оддий хулосаси эса одамни қизикириди, дунё ройишига теранрок назар ташлашга ундейди. Касаллик туфайли бир жойда ётиб қолган, ишлари юришмаган, кун кечиришга кийналган юзлаб-минглаб кишилар онгида шунга ўҳшаш: “дунё зулматида умрим ўтди” дегандай ўйларни хосил килади.

Бир-биридан гўзал, ажойиб товланувчи манзаралар, суратлар, лаззатлар, таъмлар, фасллар, ҳаволар, хидлар, тоғу аро барқ үрган мўъжизаларнинг пашши қанотичалик қадри йўқ эса, бунчалар ажойиб санъатта не ҳожат? Мисол учун, ўрдак боласи дунёни бошқача кўради, унинг ранг ва ис тушунчаси инсондан тамомила фарқли, ризқи бор-йўғи бир канча дон-дун ҳамда ҳашаротдан иборат. Ҳатто тиканники кўзни кувнатиб гул очадиган килибди, сахро маликаси ҳисбланими юлғунгаки кулранг баргу кизил тана ила чиройли киёфа баҳш этиби, бу ёргу оламни балик корнидай тор-у тант, ундан тезрок кутулиб колаколиши маъқул деб ҳукм килиш ўринилими?

Олимлар мана шулар устида баҳслашишади. Буларнинг бари инсон боласида хис пайдо бўлсин учун яралган деб уқтиришиади. Денгиз ҳайбатини кўриб акли шошсин, оламни сув энлаган маҳалдаги Нуҳ деган бандасининг ҳолини тасаввур этсин. Ичиб бўлмайдиган шўр сув аро ташниалик не эканини туйсин-у мана шу мухит аро турли-туман ҳаётни барқ урдириб кўйганини, истаса тошлар орасидан ҳам турфа хил ризклар чиқаришини идрок килсан... Юнус халфа-ку саводсиз киши эди, қачонлардир ўрганиб олган мукаддас оятларни бузиб-ямлаб талаффуз қиласди. Ажабо, саводлиларнинг ҳоли не?

Лекин агар инсон боласи кунлик ризкига итоат килиб, яна бир ривоятда таъкидлангани каби, дунёда юз йил яшайманми-йўқми дей ўзига тузукроқ уй ҳам курмаган бўлса, теваракдаги бу турли-туман акл шошадиган санъатлардан кўзланган максад нима?

Бу рангу таъмлардан, лаззатлардан, кўзни кувнатадиган нарсалардан биронтасини олиб кетолмаса, у ҳолда, олиб кетадиган нарсаси не?

* * *

Оlamda Xizr нечта?

Баъзилар айтадиларки, саноғини Худодан ўзга ҳеч ким билмайди. Одамзод унинг бигтасидангина хабар топди. Бошқалар айтадиларки, йўқ, у ягона эди.

Одам боласи бўлса, кайда, кимдан дунёга келган эди? Ота-онаси, қавму қарин-доши ким, наслу наасби не?

Ғайб билимлари ато этилган у буюк зот ҳакидаги саволлар кўпайса кўпаядики, асло камаймайди. Қачондан бери ер юзини кезади? Мусо пайғамбарга дуч келган Хизр не учун кейинчалик коинот сарвари бўлмиш Мұхаммад алайхиссалом қошига келмади? Демак, ўша пайтдаёқ ёргу оламни тарк этиб, Ҳақ раҳматига ковушақолдими?

Ер юзи турли-туман. Бир жойида инсонни мумдай эртиб юборадиган жазира-ма ҳукм сурса, абадий музликлар диёрларида қор бўронлари тинмайди. Улкан муз

тоғлары карсиллаб ёрилади. Ўша сувларда ҳам денгиз жонзотларип оқ айиклар Худо берган ризкка шукрон аро хаёт кечиришади. Шунингдек, ёмғирлар тинмайдиган ёки узлуксиз шамоллар эсадиган жойлар ҳам бор, уларнинг кўпиди инсон изларини кўрмайсиз. Ёввойи, ибтидоий табиат ғалати бир мувозанат ичра ҳаёт кечиради. Хизри аъзм ўша жойларни ҳам кезармикин, деган ўй келади. Ҳеч кимга кераксиз бир тулкини куткарибди, бир кийик боласига ёрдам берибди... Ҳўш, нима бўлти?

“Сиз Хизрга эмас, тулкига диккат килинг” дейишади билганлар. Хизр аслида имон йўлларини очиб юрган бир бандга эмасми? Сиз бошқа тафсилотларга эътибор каратинг. Бой-бадавлат кимсаларнинг кийган кийимларига, еган емишларига разм солинг. Оламда кундузу кўйнинг либосига ҳавас килиб, терисини шилиб олиб киядиган, жайрону кийикнинг гўзаллигига маҳлиё бўла-бўла ўтда қовуриб сайдиганлар бор. Ахир, “акл юритмайсизларми” деб бежиз қайта-қайта айтилмагандир?

* * *

Авлиёнинг бири сув бетида қадам ташлаб юра олар эди.

Бу холи одамларга мъълум бўлгач, ҳамма ҳайрон колиб, у сари окиб кела бошлилди. Бирок, авлий одамлар билан кўришишни сира истамасди.

Нихоят, сиру синоат ҳакида бир мартагина гапиришга рози бўлди.

Одамлар сўрашди:

– Қандай қилиб сув бетида юра оласиз?

– Ҳудди сиз курукликда юрганингиз каби, – деб жавоб қилди авлий.

– У ҳолда нега юрмайсиз?

– Кўрқаман.

– Нимадан кўрқасиз?

– Ҳар қадам кўйганимда “Ё Эгам” деб қадам босаман. Сув бетида жуда юпқа бир парда бор, “Ё Эгам” деганим учун ўша мени кўтариб туради. Сал чалгисам гарқ бўлиб кетишимдан шунчалар кўрқаманки, аъзойи баданимни кора тер босади, наинки дунё, балки ўзимнинг кимлигим ҳам эсимдан чикиб кетади, бутун фикру зикрим кирғокқа етиб олиш бўлади.

Одамлар бу изоҳга бир нима дея олмадилар.

– Э, мўъжизанинг бу тарафи ҳам бор экан-ку? – деб хайратланишди. – Худойим берган кароматларининг юки оғир бўлар экан-да?

– Сиз англаёлмадингиз, – деди авлий ота. – Тепангизда кўк осмон, остингизда каттиқ ер турганига алданманг. Ҳаммангиз сув бетида қадам ташлаб бораётган одам мисоли-сиз. У истагани он парда йиртилиб, тубсизликка гарқ бўлиб кетишдан кўрқмайсизми?

Кўринмас ота деган авлий бор эди, истаган маҳалида истаган ерида ҳозишу нозир бўла оларди, дейдилар.

Илон ота деган бирига Оламлар Парвардигори яратиб кўйган судралувчан жон згалари сўзсиз бўйсунишарди.

Сўгалии ота деган зот бир сийпаса, одам аъзойи баданига тошган тушунарсиз гуддалар – сўгалилар бир кечада ўз-ўзидан уваланиб тўкилиб тушарди.

Бундай зотларнинг яна бири – Арслон ота эса ҳайбати одамни кўркитадиган ваҳший арслонларни эшак қилиб миниб юаради.

Яна бири шамоллару фасллар қанотида келадиган марҳамату фалокатларни аник биларди. Шу сабабли, соchlари баравқт оқариб кетган, тинмай йиғларди.

– Тавба, – дейишарди одамлар. – Шунчалик кудратга эга қилиб кўйибди-ю, бу одамнинг йиғлашини кўр.

Ҳатто кўлсиз бир авлий сават тўкиб кун кечирганини, уни қандай тўкишига

кизиккан кишилар келиб кулбасига мўралашганида, Худо унга ғойибдан қўл ато эттанини ёки яна бири кўzsиз кўра олганини ҳам айтадилар. Сўкир киши шундай эканки, олисдаги тоғ тошига кўниб ўтирган турнанинг кўзигача кўриб турар экан. Яна, шу холларида, кўlsиз тўқийидиган, кўzsиз кўрадиган қилиб кўйгани учун Тангрига ёлвориб, марҳаматидан жудо кильмаслигини ўтишишар экан.

Кишилар у зотлардан яна нималарни сўрашганини-ю нима жавоб килишганини айтишнинг ҳожати йўқ. Билганлар сукут сақлайдилар. Билмаганлар эса турли тахминларини айтишса-да, уларнинг сўzlари кўпинчча ҳақиқатдан йирок бўлади.

АБАР ЎГРИ ҚИССАСИ

Саҳролари даштларга, даштлари водийларга, водийлари тоғларга кўшилиб кетган шу кадим худудлардаги сон-саноксиз кишлоқ ўрамларидан бирида Абар деган ўгри яшаган, дейишида.

Абар шунчалик шум, баттол эканки, кишиларнинг кўзини шамғалат қилиб, шундок бурнининг тагидан кўй-молини етаклаб кетаверар экан.

Биронта кишлоқда яшамас экан. Қачонлардир ота-онаси бағридаги шўхгина болакай эди, ота-она ўтгач, туғилиб ўсган маконини тарқ этиб, дашту саҳрого бош олиб кетган, дейишида.

Ўша теваракдаги Гувалдак деган бир кишлоқ аҳолиси бир куни пешин маҳали узоқдан бир киши келётганини кўришибди. Кўлларини кўзларига соябон қилиб караб туришса, Абар экан.

Кишлоқ оқсоколи бакирибди:

– Бу Абар-ку! Ушланглар ўгрини!

Ажабки, Абар киприк қоқмай қараб тураверибди.

– Ия? – деб ҳайрон бўлишибди одамлар. – Сен ўгри эмасмидинг? Нимага кочмасдан, тек турибсан?

– Одамлар Худога ишониб, савобдан умид қилиб, бола-чақасининг ризқидан кийиб топган-тутганини опкелишса, уни тия килган сен ўгрими ё битта-иккита мол ўғирлаган меними? – дебди Абар, киприксиз кўзлари юмилмай, безрайиб.

– Оқсокол нихоятда хурматли киши, беадаблик кильма! – дейишибди кишилар.

– Мен битта-иккита мол-қўйни очлигимдан, қорнимни тўйдиргани ўғирлаб кетардим, – дебди Абар. – Сен рўза-ниёз деб ҳалқни қанча молини единг? Мен ҳар ўғирлик қилганимда Худо деб борардим. У раҳм қилгани учун одамлар ўғирлигимни пайқамай колишарди. Сен эса Худо номини сотиб бойиб кетдинг. Қани айт-чи, кайси биримиз беадаб?

Одамлар нима деярини билмай қолишибди.

Нихоят акллирок бири:

– Муни ўгри деган номи бўлсаям, биронтангиз ўғирлик устида кўлга туширдин-гизми? Далил-исботингиз борми? – деб сўрабди.

– Йўқ, – дейишибди кишилар. – Аммо ўзи тан олиб турибди-ку?

– Гапидан қайтса-чи? – деб сўрабди фаросатли киши.

Шунақа баттол ўгри эди-да Абар.

– У ҳолда бир бандага жавр бўлмасин, – дебди ҳалиги киши. – Хўш, нима учун келдинг ҳалқ орасига?

Шунда Абар даштда рўй берган воқеани гапириб берибди.

– Чайламда ётвудим, – депти у. – Бир маҳал шарпа эшигилди. Чикиб қарасам, бир чол бир арслонни эшак қилиб миниб келаётган экан.

Чолни кўјтуринг-у арслонни ваҳшатини кўрсангиз эди! Баҳайбат, ҳар панжаси хо-

дадай, ёллари силкиниб-силкиниб, попилтирикли думини силкитиб-силкитиб көляпти.

“Ия” деб тилим калимага келмай серрайиб қолдим.

– Ҳа, Абар? – деди чол, менга. – Миррих пастлаб қолди, ётаверасанми?

Фельим терс-ку, “Миррихинг нималигини билмайман-у пастлаганидан гапирансан”, дедим.

– Пастласа-ю бошингга йикилса, сенга нажот берадиган бирор бўлмайди, – деди чол. – Тагида чумолидай эзилиб, абжағинг чикиб ҳалок бўлиб кетасан.

Шундай деб ҳалачўпини бир силкиган эди, юзлаб маҳлуклар пайдо бўлди. Орасида тимсоҳлару мен билмайдиган қўрқинчли вахшийлар бор эди. Бари тишларини иржайтириб вахшат киларди.

– Э тавба, – дедим. – Ҳой чол, ўзинг кимсану булар нима?

– Булар гуноҳларинг, – деди чол. – Ҳар битта қилмишинг бир вахшийга айланиб сени кутиб турибди.

– Ҳозир Гувалдак деган кишлокка борасан, – деди кейин. – У ерда эски бир маҷит бор. Ўшанинг нураб тушган деворини тузатасан, кейин одамларнинг хизматини киласан. Эвазига ҳақ олмайсан, ҳалқ нима берса шуну ейсан. Шояд гуноҳларинг афв бўлса. Шу тарика арслонини миниб, тепага ўрлаб кетди. Мен эса бу ёкка келавердим.

Одамлар Абарнинг гапларига ишонишмабди. Гарчи Абардай саводсиз бунақа гапларни қайдан олганига ҳайратланишсаям, барибирам ҳайдашибди. Бироқ, Абар уришса ҳам, сўкишса ҳам кетмасмиш.

– Шошманг, ахир, – дермиш. – Сиз у арслонларни кўрсайдингиз! Одам боласини омон қолдирмайди. Мен сиздан ош-нон сўраётганим йўқ. Шу мачитда сув-пув ташиб, супуриб-нетиб юрсам, бас. Хизматингизни қилай, ахир.

– Хизматингни бизга кераги йўқ, – дейишибди одамлар. – Шу пайтгача ўзимиз эплаб келяпмиз.

– Мен ахир, кўркяпман, – дебди Абар. – Нималигини сизга таъриф килиб беролмайман, аммо жудаям кўркяпман.

– Гуноҳни ўзинг қилдинг, тавбасиниям эпларсан.

Абар шу кеттанича кетибди. Уни бирор қайтиб кўрмабди. Нима бўлганини ҳеч ким билмади-ю орадан йил ўтиб, баҳор чоғида оқсоқол тилдан қолди.

Нега тилдан қолгани ҳеч кимга аён эмас. Ҳол сўрагани кирган кишилар ўзларини бардам тутиб, кўнгил кўтариш учун жилмайишб ҳол сўрасалар, деворни кўрсатиб кўзларини ола-кула килармиш. Ҳар ҳолда ўша ерда жуда қўрқинчли бир нимани кўрганини билдиримокчи бўларди, шекилли. “Э тавба, Худо бериб қўйган неъматларнинг қадрига етмаймиз-а? – дейишишарди одамлар, чикишгач. – Қара-я, тил деганлари бор-йўғи бир парча эт, кушдаям, ҳайвондаям бор, шуни опўйса, одамнинг ахволига бок!”

Ўша йили оқсоқол ўзига келмай вафот эди.

Шундан кейин Абарнинг дараги чиқди.

Даштга чиқканлар сахро кўйнида бир даҳма кўришибди. Кичкина булоқ жилдираб оқар, даҳма олдида соч-соколи ўсиб кетган Абар ўтирган экан.

Уни таниб бўлмасмиш. Авваллари шиддати ичига сифмайдиган, кора кўзлари ўйнаб турадиган серҳаракат йигит эди. Бу эса кўзлари жавдираган бир бечора. Агар Абар бўлса Худо инсоф берибди, дейишибди кишилар.

– Бу Арслон ота даҳмаси, – дебди Абар. – Уни шу ерда кўрувдим. Ҳакки-хурматига даҳма курдим.

– Бирон бир жонзорот йўқ жойда даҳмангдан нима фойда?

– Жон эгаси бор-йўклигини сиз қайдан ҳам билардингиз? – депти Абар. – Ҳар тонгда юзлаб курту күш тўпланиб келади. Шуларга дон-дун териб келиб сепаман.

Абар афсонаси шу тарика пайдо бўлди.

У мақбара ҳозир ҳам бор. Даشتдан тоғларга қараб ярим кун юрсангиз, яккам-дуккем ўсган бурғанлару чўл янтоқлари орасида устида туғи осилиб туради. Уни халқ Арслон ота дахмаси деб атайди.

Абар уннутилиб кетди. Уни бирор эсламади. Факат бир кишининг тушига кирибди. Ортида уйдай-уйдай баҳайбат ўргимчаклар, том бўйи чаёнлар бормиши.

– Булардан қандай кутулишимни билмайман, – дермиш Абар зор-зор йиглаб. – Бир зум тўхтолмайман. Тўхтасам, анавилар мени еб юборишиади.

Шундай деб ўтиб кетармиши.

У туш ростмиди, ёлғонмиди? Ҳар ҳолда рост бўлсаям, ёлғон бўлсаям бирорга нафи тегмаслиги турган гап. Умр давом этмоқда, кишилар ҳар куни ҳар хил тушлар кўришиади, ҳар бирига дикқат килинаверса, ҳаётнинг таъми қолармиди?

Абардан шу гап қолди, холос.

ЭНА ҲИКОЯСИ

Болам, турмуш оғир, ҳаёт машакқатли эди.

Мен янги келин бўлиб тушган хонадон ўзим катта бўлган ховлидан унча фарқ килмас, ўша-ўша заҳматлару меҳнатлар бу ерда ҳам давом этса-да, ўзимнинг рўзгорим деб кувонардим. Ҳар ҳолда, кизбola бўй етар экан, кун келиб ўз уйим-рўзгорим бўлсин деб орзу килади. Уйга кирсан, янги тўшакларимнинг исига суюнардим.

Кайдам, ўша пайтларнинг энг кувонтирадиган нарсаси янги кўрпа-болишлар, сўзанао пардалар бўлғанмикин? Латта-путталаримга қараб ҳам севинаверардим, ахир, ўн олти яшар кизалок эдим-да.

Жамалаксоч кизчалар менга қараб ҳавасланишса, ўзимни еттинчи осмонда сезардим. Худди катта бўлиб колгандай, қадру қийматим ортиб колгандай туоларди-да. Ким кўрса ўзингдан кўпайгин, ризқинг буғдойдай сочилсин, деб дуо қиласди. Билсанг, кизлар турмушга чиққанида энг катта орзу-ҳаваси – фарзанд бўлади. “Ўзимнинг болам” деган ёқимли ўй баҳтдан дарак бериб этини жимирилагади, кўзининг оку корасини бағрига бошишни жуда-жуда истайди. Мен ҳам бир этак ўғил-кизларим бўлишини хоҳлардим.

Орадан йил ўтди, Худойим фарзанд беравермади. Кўнглимга вахима оралай бошлади. Етти пуштим соғ, нимага бермас экан, ўзим билмай биронта гуноҳ килиб қўйдимми, деб кўрқдим.

Ўшанда момонг айтдики, ҳар жума нон ёпиб, етти қўшнига чиқараверасан. То бўйингда бўлмагунга қадар, ҳар чиқарганинг савобини Хизр бувага атайверасан. Баъзан пешанангта ёзилмаган нарсалар улуғлар дуоси билан насиб килади. Хизр шундай зотки, чакирсанг эшитмайди, чорласант келмайди, аммо унинг учун бир нима килсанг дарров билади. Ёруғ дунёда бирор савоб бағишиламасди, бу банда ким экан, деб дунёни нариги чеккасидан ҳам етиб келади.

Шуни билки, савоб ниҳоятда улуғ нарса. Одам боласидан бошқа биронта яратик савоб ҳосил кила олмайди, ўзгага бағишилашини-ку қўявер! Хизрки шунга зор экан, хикматини ўзинг биллиб олавер.

Яна, ҳар сахар турганингда дарвозанг эшигини албатта кия очиб қўй. Одамлар ўйқудан уйғониб-уйғонмаган маҳал Хизр бува тоза, саришта хонадонларга ризк улашиб ўтади, бетартиб, каровсиз уйларга эса қараб ҳам кўймайди...

Айтганини килдим. Ҳар жума етти патир пишириб етти қўшнига чиқаравердим. Кўни-қўшни ҳаккимга дуо килаверди.

Йил ўтгач, хўрлигим келди. Бостиридада молга ўтсолаётган эдим. Сигир туккан эди. Жонивор, бузокчасига шунаканги меҳрга тўлиб-тўлиб карайдики! Бузокча эса шаталоқ отиб, орка оёкларини кўтариб-кўтариб иргишилаб ўйнайди. Бир айланиб

онасининг ёнига қайтиб келса, бўйини чўзиб ғадир-будур тили билан ялайди, шунда бузок юнгидаги тарам-тарам хўл излар колади.

“Эй Бори Худоё, шу хайвонгаки зурёд бердинг, менга бермайсанми” деб йигладим.

Ана, энг ҳакир чумчукларгача бола очди. Чумолилар болалари билан ўрмалаб хирмон ёйицди.

Пакирни кўтариб, кўчага сувга чикдим. Кун иссик, жазирама. Шунда йўл четидан бир чол келаверди.

Бир карасам, танишга ўхшайди. Яна бир карасам, мутлақо нотаниш. Аммо юзкўзидан нур ёғилиб турибди.

Келиб айтди:

– Қизим, бир коса сув берсанг, жуда чанқадим.

“Хўп” деб сув опчикиб бердим. Чол мирикиб ичди-да, кулимсираб:

– Уйингда ҳамма дараҳтдан бор экану гилос йўқ экан-да? – деди.

Ҳовлида ростдан ҳам гилосимиз йўқ эди.

– Ҳа, шунака, – дедим.

– Ҳозир айни вакти, – деди. – Бостирма олдидағи анор қуриб қолган жой бор-ку, ўша жойга эринмасдан бир туп гилос кадаб кўй, бўптими? Янаги йил гуллаганида ўзинг суюниб, мевасидан ейсан.

Кейин қибла тарафга ўгирилди-да:

– Илоҳо, омин! Шундай бўлсин! – деб дуо қилди.

Үйимга қайтиб кирдим, косани жойига кўйдим, молга сувини охиригача бермаган эдим, бостирмага караб кетаётуб, бирданига тўхтаб қолдим.

Ёпирай, у чол уйимда гилос йўклигини қайдан билаколди?

Бостирма олдида ростдан ҳам анори қуриб қолган жой бор эди, ўша ерга бир нима эксамми деб мўлжаллаб юардим. Унака жой борлигини қайдан билди?

Юрагим ҳаприкиб, чопиб изимга қайтдим. Кўчага чикиб карасам, ҳеч ким йўқ. Иссикда тупроқдан ҳовур кўтариляпти, холос.

Ичимга чирок ёккандай бўлди. Эртасига бобонгта айтиб гилос кўчати опкелтирдим. Иккаламиз қададик, ҳар кетмон урганида, ҳар сув куйганимда “Худо” деб турдим. Гилос тутиб кетди, ўша йилиёк барг ёзи, бирок гул очмади.

Куз келганида тўшаклар билан авайлаб ўрадим. Ҳар куни хабар олавердим.

Яна баҳор келди. Дов-дараҳт яшилга бурканди. Гилосим гуррос гул очди. Гулларига караб, силаб-силаб “Сен-ку гул очдинг, мен-чи?” деб ўксиндим.

Отам барвакт ўтиб кеттан эди. Шу кеча тушимга кирибди. Оппоқ яхтакларни кийиб, янги белбоғларни бойлаб олган эмиш. “Қизим, рўзгорингда пичогинг йўқ экан, янгисини опкелдим” деб, тифи яраклаб турган пичоқни олиб сўрига кўярмишида, “Бу жуда ўтириш, эт-сүякни бирдай кесади, эҳтиёт бўлиб ишлатгин” дермиш...

Тавба! Тушда узук ё такинчоқ кўрсанг киздан, пичоқ ёки ханжар кўрсанг ўғилдан дарак, дейишмасмиди? Суюниб турсам, ўқчик келди. Сира тўхтай демайди. Ёмон бир нима еб кўйдиммикин? Чопиб бориб сув ичдим, сал босилди. Аммо бироз ўтиб ўтмай, яна бошлиди. Энанг раҳматли тирик эди, олма тагида ўқчиётганимни қўриб:

– Ана, – деди кувониб. – Худо беради демаганимидим? Ўзи, бетингни сепкили кўпайиб, холинг қорайиб қолганидан билувдим... Илоё умри-ю ризки билан берган бўлсин!

– Вой?

Тўсатдан келган баҳт шунака бўлар эканми?

– Ростданмикин? – дейман-у шараклаб кулагим келади, ичимга сифмайман.

Ҳамма ёк шу туфайли ўзгариб кетди. Рўзгорим нурга тўлгандай туюларди. Ажо-йиб тушлар кўтардим, яшил ўрмонлар оралаб чопиб юрган кийиклар, йўғон дараҳт

танаңыга тирмашып чиқишига уринаёттан айқын болғонлар, ердан кайнаң чиқаёттан булоқтар түшимге киради. Жайронларни бўйинни силаб ўтирган бўлардим...

Буларнинг ҳаммаси ўша чолни дуоси туфайлимиди? Қайдам... У авлиёмиди, деб ҳам ўйлайман. Бир карасанг унакага ўхшамайди. Яна бир карасанг, ростдай. Ўшандан кейин тўккиз ой ўтиб отанг, кейин аммаларинг дунёга келишди. Гилос йил сайнин бўй чўзуб, оламжаҳон гул очаверди, мевасини курту күш чўкиб кетаверди. Мен эса тўккизта болали бўлдим. Ахийири ёш им улгайиб туғмас бўлганимда, гилос ҳам куриди-колди.

– У чол ким экан?

– Хизр бува эди, – деди энам ишонч билан. – Қайларнидир кезиб юрганида, ҳар жума мен кўшнига берган патирларимни савоби бораверганига ҳайрон бўлиб, излаб келган-да. Ким билсин, кўзимга кўринмай рўзгоримгаям назар солгандир? Қараса, фарзанд илинжида куйган бир шўрлик... Раҳми келиб, дуо килгану кетган.

– Бошқа иши ўйқиди? Сизни патирингизни деб келармиди?

– Бекор айтибсан, – деди энам. – Худо уни бекорга яратибдими? Майдада-чуйда курту ҳашаротники бир юмуши бор, Хизрни бўлмасинми? Одамларни мушкулини осон килиб юрадиган кароматли зот у. Эҳ-хе, ер юзида канча одам бор? Шулар орасида юра-юра, ҳеч кимга билдирилмай бир нималарни тўтирилаб кўяди-да. Кейин ҳаётингга барака кела бошлайди, кайдан келаёттанига ақлинг шошади. Ич-ичингдан сезиб турасан-у кўзинг билан кўриб, кўлинг билан ушлаб ололмайсан. Энг муҳими, рўзгоринг баҳтга тўлиб колади. Кирсанг ҳам, чиқсанг ҳам сезиб тураверасан. Мана, битта баҳтим сенсан, – шундай деб юз-кўзимдан ўпиб-ўпиб олди энам. – Бир мўмин-мусулмонга яна нимаям керак бўларди? Рўзғорим бут, болаларим тўкин, шу-да баҳт...

– Кейин кўринмадими?

– Йўқ, сира кўрмадим, – деди энам. – Отанг туғилганидан кейин яна етти ой Хизр бувага атаб нон ёпдим. Ҳар сафар миннатдор бўлиб, раҳмат айтиб ёлавердим. Нон увокларини күшлар олдига коқсам ҳам савобини унга атайвердим. Хизр рўпара келмади-ю, аммо түшимга кирди.

Қарасам, ўша чол, кулимсираб турибди. Ортида қайгадир кетиб бораётган одамлар оломони...

– Тожинисо қизим, – деди.

“Ия, отимниям билар экан-да”, деб ҳайрон бўламан.

– Бўлди энди, етар, – деди. – Ота-онанг савобга зор бўлиб ётишибди. Шунча килдинг, бас. Мен ҳам Худони сенга ўхшаган бандасиман. Умрингни колган қисмида ота-онангга савоб қиласол, сендан розиман, деб ўша ғалати оломон ичига кириб кетди. Шундан кейин у ишни бас қилдим. Энди неки яхши иш қилсан, савобини ҳалигача ота-онамга бағишлайман. Уларни соғинаман, ичимда ҳалим кичкина қизалоқдайман... – хўрсинди. – Сизларнинг кўзингизга эса мункиллааб колган қари кампир бўлиб кўринаман...

Эл орасида яна юзлаб шундай ривоятлар бор.

Бирок, нима учундир у кароматтўй зот бугун ҳеч кимга кўринмайди. Тарих кишила-ри содда бўлишган десак, бугуннинг уддабурон одамлари ҳам у зотга дуч келишни орзулашади. Аммо, у йўқ, йўқ, йўқ! Шамоллар елади, теракларнинг учларини эгиб-эгиб, ёмғирга ҳомила булуғларни суриб келади, жалалар куяди, хаволар ўзгаради, наботот барқ уриб, яна йўқликка жўнайди, чорва туғилади, ҳалок бўлади... Ҳаёт бир хилда давом этса-да, бирон ерда бирор киши Ҳазрати Хизрни кўрдим демайди... Гўёки Мусою Юнус алайхиссалом ёки бошқа муборак кишилар каби вафот этиб кетган, ёди тарих катларидагина колган... Улар-ку Тангри таолонинг танлаб олган улуғ зотлари эзилар, эл аро авлиёларни ҳам кўрмайсиз. Ҳаммаси тарихда, аклу нигоҳ етиши мушкул зулматлар орасида, ўзлари етишган билимлари бағрида мангу оромга чўмишгандай...

БИЛИМЛИ КИШИ ВА ДЕВОНА ҚИССАСИ

Яккам-дуккам буталар ўсган дашту саҳро оралаб икки киши кетиб борарди.

Бири – бўйнида дор или, оппоқ кафанига чулғанган озгин, соchlари ўсиқ, иккинчи – яшил тўн кийган, узун бўйли, барваста одам бўлиб, улар ортидан бир кучук ҳам эргашиб борарди.

Бир жойга етганларида, яшил тўнли киши сўради:

– Дор оғочини арралаётган пайтим мени нега тўхтатдинг?

– Тақдир ёй, ажал ўқ, отувчи Ўзи бўлса, қайга қочардинг? – деб жавоб килди шериги.

– Тўғри айтасан, – деди яшил тўнли киши ўйланиб. – Ўзидан бошқа манзил йўқ.

Энди ҳар нарса ниҳоясига етди. Сафаринг хайрли бўлсин...

– Нима дейсан, кўриш насиб килармикин? – илинж ила сўради дор или бўйнида бўлган киши. – Дунё сари келиб, бир лаҳзада кетгандайман. Жамолини бир кўрай деб бутун умр ўртгангандайман. Ҳар нарсадан кечиб, бошимни остонасига кўйгандайман-у... Жонимни тараффуд ёқмоқда, ишқилиб, кўрармикинман?

– Остонадан ўтиб бўлдинг; – деди яшил тўнли зот. – Бундан у ёғига мен бора олмайман. Ҳар не дардинг бўлса, Ўзига айтарсан.

– Айтганинг келсин, – деди шериги. Сўнг тараффудланиб, бирданига юз-кўзи ёришиб, шундай деди: – Яна қайта кўришиш насиб киладими-йўқми, сен ҳам, мен ҳам билмаймиз. У ҳолда... мендан рози бўлгил! Алвидо!

– Сен ҳам рози бўл. Алвидо! – деди яшил тўнли киши.

Бўйнида дор или бўлган киши ўз ўйлига кетар экан, теваракни саҳро иссиги каби чулғаб бир нидо тарапди. У худди жони бордай, эгасининг ортидан кувларди. Куяңга айланниб, кумларни тўзғитиб сочар, гоҳ олдинга ўтар, гоҳ ортида колиб эргашиб борарди:

Ҳар кишини дарди бўлса, ийгласун ёр олдида,

Колмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.

Мансури Ҳалложедек ичib шароби антахур,

Чарх уруб, ийглаб турармен ушибу дам дор олдида.

Ҳар киши бир жўрае нўчи айласа бу бодадин,

Ул қиёматда қилур арзини Жаббор олдида.

Телба Машраб, қилмагил сиррингни зоҳидга аён,

Айтуб-айтиб ийглагайсан ошиқи зор олдида.

Икки зот шу тарика бир-бирларидан айрилишиди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Кун кизиб кетди.

Миллий университетнинг фалсафа факультети талабалари навбатдаги дарсга сира ошиқицмасди. Узундан-узок тарих воқеалари, тахминлару мулоҳазалар, қарамакаршиликлар уларни шоён зериктириб бўлган эди. Ахир, инсон акли тўлишиб, хаёт воқеаларини кўра-кўра кўзи пишиб, ўргангандан билимларини тажрибаси билан ҷоғиштирганидан сўнгтина фалсафага эҳтиёж сезади. Эндинина балоғат остонасини ҳатлаган ўшигит-қизларга эзма чолларнинг узундан-узок, қайдан бошланиб қайда туғашини билиб бўлмайдиган хулосалари хаётдан узок, кераксиздай туюлиши ҳам бор гап.

Кенг-мўл йўлакнинг эълонлар таҳтасига катта эълон осилган, унда бутун Мисрдан келган машҳур олим дарс ўтиши билдирилган эди. Ҳатто шу эълон ҳам талабаларни кизиқтирига олмади, факультет деканининг дўк-пўписаларидан кейингнига бо-

лалар иш жиiddийлигини сезишиб, хозир ўша аудиторияга боришга ва орқароқдаги ўриндикларни эгаллаб олишга шошмоқда эдилар.

Мавзу хам ажойиб эди: “Халк ривоятлари ва замонавий фан”.

Хар турли воеаларни мuloхаза қилган, ҳатто илмий қашфиётлардан хам фалсафий хulosалар чиқаришни севадиган бу фан энди кишилар оғзидаги ривоятлар негизида хам умумий ҳамда foятда ақлли хulosалар чиқаришга бел боғлагани аён.

Роппа-роса айтилган маҳалда аудиторияга Дониш домла кириб келди. Паст бўйи, пилдираб юриши, тепакаллиги ва насиҳатни яхши кўриши билан шу лақабга сазовор бўлган эди. Ёнидаги узун бўйли, котмадан келган, замонавий кийиниб, ҳатто кўкрак чўнтағига бўйинбоги рангида яшил рўмолча тақиб олган кишини эхтиром билан тўрга чиқаргач, Дониш домла завқ-шавқ билан эълон қилди:

– Шарқ фалсафаси академиясининг ҳакиқий аъзоси, бир канча олий даргоҳларнинг фахрий профессори бутун бизнинг меҳмонимиз! Хурматли олим бизларга ҳалк оғзида ҳануз кезиб юрган ривоятларнинг ҳакиқий талкинини аён килиш учун ташриф буюрдилар.

Талабалар орасидан узук-юлук карсаклар эшитилди. Дониш домла ўтирганларни жилтмайиб кўздан кечирар экан, нигохи дераза рафидаги қуриб қолган қовоқ поясини ҳамда корайиб турган ўлик чивинни илғади. “Оббо, бирор эътибор бермабди. Меҳмоннинг кўзи тушса шарманда бўламиз-ку” деб ўйлади норозилик билан. Бироқ энди вақт ўтиб бўлган, камчиликни тўғрилашнинг иложи йўқ эди.

– Хурматли талабалар! – деди Дониш домла, янада шодон овозда. – Рухсатингиз билан, мен бироз кириш нутки ирод этмоқчиман. Бутун сизлар билан бир канча асрлардан бери оғиздан-оғизга ўтиб келаётган мўъжизалар ҳакида сухбатлашамиз. Оддий кишилар ўтган замонларда турли-туман хаёлий кучларга эътиқод қўйиб келишганидан хабарингиз бор, албатта. Ундан ривоятлар бутунги кунимизда ҳам гоҳо учраб туради. Тўгрими?

– Тўгри, – узук-юлук жавоб келди аудиториядан.

– Инсон вужудининг имкониятлари бекиёс, бизлар унинг факат икки фоизинигина ишлата оламиз. Ҳалк орасида шу сингари эътиқодлар турли-туман. Мисол учун, Юнус деган пайғамбарни бир балиқ ютиб юборгани айтилади. Ёки дашту чўлларни кезиб юрадиган, мушкулларни осон киласидан Ҳазрати Хизрдан ривоят килинади. Хабарингиз бор-а?

– Ҳа.

– У ривоятларда ихтилоф шу калар кўпти, ақл бовар қилмайди, – деди Дониш домла. – Одам ютишга ҳамда уни ошқозонида бир неча кун олиб юришга қодир маҳлук нима экан? Ундан улкан баликлар уч турли, холос, яъни, юнусбалик, қашалот ҳамда акула. Юнусбалик ниҳоятда баҳайбат жонзор; лекин одам тутул, оддий баликларни ҳам ютолмайди, сабаби, томогида тароги бўлади. Қашалот ҳакикатан ҳам одамни ютишга қодир, аммо нима учундир инсон зотига сира яқинлашмайди, сеғзани заҳоти етти чакиримга кочиб кетади. Акулага келсан... баъзи ҳалклар уни кўпракбалиқ деб атагашади, чунки ўлжасига кутурган итдай ташланниб, гўштларини юлқилаб узиб-узиб сайди, яъни, ютмайди. Ёки Ҳазрати Хизрни олайлик. Уни кишилар шарти кетиб, парти колган бир чол деб тасаввур килишади. Тавба, чол бўлса, дашту саҳрони кезиб юргани кайдан куч-кувват топаколди? Чўлни кўргансиз, тикану янтоқдан бошқа бир нима ўсмайди, қайдан егулик топди, кайдан сув ичди? Лекин, деярли ҳар кишиларни кимга балиқ ютмайди ёки ўша айтилган Хизр ҳеч кимга кўринмайди?

Жавоб бўлмагач, Дониш домла ниҳоятда ҳакқоний шу саволидан ўзи завқланиб, давом этди:

– Ютгани ёки кўрингани билан... Хўш, кимга фойдаси бор?

– Ҳеч кимга! – деб жавоб берди ўзи, сўнг мuloхазаларини баён кила кетди: – Яқин замонларда ҳам ота-боболаримиз ниҳоятда қашшоқ ҳаёт кечиришган. У

қашшокликдан кутулиш имкони йўқлигини билишган, албатта. Шу сабабдан турли туман хаёлий зотларни яратиб олишган. Қадим ривоятларнинг барчаси худди дос-тонлару эртаклар каби, инсон орзу-хаёлларидан баҳс этади. Мисол учун, Сулаймон пайғамбарни шамол кўтариб учган дейдилар. Яна бири ўтда ёнмаган, бошқасини эса балиқ ютиб юборганимиш. Эътибор қиссангиз, инсон боласи юз йилдан бўён ўзи шамол хосил қилиб самоларда учеб юрганидан ташқари, фазога парвоз қилиб, Ойга ҳам бориб келди. Ўтда ёнмаслик масаласига келсак, ўт ўчирувчиларнимизни яхши биласиз, уларнинг маҳсус кийимлари олов бағрига бемалол кириб-чишишларига имкон беради... – Дониш домла бироз ўйланиб колди-да, давом этди: – Ҳаво! – деди шодланниб. – Ахир, олов ёнганида ҳавони сўриб олади-ку? Шу сабабли ўт ўчирувчиларнинг скафандрода ҳаво ёстиқчалари бўлади... Хуллас, замонавий илм биронта мўъжизага ўрин колдирмади. Бугун инсоннинг ўзи Ҳизрга, Сулаймонга, Иброҳимга айланаб бўлди. Балиқ қорнидаги одамга келсак... фазо зулмати олдида у нима бўпти? Инсон боласи аллақачон космик кема қорнида туриб, совук зулматларга-ю юлдузларга назар солди, бироқ, зулматдан кўркиб “Мени куткар!” дем нидо килмади, балки она Заминда ўзини кузатиб турган инсонларга қарата жилмайиб кўл силкитди... Мўъжизалар хозир рўй бермаслигининг сабаби мана шу! – деди у. – Энди сўзни ҳурматли олимиизга берсак-да, ижозатингиз билан, оламда ундан кароматли зотлар билимсиз, жоҳил кишиларнинг хаёлоти туфайли ўйлаб топилганини исботлаб берсалар!

Олим аудиторияни бироз кузатиб тургач, сўз бошлади. Овози сокин, босик, бироқ аудиториянинг охиригача бирдай етиб бораради. Бу овоз ҳаммани ўзига маҳлиё қилиб кўйди.

– Кун тиккага келган, икки денгиз суви бир-бири билан аралашиб кетмасдан, охииста долғаланаарди, – деди олим, гўё бу оҳанг билан ҳаммани олис диёрларга, бир тарафида саҳро куми денгиз каби тўлқинланган, бошқа тарафида эса денгиз суви саҳродагидай долға урган диёрларга олиб кетмоқчидай оҳангда. – Мана шу ғалати чегара кесишган жойда, кимсасиз соҳилда бир киши ва унинг хизматкори кетиб бормокда эди.

Олдиндаги кишининг исми Мусо, ортидаги сават кўтариб олган хизматкорнинг исми эса Исо Навин эди.

КИЗИЛ ДЕНГИЗ БЎЙИДАГИ ВОҚЕА

Исо Навин художўй киши эди. Бола-чакаси бормиди, асли зоти кимлардан эди, булар ҳакида бирор нима билмайди. Мусо алайҳиссаломга шоён меҳр кўйганидан унга хизматга ёлланган эди.

Хозир Тантрининг пайғамбари олдинда кетиб борар, шу туришида оддий кишилардан сира фарқ қилмас, чоригидан қолаётган излар ҳам оддийгина. Очкасак ермиз деган мақсадда тузланган баликни саватга солиб, Навин уни елкасига осиб олган эди.

Навин бу соҳилга нима учун келишганидан бехабар эди. Икки денгиз бирлашган жойда, теваракда жон асари кўринмасди. Жуда кўп воқеаларга гувоҳ мангу қоятошлар иссикда чатнаб-ёрилиб кетибди. Жазира маҳал майдага жонзотлар ўша ёрикларга кириб жон саклашади. Денгизнинг кўпикли сувлари соҳилга бош уриб, шовуллаб ортга қайтарди. У кўпиклар нима сабабдан хосил бўлишини Навин яхши биларди. Шўр сув ўзига тушган нарсаларни кўпикка айлантириб юборади, шу боисдан суви доимо тоза бўлади.

Орадан бироз вакт ўтгач, куёш найза бўйи кўтарилиди. Теварак иссикнинг зўридан мовий пардаларга ўраниб кўрина бошлади. Шу маҳал Навин елкасидаги саватда тушунарсиз харакат сезди.

Бу ғалати харакат эди. Эчкемар боласи кириб олдимикин, деб ўйлади Навин, ҳамда ёнига эгилиб, саватни елкасидан туширди-да, устидаги ёпкичини очган эди, тузланган баликка тўсатдан жон кирганини кўрди. Ўлик балиқ типиричилаб, ўзини

ташқарига отди. Сохилнинг сариқ куми устига тушгач, яна бир-икки билтанглаган махали тўлкин етиб келиб, уни ўз бағрига олди.

Навин рўй берган ҳодисага ақли етмай караб турарди. Бу файриоддий воқеа шу-урини караҳт қилиб кўйди, ҳатто тили калимага келмади.

Шундан сўнг ундан ҳам гаройиби рўй берди. Тузланган баликка жон кириб, сувда сузуб кетди. Аммо сузуб ўтган йўли қандок бўлса шундоклигича қолаверди. У хозир балик гавдасига мос, денгиз тубига караб чўзилиб кетган ингичка кувурни эслатарди.

– Ия! Ия! – дерди Навин, ҳангуманг бўлиб.

Шу маҳал сал нарида ажойиб бир соҳибжамол пайдо бўлиб, Навинга караб илжайиб, нозик бармогини лабига босиб “Жим бўл!” ишорасини килди, унга караб Навин серрайиб колди, файришуурый равишда саватини елкасига осди. Салдан кейин яна кайтиб қараганида, сохилда хеч ким йўқ эди.

“Иссикда кўзимга шундай кўринидимикин”, деб ўйлади у пешанасидаги терини артиб. Ҳа, иссик зўрайди, галати хаёлотлар кўрина бошлади.

Хамда ўзига келиб, хозир хаёлида бино бўлганлар кулгили ва бемаъни туюлиб, хожасининг ортидан эргашди.

* * *

Куёш янада кўтарилганида Мусо баландроқ бир қоятошнинг соясига келиб тўхтади-да, юз-кўзидаги терни артиб, хорғин товушда:

– Хой Навин! Кун тиккага келиб колди, тушлик килиб олсан бўлар? – деди.

Навин бош иргаб, сояға саватини кўйди. Унда балиқдан ташқари, бир кўза сув ҳам бор эди. Қумларни нари-бери суриб, ўтиргани жой тайёрлади. Ҳожаси учун сал наридан яласки бир тошни кўтариб келди. Кейин сават устидаги мовий ёпинчикни очди-ю, ҳанг-манг бўлиб колди.

– Ия! Ия! – деб такрорлади яна, тили калимага келмай.

– Ҳолимга вой! Менинг ҳолимга вой бўлсин! – деб бошига иссиқ тупрокни соча бошлади.

– Нима бўлди, эй Навин?

– Балик сувга тушиб сузуб кетди! Балик сувга тушиб сузуб кетди! – такрорларди у.

– Шўрим курсин! Анави соҳибжамол киз уни унуттириди.

Ҳозир хожасининг койишини кутиб, елкасини қисиб олган эди. Бироқ Мусо:

– Биз излаган нарса мана шу, – деди бирданига рухланиб. – Юракол, ортга кайтамиз. Сен у жойни эслаб қолдингми?

– Ҳа, сузуб кетган жойда изи колувди, – деди Навин ҳалиям ҳангуманг ҳолича. – Э тавба, сувдаям из коладими? Шундай ишниям унутадими одам?

Ҳожа ва хизматкор ортга кайтишди.

Бу кайтишнинг яна бир галати тарафи шунда эдики, келиш вактида енгил кўчган йўл энди бирданига мушкуллашиб кетди. Теп-текис сохилда юриш ҳам машаккатағ айланди. Ҳожа ҳам, хизматкор ҳам қора терга ботиб йўл босишаради.

Хийла вактдан сўнг Навин айтган жойга етиб келишганида, ўша ерда яшил либосга ўранган бир чолни кўришиди. У тўнининг бир тарафини бошига кўйиб, колган қисми билан устини ўраб сохилда тин олиб ётган экан.

– Ассалому алайкум, эй Тантримнинг билимли бандаси, – деб саломлашди Мусо у билан.

Чол қаддини ростлаб, Мусога караб:

– Жаннат ахли бир-бирига айтадиган бу саломни сен кайдан биласан?

Навин четроқда уларга караб тек турарди. Бу курғоқда усти боши топ-тоза, ўзи

бардам чолни кўриш бошиқа ўйларни келтириб чикарди. Мусо алайхиссаломнинг мўъжизакорлиги ҳаммага аён, ҳозир яна бир мўъжиза юз бермоқдами? Улар гаплашиб туришаркан, Навин юраги ичига сигмай типирчиларди. Энди нима бўлади?

– Сен кимсан? – деб сўради у зот.

– Мусоман, – деган жавоб бўлди.

– Миср ерларида сувдан чиқариб олинган Мусомисан?

Шу маҳал бир күш учиб келди. Жимитгина бўлиб соҳилга қўнди-да, гоҳ тумшугини дengизга солиб, гоҳ бошини тепага кўтариб сув ичди. Сўнг пирр этиб яна хавога кўтарилиб кетди.

– Ўш, эй Мусо, менда нима ишинг бор? – деб сўради чол.

– Билғанларингни билдиришингни сўрамоқчиман, – деди Мусо.

– Мен у раво кўрганидан ортигини билмайман, – деди чол. – Унинг илми шу кадар кенгки, сену менинг билғанларимиз шу күш ичган сувчалик эмас. Бироқ, мен билғанларимга сен тоқат килолмайсан, сен билғанларни эса мен билолмайман. Шунинг ўзи кифоя эмасми?

– Йўқ, – деди Мусо. – Ер юзидаги энг билимли одам ўзимман деб ўйлар эдим. У эса гайбидан хабардор яна бир бандасидан хабар берди. Энди, билдиримагунингча сира тинчимайман.

...Навин киссаси шу ерда ниҳоя топади. Шундан сўнг уни ҳеч ким эсламайди. Мусо ва кароматли чол ўз йўлларига равона бўлишади. Навин эса бўм-бўш сават, ярим кўза сув билан колиб кетади. Унинг ўй-хәёлларидан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Ахир, каторасига учта мўъжиза рўй берди. Ўликка жон кирди, кўзга кўринмас банда зуҳур этди, сувда балиқ изи колди... Анави сохибжамол-чи, ростдан хам мавжудмиди? Демак, ер юзидаги тирик одамлар кўзидан ниҳон, сон-саноги бемисл ўзга яратиклар Унинг мутглақ ҳукмларини адо этиб, хаёт мувозанатини таъминлаб туришар экан-да?

Сиз қавмларга назар солинг, дейилади асотирларда. Кўзга кўринадиганинг ўзиниёк аклингиз қамраб ололмайди. Баҳор маҳали сон минг сув яратиклари увидирик ташлаш учун уммонларни сузиб ўтиб, ўзга маконларга кўчишади. Бениҳоя кўп кушларга ҳукми илохий келгани боис чиркиллаб китъалар узра учеб ўтишади. Узлусиз айланиб турган чархи даввора аро одам акли бовар килмайдиган минглаб ходисотлар рўй беради. Кўрганингиз каммидики, кўринмаганидан баҳс этасиз?

Сувга тушиб кетган балиқ ҳакида ҳам бирор гапирмайди. У ахир, тузланган балиқ эди. Ўша ҳолича яшаб қолдими ёки асрлар оралиғидаги мана шу буюк учрашувдан сўнг, ўз-ўзидан ғойиб бўлиб, кўпикка айланиб кетдими? Баъзилар, Мусо то Билимли киши тин олиб ётган ерга келгунига кадар унинг изи сувда тураверган, дейишади. У ҳолда, Билимли киши ҳам балиқнинг изини кўргач, оламлар Парвар-дигорининг бир бандаси билан шу ерда учрашишидан хабар топганмикин?

Билганимиз – маълуму машхур икки буюк бандар киссасидир. Навин воқеаси шу ергача давом этиб келади ҳамда тарих зулматлари аро ходисалару кисматлар қаърига чўмид кетади. Ровийларга кўра, Навин у ҳудудлардан ўз масканига эсон-омон кайтиб келади ҳамда Мусо алайхиссалом номаълум бир чол билан сафарга жўнагани билан бир каторда, содир бўлган барча воқеаларни айттиб беради. Бошқа маҳал бўлганида одамлар ишонмаган бўлишарди, аммо Мусо алайхиссаломнинг ҳаёти то таваллудидан бери турли-туман мўъжизалару сир-синоатларга бойлиги учун имон келтиришади. Ҳатто бир нечтаси Навиндан у ерни суриштириб, бориб ҳам келишади, ўз-ўзидан аён-ки, ҳеч нима топишолмайди. На сувга тушиб сузиб кетган ўлик балиқ, на иссик ховур аро пайдо бўлган сохибжамол, на Тангри таолонинг икки буюк бандасининг излари...



Иброҳим
ФАФУРОВ

*Атоқи адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби
ИброҳимFaфуров ва таникли ёзувчи Xуршид Дўстмуҳаммад сұхбати*

Хуршид Дўстмуҳаммад: – Иброҳим ака! Сұхбатимиз аввалида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби фахрий увоннинг сазовор бўлганингиз муносабати билан кўтлаб мухлисларингиз, шогирдларингиз ва адабиёт ихлюсмандлари номидан табрик этишига руҳсат бергайсиз.

Иброҳим Faфуров: – Раҳмат! Вакти-соати етиб бизнинг ҳаётга келиб озми-кўпми меҳнатимиз, бадий адабиёт, адабий танқид, бадий таржима соҳаларида узоқ йиллардан бери килган хизматларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти, хукуматимиз томонидан юксак даражада тақдирланганидан бошимиз осмонга етади. Бу олий эътибор зиммамизга буюк бир масъулият ҳамда бурчдорлик юклаб-ганлигини теран хис қилиб турамиз. У бизни тинимсиз фаол ижодга ундаомандаки, албатта бу бизга ғайрат ва куч-кувват бағишлади. Режаларимиз бисёр, вактимиз эса олға етаклаб боради.

– Иброҳим ака! Сиз қарийб 60 йилдан буён адабий жамоатчилигиниз майдонида фаоллик кўрсатиб келасиз. Миллий адабиётимиз, маърифатимиз, миллий бадий тафаккуримиз тарихининг фаол яратувчиларидан бири сифатида ўз тажрибангиз, ўз мактабингиз бор. Адабиётшунослик, танқидчилик, таржимашуносликка оид асарларингиз, Сизнинг таржималарингиз орқали ўзбек китобхонларининг маънавий меросига айланган жаҳон адабиётининг энг сара намуналари, мансуралар туркуми, қолаверса, маънавият ва маърифат йўналишидаги фалсафий кузатии ва мушоҳадаларингиз жамланган китоблар юзасидан жуда кенг ва хилма-хил мавзуларда сұхбатлар қуришимиз мумкин. Ўрни келганда, “Ҳаё – ҳалоскор”, “Мангу латофат” ва “Паривашлар мажлиси” деб номланган уч жислд китобингизни сўнгги йиллар маданий воқеълигинизда алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш зарур. Бадий, илмий-маърифий трилогия деб атаси мумкин бўлган мазкур учликда ҳозирги кунимизнинг бир-биридан долзарб мавзулари, муаммолари қаламга олинган. Зоро, ҳалқинг, миллатнинг ўзлигини англаши, миллий тафаккур, миллий дунёқараши ва

Иброҳим FAФУРОВ – Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби. 1937 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) татомлаган. Ўндан ортиқ адабий-танқидий мақолалар тўпламлари, шунингдек, “Ҳаё – ҳалоскор”, “Мангу латофат”, “Паривашлар мажлиси” номли китоблари нашир қилинганд. Э. Хемингвей, Н. Ҳикмат, Ф. Достоевский, Э. По, У. Фолкнер, Г. Д. Мопассан, Ф. Ницше, Ч. Айтматов, Ж. Жойс асарларини ўзбек тилига ўсирган.

миллий дид тарбиясига доир мавзулар ҳеч бир замонда ўз долзарбилигини, муҳимлигини йўқотмайди.

— Сиз бирма-бир тилга олаётган нарсалар бизнинг халқ ҳамда миллат сифатида дунё саҳифасидан номимиз учиб, йўқолиб кетмаслигимиз учун керак. БМТнинг 72-сессиясида Давлатимиз раҳбари катта эътиборга сазовор маъруза қилди. Унда Ўзбекистон ва глобал дунёнинг бугунги картиналари билан бирга икки жуда ёрkin таклиф халқаро анжуман сессиясига киритилди. Президентимиз БМТ Ассамблеясида Ёшлар хуқуклари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чикиш, “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини кабул килиш таклифи билан чиқди. У дунёни энг долзарб масалаларда тўла ҳамжиҳатликка чакириди.

Халокат ёқасида турган дунё учун бу кенг, мазмундор таклифлар, ҳеч қандай муболагасиз, халоскор фоялар каби янгради. Шу билан бирга Президентимизнинг нутқидаги “Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўқиши билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз” — деган сўzlари барча соғдил, виждонли кишиларнинг юраги тўридан чукур жой олди. Сиз айтиётган миллий тафаккурнинг моҳияти мана шундай фикрлаш ва мана шундай фоялар булокларидан чиқиб келаётганлигини сезмаслик, англамаслик мумкин эмас. Булар миллий тафаккур мавхум бир нарсалар эмас, балки чин маънода тараққиёт тенденцияларини акс эттирадиган аниқ-равшан жонли ҳодисалар эканлигини кўрсатади. Мана шундай ҳаётий асосларга эга бўлган Навоий, Улугбек, Абулғози Баҳодирхон сингари аждодларимизнинг миллий яшовчан фоялари бизга келажагимиз йўлларини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам бизнинг келажагимиз буюк деймиз. Аждодларимиз доимо ҳамжиҳатлик ва одамийликни ўлmas миллий ғоя сифатида халқнинг дунёкарашига сингдиришга интилиб келганлар. Бугун шу интилишлар янги самаралар бериб, янги мундарижа касб этиб жаҳон минбаридан жарангламоқда. Мен узок пайтлардан бери ҳаёҳ халоскор деб эътиқод қилиб келгандман. Эътиқодимда ҳамон субитман. Жуда кўп одамлар ҳам шу эътиқодга хайриҳоҳ эканликларини биламан. Чунки бу бизнинг яшовчан миллий фояларимиздан бири ва энг муҳимларидан. Мана, хозир буюк халқаро анжуман залида ўзим ўтиргандай бўлиб, кулоғим остида янграётган сўзларга ҳаёлан шўнгирканман, янги мазмундор фоялар теран миллий фикр қаърларидан етилиб чиқаётганлигини англайман. Қандай долзарб бу фоялар ва қандай дунё микёсларида истиқболли!

— “Мангу латофат” китобингиз “Миллатнинг билурланиши” сарлавҳали мушоҳадалар билан очилади. Яширмайман, бу мақолани бир неча қайта мутолаа қилдим, уни ўқиган дўстлар билан фикрлашдим. Ва ҳар сафар “билурланиши” сўзи ниҳоятда ноёб топилма эканлигига икror бўлар эканман, бу сўз айникса миллатнинг вужудга келиши, тақомили ва юксалиш эсарабёнларини ўзида мужассам этгани билан ҳайратга солади ўкувчини. Эҳтиросларни жунбушига келтиради, ҳаёлни, шуурни фаоллаштиради.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД — “Эътироф – 2016” мукофоти совриндори. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ёзувчининг “Ховли этағидаги уй”, “Жажсман” каби ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. “Паноҳ”, “Ҳижроним минедир менинг”, “Оромокурси”, “Чаёнгул” каби қиссалар, “Бозор”, “Донишманд Сизиф” романлари муаллифи.



**Хуршид
ДЎСТМУҲАММАД**



Хар қандай инсон олдида бир қатор азалий ва эскирмас савол күндаланг туради. Мен кимман? Қандай яшаетман? Ҳаётим давомида одамларга, халқынга, Ватанинга қандай наф келтирдим? Түгри ва ҳалол яшаетманми? Бундан кейинги умрим йўли ва мазмунини түгри белгилаб олганманми? Амалларим ниятларимга вобастами?

Худди шу саволлар ҳар бир миллат олдида ҳам туради. Саволларга топиган жасовиблар ўша инсоннинг, ўша миллатнинг номаъи аъмолини, қиёфасини белгилаб беради.

Янги ислоҳотлар бошланыётган жасиятда, ишмий тибда айтганда, ўзига хос уйгониши даври-

га кирган ҳалқ миллат тушунчаси түгрисидаги қараашларини аниқлашибириб олмоғи зарур. Сиз бу савол жасовибини турк алломаси Зиё Кўкалтдан топасиз ва “Миллат бу – тарбияси ва тили бир – умумий бўлған одамлардан иборат маданий-маънавий категория” дега таърифлайсиз. Фикрингизнинг илоҳий Куръони карим ҳикматларидан келиб чиққан давоми эса китобхон тасаввурнида янада чараклаб, жаранглаб акс садо беради. Мен уни қўйидагича катта ҳарфлар билан алоҳида таъкидлаб ёзгим келади:

МИЛЛАТ ДЕГАНДА ТҮГРИ ЙЎЛНИ ТОПГАН ОДАМЛАР ТУШУНИЛГАН!

Мен эътиборингизни миллат, давр, жасият ва яшаишдан мурод түгри йўлни топа билли эканлигига қаратмоқчи бўляпман. Шулар борасидаги ўйларингиз, қараашларингиз ва мезонларингиз билан ўртоқлашишингизни истаяпман.

– Дунёда аҳди паймони бир ва боши ковушган тирик ғоя атрофида бириккан, тил бирлиги, қолаверса, давлат бирлиги ва анъаналар бирлигига эга қавмларни миллат деб қараашга одатланилган.

Миллий тафаккур тарзи кенг маънода фикрлаш шаклларини яратади. Аммо ташкарига қаранг: хамма-хамма ёкларда глобализация... У инсоният яшаб ўтган барча асрлардан тамомила фаркли... У барча инсонларни умумийлаштиришга, маҳражини йўкотиши, факат суратни колдиришга зўр беради. Бундай шароитда миллий ўзига хослик фокат миллий тил ва унинг бойликларида, ифода имкониятларидағина сакланиб колади.

Миллий характерларнинг турфа шакллари ҳам хали узок замонлар ўзига хослигини йўқотмайди. Миллий характерларнинг ўзаклари ўзгармайди. Йўлчи, Обид кетмон, Ўзбекойим... гарчи тарихий замонларнинг маҳсуллари бўлсалар-да, улар характерининг ўқилдизи бўлған соддатлик ва одамшавандалик талай замонларгача сакланиб боради.

Яшаш шароитлари, дунёкараашлар тадрижий ўзгаради. Аммо кўнгил... янгиланмайди. Нафс, нафсоният худди қадим-қадимлардай ўз хукмини ўтказаверади. Нафс тараққиёт стимули каби англанади. Динни, динларни англашга интилиш доим кучаяди, доим бу ўз кучини кўрсатиш пайида бўлади. Бу соҳаларда модернизация эҳтиёжлари тобора равшанлашиб беради. Мазҳаблар барча динларда замонлардан орқада колиб кетиб анахронизм тусини олади. Динни соф ҳолда англаш ва қабул килиш эҳтиёжлари ортади. Дин ақидаларига турли мазҳабларнинг тўкиб чиқарган фарқларисиз соф ҳолда риоя килиш иштиёклари тобора кучаяди. Бу инсониятнинг янги камолот боскичига кўтарилиганидан дарак беради. Аммо кўнгил янгиланиши учун нима керак? Бунинг учун одам қайтадан туғилиши керакмикин. Умуман, ўзи кўнгил янгиланиши одамга керакми? Одам ўта консерватив ақидаларнинг занжирларига боғланниб яшайверса бўлмайдими? Бу унинг ўзига осон-ку! Аммо бошқа бир томондан кўнгил янгиланиб турмаса, миллат қоладими?

Ҳакикий адабиёт, ҳакикий шеър, ҳакикий мусика, ҳакикий рангтасвир асари, боя тилга олганимиз ҳакикий яшовчан ғоялар ва улардан туғиладиган гўзал ишлар инсон ва миллат кўнглини янгилашга кодир. Кўнгил янгилангандағина сиз тилга олган тўрт маърифий мағкуравий ўзак ҳам янгиланади. Бу ижодкор, маданий авлодларнинг қандай тер тўкишларига боғлик. Бизнинг кейинги 26 йил давомидаги ҳаракатларимиз бу жаҳон сахнасида тўғри йўлни топиш ҳаракатларидир. Тўғри йўл перспективаси Ўзбекистоннинг озодлик конституциясида мустаҳкамланган. Конституциянинг мазмун-моҳияти ва ғояларининг қиммати унга ҳар бир фукаронинг қай даражада тўлиқ риоя килиши билан белгиланади. Ҳар бир мамлакатнинг реаллиги унинг конституциясида ифодаланган реалликларга мос келгандагина қиммат ва буюк аҳамият касб этади. Бизнинг замонамида тўғри йўллар давлатларнинг конституцияларида қайд этилади ва фаолият учун замин яратади. Факирлик фалсафаси донишмандлигининг отаси Диоген халқ билан муттасил ва кечаю кундуз савол-жавоб киларкан. Унинг жавобларида ажойиб-гаройиб тамойиллар мужассам. Чунончи, Диогендан “Ер юзида энг оғир нарса нима?” – деб сўрашибди. Диоген: “Энг оғир нарса – нодонлик”, деб жавоб берган экан. Ер юзида факирлик фалсафасининг Антисис, Кратет, Керкид, Дион каби улуғ оталари томонидан ҳам кўп гўзал фикрлар ва йўллар кўрсатилган, инсониятга эса, уларга риоя этиб яшашгина колган. Тўғри йўл, бу йўл... жуда одми нарсага ўхшайди-ю, нон каби ҳаётнинг асоси. Дунё ҳақимлари тўғри йўл топиш учун тинмай жон койитганлар, одам боласини тарбиялашга уриниб не-не тальлимотлар яратганлар, барча динлар асосида тўғри йўлдан юриш тарғиб килинади. Аммо... риоя... ҳамон ўша Диоген замонларида қандай бўлса, хозир ҳам шундай.

Муҳаммад Фаззолий “Мен ўзимни ва бошқаларни тузатишни истайман”, дейди. У одамзодга тўғри йўлни топаман деб, Дамашқнинг энг баланд минораси тепасига чиқиб ўтирас, ҳужрасини ичкаридан беркитиб узун кун узлатга шўнғирди. Саодат кимёси тўғри йўл бўлса керак, деб ўйларди. Шунинг учун “Хатолардан ҳолос қилувчи” деган номда рисола ёзганди. XII асрнинг Ибн Рушд деган ҳакими эса тўғри йўл топиш истаги ҳамон очик... ҳамон янгидан янги кашифларни кутади. Бир куни буюк аждодимиз Абу Бакр Муҳаммад Хоразмийнинг “Хурмат эҳсон билан баробар”, “Яхши китоб ўқиши кайғу заҳарига карши дору”, “Аҳамиятсизлик – таҳкирланиш”, “Ўтириш яроксизлик” сингари ҳикматларини Саолибийнинг “Дунё ёқутлари” деган китобидан мутолаа қилиб ўтириб, беихтиёр ўзимга ўзим:

- Мен кимман? – деб савол бердим. Ўйлай-ўйлай:
- Мен муаллимман, ҳаёт ва адабиёт муаллими, – дедим.
- Дарс бердингизми?
- Дарс ҳам бердим. Кўпроқ ибрат учун ҳаёт мени нима қилганини айтганман.
- Ҳаёт йўлларида ўйинчок бўлдингизми, шамоллар учирдими, шамол чоғлари шам ёқмокчи бўлдингизми? Куз япрогидек учиб кўчдингизми, шалола зарраларидек парланиб кетдингизми?

Мен ўзимга шафқатсизлик қилаётганимни сездим.

– Ҳаёт мени ўз кўйларига олиб кирди. Кўйларидан қандай чиқиши ўргатди. Бир куни ўқ тишимни сугуриб олган тиш дўхтиридан энди нима бўлади? – деб сўрадим. У: “Ҳаёт кўрсатади”, – деди. Бу менга жуда ёқди. Шундан сўнг орифлар кўйига кирдим. Ибодуллоҳ бўлмаса ҳам, ибодуллоҳдай бўлдим. Сизга бир одам ўз назарida тўғри йўлни қандай топганлигини бир жайдари мисол тарикасидағина келтирмоқчи бўлаётирман. Аммо тўғри йўлни топиш фактат озодлик мавжуд бўлгандагина мумкин ва мусассардир.

— Француз олими Э. Каррер Д'Анкос “Миллатларнинг зафари” китобида ёзган: “Ўрта Осиёда миллий туйгуларнинг билурлашуви ҳодисаси кўзга ташланмоқда” деган сўзлари замидидаги маъно-мазмунни шарҳлай туриб, гарчи очиқ-ошкор тилга олмасангиз-да, мавзуни XX асрнинг бошларида кечган ижтимоий-маърифий жараёнларга бурасиз. “Миллат онги ва туйгуларининг билурланиши жараёнга кирди” деган сўзларингиз ҳам бевосита бундан 100 йил бурунги жадидлар ҳаракатига бориб тақалади. Савол тугилади: не-не улкан алломаю даҳо зотларимиз яшаб ўтган олис давр ва замонларда миллатнинг билурланиши ҳодисаси кузатилмаганими? Амир Темур, Алишер Навоий замонларида ҳалқимиз миллат сифатида шаклланмаган эдими? Ёки Сиз китобхон эътиборини атайн IX аср аввалидаги воқеаларга қаратмоқчи бўлганимисиз?

— Милоддан аввалги III асрда Сирдарё ва Амударё оралиғида туркйларнинг Қанг деб аталган давлати шаклланиб, Қовунчи маданияти деб номланган маданият майдонга келган. Шундан сўнг этномаданий жараёнлар шиддатли тус олиб, туркйзабон қавмлар барқарор мавқе касб этгандар. Икки дарё оралиғида ўзбек ҳалқига хос шаклу шамойил (киёфа) чизги топган. Албатта, ўзбеклар, Ўрта Осиёда ўтрок яшаган турли қавмлар, Сибирь, Егтисув, Олтой, Чин-Мочин, Булға ва Ўролдан келган қардош кариндошлар (этник компонентлар) ўзбек ҳалқи этногенезида иштирок этгандар. Милодий VII асрдан эътиборан, бу ўлка “Туркистон” деб номланган. IX–XI асрларда яхлит бутун туркий қатлам ва жонли туркий тил кенг миқёс олиб мустаҳкамланган. Бу маълумотлар Ўзбек миллий энциклопедиямизда чукур илмий асосда қайд этилган. Қораҳонийлар даврида эса миллий умумийлик, тил ва дин, давлат бирлиги қарор топди. Ўзбек ҳалқининг билурланиши, уюшиши, дунёга интеграцияси жадал давом этди. Билурланиши бу маданий-маънавий, рухий, иктиносий-сиёсий, марокли тафаккурга эга бўлиш; дунё жавлонгоҳида ўз киёфасига – ўзлигига эга бўлишдир. Одам боласи мен инсониятга нима бердим? – деб айтдими, демак, бу билурланишининг аниқ бошланиши ва бу бизнинг илк тошибтикларимизда жуда ёрkin ифодаланганилигини яхши биласиз. Мен бу савол жуда муқаддас бир нарса бўлса керак деб ўйлайман. Ҳар ким ҳам уни ўз-ўзига беришга ҳар доим ҳам жуъъат этолмайди. Ортиқча бошоғриғи деб хисоблайди. Элга наф келтиришни олдига мақсад килиб кўйиш бу ахлоқий, маданий билурланиш. У ҳар бир миллий салоҳиятда илғор умумжаҳон даражасига кўтарилиш. Ушбу мавкедан туриб ўз тарихини дадил жасорат билан яратиш. Миллатга ковушолмаганлар тарқалиб кетган. Биз ҳам шундай фожиаларни бир неча маротабалаб бошимиздан кечирганимиз. Тарихимизда айрим шахслар маданий, ахлоқий, эътиқодий, илмий-фаний билурланишининг энг эзгу намуналарини дунёга келтирсанлар, устувор даражада қурдатли кучига айлантирганлар Махмуд Кошғарий Девони, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си, Кутбнинг “Хисрав ва Ширин”и, Навоий, Лутфий, Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Яссавий, Форобий – санаб тутатиш кийин: булар тарихий адабий маданий билурланишлардирки, уларда миллат ўзини яратди ва намоён килди. Бизнинг ўзбек – туркий цивилизациямиз шулар каби бирликлар билурланишлар билан ҳарактерланади. Бизнинг цивилизациямиз эл-юрт манфаатларини биринчи даражали деб билишдан, юрт, тил бирлиги туйгусидан барқарор бўлди. IX асрдан бошлаб ўзбек цивилизацияси ислом цивилизацияси билан тутаҳди ва ўз мундарижаси, уфқларини бойитди.

Мен Навоийни яхлит бир цивилизация деб биламан. Унда асрлар, цивилизациялар мужассамланди.

Бир шахс цивилизация бўлолмайдими?

Навоийда бир бутун миллий ўзбек цивилизациясининг барча таркиблари ва хусусиятлари мавжуд. Буни алоҳида таҳлил килишимиз керак.

Навоий цивилизацияси қанотларини кенг ёзиг бизнинг даврларгача етиб келмоқда ва ўтиб ҳам кетажак.

Навоий цивилизацияси... бу сўз менинг жонимга жуда ёқади.

Жадид аждодларимиз Навоий цивилизациясини давом эттирувчилари бўлдилар. Унинг маърифатини янги замонларга олиб кирдилар. Бу эзгу ишга бошларини тикдилар.

— “Бизда миллатни англаши миллий түйгуларнинг кучли танқидидан бошланди”. Ҳақиқатан ҳам шундай: янгилик истовчи, жамиятни, кундалик турмуши тарзини янги ўзанга солиш қайгушида ҳаловатидан воз кечган жадид оталаримиз аввал-бошдан миллий урф-одатларимизни ишидатли тарзда танқид остига олишдан бошладилар. Парадоксни қаранг – урф-одатларимизни билурлашишириш истагида... урф-одатларга қарши ўт очилди. Хабарсизлик, лоқайдлик, биқиқлик, янгиликка бефарқлик сингари иллатлар қораланди. Саволим қанчалик эриши туюлмасин, уни ўртага ташлашига эҳтиёж катта деб ўйлайман. Жадидлар жон олиб-жон бериб курашган, танқид ўтини қаратишлари оқибатида санаб ўтилган миллий тийнатимиздаги иллатлар камайдими? Яъни, жадид адабиёти, маданияти, матбуоти озмунча жон куйдирдими, озмунча курашдими, шу йўлда озмунча ўзлигидан кечдими? Натижга нима бўлди? Оқибат нима бўлди?

“Натижса” ва “оқибат” деганда мен икки ҳолатни назарда тутмоқдаман. Бири – миллатимиз феъл-авторидаги қусурлар ўйқолдими, камайдими? Умуман миллатга хос урф-одатлар таркибидағи қолоқ түйгулардан батамом фориг бўлиши мумкинми? Фикри ожисимча, миллатни конкрет одамга қиёслайдиган бўлсанк, бе-айб – Парвардигор, банда камчиликлардан холи бўлолмайди деган хукм ёдга кела-ди. Демак, ҳар қандай миллат муайян ижобий ва салбий (ёқимли ва ёқимсиз десак ҳам янглишимаймиз) хусусиятлар мажмуасидир десак хато бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, биз назарда тутаётган, истаётган “натижса” жуда оз бўлиши ёхуд бўлмаслиги аччиқ ҳақиқатга ўхшайди.

Мен назарда тутган иккинчи ҳолат эса кескинроқ. Инсоният, жамият, давлат, сиёсат, мафкура, миллат, миллий түйгу ва шу сингари тушунчалар ҳақида сўз борар экан ҳалқинг зиёли қатлами билан боғлиқ масалалар кўпчиб чиқади. Ҳар қандай жамиятда зиёли қатламнинг ўрни, аҳамияти ниҳоятда қатталиги ҳаммага аён ҳақиқат. Шу билан бир вактда ҳамиша зиёли қатлам вакилларининг пешонасига кўз кўриб-кулоқ эшишмаган захматлар, азоб-уқубатлар, аянчили қисматлар битилганига истаганча мисоллар келтириши қийин эмас. Масалан, жадид аждодларимиз тақдирини эслали кифоя. Қаранг, миллат тақдиди ўйлида жонини тиккан, ҳар қандай қатагон қиличига қарши бош кўтарган энг жонкуяр, энг жонсарак Инсонлар охир-оқибат нима кўрдилар? Қанчаси ошини ошаб-ёшини яшади уларнинг?

Чинакам зиёлиллик ва давр тўлгоқлари ўртасидаги муносабатлар наҳотки ҳар қандай даврларда ҳам фожиали якун топса!?

— Саволларингиз кишини ўй ва изтиробга солади: “Миллий тийнатимиздаги иллатлар камаймадими?”, “Оқибат нима бўлди?”, “Чинакам зиёлиллик ҳар қандай даврда фожиали якунга олиб борадими?” ...Шахс камолотининг маълум бир нуқтасига етгач, у ўз толенини эл-юрт, миллат тақдиди билан чамбарчас боғлайди ва ўзгачасини тасаввурига келтиролмайди. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаккулов Навоий асарларидаги “Мен” сиймосига тўхталиб, хаёлга келмаган бир фикрни айтади: “Навоийнинг фано тушунчаси “Мен” ва “Мен”дан кечиб, ҳеч қанака нафсо-ний манфаат, таҳлика ҳамда таъсирга берилмайдиган мутлақо эркин бир “Мен”ни

яратишдан иборатдир", дейди. Эркисзлик ичида яшаган халқ ичидан озодлик учун курашчилар, фидокорлар чиқмаса, у халқ халқ деб аталишдан маҳрум бўлади. Зиёли бўлиш ўз гарданига эл дарду ғамини олиш ва уларни енгиллатишни такозо килади. Уларнинг йиллар давомида кечаю кундуз эрк учун курашлари Ватанинн Ватан килади. Ватанинн турли хавфлардан саклайди. Наслар уларнинг ишларини давом эттирадилар, улар амалга оширолмаган ғояларни ҳаёт самараисига айлантирадилар.

Кодирий, Фитрат, Чўлпон... – улар кўп: улуғ когорта. Улар гарчи кўз кўриб кулок эшифтмаган азоб-укубатлар тортиб малаклар диёрига кўчган бўлсалар-да, тарих ва инсоният рўбарўсида халқимизнинг мангу юз ёруғлиги: улар миллатнинг миллий-лигини золимга зўравонлик кўрсатмасдан баркарор юзага чиқаргандар. Улар мангу йўлбошчилардир. Мангу тўғри йўлимиздир. Миллат учун бундан улугроқ натижка бўлиши мумкинми? Ҳолбуки, улар ҳам жон деган нарса шириналигини, нафсоният нималигини ва шиддатини билардилар. Аммо улар жондан, нафсониятдан ҳам ширинроқ нарсага – миллат озодлигига эътиқод килдилар, Ватан ва Озодлик йўлида жон тикдилар. Мутлак эркин ШАҲСни орзу килдилар. Мустабидликнинг шириналиклар ва нурли уфкларини қабул килмадилар. Озодлик шароитида мустабидликнинг барча фожиалари барҳам топади, одамлар қулчиликларнинг мудхиш иллатларидан тозаланадилар, аммо бу вактни талаб килади. Акс ҳолда мутеликдан озод бўлганда ҳам, кутулиб бўлмайди. Жамиятимизда ўрта табака эндигина ҳаётга кириб келяпти. Ўрта табака миллат ва халқ белининг қуввати, файрати, шиъкоати, алданиб қолмаслигининг асоси. Шу ўрта табака бўлмаганлиги учун маърифатпарварларнинг ҳаракатлари зое кетаверди.

– Конкремат мавзу: халқимиз тийнатида ортиқча дабдабага мойиллик азал-азалдан сақланиб келмоқда. Амир Темур бобомиз фарзанд ё невара тугилиши муносабати билан ҳафталаб эл-юрт олдига дастурхон ёзгани манбаларда тасвирангган. Абдулла Кодирийнинг “Мехробдан чаён”ига мурожаат қиласлиқ: Худоёрхон “Ва ушибу ўйл ўғли Ўрмонхоннинг ҳатнаси учун бир юз йигирма кун ош бериб, тўрт ойлик тўй эълон қилди. Шундоқги, ҳар кун икки юз қозон ош дамланар, саккиз юз танур нон ётилар, икки юзлаб улоқ берилар, мамлакатдан тўйга келувчи аъёнга ҳар кун минглаб тўн кийдирилар эди”. Бунга ўхшаши “шодумонлик”ларни оқлашга қаратиган вожслар кўн, лекин ҳали-ҳаңуз сақланиб қолаётган одатларимиз ўша “дарё”ларнинг оқаваси, жисигларни эмасмикан? Беҳбудий ва Мунаввар Коридан тортиб Ҳамзаю Таваллогача, Фитрату Хурийдгача, Кодирий ва... шу кунларимизда боғи үриб пайдар-пай чиқишилар уюштираётган газетларимизгача ЎША дабдаба, ЎША асъаса илдизига болта уриш йўлида жон койитганлар, койитмоқдалар. Бу ҳолни қандай баҳолаш мумкин? Наҳотки тафаккурни, дунёқарашни ўзгартириши, согломлаштириши шу қадар мушкул бўлса?! Ёки бу иллатнинг туб замидида, моҳиятида ўзимиз илгай олмаётган, илгасак ҳам кўрмасликка олаётган ўқ томир яширинмикан?

Масалани андак ўзгачароқ қўйсак. Инсон зотида бироннинг нафсини қондириши эвазига кўнглини, эътиборини қозонии майли мавжуд. Ер юзидағи халқлар ва миллатларда (ҳамто қабилаларда) бу майл нечоғлиқ чукур томир отгани менга қоронги албатта, лекин бизда у юксак маданий шакл-шамойилларга кирган, фахримизга, ҳамто миллий фазилатимиз даражасига кўтарилган. Бунинг тарихий келиб чиқиши сабаблари йўқ эмас, бироқ разм солинса, “шафқатсиз” даражада оммалашиб кетган ва оммалашувда давом этаётган меҳмондорчилклар, гап-гаштаклар, тўй-ҳашамлар кишиларимиз ҳаётининг салкам бош мақсад-маслагига айланниб қолаётгани яна ўша – ўзганинг нафсини сара ва тансиқ таомлар билан

қондиршишга ва шу йўл билан ҳурматини, эътиборини қозонишга уринши бўлиб кўринмайдими?

Мен масалани кескинлаштириб юбораётгандек туюлаётгандирман. Лекин Президентимиз Шавкат Мирзиёев янам кескинроқ, янам очикроқ ва янам кўндалангроқ қўйдилар бу муаммо ечимини топши вазифасини. Ба айни мамлакатимиз зиёли ижодкорлари учрашуви минбаридан айтилгани бежиз эмас деб ўйлайман. Хўп, шундай экан, бадий сўз, маърифатли сўз қачон ўз кучи-кудратини кўрсатади бу борада? Қачон амалий самарасини кўришимиз мумкин?

— Иллатнинг Сиз айтмолчи “ўқ томири” ўтмиш тобеликнинг асоратлари ҳали жонларда, кўркув-хадикларда сакланадиганида. Мустабидлик “жуда катта иш кўрсатган, хаммамизни аброр килган” асоратлар ҳамон кўллаб ётибди. Асоратлар узок тузаладиган ёмон яра эканлигини сезяпмиз. Улар ҳатто баъзи соҳаларда “янгиланиб” туришга ҳам мойил. Аммо таянч нуктасини топган ҳалқ бу иллатни сенгиб ўтади.

Китоб инсон яратувчилигининг мўъжизаси. Китоб одамнинг хаёл уфқларини кенгайтиради. Инсоният яратган маданий, маърифий, илмий ҳазиналардан соҳибкарамлик билан баҳралор этади.

Мана, мен ҳозир Саъдий Шерозийнинг ҳикматлари ва германиялик адаб Томас Манининг “Доктор Фаустус” романини ўқиб ўтирибман. Бирваракай бир неча китобни ўқишига одатланганман. Бўлмаса улгуриб бўлмайди ва чарчаб қоламан. Китоблардан таассуротларим доимо янгиланиб туришини истайман. Бу китобларни кўплар аллақачонлар ўқиб чикканлар, мен энди ўқияпман. Қанча кўп ўқисам, шунча камга ўхшайди. Саъдийдан нима оламану Манн менга нима янгилик беради? Яна ўша нарса: барча эскирган нарсалар янгиликдай кўринади. Бирок эскими-янгими, Саъдий, Ҳофиз, Атойисиз, Ҳусайн Вониз Кошифийнинг “Ахлохи мұхсиний”, Зайниддин Восиғийнинг “Нодир воқеалар”, Бобурнинг “Вакое” каби асарларисиз Шаркни, ўзбеклар ахлоқини тасаввур қилиб бўлармикин? Яшириб нима қилдик: бу ноёб ҳикматларни қаерда қандай кўллашни билолмай кўйналасиз. Ҳикмат замондан ўрнини топши керак-ку дейсиз. Улуғ дарёлар мисоли Гангадек саёз тортиб қолдими, унинг бир замонлар шаффоғ бўлган сувларидан эндиғи замонларда асло ичиб бўлмайдими, дейсиз. Бу олтин панду насиҳатлар энди факат китоблар сахифаларида гина яшайдими дейсиз. Манининг услубий бадийи қашфиётларига тасанно дейсиз, лекин бу боши кети йўқ баёнлар, кераксиз ортиқча нарсаларнинг юзлаб сахифаларда давом этиши: баён, баён, баён! Аммо руҳият ва атроф-муҳит тасвирида чексиз маҳорат, нафосат ўйинлари! Шунчалар бўлса ҳам барibir кимматли вақтингиз кетганига ачинмайсиз, бир гўзалик оролини ўзлаштирид-ку дейсиз. Ёзувчи жуда кўп нарсалар ёзгандан сўнг тасаввури, фантазияси сийкалашиб... бора-бора косибга айланиб қолармикин дейсиз. Асл ёзувчиларнинг асл асарлари уч-тўрт китобдан ошмайди, гарчи 180 жилдга етган бўлса ҳам! Аммо ўтмишлар ибрати бизга тириклик билан баробар. Китобларнинг юлдуздай чакнашларидан ҳузур қилдим.

Аммо бу ерда ўрни бор учун эслаб ўтайлики, миллый тафаккур тарзининг асл манбаи ҳалқ ижодиёти. Ҳалқ яратган барча достонлар, эртак-афсоналар, кўшиклар, мақол-мatalларда миллый тафаккур тарзи жуда ёркин акс этади. Қодирий ва Чўллон романларида миллый тафаккур тарзига Европа маданий-маиший тафаккури андак кўшилиб бораётганлигини сезамиз. Улардан кейин келган адабиётимизда Европа тафаккур тарзи етакчи ўринга чиқди. Тафаккур тарзи сўзлаш, муомала, муносабат, ёзма нутқда сезиларли тарзда намоён бўлади. Намоён бўлиш – оғзаки ва ёзма нутқ услублари орқали ўтади. Зоро, тафаккур фақат фикрлаш тарзигина эмас, у услугуб тарзи ҳам!

— Иброҳим ака! Сизнинг узоқ ийллик ижодий фаолиятингизни мухлис ва шогирд қаламкаш сифатида кузатар эканман, ижодингизнинг туб моҳияти ўқувчининг дунёқаришини ўзгартириши, бойитиш, дидни, бадиши савияни муттасил шакллантириши, кенгайтириши ва ўстиришига бўлган уринишдан иборатлиги яққол кўзга ташланади. Бундай истак бизнинг ҳалқимиз учун ҳамиша долзарб бўлиб келган ва шундай бўлиб турибди. Таъбири жоиз бўлса, ҳар қандай зиёли сўз битишдан кўзланган боши мақсад битта: кенг омманинг хабардорлигини таъминлаши, дунёқаришини кенгайтириши ва шу орқали миллий тафаккур тарзи сифатини ошириш! Бундай күтмугуз вазифани амалга оширишининг бирдан-бир воситаси эса – мутолаа, мутолаа ва яна бир карра мутолаа.

Кўпгина ҳолларда кузатилганидек, мутолаадан сўз очилса ёд бўлиб кетган муаммоларни санашибдан нарига ўтмаймиз. Ваҳоланки, даққи саноқлардан воз кечмай туриб эски муаммоларга янги ечимлар топши мушкул. Одамларимизни китобхон-китобхон эмас, оқи китобхон, кўк китобхон, сарик китобхон деб табақалашларимиз, тоифаларга ажратишимиш билан жисиддий самараага эришолмайдиган кўринамиз. Чамамда бу борада ҳам ишни жисиддий ўйланган, илмий асосда ташкил этмоқ зарурга ўҳшайди. Мисол учун, тараққий этган давлатларда КИТОБХОНГа фалсафий тушунча сифатида қаралади, шунга яраша чоралар мажмууси ишлаб чиқлади, улар узлуксиз ҳаётга татбиқ этилади, ҳаёт тарзига айлантирилади. Шундагина ҳеч ким босқанинг кетида “Китоб ўқи!” деб қамчин ўйнатиб юрмайди. Айтмоқчиманки, эмин-эркин мутолаа ўйлга қўйилган шароитдагина чинакам мутолаа маданияти шаклланади, мутолаага бўлган муҳаббат, иштиёқ том маънодаги миллий туйғуга, миллий фазилатга айланади.

Биз жамиятда кўзга ташланаетган у ёки бу муаммо ва унинг ечими ҳақида сұхбатлашамиз, гурунглашамиз, баҳслашамиз-у барча соҳага бирдек тааллуқти бўлган муҳим чорани четлаб ўтамиш. Бу – ҳар бир касб-кор, керак бўлса, жамият миқёсидағи ШАҲСларнинг аҳамияти. Исл-шарифи катта ҳарфлар билан ёзиладиган ШАҲС олим ёки муаллим, шоир ёки ёзувчи, ишчи ёки дехқон бўладими, қатъи назар, жамият аъзолари наздида ўзига хос ўйличи юлдуз – идеал вазифасини ўтайди. Ҳусусан, келгуси авлод вакиллари учун ибрат, намуна тимсолига айланади. Разм солинадиган бўлса, бу жуда оддий ва табиий жараён. Ҳатто стихияли тарзда кечадиган жараён. Чунки ҳалқ кимларнинг мартабасини улуглашни, кимларга эргашишини, кимларни қаҳрамонликка лойиқ-муносиблигини яхши билади. Бироқ ана шу стихия, табиийлик сунъийлашган, издан чиқарилган жойда мезонларга путур етади – муносиб ШАҲСлар аниқланмайди, аниқланганлари эътиборга тушишади – соҳтмагарчилик юз беради. Бунинг оқибати эса мутлақо тескари оқибатларга олиб келади.

Бошқа соҳаларни қўя турайлик-да, адабий жамоатчилигимиз майдонида чинакам маънодаги салоҳиятли, залворли, файзли – айтиётган сўзига соҳа вакилларигина эмас, кенг омма қулоқ тутадиган йирик ШАҲСларимиз сафи анчагина сийраклашиб қолгандай туюлади-да. Ойбек, Гафур Ғулом, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, шунингдек, яқин ўтмишида яшаб ўтган Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари Устозлар МИЛЛАТ МИҚЁСИДАГИ ШАҲСЛАР эдилар...

— “Шахснинг аҳамияти” десангиз, дафъатан ёдимга Бобурнинг ҳалқимиз каттадан кичик ёд биладиган рубоийси тушди: “Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглимдан ўзга маҳрами асрор топмадим, Жонимдан ўзга жони дилағфор кўрмадим, Кўнглум каби кўнгулни гирифторм топмадим...” Бу чинакам ўйловчи,

гирифтторликдан кўркмовчи, ҳаёт дengизига бош-оёқ ўта урган (шўнғиган) инсон; гирифтор – маҳкум, дилафгор – дили хаста, кўнгли вайрон; Сизнинг таърифингиз, ўлчовингиз, орзунгизга сиғувчи Шахс. Эслаб мунграби ўтирасиз: Одам (ва шахс) шунчалар ҳам дунёда ўзини ёлғиз сезадими? Бу мумкинми?

Ана энди ушбу зиддиятли саволлар ичидан Шахс нима (ва қандай) бўлиши мумкинлигига жавоб топишга уриниб кўрайлик.

Вафдорлик, маҳрами асрорлик дилафгор, гирифтор сўзларида поэтик маъно концентрациялашади. Улар Шахснинг толе, характер, дунёкараш кирраларини очади.

Бобур ўта реалист одам бўлган. Императорлик реалист бўлишини кўтартмаган, сиғдирмаган. Юқоридаги тўрт поэтик сўз мазмунни муболагага чулғаётгандек кўринади. Бироқ Бобур баёнида улар ўта реал маъноларни ифодалайди: Бобур чиндан шундай дилафгор ва айни чоғда гирифтор Шахс эди. Буларни Шахснинг ўзи ҳам, замонаси ҳам даволай олмади. Аслида, унга сўз ва китоб чин маҳрами асрор эди. Мен бу рубойни дафтаримга ёзib, тагига нима учундир: “Равшанлик, соддалик ва тозалик. Бу Афлотуннинг гўзаллиғи фояси. Унинг эстетикаси асосида шу учтушунча (категория) туради”, – деб ёзib кўйган эканман.

Нега буларни Бобур рубойиси тагига кайд килганимни хозир эслолмадим. Шу сўзлар тагига: “Энди улар эскирдими?” – деб эскартма килган эканман. Балки рубоидан Шахс олами қарама-каршиликлари тўғрисида бирор эзгу хулоса чикармокчи бўлгандирман. Аффект (Бобур кўпроқ шундай аффект оламида нафас олган) гарчи хунук, лекин у ҳам юксак санъат яратувчи ҳодиса демокчи бўлгандирман. Шахс аффект¹ ва эффектларнинг тинимсиз шиддатли алмашиб туришлари ичida шаклнади. XXI аср одамлари ҳам бундан мустасно эмас.

– “Энг яхши миллий тарбия – бу умуминсоний тарбия ҳамдир” деб ёзгансиз. Ахборот глобаллашуви шароитида миллий туйгулар барҳам топиб кетади деган башоратларни турфа “оҳанг”ларда айтшидан чарчамаётганларга Оллоҳнинг ўзи инсоф берсин, шу ўринда бунга ўхшаши қарашлар билан баҳслаши ниятимиз йўқ. Аксинча, энг гўзал миллий манбаатлар ва туйгуларни ардоқлаган ҳолда умуминсоний тарбия, ахлоқ, урфлардан бенасиб қолмаслигимиз, “Ер шари” дега номланмиши улкан кеманинг барча ўловчилари қаторида қаддимизни адл тутмоқълик учун ҳам XXI аср КИШИСИ мақомида яшамогимиз, фикрламогимиз кераклигини тобора чуқурроқ англаб етмоқдамиз. Маълум сабабларга кўра замонавий миграциянинг авж олиши шарофати билан бугунги ўзбекнинг қадами етмаган замин қолмади ҳисоб бу ёруғ очунда. Образли қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг дунёга чиқиши, дунёнинг Ўзбекистонга кириб келиши oddiy ҳол ҳисобланмоқда. Айтмоқчиманки, миллийлик ва умуминсонийлик янги погоналарга ишодат билан кўтарилиб бормоқда, бу жараён буткул янгича қиёға ҳосил қилмоқда. Шу борадаги қарашларингизни ўртоқлашсангиз.

– Бунда назаримда охиригача англаб етилмаган, аммо табиат қонунларига бўйсунадиган айланма характерат мавжуд: умуминсонийлик кучайиб бориб ёрқин миллийликка айланади. Ислом маданияти соф араб миллий маданиятидан умуминсоний маданиятга айланди. Бир ярим минг йиллик вакт масофасини босиб ўтпти. Ундан кўп замонлар илгари юонон миллий маданияти Шарққа, Фарбга қараб ўсида ва тарқалди. Умуминсоний маданият мақомига кирди. Туркий халқларнинг маданиятилари эса умуминсоний маданиятнинг кучли таъсирида синкетик маданият тусини олди. Кўз билан илғаб бўлмайдиган ушбу маданий жараёнлар халқаро миқёсда фоятда жозибалидир.

¹ Аффект – каттиқ хаяжон, жазава.

...Ва шу билан бирга савол түгилади: айтайлик, испан маданияти бағрида етилған Маркеснинг “Юз йил танхоликда” романы соф фусункор реализм ҳодисаси. Бу бадий кашфиёт – фусункор реализм бизгача етиб келдими? Адабиётимизнинг услугига таъсир күрсатдими? Ёки “Үлкө жонлар” китоби рус маданияти күчогида пайдо бўлиб, ўтқир танқидий реализмга асос солиб дунё адабиётига кириб борди. Бу юксак танқидий реализм адабиётимизнинг тархи ва мундарижасида қандай акс этди? Айрим умуминсоний ғояларнинг миллый маданият заминига таъсири узок замонлар кечади...

– Инсоният тамаддуни ўзига хос жараён: тұхтамайды – гоҳ олдинга интилади, гоҳ ортга чекинади, гоҳо сукутга чўмади. Фикр, тафаккур, ақл-идрок бошқараётган ушбу саҳнада кейинги беш-олти йил бадалида юз берган ва бераётган айрим воқеалар сарҳисоб қилинадиган бўлса лол қоласан киши. Кўриб кўзингга, эшишиб қулогингга ишонмайсан. Мен юз бераётган қирғинбаротларни, хунрезликларни, қўторувчиликларни назарда тутмоқдаман. АҚШ матбуотида Лотин Америкасидан келиб чиққан “MS-13” деб номланган (маъноси – мудҳии кумурсқалар) каллакесарлар тўдаси ҳақида жуда ташвишили мақолалар чиқиб турар экан. Давлат миқёсида қарши кураї эълон қилинган бу тўда аъзоларининг вахшийликлариغا энг йиртқич маҳлуқларнинг ҳам “кўли” бормайди. Лекин араб давлатларида, Англия, Франция, Испания, Туркия ва ҳоказо мамлакатларда юз берган ёвузликлар “MS-13”чилар тап тортмайдиган қотилликлардан сира кам эмас. Адоғи қўринмаётган бундай қирғинларни амалга ошираётган қандайдир ташкилотлар, оқимлар ва ҳоказоларнинг ортида давлатлар миқёсидаги ҳарбий, илмий, молиявий куч-кудрат мавжусуд. Ваҳоланки, қачон, қаерда давлат раҳбарлари учрашган, кенгашиган йигин борки, барчасида террорчилик, қўторувчилик масаласи биринчи навбатда муҳокамага қўйилади, аҳдашувлар имзоланади ва... муҳташам курсиларда чекилган имзоларнинг сиёҳи қуримасидан қирғин олови осмонга ўрлайди!..

Оддий бир инсон сифатида ўйлайман-да, Устоз, хаёл қочади. Дунё тамаддуни бошини қовуштирадиган, “Хой, бандалар!” деб мурожсаат қиласа етти миллиард издиҳом (ирқидан, ватанидан, динидан, ҳоказосидан қатъи назар) қулоқ тутадиган қандайдир ХАЛОСКОР ОВОЗга эҳтиёж ортиб бораётгандек туолади. Инсоният зерикуб қолаётганга ўхшайди, манфаат (шахсий, миллый ва давлатлар миқёсидаги) кўйида ҳеч нарсадан қайтмаслик билан ўзини чалгитаётганга, шуни ҳаловат деб билишига маъқсбур бўлаётганга ўхшайди. “Нажот – манфаатда!” деган ақида гоҳ ошкор-гоҳ пинҳона замонининг шиорига айланаб улгургаётгандек.

– Сиз орзу килган “халоскор овоз” балки етиб келгандир, балки қулоғимиз остида янграётгандир. Факат доимигидай консерватив, анахронизмга мойил кўнглимиз буни ҳамон англамаётган, сезмәётгандир. Қулоқ тутайлик-чи, минбарлардан тараётгандай овозларга: инсоний манфаатлар оркасидан руҳоният күёши кўтарилиб келаётгандир? Агар шундай бўлса, инсоният ва унинг узви бўлган миллияtlар янги замонга киради.

Қувончингда баҳтим яшайди

* * *

Ўзбек кадри тоғдан баланд осмон қадар,
Билагида шаҳд-шиддати йигилади.
Одиллигу комилликни суйган падар,
Болалари соғлом бўлиб туғилади.

Қаранг, хали гапиришни билмайди, лек,
Юрмаса ҳам тол чўпини от киласди.
Одилликда худди Темур бобосидек
Дона суриб ракибини мот киласди.

Осмонига бири юлдуз, бири хилол,
Ўз уйининг бекларию бекалари.
Болалиқдан қомати тик, лавзи ҳалол,
Фикри доно эртасининг эгалари.

Бу ніхоллар бунча гўзал, бунча кўркам,
Чин деҳконга меҳр берар даласига.
Қаранг, қандай ярашибди дадил қадам,
Шоҳсупалар бугун ўзбек боласига.

Йўқ иложи юрт баҳтидан кильмай фаҳр,
Кизи оқил, ўғлонлари мард бўлади.
Боболари, момолари кимлар, ахир,
Авлодлари соғлом бўлиб туғилади.

* * *

Кўнглимни аврайди изтироб,
Тилаклар сайласам тилакдан.
Сиз учун, сиз дея, моҳитоб
Тўкилмок истадим юракдан.

Софиндим васлингни, эй хилол,
Тикилдим армоннинг кўзига.
Сочингта боғланиб, мажнунтол –
Ошифинг келяпти ўзига.

Қайгадир беркинди хилол ҳам,
Юлдузлар чекинди тонг сари.
Мен сизни соғиндим, эй эркам,
Мен сизни туш кўрдим, эй пари.

Юзимни силайди оқ тонглар,
Бир муддат кетдимми хушимдан?
Вақтдан таралади оҳанглар –
Айрилдим сиздайн қушимдан.



Азмиддин
ШАРИПОВ



НУРЖАҲОНБЕГИМ

Оқ парчалар

Оқ осмондан оқ парчалар
тушар ундеқ эланиб.
Момом келар оқ рўмоли
оппоқ қорга беланиб.

Мен дераза тиркишидан
кузатаман далани
Ва ўйлайман кечা: “Сени
севдим!” деган болани...

...Оқ осмондан оқ парчалар
тушар ундеқ эланиб.
Онам келар оқ рўмоли
оппоқ қорга беланиб.

Хаёт шундай денгиз экан
чўкавердим тинмайин,
Рўзгор деган улкан форга
шўнғиб кетдим билмайин...

...Оқ осмондан оқ парчалар
тушар ундеқ эланиб.
Мен бораман оқ рўмолим
оппоқ қорга беланиб.

Совуқ котган юраккинам
яашаш учун уринар.
Оқ парчалар кўзларимга
хаёт бўлиб кўринар.

“Кичкина шаҳзода”¹

“Катта осмон, катта ер
Мен заррага ўхшайман.
Дунёнинг бир бурчагида
Сени севиб яшайман.

Улкан қуёш, кенг само
Бариси катта-катта,
Шундай катта оламда
Сен ҳам борсан, албатта...”

Катта қалб, катта меҳр,
Юракнинг уриниши –
Бу кичкина одамнинг
Кичкина кўриниши.

¹ Антуан де Сент Экзюпериning “Кичкина шаҳзода” китобига ишора.

НУРЖАҲОНБЕГИМ – 1997 йилда тугилган. Ўзбекистон давлат консерваториясининг фортепиано йўналиши иккинчи курс талабаси.

Мұхаббат

Балки, қолмасмиди дилимда армон,
Самога туташган бүйингни күрсам.
Бугун сенга мәгрүр бошим эгарман,
Мұхаббат, майлими, түйингни күрсам?



**Ифтихор
ХОНХҮЖАЕВ**

Ахир, әзгуликка бошлар әртаклар,
Әзгусанки, бари сенга етаклар,
Борар бўлсан гулга тўлиб этаклар,
Мұхаббат, майлими, түйингни күрсам?

Майлими, яшнатиб севги сайлини,
Мажнун қўлларидан тутиб Лайлини,
Бир умрга баҳтли килсан майлими,
Мұхаббат, майлими, түйингни күрсам?

Муз босган йўлларга термилганча жим,
Бир умр келишинг кутиб яшадим,
Бир тилашга бор бўлса ҳаддим –
Мұхаббат, майлими, түйингни күрсам?

Ахир, Коработир жабрини кўрдим,
Тохир ва Зухронинг қабрини кўрдим,
Ошикнинг минг ийллик сабрини кўрдим,
Мұхаббат, майлими, түйингни күрсам?

Чал энди, карнау сурнайинг қани,
Токи, хаётимга баҳш этай маъни,
Кизғонма, бир дона таклифномани,
Мұхаббат, майлими, түйингни күрсам?

Ёр кетди

Ёр кетар от устида ёт билан,
Ёт ёримни олиб кетар ёт билан.
Такдир экан дея, унга баҳт тилаб,
Кузатаман фарёд билан, дод билан.

Ёз ёмғири жунжиктиар танимни,
Сездирмайман унга оғринганимни,
Гүё олмок истагандай жонимни,
Нигоҳ ташлар кўзлари жаллод билан.

Тўй кечаси яйраб ўйнаган ҳам мен,
Оқ либосга бокиб тўймаган ҳам мен,
Қадаҳ тўла жомни қўймаган ҳам мен,
Май дўст экан юраги барбод билан.

Кетиб қолгим келар корли тоғларга,
Ўзим каби мағрур, орли тоғларга,
Маликамни ёдга солмас ёқларга,
Қандай яшай, ахир, бунча ёд билан?

Тўй ҳам тутар, ҳамон ўша-ўшаман,
На ийғлайман ва на ҳаддан ошаман,
Кулибина у-ла видолашаман,
Гўё видолашгандай ҳаёт билан.

Ёрим кетар от устида ёт билан,
Ёт ёримни олиб кетар от билан.
Ўша отнинг туёғига мен тентак
Така қокиб эдим белда бод билан.

ДЎМБИРА ОҲАНГИ СҮНМАЙДИ

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий номи билан аталаётган вилоятимизнинг жуғроғий харитаси ўзгача: бир томонда осмонни сувб турган тогларга туташиб кетган адирларда ястанган бозу роглар қўйнида шаҳармонанд қишилоқлар, бир томонда эса бепоён Қизилкўм чўли бағрида оққандононадек сочиглан овуллар қад ростлаб турибди. Ана шу мансуларда неча минг йиллардан бери дўмбирнинг сеҳрли оҳангидан сўнмайди. Ўтган асрнинг бошларида Эргани Жуманбулбул ўғли, Пўлкан баҳши томонидан куйланган “Алломии”, “Кунтумши”, “Гўрӯғли” каби ўнлаб достонлар ва термалар кейинчалик Курбон жирор, Умаркул Пўлкан, Очил шоир, Эргани Асабоев сингари баҳши-шоирлар тилида янграб, шеърсевар ҳалқимиз кўнгелидан жой олгани рост. Ўланлару шеърлар янграб турган бу гўшада улгайган Тошўлат Ҳамид, Душан Файзий (уларнинг руҳлари шод бўлсин), Ўзбекистон ҳалқ шоири Оидин Ҳожсиева изидан ижод майдонига йўланаётган навоийлик ёш ижодкорларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Камта адабиёт майдонига қимтиниб-қимтиниб интилаётган навоийлик ёш ижодкорлар орасида Ҳилола Исматова, Озод Мустафо, Зулфия Бобоева, Ифтихор Хонхўжаев, Ўткир Ўсаров, Диляна Абдуҳамидовна, Бобоқанд Умаров, Ҳусанбой Абдуназаров, Валишер Воҳидовларнинг изланаштганлиги ижобий баҳоланмоқда.

Адабиёт азалдан инсонлар қалбида эзгуликлар уйғотувчи қўнгироқ саналади. Эзгуликлар қўнгироги баралла жаранглайтгани элимизга буюрсин.

Бахриддин САДРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар юшимаси
Навоий вилояти бўлими раҳбари

Қаламим

Қаламим, сен билан босдим анча йўл,
Мен сенга суюндиш, сен менга содик.
Мана, бугун ҳам сен дилим эъзозлаб,
Дардимни сўйлайсан, дилгинам ёник.

Инсон яшамок-чун сабр-бардошдан
Бетимсол касрлар курмоги керак.
Гарчанд, ўз баҳтини топмок истаса,
Тоза виждан керак, бокира юрак.

Қаламим – дардкашим, келгин, иккимиз,
Яхшилик куйини жаранглатайлик.
Бундай ҳуш онларни қоғозга эмас,
Бокира дилгаю қалбга тутайлик.

Эзгулик бор жойда юксалар кўнгил,
Сен унинг элчиси, жонбахшли таъсир.
Қаламим, рости сен вафоли дўстим,
Барча дилга шодлик, кувонч олиб кир.

* * *

Укам Султонжонса

Шодлигингда баҳтим яшайди,
Юрагимда күлгининг изи.
Дунёдаги энг гўзал кўшиқ –
Сенинг айттган бир содда сўзинг.

Яна баҳтим яшайди яйраб,
От деб минган толчаларингда.
Гўдакликнинг хиди уфуар,
Кўзмунчокли қўлчаларингда.

Кувончингда баҳтим яшайди,
Фаришта бор ёқаларингда.
Ухлайсан сен лахза ўтмайин
Бобом чопонининг бағрида.

Кувончингда баҳтим яшайди,
Баҳт деб билдим, сенинг кувончинг.
Отамга жудаям ўхшайсан,
Дарёсидан акс берган томчи.



Сарвиноз
ОТАҚУЛОВА



Валишер
ВОХИДОВ

* * *

Ифоринг уфурса эрийди ялпиз,
Чиройинг пойига баҳор чўкар тиз.
Куёшга тик бокиб туриш мумкинdir,
Сенга тик бокмокқа кўз эрур ожиз.

Кипригинг дуторнинг торидай тарант,
Сочинг кўнгироқдек таратар жаранг.
Лабларинг лоладан олганмикин ё
Лолалар лабингдан олганмикин ранг?

Хуснинг юрагимни айлади нимта,
Сени кизиктирмас ўзганинг дарди.
Хуснингта яраша ўзи яримта,
Юрак хам бергандা яхши бўларди.

* * *

Азим дарё тўлқинларидаӣ
Сузиб борар ҳаёт кемаси.
Қайнар эди тинимсиз ҳаёт,
Тонг қўйнида меҳнат палласи.

Ҳар тирик жон интилар, шошар,
Топай дея ўз насибасин.
Яратган хам бўлибон шоҳид,
Тухфа этар роҳат муждасин.

Само бағри тонг чоги мовий,
Туш палласи тўшалар “оқ пар”.
Куёш кирлар узра қўйгач бош
Ва никоят намозшом чўкар.

Килинажак кизгин юмушлар
Буюк максадларга очар йўл.
Ушалади оппоқ орзулар
Эзгуликка урилганда қўл.

Мана шундай пишкириб окар,
Дарё каби меҳнатда ҳар тонг.
Шомнинг келар чоги олдидан
Якун ясаб, шафак урар бонг.

Гулдаста

Қалб кўримда парвариш қилиб,
Мехр сувин ичирганим у.
Кувончимга кўзмунчок билиб,
Вафо тўнин бичирганим у.

Кўзларимда кулган күёшим,
Тафти билан гуллади улар.
Дил тубида манту дилдошим –
Жуссасига сингди орзулар.

Аввал кулиги гули ийманиб,
Яноғимдан ўрнини топди.
Армон ўти ичида ёниб,
Умид орзу камини ёпди.

Дил боғимда кетди очилиб,
Бувим эккан ҳавас лоласи.
Мехр мени кўргани келиб,
Бўлдим бутун ишонч боласи.

Кулги, умид, ҳавасни кўшиб,
Ишонч, меҳрим қилди гулдаста.
Кувончимдан юрагим жўшиб,
Кизғалдокка айландим аста.



**Зилола
ГАЙБУЛЛАЕВА**

Яхшилик

У қўёшдан олди харорат,
Шабнамлар-чи, сеп бўлди унга.
Тош қалбларга сололган хайрат,
Зулматдан нур, коронги тунга.

Бахор ёлин гулга белади,
Яшнаб кетди ёзниң тафтидан.
Осмон заррин корлар злади,
Олтин олди кузнинг кафтидан.

Кизғалдокдан олди кизиллик,
Инсонийлик берди чумоли.
Сарв дараҳтдан бўлди калби тик,
Кунни хира этди жамоли.

Осмондаги сахий қуёшнинг
Юрақдаги олтин накшидек,
Тоғ-тошдаги метин бардошининг
Саботидан кулди яхшилик.



Адхамбек
АЛИМБЕКОВ

ЭЗГУЛИККА ЭШ КҮНГИЛ

Навоий вилояти адабий мухити ўзига хос жихатлари билан ажралиб туради. Бу ерда туғилиб, вояга етган, бугун самарали ижод килаётгандарнинг кўпчилиги республика миқёсида танилган. Баҳриддин Садриддинов, Музаффар Жаҳон, Салима Ўмарова, Одил Хотамов, Ҳамдам Эшонкулов, Раҳим Қодир, Жалолиддин Юсупов, адабиётшунос олим профессор Абдуҳамид Холмуродов, ёшлардан Дилюбар Аслиддин кизи, Диляноза Абдуҳамидовна, Ифтихор Ҳонхўжаевларнинг номи адабиёт аҳлига яхши таниш. Буларнинг орасида таникли шоир, адаб ва драматург Менглибой Муродовнинг алоҳида ўрни бор. Шеърлари, хикоялари, киссаю романлари билан ўкувчилари меҳрини қозонган Менглибой ака бутун ҳам фаоллар каторида.

Ўзи туғилиб-ўсган ҳудудда яшаб ижод килаётган адаблар ўзбек адабиётида анчагина. Булар марказга интилмасдан, вилоятда яшаб ҳам яхши ижодкор бўлишни исботлаган адаблардир. Менглибой Муродовни ҳам шулас каторига кўшиш мумкин. Менглибой Муродов 1942 йил 15 майда Навоий вилояти Конимех туманидаги Шодибек кишлогига зиёли оиласда таваллуд топди. У 1960 йилда туман марказидаги 1-ўрта мактабни битириб, Бухоро давлат педагогика институтига (хозирги БухДУ) ўқишига киради. Институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган Менглибой кишлогига кайтиб, тумандаги Алишер Навоий номидаги 9-ўрга мактабда иш бошлади.

Шеърият кўнгилларни нағисликка ошно килади. Айни пайтда шеърлари китобхонни гўзалликка эш килиши учун шоирнинг дили тоза, кўнглида бир нур бўлиш керак. Менглибой Муродов илк ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган. Унинг шеърларини ўқиган китобхон сатрлар катида ана шундай нур борлигини хис қилади. Ҳар бир шоирнинг шеърий таъсир қуввати турлича бўлиши табиий, мухими, унинг моҳиятидаги самимийлик, кўнглида борини бошқалар билан баҳам кўриш хиссидир. Шоирлик ҳакида, шоир кисмати ҳакида ҳар кимнинг ўзича қараши бор. Лекин буларнинг барчаси моҳиятида бир нарса – ўзини бошқаларга фидо килиш ётади. Фидойиликни тор маънода тушуниш керак эмас. Кўнгил фидойилиги, туйгулар фидойилиги деган тушунча бор. Инсонда ўзгаларга яхшилик килиш нияти, ўзидағи яхши нарсаларни бошқалар билан баҳам кўриш истаги бўлмаса ундан фидойилик кутиб бўлмайди. Зукко шеърхонни алдамаган, самимий сўзлаган одам

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ – филология фанлари номзоди. 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (хозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Юлдузинг беш қирраси”, “Латиф шеърият”, “Бигиб айтилган сўз” монографиялари, “Турк адабиёти хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” (ХIII–XVIII асрлар) ўқув қўлланмалари, “Ишқ асари бўлган жон” рисоласи нашир этилган.

ҳамиша ютади. Унинг энг катта ютуғи самимийлиги боис бегубор кўнгиллардан жой олишидир. Менглибой аканинг шеърини ўқиган китобхон аввало мана шу инжаликни хис қиласди. Шоир қайси мавзуда ёзмасин самимий бўлишга интилади.

Менглибой Муродов она юрт мадҳига бағишлиланган шеърларида Ватан сиймосини тумтарок сатрлардамас, самимий мисраларда чизади. Киёсларни ҳам юрт табиатидан келиб чиқиб топади. “Она юртим Ўзбекистон” шеъридаги куйидаги мисраларга эътибор килинг:

*Қарайвериб юлдузларнинг кўзи толар,
Тўлин ой ҳам сенга боқиб ором олар.
Күёш эса маҳлиё бўп туриб қолар,
Бетакорим, она юртим Ўзбекистон!*

Бир банднинг уч мисраси табиат тасвири билан киёслари орқали юрт гўзаллигини мадҳ этишга бағишлиланган. Бу ерда бирорта ортиқча сўз йўқ. Шоир самимий киёслар орқали юрт мадҳини кўнгилдан жой оладиган килиб тасвирлаяпти. Ойнинг ором олиши ҳам, кўёшнинг тиккага келганда вакт тўхтаб колгандек, сониялар юрмаётгандек бўлиши ҳам Ўзбекистон табиати билан боғлик, Ўқувчини ҳайрон қолдирмайди. Ёки ҳазрат Навоийга бағишлиланган “Навоий гулшани” шеърини ҳам табиат – гулшан, гул билан боғлайди:

*Кириб қолдим бу гулшанга чиққим келмас,
Таровати ҳамда кўрку ақлим олди.
Ҳар гулининг ҳар япроги, ҳар бир ранги,
Калбларимни титратгудай туйгу солди.*

Мана шу жиҳат унинг “Табиат ва ҳаёт манзаралари” туркумини яратишга турткни бўлди. Туркумдаги шеърлар табиат манзараларидан илҳом олиб янги-янги ҳаётий хуласалар чиқарилганинг яхши намунасидир.

*Хазонрез япроқлар йўлумга тушибди,
Биттаси мунгайиб қўлимга тушибди.
Бир нечтаси ўнгу сўлумга тушибди,
Бу ҳолдан шу тобда минг маъно туйдим.*

Табиат тасвири билан боғлик ўхшатишларни коғозга туширишда шоирнинг қалами яйраб кетади. “Кузда” шеъридаги мисраларга эътибор берайлик:

*Ечинтириб қўйди дараҳтларни куз,
Хаёлларга толди бу ҳолдан боғлар.
Барги хазонларга кўмилиб ҳовуз,
Бир ҳўрсиниб қўйди сокин ирмоқлар.*

Энди унинг тескариси бўлган бир ҳол ифодаланган “Баҳорнинг аҳди” шеърини кўринг:

*Ой солланиб юлдузларга чироқ илди,
Сарноларин сочди кўкнинг сандиқлари.
Ёѓдуланган баҳоройнинг авжи келди,
Сурнай чалди дала-тузнинг чандиқлари.*

Биринчи икки мисрага эътиборни қаратсак, табиат тасвири миллий руҳда тасвирланганини кўрамиз. Мана шу оҳанг кейинги мисраларда янада кучаяди. “Билиб-бильмай тиралиб қолди, Қояларга увада булут”, “Хўмрайган ола булут қовогин

үйди, *Ой эса ўйланаб туриб қолди жисм*” тасвирлари китобхонни ўйлантиради, та-биатни теран кузатиб, гўзаллигини илғашга ундаиди. Ой гўзал кизга менгзалган бу тасвирдан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ.

*Авжси келиб қолди бу кеча ойнинг,
Сочларини тараф, қошларин керди.
Хаёлин қочириди дарёнинг, сойининг,
Дала, қирга чиқиб чучмома терди.*

Шоир бир шеърида ойни гўзал кизга ўхшатса, иккинчи шеърида эртакчи момога қиёслайди. Унинг маҳорати шундаки, хар иккисида ҳам китобхонни ишонтиради. “Оқшом аста ухлаб қолди” шеърида шу ҳолатни кўрамиз.

*Тунга эртак айтавериб,
Ой салгина ҳориб, толди.
Сеҳрланган оқшом аста
Гўдак тахлит ухлаб қолди.

Тонг-ла турди турфа олам,
Йигиб олиб ҳушларини.
Мароқ билан ҳамма шошиб,
Кунга айтди тушларини.*

Менглибой Муродовнинг “Ҳолат”, “Шамол ва боғ”, “Баҳор соғинчи” каби яна қўпгина шеърларида янги ташбехларга, жонлантиришларга дуч келамизки, бу шоир иктидоридан, руҳи тозалигидан далолат.

Низомий Арузий Самарқандий “Шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг салоҳияти ҳакида” рисоласида шундай ёзганди: “Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, таъби латиф, кўнгли тўғри ва зехни ўткир бўлмоғи лозим. У яна турли фанлардан ҳабардор бўлиши, хар хил одатлар билан таниш бўлмоғи керак. Чунки шеър ҳар бир илмда кўл келиши ва ҳар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин”. Шу жиҳатларни Менглибой ака ижодида кузатиш мумкин.

Менглибой оғанинг шеърлари мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлганидек, мазмунан ҳам турфа хил. “Юрагимга”, “Ношудга”, “Тошда ҳам кўнгил бор” каби шеърлари шоирнинг фалсафий қарашларга ҳам мойиллигидан далолатдир.

Ижодкор асардан асарга ўтаркан, ўз-ўзини такомиллаштириб бориши керак. Изданишни тўхтатмай, янги қашфиётлар қилишга уриниши даркор. Менглибой Муродов ҳам вакт етиб, насрда қалам тебрата бошлади. Шеърга сиғдиролмаган фикрларини насрда тўқиб солди. “Гуноҳ” романини ёзи. Маиший мавзуда йирик асар ёзишининг ўз масъулияти бор. Ёзувчининг “Гуноҳ” романида икки ёш – Шамсиддин ва Гулсаранинг бир болани тирик етим қилганлигининг гунохи ҳар иккаласинигина эмас, бутун бир онлани бир умр таъкиб килгани ва бир гуноҳнинг касрига канчадан-канча бегуноҳлар колиб кетгани хаётий тасвирланган. Асарда айниқса, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати яхши очиб берилгани диккатни тортади. Гўдагини болалар уйига ташлаш учун олиб кетаётган Гулсаранинг руҳий ҳолати шундай тасвирланади: “Аёл шошилаётганига қарамай, боласининг митти қўлларидан ўтмоқчи бўлди, бироқ унинг уйгониб кетишидан қўрқдими, дарҳол фикридан қайтди. Аёл яна ва яна гўдагининг юз-кўзларига суқлана-суқлана термилди. Кўзларига ёш тўйлиб-тўйлиб термилди... Шу пайт гўдак кулимсираб кўйди. Бу ҳолат аёлнинг юрагини баттар хуружга келтирди. Ўзини йўқотаётган аёл шу онда гўдагини багрига олиб тўйиб-тўйиб эркалагиси, муаттарлик ва мафтункорликда

бу дунёда ўхшишийн түүх чакалок исидан масти бүлгиси келди”. Асарда мана шундай киши тийннатини күрсөтгөлийн тасварларнинг күплиги ёзувчининг қаҳрамонлари рухиятини очищдаги маҳоратини күрсөтгө.

Романда миллий кадриялтаримиз билан боғлик күплаб эпизодлар мавжуд. Ота-лар ва болалар ўргасидаги муносабат, кадриялтарнинг қадрига етиш ва айни пайтда ўз қадрини ҳам билиш масалаларига алохида ёндашилган.

Шамсиддин келишганд, ўзига ишонганд үйгит. Аммо унинг ишончи саёз. Шу маънодаки, ўйлаган ишини охиргача олиб бора олмайди. Унинг ўзига ишончи худбинник, холос. Ўзига бино қўйишдан келиб чикадиган худбинник. Худбинник бўлмаса болани етим қўймасди, Гулсаранинг бошига шунча ташвишларни солмасди. Демак, унинг севгиси ҳам маълум даражада худбинникнинг курбони ўзининг шаъни учун бошқанинг шаънини ерга булғашнинг ҳосиласи бўлган. Шамсиддин гуноҳ устига гуноҳ килади. Гулсарани алдаб бир гуноҳ килса, Ойсарани алдаб икки гуноҳ килади. Натижада гуноҳларнинг залвори ортавериб охири ўзига ҳам зарбаси каттиқ бўлади. Ёзувчи бу гуноҳнинг оқибатини таъсири кўрсатиш максадида, Шамсиддиннинг гуноҳлари болаларига урганини кўради. Бу гуноҳ ўзига урганда китобхон кўнглида “жазосини олди” – деган фикр уйғониши мумкин эди. Улар энди болаларга ачинади, Шамсиддинга нафрати ортади. Ёзувчи қаҳрамонига нафрат орттиришдан манфаатдор эмас. Асарнинг мантикий тадрижи, килинган гуноҳнинг залвори ниҳоятда оғирлигини хис қилдириш учун ҳам керак бу усул.

Гулсара ҳам четда қолгани ўйқ. Ота-онасининг ахволи, акасининг ногирон бўлиб колиши, сиҳатини йўқотиши буларнинг барчаси бир нуктага бориб тақалади. Яъни, килинган яхшилил ҳам, ёмонлик ҳам безиз кетмаслиги. Сўнгти пушаймон ўзингга душман, демокчи.

Романда сюжет тизимидағи узвий боғлиқлик, асарни ўқиганда китобхон воқеаларни чалкаштирумаслиги учун композицияни тўғри қуриш мухим рол ўйнаган. Асарда воқеалар кетма-кетлиги тўғри белгиланса, китобхонни жалб килиш баробарида таъсир кучи ҳам ортади. Ўкувчида нега бундай бўлди, аввал бошқача тасвирланган эди-ку деган фикр уйғониши керакмас. Аксинча, бир воқеадан иккинчисининг келиб чикиши, мантикий изчиллик мухим аҳамиятта эга.

Менглибой Мурод номини танитган асарларидан бири болалик йилларидан олиб ёзилган “Менинг бола қалбим” киссанынг ёзилиш тарихи ҳакида ёзувчининг ўзи шундай ҳикоя килади: “Гуноҳ” романим босмадан чиққач, жойларда китобхонлар билан кўплаб учрашувлар ўтказдик. Улар менга: “Сизнинг нима армонингиз бор?” – деган савонни беришгандан, юрагимнинг туб-тубига муҳрланган армоним беихтиёр юзага қалқиб чиққандек бўлди. Менинг армоним унча-мунча армон эмасди. Мен учун отамни кўриши, унинг юз-кўзларига термилиб қарашиб умрлик армонга айланганди. Жажжигина бола қалбим билан мана шу улкан армонни кўтариб, улгайдим. Ёшим ўтгани сайин, армоним юрагимга чуқур ботиб бора-верди... Ушибу асарни сизга тақдим этарканман, отасининг йўлида зор-интизор яшаётган болакайнинг юрагини кўлингизга тутқазаётгандекман”. Ёзувчи кўксини кўйдирган армонларини, соғинчлари, кўрган-кечиргандарини самимият билан каламга олгани асарнинг ўқишили чиқишига замин бўлган. Асар бошланишидаги воқеа: отаси урушга кетгандан сўнг туғилган, хали падарини кўрмаган бўлса-да, унинг дийдорига интиқ боланинг бошқа болаларга қўшилиб эшак миниб келаётган бир тўда одамларга караб ота деб югурши, оталари эшакларига мингаштириб олган болалар олдида изза бўлиши жуда таъсирили берилган. Ёзувчи асар давомида мана шу таъсиричанликни ушлаб туришга харакат килади ва бунга эришади

хам. Асар бириңчи шахс – бола Менглибой тилидан ҳикоя қилиниши ҳам ички кечинмаларни теран ифодалашға хизмат қылған. Қиссада уруш йилларидағи оғир иқтисодий ахвол, кишлоқдаги турмушнинг беаңад қийинчиликлари таъсирчан холатда берилади. Асарда нозик рухий кечинмалар мөхирона акс эттирилған, чи-ройли табиат тасвиirlари талайгина: “...Нече қундан бүён осмонни қолпаб турған қора булутларни ёриб чиққан барқашдай офтоб нұрлари ҳовлимиздағи уюм-уюм қорларнинг додини беріб үйглататеңған ва башарасини хунуклаштириб, тупроқта қориштираётған әди”. Ёки: “Офтоб чиқиб турған бұлса-да, ҳовлининг ҳар ер-хар ерига үйліган қор ва музлар мәхмона үхшаб құзилиб ёттар, үрінларидан күзгалай демасди”. Қорни үйглатыш, узала тушиб ётған мәхмона үхшатыш жуда оригинал топилмалардир.

Бригадирнинг портретини шундай чизади: “Үзиям сузагон ҳұқыздай важоҳатли, телбавор. Юзіда оғзина бұлса-да истараси йўқ, кўзлари ҳам илонники каби совуқ ийлтираб туради”. Бундай тасвиirlар асар бадийлигини ошириши билан ўкувчига бадий завқ беради, воқеалар зиддигини кучайтиради.

Асарда воқеалар асосан киш фаслида кечгандығы, табиатдаги совуқликнинг таърифи, асардаги турмуш “совуқлигини” бўрттиришга хизмат қылған. Фаслларнинг инсон рухиятига таъсири бўлганидек, ёзувчи ҳам таъсир кучини ошириш маъносида киши фаслига кўпроқ ургу берган. Асарда ишлатилған халқ маколлари: “Пухтанинг иши беш, шошманинг иши бўш”, “Холини билған хоримас”, “Ота сўзи олмос, отгани ерда колмас”, “Чақмайдиган бит йўқ, қопмайдиган ит йўқ”, “Давлатинг – ота-онанг, савлатинг – ўғил-қизинг”, “Ориқ отга қамчи оғир, ииртиқ томга томчи оғир”, “Тош тушган ерига оғир”, “Мушукка ўйин, сичқонга қийин”, “Дард – мәхмон, тана – кўргон”, “Ёмоннинг бир килиғи ортиқ” каби ва яна бошқа кўпгина халкона хикматларнинг қаҳрамонлар тилидан ўз ўрнида кўлланиши асар тилининг жозибадорлигини ошириб, кисса тилининг янада ширали бўлишига хизмат қылған. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев киссага битган “Интизор қалб армони” сўзбоисида шундай ёзади: “Менглибой Муродовнинг “Менинг бола қалбим ёхуд армонга айланган умид” асарини бир эмас, икки-уч бор ўқидим. Ўқиган сари яна ўқигим келаверди...

Айтишларича, бадий асар деб аталаған гўзал кошонани бир-биридан чиройли ишланған тўрт устун кўтариб турар экан. Бу – гўзал ғоя, бир-биридан чиройли сўзлар, бу – пухта ишланған образлар, бу – ихчам сюжет. Шулардан бири бўлмаса, ўша гўзал кошона сал кийшайиброк колади, дейдилар. “Менинг бола қалбим ёхуд армонга айланган умид” асарида шу тўрт ҳолатнинг бирмунча мукаммал ишланғанини кўрдим”. Асарни ўқиган китобхон атоқли ёзувчининг фикрларига кўшилиши табиий.

“Савоб” романни худди “Гунох” романининг давомидек. Аммо, бу романда аксинча, савоб ишнинг аҳамияти бекиёслиги Яхши бобо мисолида кўрсатилади. Ўсмири ёшдаги ўкувчилар учун мўлжаллаб ёзилған асар “Бир кўнгил иморати – минг Макка зиёрати” мантикига асосланғандек туюлади. Асар бошдан охиригача эзгулик тарғиботига бағишиланған ва ўкувчидан ҳам шундай эзгу туйғулар шаклланишига хизмат қилади.

Менглибой Муродовнинг асарларида ўқ томир – яхшиликка чорлов десак адашмаймиз. “Онамнинг ҳиммати”, “Жазо”, “Ирода”, “Аёл қисмати” ҳикоялари мағзини ҳам, “Ўйғониш”, “Қайтар дунё”, “Интизор қалб армони” драмаларининг мазмунини ҳам, мантикини ҳам эзгуликни улуғлаш ғояси тутиб туради ва бу ўқирманга завқ бағишилади. Менглибой Муродов асарлари ҳакида таникли адид ва адабиётшунослар Хуршид Дўстмуҳаммад, Шухрат Ризаев каби ижодкорларнинг илик фикрлар билдиргани ҳам яхши асар ёзган ёзувчи меҳнати қадр топаётганидан далолатдир.

ТАНБУР ВА КУМУШ ТҮҒНОГИЧ

Ҳикоя



Озод
МУСТАФО

Бу олам – танбур. Унинг қорни бўш, сип-силлик, дастаси дағал. Тор бўшлиқ томонга интиларкан ноҳун уни ортиқ азобламайди, бироқ шунда нозик куй ҳам тугайди. Қачонки, у бутунлик томонга интилса – аксинча ҳолат юз беради.

* * *

Дераза рахида турган танбурнинг лакланган косаси қуёшнинг илк нурларида яркирайди. Ҳар замон дераза пардаси унинг устида шамол таъсирида тўлқинланаркан у нозик бармоклари ила соз чалаётган мөхни эслатади. Ташкарида катта ўйл бўйлаб машиналар ўтиб кайтаркан, кишини кўча шовқиндан кўра ичкаридаги ана шу ҳолат кўпроқ ром этади...

...Шамол тўхтаб, парда танбурни ичкаридан кўринмайдиган қилиб ёпиб олди. Шунда бирдан машинанинг тормоз берган овози ва кимнингдир қичқириги эшитилди, дераза ойнасига автоҳалокатга учраган машинадан узилиб кетган алланияма зарб билан урилиб, дераза ойнаси чил-чил бўлди, раҳда турган танбур тўнкарилиб, пастга кулади. Ташкаридан кимнингдир бошқаларни ёрдамга чакирган овози эшитилди...

* * *

Коп-коронги бир хона. Балки хона ҳам эмас, уйдек келадиган қайиқнинг ичи, факат бу ерда одам бўйидан икки-уч баравар баланд шифтдаги озгина тирқишидан тушаётган ёруғликдан ўзга нарса мавжуд эмас. Йўқ – хаммаси чалкаш. Қайикка ҳам ўҳшамайди бу жой!

Қайбир бурчак бирдан ёришиб, бир чол кела бошлади. Унинг нуроний чехраси шу даражада чиройли эдик, бир қарашда унда минг йиллик қариллик аломатини ҳам, эндигина туғилган гўдакнинг юз тузилишини ҳам кўриш мумкин эди. У коронги бурчакдан ўртадаги нур томон ниманидир тортиби келди. Абжир экан. Нима у? Пўрим кийинган эркакми? Уст-боши кумга беланганд бу нусха беҳуш эди. Мўйсафид уни силкитиб, хушига келтира бошлади:

Озод МУСТАФО – 1990 йилда тугилган. Навоий давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Ҳикоялари матбуотда эълон қилинган.

– Хой, йигит, ўзингга келдингми?

Эркак кўзини очаркан, атрофга оҳиста аланглаб, сўнг чолга каради:

– Сиз к-кимсиз? Мен каердаман ўзи?

Сен танбурнинг ичидасан, – қаддини ростлади чол ва ундан нари кетди.

Эркак ҳеч нарсага тушунмади, ўзини ўнглашга ҳаракат қилди:

– Бирор тамаддихонанинг номими бу – танбур? Мен бу ерларга илгари келмагандим. Нега бунча коронги?

Мўйсафид яктагининг барини қоқди:

– Тушунмадинг. Бу ҳакикий танбур. Сен танбур косаси ичидасан. Суяниб турганинг коса ичидаги ковурға.

Эркакнинг жаҳли чиқди:

– Бу қандай безбетлик! Автоҳалокатга учрадим! Менга ёрдам бериш ўрнига устимдан куляпсизми? Дўхтири ҷақириңг! Бутун танам оғрияпти!

– Сен ўз вазифангни адо этиб бўлдинг. Энди ҳеч кимнинг сенга нафи тегмайди, – хотиржам жавоб берди мўйсафид.

– Ўлдинг демокчимисиз? – эркак зўрга жойидан турди. – Тирикман-ку, сиз билан гаплашяпман-ку, хали ўлмаганман-а? – чолни елкасидан ушлаб силтади. – Гапириңг! Кимсиз ўзи!

– Сен ўзи аввал кимлигингни билиб ол! – чол эркакнинг қўлини елкасидан олиб ташлади. – Акс ҳолда ҳеч нарсага тушунмайсан.

Эркак ҳар тарафга юриб, ковурғалар ошаркан, хонанинг бурчак-бурчакларигача саросима билан юриб чиқди.

– Мен катта бир корхонанинг раҳбариман, – деди мўйсафид олдига кайтиб. – Мухим бир йигилишга бораётгандим, ахир, – йиғламсираб гапириди у.

Миясида чарх ураётган саволларнинг атиги биттасига ҳам жавоб тополмасди.

– Сен айтган одам бошқа, – кулимсираб гапириди чол. – Сен унга узоқ вақт ҳамроҳлик қилгансан, холос.

Чолнинг гаплари умуман тушунарсиз эди.

– Нима деяпсиз ўзи? – эркакнинг энсаси котди. – Ким ҳамроҳлик қилган? Мен ўлдимми, а? – йиғламсиради. – Қабр ичидаман-а? Ахир не-не орзуларим бор эди. Сиз фариштасиз-а? Наҳотки шу гаплар рост бўлса? Наҳотки жаҳаннам оловида куйсам? – мўйсафид олдиди тиз чўқди. – Мен яхшилик кильмокчийдим. Мен ёшим бир жойга боргач яхши ишлар килишни ҳам режалаштиргандим, ахир.

– Ўзингни бос, ҳеч қандай жаҳаннам оловида куймайсан. – Чол унга тушунтира кетди. – Мен фаришта эмасман. Рухман. Танбурнинг рухиман. Автоҳалокат танбурга якин жойда содир бўлди. Сен ўша одам таққан бир тўғноғичсан, холос. У сени ҳар доим бўйинбогида такиб юрган, вассалом. Рух колипга сиғмайдиган бир нарса, шаклан ўзгарувчан. Сен у одамга шу қадар якин бўлгансанки, унинг барча ишларидан хабардорсан. Ўзингни у деб ўйлаётганинг боис ҳам киёфанг уникудек.

Эркак ҳаҳолаб кулди.

– Кўйсангиз-чи, тўғноғич – жонсиз бир буюм. Унда рух нима килсин? Мен ўша одамман, мен! – кўкрагига урди у.

– Унутмагинки, моддий оламда ҳар бир нарсанинг гапирувчи руҳи бор. Уларнинг барчаси одамнинг қилган амаллари учун киёматда гувоҳлик беради. Сен ҳам!

Эркак киёфасидаги руҳ дод солди:

– Йўқ! Йўқ! Йўқ! – у кўрсаткич бармоғи билан ҳавони бир неча бор кесди. – Мен хали тирикман! Мен яшашим керак! Якинларимни бир бор кўрай! Бу ердан чиқиш ўйлини айтинг! – ҳар тарафга йўналиб, деворларни пайпаслай бошлиди.

– Сен оддий бир тۇغنوچсан! На якининг ва на бир фарзандىнг бор! Ўша одам аллақачон ўлиб бۇلغان! Қабрида ётибди! Сен унинг барча ишларига гувоҳсан, холос.

Эркак мўйсафид ёнига қайтди.

– Кечагидек ёдимда! Зиёфат маҳали менга қилинган хушомад! Түн кийгизиш ганди, ахир. Хотиним кутуб олганди уйимда. Роса ичган эдим.

– Сен кузатиб боргансан, холос. Бу ҳаммаси – бемаъни хотира! Сен унинг ана шу ишларини Тангри олдида вакти келганды, сүралганида рўй-рост айтасан!

– Э, Худо, – ерга чўккараб, бошини чангллади эркак. – Бу қандай кўргилик? Наҳотки, мени арзимас бир буюмга тенглаштиришса! Мен катта одамман, не-не ишларни бажарганиман, ахир. Юзлаб одамларни ишга олдим, ўнлаб одамларга ла-возим бердим, мол-давлат бердим!

– Сен хаётда қилган иш бўйинбогни маҳкам тутиб туриш эди, холос!

– Устимдан кулманг, чол! – эркак мўйсафидга кўзларини олайтириб қарапкан, шу топда уни бўғмоқчидек кўлларини унинг бўйнига чўзди. – Ҳеч ким бунга журъат килмаган! Сиз айтаётган танбур – сафсата! Айтган ҳамма гапингиз – ёлғон.

– Ўлганинга ишончнинг комил бўлса, агар сен қабрда ётган бўлсанг, нега унда сени сўрок килишга ҳеч ким келмаётир, а?

Эркак иккиланди.

– Билмадим, билмадим. Бу яна қандай синов экан? Нега ҳамма ёқ жимжит? – эркак ҳар тарафга бақира кетди. – Ҳой ким бо-о-ор! Биров борми-и?

– Бақирганинг бефойда! Бор-йүғи бир тўғночичнинг рухисан-у, ўзингни катта олганингни-чи! Мен сенга ўша одамнинг қабрини ҳам кўрсатиш имумкин! Фақат ҳозир эмас. Кейинрок. – Чол нари кета бошлади. Эркак унга йўналди:

– Қаерга кетаяпсиз, бобо. Менинг ҳали саволларим кўп. Қайтинг...

Мўйсафид девор узра сингигандек ғойиб бўлди. Эркак эса девордан нари ўтолмади. Ортига қайтаркан яна атрофга аланглади:

– Бу қандай сирли жой? Наҳотки танбурнинг косаси бўлса? Наҳотки мен арзимас бир тўғночич, – эркак жинни бўлгандек кула бошлади. – Арзимас бир ишга ярайдиган тўғночич бўлсан? Бу қандай гап? Бемаънилик, бемаънилик, – девона бўлгандек бақириб деворларни муштлай бошлади...

* * *

Оқшом чўкаркан, қабристон бўйлаб ўтган зовурда курбакаларнинг овози ҳам авжига чиқа бошлади. Қабрлар атрофида кузнинг совук шамолларида сарғайган қамишлар шамолда шовуллайди. Кимдир бу ерга кириб кела бошлади. Қора плаш кийган эркак қабристондаги улкан дўнгликнинг ўнг тарафи бўйлаб янги қабрлар томон йўналди. Оҳиста қадам босиб бораракан, кафтида ниманидир маҳкам қисиб олганди. Кўзлари билан қабр тошларидаги ёзувларни күёшнинг сўнгти нурларида ўқишига интиларкан, жонсарак ниманидир кидиради. Шу пайт кўзи улкан мармар тошдаги ўзининг суратига тушди-ю, котиб қолди. Ранги оқариб, бир зум тара-шадек жойидан кимирлолмай қолди. Одам бўйи баробар тошдаги суратга қайта-қайта қаради, ёзувлар устидан бармогини юргизиб икки-уч маротаба ўқиб чиқди. Қалтиради. Бир ютинди-да, шу жойда тўхтади. Сўнгти бор суратта разм солиб, худди оёклари унга бўйсунмагандек, қабристон дарвозаси тарафга югуриб кетди. Ҳаял ўтмай коронғида кўринмай ҳам қолди. У боя кўлида яшириб турган нарса мармар устига тушиб колганини сезмади ҳам. Бу күшнинг тумшуғидек, бежирим килиб ишланган, занжирли кумуш тўғночич эди...



Абдулхамид
ҚУРБОНОВ

ЗУЛФ – СҮФИЁНА ИСТИЛОҲДА ОЛАМ РАМЗИ

Зулфнинг маъноси сочdir, у ўтмиш адабиётида гесу, турра ёки кокил деб ҳам аталган. Зулф тасаввufнинг муҳим истилоҳларидан бири бўлгани учун тадқиқотларда анчагина кенг шархланган.¹ Жумладан, “Миръоти ушшок” (“Ошиклар кўзгуси”) номли сўфиёна истилоҳларнинг изоҳли луғатида зулфнинг тасаввufий маъноси ҳакида шундай дейилади: “Зулф деб жалолий сифатлар ва жамолий тажаллиётга айтилурки, улар мутлақ жамол ваҳдати яширин колишининг сабабчисидир”.²

Мутлақ жамол Оллоҳ хуснидир. *Ваҳдат* сўзининг маъноси бирлик, ягоналик бўлиб, ваҳдат Хусни Мутлақнинг ўз-ўзи ёки ғайб оламидаги жилvasига ишорадир, чунки мутлақ жамол ғайб оламида ваҳдат ҳолатида бўлади. Ваҳдат – касратнинг зидди. *Касрат* кўплик, ваҳдат эса бирликдир. Ваҳдат деганда Ҳакнинг ўзи, унинг ягоналиги назарда тутилса, касрат деганда Ҳакнинг зоҳирий олам ашёларида, хилма-хил ва сон-саноқсиз нарсаларда тажаллий килиши тушунилади. *Жалолий сифат* ва жамолий тажаллиётга келадиган бўлсак, Ҳакнинг лутф сифатлари ва қаҳр сифатлари бўлиб, сўфиёна фалсафада лутф сифатлари Оллоҳнинг ўз жамолини оламдаги нарсаларда намоён килиши, қаҳр сифатлари эса уни оламдаги нарсаларнинг пардаси ортига яширишидир. Бинобарин, олам Оллоҳ жамолини ўзида намоён қилувчи кўзгу, айни чоғда, хилма-хил нарсаларнинг сон-саноқсиз суратлари ортига яширувчи пардадир. Айтилганлардан келиб чиқилса, сочининг мазкур таърифини шундай тушуниш мумкин: Зулф Ҳакнинг лутф ва қаҳр сифатлари билан тажаллий қилишиидирки, улар Ҳакнинг, Ҳақ жамоли бирлигининг яширин қолии сабабчилариди.

Бироқ машхур шайх Маҳмуд Шабистарийнинг “Гулшани роз” (“Сирлар гулшани”) асарига Лохижий томонидан ёзилган шарҳда соч бироз бошқачароқ талкин килинган: “Юздан мурод Оллоҳнинг лутф сифатларидир, – деб ёзди Лохижий, – зулфдан мурод эса қаҳр сифатларидир”.³ Демак, Лохижийга кўра, зулф ҳам жамо-

¹ Хусусан, Е. Э. Бертельснинг зулф ва юзининг сўфиёна талкинiga бағишланган фойт сермазмун мақоласи бор. Қаранг: Е. Э. Бертельс. Локон и лицо / Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 109–125.

² Миръоти ушшок / Е. Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 153.

³ Сайдин Содик Ғуҳарин. Шарҳ-э эстзоҳот ва таъбирият-э эрфоний. Жедли панжӯм, с. 170.

Абдулҳамид ҚУРБОНОВ – 1957 йилда туғилган. Адабиётишунос олим. Республика ва хориж журнallарида Навоий асарлари, тасаввuf ҳамда мумтоз поэтиканинг турли масалалари га бағишланган ўттилиздан ортиқ мақолалари чоп этилган. “Хамса” сарлавҳалари бадиияти номли монография, “Аруз вазни”, “Тасаввuf ва адабиёт” китоблари муаллифи.

лий, ҳам жалолий тажаллий эмас, факт жалолий тажаллийдир: *юз зотий ҳусн жилваси бўлса, соч олам ва унда хилма-хил ва сон-саноқсиз шакл ва сувратларда намоён бўлувчи нарсалардир.*

Зулфнинг Алишер Навоий изходидаги тасаввуфий талкини ҳам Лохижий фикрларига якин. Улуғ шоир бир газалида шундай деб ёзди:

*Зиҳий, тажаллий ҳуснунг келиб жаҳонорой,
Жамиллар санга ойнаи жамолнамой.
Жамол бирла жалолиятингдин ўлди бу навъ,
Саҳар узори уза шоми зулфи анбарсой.*

Улуғ шоирнинг тажаллий ҳақидаги газалидан олинган мазкур парчанинг биринчи байтида айтилишича, олам Оллоҳ гўзаллигини акс эттирувчи *ойнадир*: *Қандай ажойибки, – дейди файласуф шоир, – ҳуснинг тажаллийси оламга чирой берди ва чироили нарсалар жамолингни кўрсатувчи ойна бўлди*. Кейинги байт ҳусн ойнасида акс эттан жамолий ва жалолий тажаллий ҳақидаги фикрларнинг поэтик изҳоридан иборат: *Жамол билан жалолиятингдан анбар суртилган зулфнинг шоми тонг чехрасининг устида (ёйилгандек) бўлди*. Байт тамсил санъати асосига курилган бўлиб, биринчи мисрадаги *жамол* иккичи мисрадаги узор (*юз*) билан, *жамол* эса зулф (*соҷ*) билан таносуб ҳосил қилган: *жамол – юз, жалол – зулф*. Ташбех ва истиора сингари сержило, айни чоғда, мураккаб шеърий санъатлар либосида намоён бўлган байтнинг маъносини соддароқ килиб ифодаласак, шундай бўлади: *Ойнаи жамолнамо бўлган олам кўзгусида жамол ва жалолиятинг жилва қилди*. *Жамолинг тонг сингари ёргу юз, жалолинг эса анбар суртилган хушбуй зулф бўлди*. Қоронги шом ёргу тонгни яширганидек, зулфинг юз узра тушиб, уни кўздан пинҳон қилди.

Улуғ шоирнинг фикрларидан шундай хулоса чиқариш мумкин: зулф жалолий тажаллий, яъни оламдир, олам эса, коронги шом ёргу тонгни яширгандек ёки зулф юз узра тушиб уни кўздан пинҳон килгандек, илоҳий жамол узра тортилиб, уни кўздан яшириб туради. Яъни: Эй Парвардигор, – деб хитоб килади шоир Яратувчи Зотга, – чироили нарсалар жамолинг жилваланиб турувчи бир кўзгу бўлди, аммо, шом саҳарни, зулф юзни яширгандек, олам ва ундаги нарсалар ҳам жамолинг жилвасини яширувчи парда бўлди.

Мавлоно Лутфий бир газалида юзнинг жамолий, зулфнинг эса жалолий тажаллий эканлигини жуда очиқ айтади:

*Ўгонки, қудрат ичинда камол кўргузди,
Юзунгунг ойинасинда жамол кўргузди.
Жаҳонни ўртади ул дамки юзу зулфунгдин,
Тажаллиёти жамолу жалол кўргузди.*

Мазмуни: Эй ёр, Парвардигор улуг қудрати билан юзингнинг ойнасида ўз жамолини зоҳир айлади. Юзу зулфинг билан жаҳонни ўртаган чоғда юзингда жамолий, зулфингда эса жалолий тажаллиёт намоён бўлди.

Шундай килиб, соч Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий ва Лохижийларнинг ёзишича, жалолий тажаллий, “Миръоти ушшоқ” муаллифининг таъкидлашича эса, ҳам жалолий, ҳам жамолий тажаллийдир. Бирок жалолий тажаллий бўладими ёки жамолий – бундан қатъи назар, соч зоҳирий олам ва ундаги нарсаларнинг рамзи бўлиб, маъшука сочи юз узра ёйилиб, уни кўздан пинҳон килганидек, олам ва ундаги ҳар бир нарса парда, никоб янглиғ Оллоҳ жамолини кўздан яшириб туради.

Хоғиз Хоразмийнинг қўйидаги байтида ҳам соч шу маънода талкин қилинган:

Зулфи шабрангини моҳ узра ниқоб айладилар,

Отини иккисининг мушку гулоб айладилар.

Яъни: Тунсифат зулфини ойдек юзи узра ниқоб қилгач, зулфини мушку юзини гулоб деб атадилар.

Алишер Навоийнинг куйидаги байтида ҳам илохий хусн юз, олам пардаси эса зулғфа нисбат берилганлиги сезилиб туради:

Гам туни дедим булатнинг пардасидин чиқти ой,

Зулфдин чиқсан жамолинг меҳри раҳишони эмиш.

Шоир байтда фикрий аниклик ва таъсирчанликни ошириш учун тамсил санъатини ишга солиб, биринчи ва иккинчи мисраларда бир-бирининг маъносини тўлдирувчи жуфт тимсоллар келтирган: булатнинг пардаси – зулф, ой – жамол күёши. Гам кечасининг зулматида булатнинг пардасидан ой чиқти деб ўйладим, – дейди лирик қаҳрамон тилидан шоир, – Аммо билсан, жамолингнинг порлоқ қуёши зулфинг остидан чиқсан экан. Илохий жамолнинг зохир оламда тажаллий қилиши биринчи мисрада ойнинг булат пардаси ичидан чикишига, иккинчи мисрада эса маъшука хусн күёшининг зулф булути ортидан юз кўрсатишига ташбех қилинган.

Агар мазкур байтда Оллоҳ жамолининг зохир оламда жилва қилиши маъшука руҳкорининг зулф пардаси ортидан юз кўрсатишига ўҳшатилган бўлса, шоирнинг бошқа байтида, аксинча, унинг олам пардаси ортида ниҳон бўлиши ёрнинг юзини зулфи билан беркитишига нисбат берилган:

Ҳамул кун меҳри иқболимни шоми гам ниҳон қилди,

Ким ул гул қилди пинҳон сунбули сероб ила ораз.

Мисрада тилга олинган гул маъшуқага ишора бўлса, сунбули сероб (яшнаган сунбул) зулфнинг истиоравий ифодасидир. Меҳри иқбол – иқбол күёши, шоми гам ғам кечасидир. Ҳак дийдорини кўришга интилган ва буни улуг саодат деб билган ошик зорланиб дейдик: Ул гул оразини сунбули сероби билан беркитган кун иқболимнинг күёши гам кечаси ичра ниҳон бўлди. Дарҳакиқат, Ҳак ошиқлари учун илохий жамолнинг олам пардаси ичра пинҳон бўлиши иқбол күёшининг ғам зулмати ичра гойиб бўлиши билан баробардир.

Куйидаги байтда зулф пардаси яна ҳам куюқлаштирилиб, бирданига икки нарсага ташбех қилинган:

Ики руҳсори икки зулф ёпқондин ниҳон эрмииш,

Нечукким шуъла дуд ичра, қуёш ёхуд губор ичра.

Юз олов бўлса, зулф – тутун, юз күёш бўлса, зулф – чанг-тўзон: ўт тутун ичида қолгандек, қуёш чанг-тўзон ичра ўйғолгандек, маҳбубнинг икки руҳсори икки зулф остида пинҳон бўлган.

Шу ўринда сочнинг ранги билан боғлиқ бир жихатта алоҳида эътибор қаратмок лозим: мумтоз шеъриятда соч рангининг қоралиги билан тасвирга тортилган. Юкорида келтирилган байтларда зулф юз билан ёнма-ён келиб, юз ой, күёш, ўт каби нурафшон нарсаларга ташбех қилинган бўлса, юздан фарқли ўларок, зулф тун, шом, тутун, губор каби хира ва коронги нарсаларга ўҳшатилган. Бу бежиз эмас, албатта. Бу, бир тарафдан, сочнинг ранги билан боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан, олам пардасининг ҳам қоралигига ишорадир. Чунки сўфиёна фалсафага кўра, Оллоҳ жамоли нур бўлса, олам зулматдир, бинобарин, кора зулф маъшука юзига тортилган кора парда бўлганидек, олам ҳам Оллоҳ жамолига тортилган кора пардадир. Байт, Навоий:

*Ажаб йўқ ўлса қора зулф оразингга никоб,
Күёшқа тонгмуудурур бўлса шоми тийра ҳижсоб.*

Шоир дейдикси, зулф олам пардаси бўлса, ораз Ҳақ нурининг тажаллийсидир, қора зулф маъшука оразига никоб бўлганидек, зулф сингари қоронги оламнинг ҳам Ҳақ жамолининг жилвасига парда бўлиши ажабланарли эмас.

Бирок, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, пардалик сочнинг ягона хусусияти эмас. Сочнинг бадиий тимсол сифатида ҳам, тасаввуфий рамз сифатида ҳам мазмуний мундарижаси фоят кенг бўлиб, унинг хилма-хил тасвир қирралари бор: *узунлиги, бекарорлиги, савдоси, паришинлиги, ҳалқаси, тугуни ва бошқалар*. Шу билан бирга, соч мумтоз шеъриятда *дом, каманд, қуллоб, куфр, илон, соя, йўл, ришта, зуннор* каби хилма-хил нарсаларга ташбех қилинган.

Анъянавий тасаввурга кўра, соч канчалик узун бўлса, у шунчалик маҳбубдир. Шунинг учун ҳам мумтозадабиётда соч мумкин қадар узунрок қилиб тасвиirlанган ва узунрок нарсаларга ташбех қилинган. Масалан, Атоийнинг қуйидаги байтида айтилишича, маъшуқанинг узун соchlарига оёкларининг остига тушиб туради:

*Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,
Аёгинг қанда бўлса, бошим анда.*

Алишер Навоий “Наводир уш-шабоб”да тасвиirlайдики, маъшуқа соchlарини тутун-тутун қилиб туғиб қўйганда оёкларига етади, агар тутунларни ечиб юборса, қулоч-қулоч бўлиб кетади:

*Гириҳ-гириҳ чу тугарсен, етар оёгинга соч,
Гириҳларин чу очарсен, тушар қулоч-қулоч.*

Улуғ шоирнинг бошқа бир байтда муболағадор қилиб тасвиirlашича эса, ерда сурдариб, ошикни банд этишга қасд қилган зулфнинг узунлиги юз қулоч:

*Зулфи эгнига етар, гар сочи ерга судралур,
Тенгдурур қайдим учун гар бир қарич, гар юз қулоч.*

Шунинг учун зулфни мухтасаргина васф этиш мушкул, агар зулфнинг таърифига бир киришиб кетилса, зулфнинг киссаси унинг ўзидек узун бўлиши тайин:

*Эй Навоий, зулфининг таърифига туштунг магар
Ким, сўзунгнунг тори ҳам бўлди паришин, ҳам узун.*

Шунинг учун ҳам зулфнинг фироқидан бир оғиз ҳам сўз деб бўлмайди, чунки зулф узун, айтган билан адо бўлмас киссадир. Лутфий:

*Зулфунг фироқидин битайин шаммае дедим,
Ақл айди: Бошламаки, узундур ҳикояти.*

Қуйидаги байтда айтилишича, маъшуқа соchlарининг власфини тунлар то сахарга қадар айтган билан ҳам тутатиб бўлмайди, чунки унинг соchlари тундан ҳам узундир. Атоий:

*Кўп узун тун то сахарга соchlаринг авсофида,
Мажслиси ошифта дилларни муаттар айладим.*

Лутфий бир байтида маъшуқа юз ва сочини власф этиб, юзини ойга, сочини эса йилга ўхшатади. Ой юзини узун соchlарининг фикрида умримни хуши кечирмоқдаман, – дейди ў, – бу умрнинг ойларини ўйларининг қандай эканлиги бир менгаю бир қўнглимга аён:

Ой юзию узун сочи фикрида умр хүш кечар,
Ман билурام дөгү күнгүлкүм бу не моху сол ээрү.

Агар соч таъриф ва тавсиф килинган байтлар бир жойга түпласа, сочининг узунлиги ҳакида шундай хulosага келиш мумкин: соч ғоят узун – юз қулоч, юз қулоч эмас, тундек узун, йилдек узун, умрдек узун, ва ниҳоят, абаддек узун.

Сочнинг узунлиги сўфиёна истилоҳда Мутлак Ҳусн тажаллиётининг чексиз-чегарасиз эканлигига ишорадир: Мутлак Ҳусн азалдан абадга қадар бир лаҳза бўлсин тиним билмай, хилма-хил ва сон-саноқсиз нарсалар тарзида ўзини намоён этиб турди. Бадий адабиётда соч бехад узун килиб тасвиrlангандан ана шу азалий ва адабий жараён назарда тутилади. “Зулфнинг узунлиги, – деб ёзди Лохижий “Шархи “Гулшани роз”да, – мавжудот (вужудга келиш), касрат (кўпайиш) ва тааййунот (аён бўлиб туриш)нинг чексиз-чегарасиз эканлигига ишорадир”.⁴ Соch абад қадар узун бўлганидек, тажаллий жараёни ҳам абад қадар муттасил ва давомийдир.

Зулфнинг илонга ташбех қилиниши мумтоз адабиётда тез-тез учраб турадиган анъянадир. Лутфийнинг қуйидаги байтида маъшуканинг юзи ганж – хазинага, юз узра ёйилган соchlари эса ганж устида ётган илонга ташбех қилинган:

Юз уза зулфунг эрур ганж устида ётқон ийлон,
Ваҳ, ўшул ганж орзусидур бизни вайрон айлаган.

Юз – ганж, зулф эса ганж устида ётган илон. Юз ва зулфнинг бундай талқини ганж ва илон ҳакидаги ҳалқона тушунчаларга бориб тақалади. Ганж беҳисоб олтин-кумуш, дурру жавоҳирлардан иборат ҳазина бўлиб, афсоналарда айтилишича, у кўпроқ вайроналарга яширилган бўлади. Қаерда ганж бўлса, ўша ерда ҳам бўлади, чунки заҳарли илон ганж устида кулча бўлиб, кечаю кундуз уни кўриклаб ётади. Шунинг учун ўтмиш адабиётида юз ганжга ўхшатилганда, зулф кўпинча ганжни кўриклаб ётган илонга нисбат берилади. Ҳофиз Хоразмий:

Юзи устиндаги зулфиндин чекар жоним азоб,
Ганж устинда анингтак мор пинҳон бўлмасун.

Баъзан соч илон эмас, аждарга ўхшатилиши ҳам мумкин. Навоий:

Зулфу рухсоринг гами не тонг бузуг кўнглум аро,
Аждадаҳо гар бўлса вайрон ичра, маҳзан ҳам бўлур.

Юз – ганж, зулф – аждар, кўнгил эса ҳазина яширилган вайрона. Зулфу рухсоринг гами бузуқ кўнглимга тушсан бўлса ажабланарли эмас, – дейди шоир, – ахир вайрона ичра аждадар бўлгандан кейин, у ерда маҳзан – ҳазина ҳам бўлади-да!

Илоннинг сўфиёна талқинига келадиган бўлсак, илон сочининг ўзига хос рамзи экан, унинг маъноси ҳам соч билан бир хил: олам ёки олам ҳаваси. Аммо илон тимсолида зулфга қараганда оламга нисбатан салбий муносабат кучлирок: олам илоҳий ҳусн жилвасини яширган шунчаки парда эмас, балки ҳусн ганжи устида кулча бўлиб ётган илон, кимки унга яқинлашса, унинг заҳридан омонлик йўқ. Лутфий:

Бир тутуб зулфунгни юз минг заҳр топдим зулмидин,
Оре-ореким, ийлон тутқанга самдин чора йўқ.

Зулфингни бир бор тутдим-у, унинг зулмидан минг бор заҳар топдим, – дейди оламнинг заҳарли илон эканлигини билмаган ошик, – ҳақиқатан ҳам, илон тутган киши-

⁴ Қаранг: Е. Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С.115.

нине заңардан омон қолиши қийин экан. Оламга нафакат күнгил бериш, балки унинг ёдни күнгилга келтириш ҳам күйнида заңарли илон саклаш билан баробар. Навоий:

Күйнида ағыйи, не мумкин күзга уйқу кирмаги,
Улки ҳар тун ёд этар бир зулфинг печу ҳамин.

Куйидаги байтда ҳам дунё молига бўлган салбий муносабат, уни кескин рад этиш жуда ёркин акс эттан. Навоий:

Дунё аруси зулфини тутмән не огаҳ фәкәдин,
Ганж истамас улким, ийлон тутмоқ била хурсанд эрур.

Байтда факирлик дунёпаратникка қарама-карши кўйилган бўлиб, фәкәр, гарчи айтилмаса ҳам, яширин тарзда юзга, юз ганжга; дунёпаратник зулфга, зулф эса ўз навбатида илонга ташбех килинган. Шоирнинг таъкидлашича, юз ганж бўлса, соч – илон. Дунёга меҳр кўйиш ганж турганда, ундан юз ўтириб, илон тутиш билан овора бўлган кишининг ишига ўхшайди; ганжни кўйиб, илон тутиш билан хурсанд бўлиш нечоғлик гумроҳлик бўлса, Маҳбуби Ҳакиқийнинг висолига интилмай, дунё келинчагининг зулфидан тутиш ҳам шу қадар гумроҳликдир. Аммо, шоир чукур таассуф билан қайд қиласиди: дунё келинчагининг сочини ушлаганлар фәкәр нима эканлигини қаердан билсин, зоро, илон тутиши билан хурсанд бўлган кишига ганжу хазинанинг кераги йўқ.

Сочнинг ўзига хос, тасаввуфга доир китобларда эътибор берилмаган жиҳатларидан бири унинг йўл сифатида талкин қилинишидир. Лутфий ёзди:

Чиқмади зулфунг саводиндин кўнгул йўл бор учун,
Мунча умр этиб узун тунларда шабғир устини.

Кўнгил бутун умр узун тунлар зулф қоронгилигида йўл босган бўлса ҳам, зулф қоронгилигини тарк этгани йўқ, чунки зулф саводида (ёргулликка чиқадиган) йўл бор, – дейди шоир.

Ҳофиз Хоразмий девонидан олинган куйидаги байтда ҳам зулф йўлга ўхшатилиб, зулфнинг саводида йўлини йўқотган кўнгил ҳолати тасвиранган:

Гўмроҳ бўлса ҳаста кўнгул зулфина тушуб,
Эрмас ажаб, қоронг қечада йўл яхши кўринмайди-да!

*Агар, – дейди шоир, – кўнгул ёр зулфининг йўлига тушиб адашиб қолса ажабла-
нарли эмас, чунки қоронги қечада йўл яхши кўринмайди-да!*

Келтирилган ҳар икки байтнинг ҳам мазмунидан кўриниб турибдики, зулф – йўл, кўнгил эса йўлчи, зулф йўли – коронги йўл, унда кўнгил адашиб қолиши мумкин.

Куйидаги байтда зулфнинг коронги йўлига кирган йўлчининг бу йўлга киришдан мақсадлари баён қилинган:

Ҳофиз каманди зулфида юзин тилар тамом,
Шабравда бор чун маҳи тобонга эҳтиёж.

Байтнинг мазмуний мундарижаси ҳам, тимсоллар талкини ҳам аввалги байтлар билан деярли бир хил: зулф – коронги йўл, Ҳофиз ёки унинг кўнгли – коронги қечада йўл босувчи шабрав. Ҳофиз (кўнгли) зулфининг камандида экан, унинг тилаги фақат ёрнинг юзидир, – деб ёзди шоир, – ахир шабрав, яъни қоронги қечада йўл босадиган йўлчида (йўлини ёритиб турадиган) ой нурига эҳтиёж бўлади-да! Демак, коронги қечада йўл босаётган йўлчининг мақсади – ёрнинг тўлин ойдек юзи.

У зулфнинг қоронги йўлларига кирап экан, бу йўл оркали ёрнинг мунааввар юзига етишишни истайди.

Куйидаги байтда ҳамроҳрав, яъни йўлчининг мақсадлари ўз ифодасини топган. Ҳофиз Хоразмий:

*Иймонни талаб қилдим анинг зулфи йўлинда,
То куфри ҳами зулфида иймонга етишидим.*

Бу байтда ҳам зулф – қоронги йўл, Ҳофиз (кўнгли) эса қоронги кечада йўл бо-сувчи шабрав. Фақат аввалги байтдан фарқли ўларок, бу байтдаги шабравнинг мақсади ойдек юз эмас, балки иймон: *Иймонни талаб қилдим анинг зулфи йўлинда*. Иймон юзнинг ташбеҳларидан биридир. Шунинг учун айтиш мумкинки, зулфнинг қоронги йўлига кирган ҳар икки ошиқнинг ҳам мақсадлари бир: ёрнинг юзи. Юзнинг сўфиёна маъноси: Ҳакнинг жамоли! Демак, ҳар икки байтда ҳам шундай сўфиёна мазмун ифодаланган: Зулфининг қоронги йўлига киришдан мақсадим Ҳақ жамолидир. Маълум бўладики, зулф оддий йўл эмас, кўнгилларни Ҳақ жамолига етказадиган йўлдир.

Бундан зулфнинг сўфиёна маъноси ҳакида шундай бир холосага келиш мумкин: зулф сўфиёна тариқатнинг ўзига хос ифодасидир! Бу жихатдан зулф ва тариқат ўртасида тўла ўхшашлик бор. Аввало, шакл жихатидан: сочнинг кўриниши йўлнинг кўринишига ўхшайди – иккаласи ҳам ингичка ва узун. Иккincinnidan, мазмун жихатидан: Ҳақ даргохига элтадиган йўлнинг боши зулмат, охири нурларни бўлганидек, зулф йўлнинг боши ҳам қоронғи, охири нурдир, шунингдек, тариқат бу йўлга кирган солик руҳини оқибат Ҳақ даргохига етказиганидек, соч ҳам унга боғланган кўнгилларни Ёр юзининг висолига етказади. Қолаверса, тариқат сўзининг маъноси ҳам йўл, демак, зулф билан тариқат ўртасида мустахкам алоқадорлик бор.

Алишер Навоийнинг “Қаро кўзум...” деб бошланувчи машхур ғазалидан олинган қуйидаги байтда зулф йўл сифатида талкин килиниш билан бирга, мухим бир тафсил билан тўлдирилган:

*Юзунг висолига етсун дессанг кўнгилларни,
Сочинги боштин аёқ чин ила шикан қилгил.*

Аввали байтларда ифодаланган маъно: соч – йўл, кўнгил йўлчи, юз эса мақсад, фақат бу сафар соч бошдин аёқ чин ила шикан билан тўла: Эй Ёр, – дейди висолга интилган ошиқ, – агар кўнгиллар юзинг висолига етсин, дейдиган бўлсанг, сочларингни бошдан аёқ чин ила шикан – ҳалқа-ҳалқа қилгил. Соч Ҳақ висолига етказувчи – йўл, шундай экан, сочнинг чин ила шиканлари ҳакида шундай дейиш мумкин: чин ила шикан йўлдаги манзил-бекат, яъни мақомлардир. Ҳакикатан ҳам, солик тариқат манзил-мақомларидан бир-бир кўтарилиб, Ҳақ висолига еттанидек, кўнгил ҳам соч йўлларидан ҳалқама-ҳалқа кўтарилиб, Ёр юзининг висолига етиши мумкин.

Зоҳирган карагандা, зулфнинг бундай талкини билан унинг парда сифатидаги талкини бир-бирини инкор қилаётганга ўхшайди: зулф Ҳақ жамолини яширувчи парда бўлса, қандай килиб у яна кўнгилларни Ҳакнинг жамолига етказиши мумкин? Аммо моҳиятан улар ўртасида зиддият йўқ, чунки олам, бир тарафдан, Ҳақ жамолини яширувчи парда бўлса, иккincinni тарафдан, Ҳақ жамоли жилваланиб турувчи кўзгу ҳам. Ҳақ жамоли оламдаги ҳар бир нарсада худди кўзгуда жилвалангандек жилваланиб туради. Ҳофиз Хоразмий девонидан ўрин олган қуйидаги байтда зулф, яъни оламнинг ҳам парда, ҳам кўзгу эканлиги ёрқин акс этган:

*Каманди зулфидаким, печу тоб кўрунадур,
Қаронгу кеча манга офтоб кўрунадур.*

Байтнинг мазмунини сўфийлар тилида ифодаласак, шундай бўлади: Ёр зулфи-
нинг ҳалқаларида, яъни олам ашёларида илоҳий жамол жилваланиб туради, бу
менга қоронги кечада чиққан күёшига ўхшаб кўринади. Демак, олам коронги кечада
бўлса, Оллоҳ жамолининг жилvasи коронги кечада тараалётган күёш нурлариdir.

Алишер Навоийнинг зулф силсилай мақсуд – Ёрга етказувчи занжир деб таъ-
рифланган қуйидаги байтида ҳам силсила дейилганда, соч ва унинг чин ила шикан-
лари, яъни Ҳақ жамолининг олам ашёларида жилvasи назарда тутилган:

*Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.*

Эй Ёри азиз, – дейди шоир, – Сенинг соchlаринг Сенга (Мақсуд)га етказувчи зан-
жир бўлмиши, соchlаринг шитиёқида жонлар мажнунга айланган, сен уларни соchlаринг
занжири билан банд қил, (токи улар бу силсила воситаси билан мақсадга
етсинлар). Яъни: Соч Мақсуд (Оллоҳ)га етказувчи занжир, жонлар (кўнгиллар)
мақсадга етмоқлари учун бу силсиланинг ҳалқаларига боғланишлари, яъни Оллоҳ
жамолининг жилvasини олам ашёларида мушоҳада килишлари лозим.

Хофиз Хоразмийнинг қуйидаги байтида гарчи зулф йўл эмас, шаби меъроjж деб
талкин килинса ҳам, зулфининг Оллоҳ висолига етказувчи йўл эканлигини сезиш кийин
эмас:

*Анбар бики зулфиндин анинг жон кечада билмас,
Чун васл замонинда ўчишдур шаби меъроjж.*

Анбар каби хушибўй зулфидан жон кечада олмайди, – дейди зулф савдосига тушган
ошиқ, – чунки у висолга элтувчи шаби меъроjжидир. Шаби меъроjжнинг маъноси меъроjж
кечаси. Шоир ёр зулфини меъроjж кечаси деб таърифлар экан, меъроjж кечаси ҳакидаги
машхур ривоятга ишора килади. Айтишларича, Мухаммад (с.а.в.) на бирор инсон, на
бирор пайғамбарга насиб этмаган улуғ саодатга мушарраф бўлганлар: бир кун кечаси
Буроқ деган отга миниб, Куддусдаги Аксо номли масжиддан осмонга – Оллоҳ ҳузурига
кўтарилишлар. Диний китобларда Мухаммад алайхиссаломнинг Оллоҳ ҳузурига
кўтарилишлари уруж ёки меъроjж, бу воқеа содир бўлган кечада эса меъроjж кечаси деб
аталади. Байтда зулф меъроjж кечасига, жон эса Мухаммад (с.а.в.) га ўхшатилган: *Меъроjж
кечасида Мухаммад* (с.а.в.) *Оллоҳ висолига етгандаридек*, – деб ёзди шоир, – жон
ҳам зулфининг тунида ёрнинг висолига етишини истайди, чунки зулф жон учун меъроjж
кечасидир, шунинг учун у зулфдан кечада олмайди.

Келтирилган байтлар таҳлилидан шундай хуносага келиш мумкин: зулф кўнгил-
ларни Ёр висолига етказувчи ўзига хос йўл, ўзига хос тариқат, зулфининг чин ила шиканлари
оламдаги турли нарсалар. Илоҳий жамол олам ва унинг ашёларида жилва қилиб, бу
жилва кўнгилларни юзнинг висолига – Ҳақ даргоҳига етказувчи ҳидоят нурлариdir.

Шундай килиб, зулф сўфиёна истилоҳда олам тимсоли бўлиб, унда оламга хос
зиддиятлар ўз аксини топган: у gox парда бўлиб, Ёр жамолини пинҳон килса, gox
йўл ёки ришта бўлиб, кўнгилларни Ёр юзининг висолига етказади.



Ашурали
ЖҮРАЕВ

БАХТАЛИ ЁЗУВЧИЛАРДАН БИРИ

Хар сафар раҳматли устозим – Ўзбекистон халқ ёзувчisi Неъмат Аминов ҳакида бি-
рор нарса ёзмокчи бўлиб, кўлнимга қалам олишим билан фикрлар ўз-ўзидан тўлиб-тошиб
келаверади. Лекин бир лахза тўхтаб, фикрлар тўлкинини жиловлашга уринаман. Кўз
олдимда дастлаб устознинг кулиб турган самимий ва нурли чехралари намоён бўлади.
Неъмат аканинг юриши-туришларида, гап-сўзларида, ҳатти-харакатларида – ҳамма-
ҳаммасида меҳр ва самимият мажассам эди. Тўғрилик, тўғри сўзининг фидойиси ва шай-
доси эди. Ўзидаги ҳам, сўзида ҳам ҳалоллик, адолат барқ уриб турарди. У киши асосан
ёлғонни ва ёлғончини жуда ёмон кўради. Ноўрин ва қуруқ мактovни асло хушламасди.

Ёлғон ва соҳта мақтovдан анча вақт хижолат бўлиб юради. “Ҳамма иллат
зигирдек ёлғондан бошланади”, – дерди устоз.

Шу боис ёзганларим орасида бирор бир ёлғон сўз ўтиб кетмаслигига, адаб ҳакидаги
мактovлар ҳам меъридан ошиб, ёлғонни аралаштирасликка ҳаракат қилдим. Чунки
умри ҳалоллик ва тўғрилик билан ўтган, адабиётга вижданан хизмат қилган бундай са-
мимий инсоннинг руҳларини бозовта қилишга асло ҳакимиз йўқ. Зоро, машҳур адабимиз
Абдулла Қаҳҳор айтганидек: “Адабиёт ҳалоллик ва виждан ишидир”. Неъмат Аминов
ёзувчи ва инсон сифатига улуғ устознинг юкоридаги ўтилларига катъий амал қилип ўтди.

Ўзбек ҳажвиёти ривожига муносиб хисса қўшган улкан адаб Неъмат Аминов ўз
асарларида маҳорат билан кўплаб бетакрор ва ажойиб образлар яратди. Ўкувчилар ти-
лига тушган бундай образларни таникли адабиётшунос Озод Шарафиддинов “адабий
тип” деб баҳолади. Адабиётда эса тип яратиш барча ёзувчиларга ҳам насиб этмаган.

Ёзувчининг “Икки пуллик обрў”, “Кирк учинчи почча”, “Лабиҳовуз хандала-
ри”, “Тилло табассумлар”, “Қитиги ўлмаган киз”, “Чинорлар қўшиғи”, “Қаҳқаҳа”
сингари китобларига кирган ҳикоя ва ҳажвиялари аллақачон адабиётимизнинг сара-
асарлари каторидан муносиб ўрин олган.

Айникса, адабининг “Ёлғончи фаришталар” ҳажвий романи адабиётда чинакам
адабий ходиса сифатига баҳоланди. Роман ҳакидаги йирик маколосида Ўзбекистон
Қаҳрамони Саид Аҳмад шундай деб ёзган: “БиздаFaфур Гуломнинг “Шум
бola”сидан бошка йирик ҳажвий асар йўқ эди. Шунақа асарни узок йиллардан бери
кутардик. Неъмат Аминов шу орзумизни рўёбга чиқарди. “Ёлғончи фаришталар”

Ашурали ЖҮРАЕВ – Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист. 1956 йилда туғилган.
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ)
тамомлаган. “Юрак бўронлари”, “Сенга қўнгил берсан”, “Дил гавҳари”, “Саҳифага
сигмаган сатрлар”, “Майсалар уйғонган тонг” каби китоблари нашр этилган.

ўзбек адабиётидаги маҳорат билан ёзилган түнгич ҳажвий романнинг. Бундай ажойиб ва ўлмас асарни ёзиш учун ёзувчидан факат уйғок вижданнинг ўзигина эмас, балки катта жасорат ва маҳорат ҳам талаб килинади”.

Немат Аминов 1937 йилда Бухоро вилояти, Ромитан тумани Питмон қишлоғида туғилди. Болалик ва ўсмирлик даври Бухоро шаҳрида ўтди. Бухоро давлат педагогика институтининг (хозирги университет) тарих-филология факультетини тугатиб, Бухоро вилоят радиосида иш бошлади. Оддий ходимликдан фаолият бошлаган Немат Аминов кейинчалик радионинг бош мухаррири вазифасида узок йиллар ишлади. “Хандон” ҳажвий радио журналини бевосита ўзи тайёрлаб, ўзи ўқирди. Немат акада актёрларга хос бадиий ўқиши қобилияти ҳам бор эди. Муқаллидлик санъатини ҳам яхшигина ўрганганди. Шу боис анча-мунча ижодкорларнинг овозларини худди ўзлариникига ўхшатиб ўқий оларди. Айникса, кекса боғон шоир Шариф Нурхон “бўлиб”, шеър ўқиганларида уларнинг овозларини ажратиш кийин эди.

Айтишларича, республика радиосидан Шариф Нурхоннинг ижоди бўйича эшиттириш тайёрлаб, шеърларини ёзib келиш учун Бухорога боргандарни шоир Самаркандга меҳмонга кетган экан. Шунда Немат ака Шариф Нурхон “бўлиб”, шоирнинг шеърларидан намуналарни худди ўзидай ўқиган. Бу шеърларни радиодан эшитган Шариф Нурхон ёқа ушлаб: “Ё тавба, замоннинг құдратини қарант, овозин ясаса ҳам бўларкан-да”, деган экан...

Устоз кулги билан туғилиб, кулги билан яшаб, ижод килиб ўтди. Умрбод кулгига, ҳажвга содик колди. У киши айрим ижодкорларга ўхшаб, сюжет излаб юрмасди, қаҳрамонни тўкиб-бичиб ўтирмасди. Немат ака қаҳрамонлари билан бирга яшарди. Улар давраларда, тўй ва мъяркаларда, сухбатлар жараённида ўзлари “мени ёзгин”, дея муаллифга рўбарў келишарди. У киши энг жонли, сара ва бебаҳо кулгиларни хаётдан оларди. Бухоро ва бухороликларнинг ўзига хос ва бетакрор кулгисини адабиётга муҳрлади, десак, муболага бўлмайди. Айникса, бухороликлар шеваси ёзувчи асарларидан ўзининг бутун жозибаси билан ёркин намоён бўлди, қаҳрамонларининг бетакрорлиги ва умрбокийлигини таъминлади. Масалан, “Ёлғончи фаришталар”нинг қаҳрамонларидан бири Вафо аттор ногирон хўтиқчага шундай таъриф беради:

“Вафо аттор митти кўзларини йилтиратиб, кўлини пахса килди:

– Сабур, бўтам, сабур! – деди дағ-дағ титроқка тушган эр-хотинга, – ўшал айёми баҳорда, мана бу келинпошша камина бобонгизнинг ҳомилали эшаги устидан ҳатлағон эрдилар. Ўшанда бул кишингизнинг вазминлик ва оғирликлари, яъни бори кароҳатлари эшак устига тўкилғон эркан. Шул боис бечора хари бадбахтнинг курраси нухсли туғилган, яъни кўр ва бир кулоги шалпангдур...

Вафо аттор хўтиқнинг ногирон туғилганилиги хақидаги хабарни ҳам кироат билан айтди...”

Парчада келтирилган шева сўзлари жозибаси оркали қаҳрамон характерини ёркин очганлиги яққол кўриниб турибди. Бундай бетакрор мисолларни ёзувчининг кўплаб асарларидан истаганча келтириш мумкин. Масалан, машхур ёзувчи Абдулла Қаҳхорни ҳайратга соглан “Коровул” хикоясини олайлик. Немат Аминов бу хикояни ўзи радиода ўқиганда Абдулла ака эшитиб, муаллифини Сайд Ахмад акадан сўрагани ва хикояга яхши баҳо бергани устоз адаб хотираларида батағфисл ёзилган. Хикоянинг бир жойида коровул бобо хисобчи йигитга ўз шевасида шундай дейди: “– Падарингизга раҳмат, писар! – деди коровул бош эгиб, – энди манга қарангиз, бизди биласизми, ана шу валиас учун канча иш кўрсатиб эрдук. Бухоро инкилоби замонасида подполнийда красний партизан бўлиб... бисёр босмачи унсурларни конний кавалерия билан киличдан ўтказибидик... Биз десангиз, враг народларни тутишда ҳам кўп-кўп гиroyликлар кўрсатибидик...” Баъзан Сайд Ахмад ака: “Немат, анаву “красный партизан”ингни

ўқиб бер”, деб сүраб қоларди. Тан бериб айтиш керакки, ушбу ҳикояни Нельмат Аминовдан бошқаси, хаттоғи зўр актёрлар ҳам бу даражада марокли қилиб ўқий олмайди.

“Касб-корим одамлар лабидан, одамлар тақдиридан табассум излаш бўлди. Ҳар бир кўрганим – табассумни гўё бир тилло топгандек ёндафттарчам варагига авайлаб тутиб, хотирам қавакларига яшириб кўйдим. Вақти келганида шу “тилло”ларни кимматли ўқувчиларим бошидан сочдим. Бундан кўпларнинг руҳи ойдинлашиб, кўпларнинг юзлари мунаввар бўлди... Битта-яримта жириллаганлар йўқ эмас. Начора...”, деб ёзган эди Нельмат Аминов ўзининг “Тилло табассумлар” китоби сўзбошисида.

Собиқ шўро даврида ҳажвичи бўлиш, танқидий макола ёки фельетон ёзиш жуда кийин иш эди. Лекин таънлаган ижод йўли канчалар оғир ва мураккаб бўлмасин, Нельмат Аминов бу йўлга умрбод содик колди ва мардона туриб, жасорат билан қалам тебратди. Уни порахўрларнинг дўк-пўписаси, юлғич ва тақаббурларнинг китмириклилари, гийбатчи ва тухматчиларнинг миш-мислари, мансабдор ва бироркратларнинг стол остидан кўрсатган йўғон муштлари асло чўчита олмади. Аксинча, устоз улар билан қаламни маҳкам тутиб курашди, жамиятдаги иллатларни аёвсиз фош килди. Аслида иллатларни фош этиш, уларнинг туб сабабларини очиб ташлаш осон эмас. Иллат бирдан ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиб колмайди. Уни пайдо киласиган мухит, ғаламис кимсаларнинг кирдикорларини очиб ташлаш учун ҳакиқий жасорат керак.

Нельмат Аминовнинг фельетонлари, ҳажвий ҳикоялари эълон қилиниши билан кўлма-кўл бўлиб кетиши, адабий жамоатчилик ва муҳлислар даврасида шов-шув кўзғаши тўғри гапнинг рўйи рост ва дадиллик билан айтилганида, ёзилганида эди. Масалан, “Республиканский эшон”, “Қора юрак”, “Кўк чироқ, кизил чироқ”, “Айборд сигир” сингари фельетонлари ўз даврида қатор иллатларни аёвсиз нишонга олгани билан ажralиб туради. Айрим фельетонлар бўйича тегишил идоралар маҳсус қарорлар кабул килган. Айрим фельетонлар бўйича суд маҳкамаларида қонун йўли билан курашишга тўғри келган. Лекин Нельмат Аминов бу жараёнларда ҳам ҳак бўлиб чиккан. Камина бу сўзларни шунчаки ёзётганим йўқ. Бу воқеаларнинг кўпчилигига гувоҳ бўлганим учун, раҳматли устознинг ҳакиқатни рўёбга чиқариш учун қанча-қанча соғлик, асад ва умри кетганлигини афсус билан эсламокчиман. Ҳамма замонда ҳам ҳакиқатни ёзиш, уни химоя килиш осон кечмаган...

Юкорида айтганимиздек, ёзувчига катта шуҳрат олиб келган асари “Ёлғончи фаришталар” ҳажвий романи бўлди. Роман дастлаб “Елвизак”, сўнгра “Суварап” қиссалари номи билан эълон қилинди. Бу қиссалар Нельмат Аминов номини яшин тезлигига китобхонлар юрагига олиб кирди. Адабий жамоатчилик қизгин кутиб олди. Мутахассислар ҳар икки ҳажвий қиссани ҳам ижобий баҳоладилар. Ёзувчи ушбу қўшқисса устидаги ижодий ишни қизғин давом эттириб, уни “Ёлғончи фаришталар” деб номланган ҳажвий романга айлантириди.

“Ёлғончи фаришталар” кизил империя гуркираб, совет турмуш тарзи дунёга кўз-кўз килинаётган, “социалистик реализм адабиёти”да мадхиябозлик, “ура-ура”чилик авж олган бир даврда яратилгани билан ҳам кадрлидир”, – деб таъкидлаган эди устоз Саид Ахмад романнинг илк нащрига ёзган сўзбошисида. Кейин таниқли олим Озод Шарафиддиновнинг Нельмат Аминов ҳаёти ва ижодига бағишлиланган “Ҳажвиётта садоқат” ижодий портрети пайдо бўлди. Кетма-кет қатор тақризлар, маколалар эътон қилинди. Хуллас, роман адабий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олиниши билан бирга, ўз ўқувчилари қалбида ва адабиётда ҳам муким ўрнини топди.

Мустакиллик Нельмат Аминов ижодида янги бир даврни бошлаб берди. “Муштум” журналида бош мухаррир вазифасида ишлаб юрган пайтларида “Ўзбекистон халк ёзувчиши” унвонига сазовор бўлдилар. Сўнг узок йиллар республика Мъянавият ва маърифат маркази раҳбари лавозимида ишладилар. Ҳалқимиз мъянавияти ва маърифати юксали-

шида муносиб хисса күшдилар. Ўша йиллари Нельмат Аминовнинг яна бир машхур асари дунёга келди. Бу адабининг отаси – Усто Амин Нуриллобой ўғли ҳакидаги “Бир аср хикояти” (Темирчидан қолган тиллолар) китоби эди. Асар дастлаб “Тафаккур” журналида эълон қилинди. 1995 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Бу мўъжаз китоб ҳам ёзувчининг олдинги асарлари каби дархол тилга тушди, кўлма-кўл бўлиб кетди.

Бу асар қаҳрамони салкам юз ёшга кириб оламдан ўтган машхур темирчининг бир аср давомида ҳаётда кўрган-кечиргандар, хулосалари, ўйтларидан иборат. Китобда ёзилганлар шунчаки панд-насиҳатлар ёки хотиралар эмас, балки донишманд одамнинг ўзи яшаган давр ҳакидаги, замондошлигининг оғир кисмати, кувонч ва изтироблари, шўро тузумининг кайгули асоратлари, мустакиллик даври шукроналари тўғрисидаги фалсафа билан сугорилган аниқ хулосалари, лўнда фикрлари ва ибратли ҳикояларидан иборат. Китоб ҳамон завқ-шавқ билан ўқилмоқда.

Бизда ҳали бирор бир адаб ўз отаси ҳакида бундай бебаҳо ва ажойиб асар ёзмаган эди. Бу мўътабар зот Усто Амин бобо – асар қаҳрамонини камина ҳам кўп марта кўрган ва дуоларини олганиман.

Усто Амин бобо билан сұхбатлашиш жуда мароқли эди. Бобонинг истараси иссиқ, сўзларида сехр бор эди. У киши илк бор кўришган одамнинг бир-икки оғиз сўзидан кимлигини дархол билиб оларди. Лекин ҳеч қачон одам ажратиб ёки танламасди. У киши яхшини ҳам, ёмонни хам Худонинг бандаси, деб биларди. Жуда раҳмидил ва қалби дарё инсон эди, бобомиз.

Китобни ўкиши жараённида бобомизнинг нурли сиймоси, донишманд киёфаси кўз олдингизда улкан коя янглиг юксалиб, баҳайбат чинордай аста-секин салобат касб этиб бораверади. Сўнгти сахифасигача китобни ўқиб бўлгач, сиз ҳам Усто бобони яхши кўриб қоласиз. Гарчи у кишининг мағзи бутун ҳаётий ҳикматларига тўймасангиз ҳам, маънавий, руҳий чанқоғингиз босилганидан таскин топгандай бўласиз. Беихтиёр бобомизнинг ҳамсұхбати, ҳамфикари, ҳамдардига айланасиз. Усто Амин бободаги донишмандлик гўё сизнинг қалбингизга ҳам кўчади...

Бобомиз асли темирчи ўтган. Бир ўринда у киши шундай дейди: “Темирчи бўлиб пичок ясамадим. Ўроғу кашкорд ясадим – одамлар буғдой ўрсин деб. Кетмону бел пешладим – дехконлар ариқ қазиб, сув тарасин деб. Кў-ўп капкир ясадим. Яна-чи, асов отларни тақаладим – жоноворларнинг тўёққиналари оғримасин деб”.

Ёки: “Бу дунёга келиб уч нарсадан ҳазар килдим: биринчиси – тилло, иккинчи – мильтигу таппонча, учинчиси – қадаҳ. Шу учаласини қўлимга олмадим”.

Ёки: “Бу ёлғончи дунёда рост сўзлашнинг ўзи амри маҳол. Гоҳида шу рост сўзнинг масъульияти туфайли келиб чиқадиган навбатдаги ёлғонлар кишини бебурд қиласкан. Шунинг учун бაъзида сўзламасдан, сукут саклашга мажбур бўларкансан киши...”

Ёки: “Юзма-юз келганда сандан атайн салом кутган такаббур кишига албатта салом бер, бир еринг камайиб қолмайди”.

Ёки: “Тавба, тиш бўлганда гўшт бўлмаса, гўшт бўлганда – тиш”.

Ёки: “Эсингда бўлсин, кўпам “Э, Худо”, “Э, Оллох” дейишга одатланма. “Э”да илдао бор. Парвардигорга нола кильмокчи бўлсанг “Э, Худо!” “Э, Оллох” де. Шуниси тузукро...”

Бобомизнинг якин биродари, машхур ёзувчимиз Саид Ахмад бу китобга шундай баҳо берган эди: “Хар бир ҳикояси каттакон романга тенг бу китобчани одамлар севиб ўқимоқдалар. Бу бебаҳо хотиралар олимга ҳам, чўпонга ҳам, ёзувчино врача ҳам тъясир қиласкан. Юз йилни бағрига сингдирган бу кичкинагина-ихчамгина китобча улуғ ёзувчиларнинг том-том асарлари билан баҳслашгудек...”

Бундай юксак истеъод билан ёзилган яхши китоблар аслида ёзувчининг катта баҳти. Лекин ана шу ноёб баҳт ҳамма ёзувчига ҳам насиб этавермайди. Улуг устозимиз Нельмат Аминов яхши ва умрбокий асарлар ёзган баҳтли ёзувчилар сафида ҳамиша барҳаёт.



Салима
УМАРОВА

ИСТИҚЛОЛИМ, МАНГУ – БОҚИЙ БҮЛ!

Сен билан баробар туғилган гүдак бугун 26 яшар, алп келбатли, навқирон ўғлон, барчинмонанд, руҳафзо киз – санам бўлди. Ёруғ чехрасидан, шаҳду шиҷоатидан дилда ифтихор, кўнгилларда умидворлик уйғонди. Айниқса, илму зиёсини кўрганда, юрак сарафroz хислардан тўлғонди. Энг асосийси, у ҳам Сен каби кўз олдимизда дунёга келди, улғайди, баркамоллик оламига қадам босди. Кўнгилларимизга ишончнинг порлоқдан-порлоқ чирокларини осди...

Ярағтанинг биз бандаларига берган – энг улуғ неъмати бўлған Истиқлол! Сен ҳам кўз олдимизда дунёга келдинг, руху шууrimизга жон бўлиб кирдинг – тўлдинг. Нене заҳматли йўлларни босиб ўтиб, не мушкулу муаммолардан ғолиб бўлиб, бугун 26 яшар навқирон йигит мисол етилдинг. Сарбони окил юртга кўп яхши ўзгаришларни олиб келдинг. Боиским, кечаги тузумнинг “колип”лари, “занжир”лари, “ғул”лари бузилди, узилди, синди. Сен боғда ҳам, тоғда ҳам, сахрою яйлову сувлигу тупрокда ҳам; мактабу мадраса, шифохонаю корхона, не-не кенту кишлока ҳам турмуш тарзини ўзгартириб юбординг. Энг асосийси, дунёни “могору пўпапак”лардан тозаладинг, кўнгилу кўзларни, борликни янгиланишларга, бунёдкорликларга тўлдирдинг. Шу асно қалбларда ҳам тадбиркорликка, яратувчанликка муҳаббатни зиёда килдинг. Ҳар дилни ўзига ишонч хисси билан тўлдириб, озодлик, эрк оламини кулдирдинг!

Юртимиизда бугун “кўп қадим йўллар” янгиланди. Темирйўл, “довонийўл” ҳамда ҳавойўллар кўпайди. Масжидлар, қадамжолар файзу футухга тўлди; момомерос удумлар, бобомерос хунарманчиликлар кайта тикланди, бозорлар файзиёб, кўчаю гулзорлар чиройли, уйу остоналар шинам, ишу изланишлар бобарокот бўлди.

Она Ўзбекистон фарзандлари жаҳон спорти осмонида юлдузлардай чараклай бошлиашди. Илм ва ишлаб чиқариши билан оламга юз очди. Ватаний хисларга, бунёдкорликларга ошино кўнгилли Ёшлик “бош қаҳрамон”ингта айланди. Ва шоирнинг:

“Ватан, Истиқлолинг муборак, қутлуг,
Имконлари мўлдир ишибилгич элнинг.
Ватан, биз – фарзандинг юраги ўтлуг,
Ифтихор жўшитирап ҳис этган дилни”,

Салима УМАРОВА – 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Инсон ҳақида кўшиш”, “Қалб дафтари”, “Юракнинг ранглари”, “Райхон ҳиди”, “Дил тилаклари”, “Саодат йўли”номли шеърий ва насрний тўпламлари чоп этилган. “Шуҳрат” медали, “Мехнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.

мисраларини тақрорлай туриб, бекиёс яратувчанликка шайланди.

Ана шу боис ҳам бугун Сенга ишончимиз бисёр, умидимиз зиёда. Зотан, Сен барқарор-у бардавом бўлсанг, она ҳалқимизнинг буюк ва ҷароғон келажагига ишонамиз. Ва шу боис ҳам Оллоҳдан Сенинг бокийлик ва мангаликка дахлдорлигингни чин кўнгилдан истаймиз, тилаймиз!

Шоир айтмокчи:

*Сен эл баҳти, Ватан равнақи,
Озодликнинг пок ифорисан.
Бобом-момом юз йиллаб ютган
Армон заҳри, кўнгил зорисан.
Сен юртга файз келтирганинг рост,
Бугун гулга бурканши борлиқ.
Сен – согинчнинг эрка фарзанди,
Ҳурлигинедир бизларга тортиқ.
Улуг неъмат – энг азиз байрам,
Истиқолим, мангу – боқий бўл.
То тириклиқ қадар яшиагин,
Бу ҳаётга қувонч бўлиб тўл!*

МУҚАДДАСИМ ЎЗИНГ, СЕН УЧУН ЯШАЙ!

*Ягонасан, муқаддас Ватаним.
Севги ва садоқатим сенга баҳшида,
гўзал Ўзбекистоним!*

Бир парча еримизда райхону раъно гулларни ўстириб, уларнинг ифоридан баҳра оламиз. Энг сархил мева берадиган ниҳолларни вояга етказиб, бола-чакамиз билан мевасидан баҳраманд бўламиз. Ортиқасини кўни-кўшнимизга, кариндош-уругимизга илинамиз.

Бунинг учун ер чопамиз, ўтоқ қиласиз, дараҳтларга шакл берамиз, сув куямиз. Ҳуллас, ерга, ховлимизга меҳримиз бўлакча. Остонадан ҳатлаб кўчага чикканимизда ҳам илк рўбарў бўладиганимиз эшик-ора ва томорқада кўзни яшнатадиган манзарали дараҳтлару гул ва ток ишкомларини ўстирамиз, бошка резавор экинлар экамиз. Бу жойларга ҳам алоҳида эътибор билан карашга интиламиз. Уй-иморатимизга, кўчаларимизга, шахару кишлоғимизга-да алоҳида меҳр-эътибор билан қараймиз.

Айниқса, бу гўшалардан хийла узоклашиб, сихаттоҳами ёки бошқа узокрок сафаригами кетадиган бўлсак, юрагимизда ажиб бир согинчли туйғу туюб, шунинг баробарида кўнглиминг ортда қолаётганини хис килиб, дилимиз маъюсланади. Ҳагто ҳар гал узокрокка – хизмат сафарига кетаётгандан ҳам транспортга чиқар эканмиз, кўнглиминг каеридадир бир согинч рангидаги безовталикни хис килиб, ўйчан бўлиб қоламиз. Балки болаларимиз ортда қолаётгани учун шундай туйғуни хис килаётгандирмиз, деган ўйга борамиз дафъатан. Бироқ таътил пайти ахли оиласиз билан бирга йўлга отланганимизда ҳам барибир ўша таниш туйғудан кўнглиминг тўлқинланаётганини хис қиласерамиз...

Эслаймиз, анча ёпи эдик унда. Чет давлатлардан бирига ўн икки кунлик саёхатга олиб боришди. Хаёлимизда ўн икки йилча туюлди бу сафаримиз. Ортга қайтгимиз келаверди, бўғзимизга кўзёш тикилиб, куну соатларни санаб, зерикиб, бўларимиз

бўлди. Балки она жонимизни соғинганимиз, волидан мухтарамамиздан биринчи марта узоққа кетганимиз учун шундай бўлгандир, деб ўйлагандик ўшанда.

Нихоят, ортга қайтарканмиз, поезд қорли юртлардан чиқиб, пойтахт шаҳарга кириб келаётганда илк кўзимиз тушган шафтоли дараҳтининг қийғос очилган на-фармон гулини кўриб, бўғзимизга пўртганали кўзёш тикилди. Ўзимизни аранг кўлга олдик... Буни баҳор соғинчига йўйдик ўша лахзада.

Кишлоғимизга кириб келаётганда эса илк бор беда экилган майдондаги мавж уриб турган коракўрпа – йўнғичқага, тўмтотк бошли тутлару лойка сув тўлғониб оқиб ётган анҳорга, ариқрошидаги хас-ҳашаклар орасидан аранг кўзга ташланаётган митти-митти ялпизлар шодасига, кечагина ёққан ёмғирдан тупроғи пилч-пилч лойга айланган сўқмоқ йўлга, лойсувокли, пахса деворли ҳовлимизга – ҳар бирига кўзимиз тушганда, ўзимизни бениҳоя баҳтиёр хис этдик. Ҳамма-ҳаммасини кўзу кўнглимиизга жойлаб олгимиз, бағримизга бир йўла босиб, ҳар гиёҳу гулни, ҳар зарра тупрокни ўпгимиз келаверди. Ана шу пайтда эса юкоридагидай бўғзимизга тикилиб келган кўзёш тизгинсиз равишида куйилиб, юзларимизни юваверди...

Ҳаж –nihоятда улуғ ибодат. Бундай ибодатга етказган Парвардигорга бехисоб ҳамду санолар бўлсин. То Ҳаж жараёни ўтиб бўлгунча ҳатто кунлар, саналар ҳам эсимиздан чиқиб, ибодат амалларига ошиққанимиз, Қаъбатуллоҳни тавоғ айлаб, Сафо ва Марва орасида саъйлар килиб, Яратган зикридан, Пайғамбаримизга (с.а.в.) саловотлар йўллашдан, талбиялар айтишдан тўймаганимиз кечагидай ёдимда турибди.

Аммо Ҳаж амаллари тугаган кундан бошлаб бошка бир ажиб туйғуни хис қила бошладик. Аникроғи, кўнаға топганимиз меҳмонхона деворида ва автошоҳбекатда йўл кўрсатувчи бўлиб турган араб йигити кўлида мамлакатимиз байроғини кўрдик дегунча соғинчли ва жумбушли йиги руҳимизга бостириб келаётганини бот-бот хис қиласкерди...

Бугун йўлаб қарасак, буларнинг барчасини бир жумла билан аташ мумкин. Ватанга муҳаббат экан – уларнинг барчаси. Уй-остонамида меҳр билан киладиган юмушларимиз ҳам шу туйғу боис зерикарли эмас экан. Бизни ҳамиша оҳанрабодай тортиб тургувчи илоҳий куч ҳам, ўзга юртларда соғинчга айланиб, руҳу жонимизни жумбушга соладиган йиги ҳам ана шу ноёб, улуғ ва мўътабар туйғунинг берадиган неъматлари экан.

* * *

Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) бекорга “Ватанин севмок имондандир!” деб марҳамат қилмаганлар.

Чиндан ҳам кўксида ватаний туйғуси бор ҳар бир имонли инсон ўз она Ватанини, она юртини ардоқлайверади. Кўлидан келгунча, унга яхшилик қилиш учун интилаверади. Шу аснода айтишимиз жониз, ўз аҳли оиласига яхшилик қилган ҳам, кўшниси ё қариндошининг бир мушкулига елка туттган ҳам, бир хайрли тадбиру ҳаракати билан қишлоғу маҳалласининг ободончилигига хиссадор бўлган ҳам; бозорларни обод килган-у эл болаларига таълим-тарбия бераётган ҳам, кўйингки, киши кайси соҳада фаолият кўрсатмасин, чин дилдан жон куйдирадиган бўлса, у ўз юртни ардоқлаган, жонажон Ватанига яхшилик қилгандардан бўлади.

Илло, бу дунёда ана шундай қадрдон, онамиздай мушфиқ ва мукаррам Ватанимизга, у туфайли Оллоҳ юрагимизга солган гўзал муҳаббатга вафодор бўлиб яшамоқдан ортиқ баҳт йўқ.



"МАЛИКА АЙЁР" ДА ХАЁТ ДАРАХТИ

**Фаррух
ЖАББОРОВ**

Хаёт дарахти тимсоли жаҳоннинг кўпгина халклари фольклорида учрайди, мифологик дунёкараш бўйича уч ўлчамли олам моделини тушунтиришда белгили ўрин тутади. Гап шундаки, дарахт илдизлари еrostи олами, танаси ерусти олами, шохлари эса кўкюзи оламини бирлаштириб турувчи вертикал восита сифатида қаралади. Ҳар бир катламда мос равишида илон, кийик, лочин тасвириланади. Оламлар орасидаги ўтиш-қайтиш ҳам дарахт орқали амалга оширилади. Қаҳрамон еростига йўл олса-да, кўкюзига отланса-да, ҳаёт оғочининг танасига сингиб, кавагига кириб, томирлар ёки барглар орқали дунёнинг бошқа катламига ўтади. Ёки унинг яқинидаги гор, ховуз каби жойлар оламлар орасидаги ўйлак вазифасини ўтайди. Дарахт қадимий дунёкарашда муҳим саналган тўрт унсур – сув, хаво, тупрок ва оловни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Ҳаёт дарахти халқимизнинг қадимий инончларида, хусусан, шомонизмда алоҳида ўринга эга бўлиб, бу дунёкараш излари фольклор намуналарида бадиийлашган ҳолда кўзга ташланади. Масалан, фантастикага бойлиги билан ажralиб турувчи "Малика Айёр" достонида афсонавий чинор тасвири келади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Булунгур достончилик мактабининг йирик намояндаси Фозил Йўлдош ўғли (1872–1955) ижросидаги кўплаб эпик асарларда қадими қатламлар жуда яхши сақланган. Одатда муайян эпоснинг архаик жихатлари бўртиб турган варианtlарида бадиийлик, образлилик бироз оқсайди. Фозил шоирдан ёзib олинган достонларда эса ҳар икки омилнинг ўзаро уйғунлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу улуг баҳши "Алпомиш", "Малика Айёр" каби адабий ёдгорликларнинг энг юксак намуналари бизга етиб келишида муҳим роль ййнаган.

"Гўрўғли" туркум достонларида энг кенг тарқалган сюжет типи сафар мотивига курилган бўлиб, қаҳрамоннинг ўзга юртларга уюштирган машакқат ва саргузаштга тўла саёҳатидан ҳикоя килинади. Шу пайтгача фольклоршуносликда, асосан горизонтал сафарлар ҳақида фикр билдириб келинган. Эпик билимдан узоклашиш, исломий дунёкараш устуворлиги, боз устига, илм-фан ривожланиши натижасида ижрочи ҳам, тингловчи ҳам афсонавий қаҳрамоннинг ўзини ва сафарларини ре-

Фаррух ЖАББОРОВ – 1985 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети магистратурасини битирган. Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори илмий-тадқиқот институти таянч докторантни.

алликка яқинлаштириб қабул кила бошлаган. Бунда достоннинг жанр сифатидаги тараккиётида ҳәстийлик мухим категория сифатида шакллангани ҳам аҳамият касб этгани шубҳасиз. Одам ишониши кийин бўлган сирли-сехрли воеа-ходисалар, асосан эпик турнинг бошқа жанрлари, жумладан, эртак, афсона, асотирнинг мулкига айланган. Яъни бадиий материални қайта ишланда жанрий тақсимот юз берган. Шу маънода “Малика Айёр” достонига бирор аср илгари эртак мотивлари асосида яратилган, эпоснинг кейинги боскичлари маҳсули деб караш ўзини окламайди. Аксинча, ушбу эпик асар бадиий тафаккур тадрижи натижасида боскичма-боскич такомиллашиб борган фольклор дурданасидир. Буни достоннинг халқимиз орасида кенг тарқалгани (ўнга яқин вариант ва версиялари ёзиб олинган), қадимги туркӣ мифологияга хос мухим унсурлар яхлит сақланган ҳолда бадиий ишлангани исботлаб турибди. Жаҳон мифологиясида еrostи оламига сафар мотиви жуда қадимий бўлиб, аклини таний бошлаган ибтидоий одамнинг ўлим ва нариги дунё билан боғлиқ тасаввурларига асосланади ҳамда деярли барча халқлар ижодида у ёки бу тарзда намоён бўлади. Улкан фольклор меросига эга ўзбек халқи достонларида мазкур мотивнинг учрамаслиги мумкин эмасди, албатта.

“Малика Айёр”да паризод ўз юртининг таърифини аник-таниқ келтирган:

“...Мен ҳам шаҳри Шабистондан бўламан,
Мен келганман одамзоддинг қастидан,
Изласанг, топмайсан ернинг устидан,
Бир манзилим кун чиқмаган “ѓўристон”,
Мени сўрсанг, “ѓўристон”дан бўламан.
...Шаҳримнинг отини Торкистон дерлар,
...Уч юз олтмиш Асқар тогдан ошарсан.
Ундан сўнгра Қизилкўмга тушарсан,
Сўраб борсанг, Кўклам тогдай тоги бор,
Кўклам тогда Боймоқ девдай деви бор,
Қистаб юрсанг, олтмиш ийлилк йўли бор...”¹.

Эпосда сафар манзилининг ошкора айтилгани боис фольклоршунослар “Малика Айёр” достони мазмуни еrostи олами билан боғликлигини, воеалар моҳиятини изоҳлашда исломдан олдинги диний тушунчаларга мурожаат этиш заруриятини таъкидлашган². Лекин эпик сюжетдаги манзилу маконлар, қаҳрамонлар талқини қадимги туркӣ дунёкараш ва жаҳон мифологияси контекстидаги тизимли тадқик этилмаган. Атоқли фольклоршунос Ҳоди Зариф “Сибир ёдгорликлари” деб аталувчи коллекциядаги бир жуфт олтин тўқада тасвиirlangan манзара мазмунини “Малика Айёр”даги Қалайи кўргон эпизоди тўла-тўқис изоҳлаб беришини ёзади³. Тўқадаги кўриниш шундай: шоҳига ўқ-садоқ осиб кўйилган дарахт остида сочиға тўғноғич тўғналган киз ўтириби, унинг тиззасига бир эркак бош кўйиб ухлаб ётибди. Орқада икки отининг жиловини туттган одам уларни кузатиб турибди. Энди Фозил Йўлдош тасвиirlagan Қалайи кўргон эпизодини ўқийлик: “Қизилкўм деган ерга етиб борди. Шундай қараса, қип-қизил Қизилкўм, ундан бошқа нима ўйқ, кўкарған гиёҳ ҳам йўқ, лекин кумнинг чеккасида бир чинор зинкийиб туриб-

¹ Малика Айёр. Айтубчи: Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 8–9-бетлар.

² Hadi Zarif. Aşajib dasfan // Məlikə Əjjar. – Taşkent: OzFAN, 1941. Муҳаммаднодир Саидов. “Малика Айёр” достони. – Тошкент: Фан, 1964.

³ Зарифов X. T. Фольклор ва археология материалларини киёсий ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958, № 1.

ди. Жұда катта чинор. Унинг ён ёғини күргөн қилиб, девор қилиб қўйибди. Кўргоннинг девори қалайшдан. Буни қўриб, Аваҳхон отини мергандларга берип: – Сизлар шу ерда турингелар, бу чинор қандай чинор экан, бу кўргон қандай кўргон экан, мен бориб, кўриб келайин, – деб шу чинорга, Қалайи кўргонга қараб жсўнаб кетди. Бориб Қалайи кўргоннинг дарвозасини очиб ичкарига кирди. Кўрса, чинорнинг ости сарҳовуз. Катта чинорнинг шохлари ҳар ёққа шохлаб кетган, шохларида тўти, майна, булбуллар бола очиб сайдаб ётган. Овозаси оламга кетган, ажаб чинор экан. Бу қандай чинор экан, деб қараб туриб эди, дарвозадан бир қаландар ичкарига қараб кела берди. Қаландарнинг хайбатини, жасадини кўриб Аваз кўркиб ўзини ҳар ерга урди, ҳеч пана бормади. Аваҳхон ақли шошиб, иложини топа олмай, ноилож чинорнинг устига чиқиб олди. Қаландар келиб чинорнинг остига қўнди. Кади-мудбақ, сўталарапни дарахтга илди. Бангни уриб, кайфини сурисиб, думоги чоқ бўлиб, телпагининг таркидан бир олмани чиқарип, жасагига бир уриб, паризод қилиб, бунинг билан ўйнаб-кулди, думогини чоқ қилди. Буни Аваҳхон чинорнинг бошида кўриб турди. Қаландар парининг тиззасига бошини қўйиб, жамолига тамоша қилиб, ухлаб қолди. У паризод қаландарнинг бошини ерга олиб қўйди. Ўзининг ёқасидан бир жуволдизни олиб, уни бир шатати уриб барзанги қилиб, бу билан ўйнаб-кулиб думогини чоғлаб, ўтира берди. Қаландарнинг ўйгонадиган фурсати яқин бўлди. Барзангининг жасагига бир уриб, қадимгидай жуволдиз қилиб, ёқасига туйраб қўйиб, қаландарнинг бошини тиззасига олиб, қадимгидай бўлиб ўтира берди. Буни ҳам Аваҳхон чинорнинг бошида кўриб турди. Қаландар ўйкудан туриб, паризоднинг жасагига бир уриб олма қилиб, телпагининг таркига солиб, кади-мудбақ сўталарапни олиб, Оллоҳ, билоллоҳ деб ўйла кириб жсўнай берди”⁴.

Қалайи кўргондаги воеалар янам кизик ривожланади. Мавзу доирасига кирмагани боис тафсилотларга ортиқча тўхталмаймиз. Кизиккан журналхонлар достонини топиб тўла ўқиб чиқиша, бундан-да гаройиб саргузашларга гувоҳ бўлишлари мумкин.

Устоз фольклоршунос Ҳоди Зариф “Малика Айёр” достонининг қадимиий катламлари ҳақидаги фикрини исботлаш учун келтирган иктибосда яна бир эътиборга молик тимсол бор. Ўзбек эпик асарларида келадиган баҳайбат чинор аслида мифологик дунёқараашдаги хаёт оғочининг бадиийлашган кўринишидир, десак янгишмаймиз. Буни исботловчи фактларга достон давомида яна дуч келамиз:



⁴ Малика Айёр. Айтұвчи: Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Fa�ур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 59–60-бетлар.

“...яна бир қаландар “Олло бир, Оллоҳ”, деб дарвозанинг эшигидан кириб кела берди. Авазжон қаландарнинг қадди-қоматига шундай қараса, бошдан-оёги бирдай қаландар, ҳар ягрини құрдаі қаландар, бошида кулоҳ, құлида сұта. Сұта билан чи-норни бир урди. Чинордан бир эшик очилди. Авазхон қараса, чинорнинг ичидә дарчама-дарча уч күшк бор экан, күшкларни күріб, қаландар айтоди: – Оббо шаллақи, бу ерда ҳам йүқ экан”⁵.


Макола бошида дунё халклари мифологиясида ҳаёт оғочи билан боғлиқ тасаввурлар түғрисида қисқача түхталиб ўтгандик. “Малика Айёр” достонидаги баҳайбат чинор тасвири шунга тұла мос келади. Айникса, қаландар сұтаси билан бир ургач, дарахт танасидан дарчама-дарча очилған уч күшк ва у ерда ҳам барча излаб юрган маликанинг йўклиги ҳақидаги хабардан билиш мумкинки, чинор танаси оламлар эшиги бўлиб келмоқда.

Ҳаёт оғочи ҳақидаги тасаввурлар бошқа достонларимизда ҳам учрайди ва бир-бирини тўлдиради. Масалан, Ҳазратқул баҳши Худойбердиевдан ёзib олинган “Оға Юнуснинг олиб қочишлиши” достонида жами девларнинг сultonи Аҳмон дев Гўрўғли сulton шикорга чиққанидан фойдаланиб Чамбилга келади ва Юнус парига чанг солиб Тилсим шахрига олиб кетади. Авазхон унинг ортидан излаб борганда ғаройиб жойларга йўли тушади: “Бу манзилгоҳда бир дарахт бор. Бу дарахт ниҳоят катта, дарахтнинг шохи бир таноб ерни олиб ётибди. Бир томони катта гор. Уч-туби йўқ. Горнинг тушиб борадиган йўли бор. Авазхон бу горда бир сир бўлса керак деб отининг бошини шу горга қаратиб ҳайдади. Жонивор Fиркўқ ҳам бу ерда бир сир борлигидан огоҳ бўлиб, қулогини қамиши қилиб бора берди. Олимхон бу ажсойиб жойларни күріб ҳайрон бўлиб борди. Горнинг ўрта белига бориб етса, баланд-баланд дарахтлар осмон билан сўйлашиган. Катта-катта сарчашма ҳовузлар, ҳовузларнинг атрофи бамисоли ҳозир меҳмон жүнаб кетгандай саришта экан. Бу ҳовуздан нарироқда бир томонда шишишадан ясалган кўргон. Бу кўргоннинг қирқта дарвозаси бор. Шу дарвозанинг биридан бир мастан кампир бир қулогини ётениб, бир қулогини кийиб, соchlарини ёйиб, ҳовуздан сув ичкали чиқиб, ҳовузга ўзини ташлаб, сувга тўйиб олди. Ҳовузда икки отли, ўйларбесдай ҳайбатли одамзоддининг аксини кўриб, тушибимми, ўнгимми деб бир акс уриб, у ёқ-бу ёққа назар солиб қараса, ҳовузнинг бўйида иккита девсифатли, ажсадархайбатли одам от миниб шайланиб турибди”⁶. Шундай қилиб, Авазхон мана шу Ўлмас мастаннинг ёрдамида ўзга оламлар туйнугини топади ва Юнус парини девнинг чангалидан куткариб Чамбилга қайтади.

Хулоса қилиб айтганда, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзib олинган “Малика Айёр” достони ўз бағрида халкимизнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёкараши, тафаккури ва олам ҳақидаги тасаввурларини ўз бағрида асрарб келмоқда. Достонда учрайдиган сирли-сехрли унсурларни жаҳон мифологияси контекстидә ўрганиш фольклоршунослигимиз учун мухим илмий хулосаларга келиш имконини беради, туркий фалсафанинг ажралмас бўлаги бўлган ўзбек мифологияси тўғрисидаги тасаввурларимизни кенгайтиради.

⁵ Малика Айёр. Айтұвчи: Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 62-бет.

⁶ Оға Юнуснинг олиб қочишлиши. Айтұвчи: Ҳазратқул Худойбердиев. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 306-бет.



ОЗОДЛИК

Ҳикоя



**Жавлон
ЖОВЛИЕВ**

I

— Тоға...
— Ахир, айтдим-ку, сенга!
— Тоға, илтимос!
— Эй!..
— Тоға!.. Ёрдам беринг, тоға, болаларим ҳакки...

Аёл ортиқ гапиролмади. Оппок юзларидан дона-дона ёш томчилари думалаб тушарди. Кўзлариданмас, лабларидан ёш куюлиб келаётгандан, кафти билан оғзини ёпиб олди. Қишлоқ идорасининг пастқам деразасидан ёнғоқнинг шапалоқдай ям-яшил барглари кўриниб турар, барглар орасида эса қуёшнинг парчаланган нурлари акс этарди. Тоға асабий титрар, нукул бўйинбогини пастга тортиб, хўрсинарди. Жиянига раҳми келар, лекин кўлидан тайинли иш келмаслигидан ўқинарди. Тоға бироз жим тургач, дадил гапирди:

— Жиян, нима бўлса бўлар, ёзамиш! Областдаги энг каттага, обком секретарига...
Жиян кўз ёшларини артиб, сергакланди. Ичида эрини камоқдан чикириш умиди порлагани учун дум-думалоқ, серкиприк кўзлари катта-катта очилди, бироз олдингга чиккан ияклари титраб кетди.

— Мен ёзишни билмайман-да...
— Мактабни тутатгансан-ку, жиян... Наҳотки?!

— Йўқ... Ёзишни биламан... Ариза ёзишнинг тартиб-коидасини билмайман, демокчийдим...

— Мен ўргатаман... Эрингни сен яхши биласан... Кейин... аёл кишининг ёзганларига катталар бошқача карайди, деб эшитганман. Шундай ёзилмаган конунлар борда, жиян... Лекин таъсирли килиб, ишонарли килиб ёз... Факат, хар хил узун-кулоқ гапларни аралаштируй ёзишинг керак. Сенинг хатингдан кейин, айтиб бўладими, кимларгадир бало келиб, раис-паисними панжарага тикиб қўймасин. Ҳеч кимни айборд, тухматчи, деб ёзма... Акс холда уларнинг айбини тан олдиришингта тўғри келади. Сенга ўхшаб бировнинг хотини чирқиллаб колмасин, жиян...

Жавлон ЖОВЛИЕВ – 1991 йилда тугилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг санъат журналистикаси факультетини тамомлаган. Республика матбуотида ижодий шилари ва мақолалари чоп этилган. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари шитирокчisi.

– Худойим сақласин, бундай күнни душманимга ҳам раво күрмайман, тоға. Күёвингиз қамоқдан чикса бўлди... Кичкинам соғинганидан ичикиб колди...

– Ана шуни ёз, тўртта болам билан азобдамиз, раҳм килинг, эрим аслида партияни севадиган, унинг содиқ вакили де. Шундаймиди ахир?!

– Ҳа... мен тушумайман... уйда фаҳрий ёрликлари бор...

– Ҳуллас, жиян, ма қофоз, мана қалам! Ёз, ҳозир нималарга эътибор беришингни айтиб тураман, уйингта бориб ёзасан.

Жувон эскириб, сарғайиб кетган стуллардан бирига уни гичирлатишдан кўрккандек охиста ўтириди.

– Ёз, маълумоти... қачон, каерда ўқиган... фаоллигини... ҳуллас, биласан-ку! Ёздингми?

Калтадан келган, қориндор тоға, оддий колхозчи жиянининг ёзганларини тушунса бўладими деб, қорнини столга тирааб, бўйнини чўзиб қаради-ю илжайиб кўйди. Минг килса ҳам ўзининг жияни-да, хуснихати аъло экан...

– Ҳм... ундан сўнг, иш жойи, ёздингми? Кейин айби... яна, ҳа, олдин ҳулкини ҳам ёз.

– Айби йўқ бўлса-чи?

– Қандай гумон билан қамалганини ёзасан-да, қизиксан-ай, жиян! Кейин, болаларинг ва усиз қийналёттанинг... Нима истасанг, қалбингдагини тўкиб сол жиян. Кесиб-қисқартириб ташлаш осон... Сенга уларнинг раҳми келиши керак. Сенга, ёш жонингта ва болаларнинг раҳми келиб ёрдам берар... Бекорга умри завол бўляпти боланинг, ўткир йигит эди... Раёнга ўтди-ю... Ҳа, эсингдан чиқмасин... Бугун кечаси билан ёз... Эрта тонг отиши билан менга олиб кел... Туманга хисобот топширгани борганимда ими-жимида почта кутисига ташлаб келаман.

– Тоға, раҳмат! Худо кўлласин!

– Опам яхшими?

– Ҳм, энамнинг олдига ҳам чиқолмаяпман, ўзи келади...

– Нимага?

– Болалар бор... Бундан кейин эримнинг йўклиги учун уйдан чикиш...

– Тушунарли, яхши киласан! Ҳа, мана буни олиб қўй, жиян... янганг боккан кўчкорни сўйгандик... Сенга илиндик.

– Йўқ... йўқ...

– Болаларингта...

– Болаларим гўштга ишқибозмас...

– Ол, дедим сенга!

– Тоға...

– Ҳаммаси яхши бўлади... Мана кўрасан, яхши бўлади...

Жувон икки килоча гўшт солинган товокни титрок кўллари билан олиб, яна куйилиб келаётган кўз ёшлиарини артди. Аёлга гўшт жуда оғирдай туулиб кетди. Ўраниб олган рўмоли билан юзини ёпган бўлди. Негадир, кўз ёшлиари тинай демасди. Жувон чикиб кетаётганда тоға уни тўхтатди.

– Ҳа, жиян... Тартиб билан ёз... Маълумоти... Ишлаган жойлари... Қамоққа олинишининг сабабини ўзинг билганингча, одоби, оилапарварлиги, фарзандларинг азобланиши... Ўйлама, жиян... Эринг чикиб келади. Ҳа, тўхта, шўрва килиб ичинлар, гўшт сенга ҳам кувват бўлади. Куриб кетибсан...

– Эрим қайтса бўлди, мен ҳаммасига чидайман...

– Қайтади... жиян, қайтади...

II. МАЪЛУМОТИ

Хўжайним, Жонтемиров Эгамберди ўзимизнинг “Комсомол” кишлoқ мактаби-ни тутатган. Олтин медаль билан. Медаль ҳозир уйимизда турибди, ишонмасан-гизлар олиб бориб кўрсатишим мумкин. Ўша йили мен еттинчи синфда ўқирдим. Ҳамма ўкувчилар олтин медаль олган Эгамберди акага ҳавас билан қараган, шулар каторида мен ҳам бор эдим. Негадир ўша пайтда Эгамберди аканинг мендан бир синф кейин ўқийдиган синглисига ҳавасим келган. Шундай акаси борлиги учун.

Ҳамма Эгамберди акамни Тошкентга кетади, хоҳлаган ўқишига киради, деб ўйларди. Лекин дадаси... (“дадаси” ўчирилиб “Жонтемиров Эгамберди” деб ёзилган) Тошкентга эмас, ўзимизнинг областдаги Қишлоқ хўжалиги институтининг меҳаника факультетига кирди. У ҳам бошқалардай катта шаҳарга интилса бўларди. Лекин дадаси (яна шу сўзни ўчириб, ўрнига эрининг исм-фамилияси ёзилган) ёлгиз онасини ташлаб кетишини истамайди. Уни ҳар кандай орзуларидан баланд тутарди. Сизга қайнонам ҳакида ҳам ёzsам. У жуда окила аёл эди ва менга ҳатто бирор марта каттик гапирмаган... У боласига факат ва факат меҳр, ҳалол лукма бериб катта килган ҳақиқий паҳтакор аёл эди. Медали ҳам бор, ўзлари тўрт йил бурун казо килгандилар, пилла маҳалида эди... Медали уйимиздаги сандиқда.

Жонтемиров Эгамберди, яъни эрим, кишлoққа олий маълумотли инженер бўлиб қайтади. Қайнонам хурсандлигидан битта катта кўй сўйган. Ўғлининг баҳоларини, қизил дипломини ҳаммага кўрсатган. У одамлар ҳалиям тириқ, исбот учун сўзлашлари мумкин... Эрим мард, ҳақгўй, акли одам. Авваллари эримдаги акл ҳамма институтда ўқиганларда бўлса керак деб юрардим. Лекин ундан эмас экан. Қишлоқда кўплаб институтни тутатиб ишлаётгандар у кишидек эмас. Мактабда бешинчи синфда ўқийдиган ўғлимнинг айтишича, Али муаллим исмини ҳам ҳато ёзармиш, бўлмаса институтни тутатган. Лекин Эгамберди акам ҳалол ўқиб маълумот олган. Унинг эришган ютуклари факат ва факат ўзининг зехни, меҳнати эвазига эканлигини биламан... Сиз ҳам бунга ишонишингизни ўтишиб сўрайман. Унда туғма қобилият бор. Шундай инсонинг маълумоти соҳта бўлиши мумкинми?! Уни нега ушлаб турибсизлар? Унинг дипломида хеч кандай кора доф йўқ! Юрагидай тоза! Илтимос, болаларим азобда! У кишини озод этинг!

* * *

– Маълумотинг?

– ...

– Маълумотингни сўраяпман?

–

– Сенга айтаяпман? Ов, хўқиз!

Терговчи маҳбус кошида каккайиб турган коровулга ғижиниб қаради.

– Нима қилдинглар буни, гажиб-эзиб ташладингларми? Устига сув сеп, кара, кирроқда қолган балиқдай оғзини катта очишини...

Коровул чеълакдаги сувни эрининг кўтарди-да маҳбуснинг юзига чунонам иштиёқ билан сепди. Сепилган сув зарбидан маҳбус ағнаб кетди. Сув терговчининг юзига ҳам сачраб, оппок кўйлагини нам қилди. Унинг кўзидан ўт чикиб, коровулга бакирмокчи бўлди-ю, индамади... Сигарет тутатди... Маҳбус эса қалтираб, гужанак бўлиб ҳўл бетонда ётарди. Қамокхона коровули уни ўтиргизиб кўйди.

– Маълумотинг? Гапир, гапир!

– Инженер...

– Качон туттагансан...

– Күлгіншім шешітмаяпты... фингиллаган овоздан бошка нарса шешітмаяпты...

– Нима, мени алдамокчимисан? Бутун ССРНІ алдаб келгандарлар инг етмайдими? Пахтани талон-тарож қылғандарлар инг етмайдими? Гапир, гапир... Йўк, бу умуман терговга ярамай қолибди-ку!

— ...

– Маңстадай мудрайсан, мудрайсан... Мана, сенга, мана...

Терговчи маҳбусни уришдан бирдан түхтаб қолди. Құлларига ачинди. Ранги бүзарған, куруқ сүяқ, бунчалар исқирт... Ахир, хамма маҳбусста хам ўзини шунака койитаверса хадемай ахволига маймунлар йығлайды, умри эрта тугайды. Хали булар орқали қанақанги наҳантларни зириллатиши керак... Лекин юзи жуда қатткік экан. Терговчининг құллари зирқираб қолди...

III. ИШ ФАОЛИЯТИ

Кишлоғимизда яхшигина ишлаб юрганды. Мен аниғини билмайман, нимадир бўлди-ю, шахарга ишга ўтиб кетди. Бир куни жуда курсанд бўлиб келди. Туман бўйича катта бўлибди. Қайси иш, қандай лавозим – мен буларни яхши тушунмайман. Лекин ишни оддий юмушдан бошлаган. Фермада техник, кейин бош техник, кишлоқ бўйича бош инженер, кейин туманга катта... Уйга ортиқча битта темир олиб келгандигини билмайман. Ҳеч кимдан ҳеч қандай пора олмаган. Мен бунга кафилман. Умрим билан, болаларим ҳаки қасам ичаман. Улар ҳаромдан ҳазар қиласди. Раҳматли қайнонамга ваъда берган. Қайнонам ўғлини бир кун олдига олиб: “Ҳаром еб яшама... ҳаром яшама... Бирордан ёки давлатдан сўрамай битта мих олсанг сендан у дунё-бу дунё рози бўлмайман” – деган экан. Отаси аҳдида турадиган бир сўзли одам. Тўғри, қайсар, ўзининг гапини ўтказадиган. Лекин бу катьяятни эркак кишига хос деб биламан. У киши бирорни ноҳақ уришмасди. Менга танбех берганида хам ўзим айбор, ўзим ахмоклик, жахли чикишига арзидиган бефахмлик қылган бўлардим. Аммо айбни доим ўзимдан кидирганим учун ҳеч качон гап қайтармаганман. Шунинг учун уйимизда доим эримнинг гапи билан сухбатимиз тугарди. Мен бирдан кечирим сўрардим. У киши бирдан кечирав, одамгарчилик киларди. Мени доим ҳурмат қылган. Сизга муносиб эмасман, оми-ман, десам мени уришарди. Ундай дема, дерди. Мен эса у кишини шу гапим билан кўп хафа килардим. Нима қиласай, ўқимаганман-да! Лекин Эгамберди акам касбига хиёнат қиласидиган одам эмасди. Ишонмасангиз қўлида ишлагандардан сўранг... Ҳаммаси уни билади... Шермат ака, Турсун ака, Болтавой бува... Фақат Ўқтам мудирдан сўраманг... Бир маҳаллар отаси унинг айбини билиб қолиб, роса савалаган экан. Шундан бери бизни кўролмайди. Бир гап чикариб, тухматга қолдиришидан кўркаман.

Туманга катта бўлганидан кейин уйга кеч қайтадиган бўлиб қолди. Келганды хам доим ҳолсиз, суви сўриб олинган узумдай бўшашиб... бирдан ухлаб қоларди. Суюк овкатни яхши кўрарди. Шуни бироз тотгандай бўлиб уйқута кетарди. У киши кўп кишиларга ёрдам берди. Кишлоғининг оддий одамларига, бечораларга карашди. Улар ҳозир хам болаларимнинг отасини дуо килаётган бўлса керак. Бемалол сўраб-суринширинг, улар гувохликка ўтишади. Фарзандларим ҳаки қасам ичаман, эримнинг иши тоза! Юкорининг конунлари адолатли деб айтишади-ку! Унинг гунохи йўк. Уни озод килинг! Ўтиниб-ўтиниб сўрайман сиздан!

— Иш жойингни расво қилдинг, пора олиб шишинг! Кўшиб ёзишинг орқали топган пулларинг каердан келаётганини, сен иттифокқа қанчалик зарар келтирганинги биласанми? Сендайларни кора курт деса ҳам бўлади, сассик курт деса ҳам бўлади...

Терговчи негадир бугун ҳаддан ташқари асабий эди, устига-устак маҳбуснинг мудраб ўтиргани унинг баттар ғашига тегяпти. Ўзи бу оқшом тергов килиш нияти йўқ эди... Ҳаммасини ўша ойимча расво қилди. Бугун уни ётоғига қабул килмади.

— Манжалаки...

Терговчи маъшуқасини эслаб сўкинди, унинг силлиқ юзлари билинар-билинмас титради. Асабига тегиб, ёнидаги давангир коровул ҳам мудрай бошлади.

— Хой, — терговчи столга шараклатиб урди. Коровул оёғи тагида илон кўргандай тепага отилиб сакради.

— Эшигтаман, ўртоқ капитан?

— Мудрама! Етар манави ҳўқизнинг мудрагани...

Шунда маҳбус нималардир деб гапира бошлади. Капитан ҳеч нима тушунмади. Турма коровулига қулоқ тут дегандай имлади.

— У нима деди?

— Она, дегандай бўлди, ўртоқ капитан...

— Э, онасини!

Капитаннинг ёдига ҳам тўсатдан ўз онаси келди. Онасининг кўм-кўк кўзлари меҳрдан порлаб турарди. У, айникса, умрининг охирларида ўғлига жуда меҳрибон бўлиб қолганди. Сергап, йиғлоки кампир: “Серёжа, асалли нон е, Серёжа, малинали мураббодан татиб кўр, ўзим сенинг келишининг атайлаб пиширганман”, — дея жаврагани-жавраган эди... Ўша пайтларда шуҳратдан бошка нарсани ўйламайдиган ёш терговчи учун буларнинг бари бачканаликдай туюларди. Лекин тан олиш керакки, онасидан кейин ҳеч кимдан бундай меҳр-муҳаббат кўрмади! Хотини Галя унга меҳр бердими? Битта фарзанд туғиб берди-ю, чўchkадай семириб, дарғазаб, сергап бўлиб кетди. Бу ердан топган маъшуқаси эса уни бугун хонасига киритмади.

— Она, ҷарчаб кетдингиз, кетдик...

Маҳбус алаҳисарар, хаёлида онаси билан сухбат куарди. У теракзор ичидаги улоқчаларини бокиб юрган эмиш. Баҳор фасли, тупрокнинг ширин хидо оламни тутган, ерда чучмома, қоқигул, отқулоқ, ялпиз... Уларнинг кўпини бола узуб еб кўради. Онаси шунда тепадан огоҳлантиради: “Болам, ерда ўсган ҳамма ўтни еб бўлмайди...” Бола жажжи қўлларини пешонасига кўйганча теракзор ичидаги онасига қарайди, шунча олисда туриб нима узуб еганини онаси қаердан билиби экан...

“Ҳаром ема...” Она узодан гапираётгани учун унинг овози акс садо бериб, бутун оламга сочиilmokда эди. “Ҳаром ема! Ҳаром ема, ҳаром еган одам гадойдир... Пора олган одам, кўчада кўўл очиб турган тиланчидан фарки йўқ. Икки дунёнинг куйиб кетади, полвоним...”

Бола теракзор ичидаги онаси томон чопиб кетади. Боланинг оркасидан күёш бобо тераклардан сакраб ўтиб эргашади. Майин шабада эса бола пешонасида зўрга жон саклаганча, унга ширин табассум баҳш этиб кетаверади.

— Она...

— Сенга онанг тарбия берганми ё пора билан одам бўласан, деб катта килганми? Эй, лўттибоз... қишлоқ техникаларини атайлаб ишдан чиқариб соттанинг эсингдан чиқмагандир? Энг катта айбинг – Райкомга пора бериб туманга бош инже-

нер, кейин обкомга пора бериб районга бош бўлиб олгансан... Санлар шунчалик харомсанларки... тоза нарсанинг фарқига бормай қолгансан!

Терговчи яна уришдан тўхтаб, сигарет тутатди. Қоровул унга тамшаниб қараб турганини кўриб унга ҳам тутди. Шуни кутиб тургандай коровул бирдан кўл узатиб сигаретни олди-да, лабларини олдингта чўзиб, буркситиб чека бошлади. “Буларга текин нарса бўлса тошни ҳам ютади”, деб ўйлади терговчи. Ташқарида хеч нима кўринмас, ҳар замон-ҳар замонда панжараларнинг шараклаб очилган овози, ташқарида юрган нозирларнинг гўнгир-гўнгири эшитилиб қолади.

Маҳбус эса, хаёлан онаси томон чопиб борарди...

– Она...

– Болам...

Негадир ўзининг овози бўғиқ эшитилар, лекин онасининг ҳар бир сўзи жаранглаб кетиб, қулоғида бир мусикадай, кадим соз куйларида янграли...

– Она, сизни кўрмаяпман!

– Мен олдингдаман... Кўзларинг кизариб, киртайиб қолибди-ку...

– Анча кундан бери ухламаганман-да, она...

– Йиғлама, болам, хозир алла айтаман, ухлаб коласан.

– Барibir ухлатишмайди... Ундан кўра сизни бир кўрай, она... Бир марта кўрай...

– Қасб масъулияти дегандা бирор нарсани тушунасанларми ўзи? Ё ҳаммаси сенларга тез ва осон бўлиши керакми? Порага пулни қаердан олдинг? Отангдан тилла колганми? Сенда олтин нима қилсан? Ҳамма олтин бухороликларда-ку! Мениям, ўша ёққа жўнатишганда ўзим билардим. Сенларда куруғи кўп-а? Ҳа, айтишларича, районга ўтиб хулқинг бузилиб кетибди. Кўпларни сўқибсан, уришибсан... Нима, сенга давлатнинг иши-отхонами, ит? Башарасига теп, башарасига, ухлаб қоляпти...

IV. ХУЛҚИ

Турмуш ўртоғим мард, бир сўзли, катъиятли одам. Унинг кўча-кўйда дайдиб, ичиб юрганини хеч ким кўрмаган. У бирор марта ҳам менга кўл кўттармаган. Тўғриси, менинг дадам қаттиқкўл. Онам дадамдан жуда қўрқади, хозиргача... Мен “турмуш ўртоғим жаҳлдор бўлмасин”, деб ният килардим. Худога шукр! Бирор кун бўш бўлиб колса, ховлида ишлайди. Даражтлар тагини юмшатиб, уларни яшнатиб кўяди... Кўшнимиз Шермат aka хотинини хайдагандан кейин бир аёлга илакашиб колганда, Эгамберди акам унга бир гап айтганини беихтиёр эшитиб колганман. Шуни сизга ёзишимдан максад хулқли инсон эканига сизни ишонтириш! “Ака, мен сизга маслаҳат беришга ёшлиқ қиласман, – деганди ўшанда, – лекин эртароқ янгамни яланиб-ёлвориб бўлса ҳам олиб келинг! Умр сизга қайта берилмайди, уни ўткини нарсаларга алмашманг! Ундан кўра болаларингизни ўқитиши, кизларингизни чиқаришини ўйланг! Кейин кеч бўлмасин, aka! Ҳақиқий ўзбек йигити биринчи на-вбатда оилани эплаши керак, оилани... кейин бошқаси бўлади...”

Онам менга: “Эрингни хеч қачон бировга таққослама, қандай бўлса шундай муҳаббат кўй”, деб ўргатган. Лекин мен Эгамберди акамни ўшанда бировларга таққослаб севингим, яшнагим келиб кетган...

Отаси хеч қачон бировга ҳасад билан қарамаган. Ўқтам мудирни Анор опани алдагани учун, Кулматни онасини йўкламагани, ёлғон гапиргани учун, Жумани хотинини ўласи қилиб калтаклагани учун урган, сўккан! Улар хозир “жабрланувчилар”нинг эсидан ҳам чикиб кетган. Айблари борлигини ўзлари ҳам тан олса керак. Болаларим ҳаки қасам ичаман... эрим шу туфайли қамоққа тушган

бўлса, кечиринглар! Тўртта ёш боланинг дирдираб турган гавдасини кўз олдингизига келтиринг! Сизнинг ҳам болаларингиз бор-ку! Ялинаман!

* * *

– Болаларинг нечта?

Капитан маҳбуснинг саволга жавоб беришга ҳоли йўклигини билиб турар, лекин ўзини босолмасди. Маҳбуснинг бурнидан қон окмоқда... Соат тинмай чикқиллар, оппок телефон мукка тушган, жим эди. Дераза орти эса ҳамон коронги... Коровул мудраб ўтиради. Сўзи жавобсиз колаётганидан ғазабланган капитан шу саволни коровулига берди.

– Еттита болам бор, капитан.

– Еттита? Қандай бокасан уларни...

– Аста-секин... Ўзи катта бўлишияпти...

Капитаннинг озғин юзи буришиб, кўзлари чақчайиб кетади.

– Шунинг учун пора оласанлар-да!

– Нима? – кўркиб кетди коровул...

– Сенда ҳам тушум борми?

– Йўф-ай, капитан...

– Бунинг боласи нечта, ҳали ёш экан...

– Билмасам, капитан...

Капитаннинг эсига Москвада қолган ўғли келди. Бу йил учинчи синфга чиккандир. Француз тилида санашин ҳам ўрганиб олибди. Ҳа, хотини Галя чўчқадай семиз ва кўпол бўлса-да, бола тарбиясига жиддий қарайди. Ҳа, ўғли Коляни соғинди... Лекин, бу – иш, бу ерга уни маҳсус вазифа билан жўнатишган. Мана булар эса хотинни кучоқлаб ётишдан бошқага ярамайди...

– Мен сенга бир бемаъни савол бермокчиман?

– Лаббай, капитан...

– Сен, хотининг билан...

Капитан ахмокона кулди. Саволи бачкана туюлди. Кейин бирдан маҳбусга қараб бакира кетди.

– Эй, хотинчалиш, болаларингни түғдириб уларга харом едиришдан кўркмайсанми? Болаларингни чирқиллатиб қаерларгadir сангиб кетишинингни, улар жиноятчининг, маҳлукнинг фарзанди, дея иснодга қолишини истамасант, ҳозироқ айт! Обком секретари ўша куни районга борганида сени панага олиб нима деди? У факат сен билан холи гаплашган. Айт, у сенга нима деди? Қанча пул сўради? Шуни айт-у, уйингта жўна... Мен обком секретарини тергов килишим керак, сендақаларни тергов киладиганлар мингта, мен сени камаганим учун обрў ололмайман.

Коровул бу шовкин-суронли сўрокларга парво килмай хуррак ота бошлади. Капитан тутакиб кетди.

– Тур ўрнингдан... Кетишинг мумкин!

– Раҳмат, капитан, лекин...

– Бунинг шалвирашини қара. Менга зиёни тегмайди. Ҳадемай, тонг отади...

– Раҳмат, ўрток капитан.

– “Раҳмат, раҳмат, раҳмат” шундан бошқа сўзни биласанми? Бунча эгилавер-масаларинг!

Коровул тиршайиб кулганча чиқиб кетди. Капитан коп-коронги деразага тикилиб, тунги рангларнинг аста-секин тарқалишини кузатди. Эссиж, бугун Вера уни

қабул қилмади. Бўлмаса унинг ҳозир олтин соchlарини хидлаб, оппоқ елкаларидан тамшаниб, ўпib ётарди. Наҳот бошқасини топган бўлса?! Ё ўша найнов, профессор эрига хиёнат қилиш жонига тегдимикан? Эри бир қари ўзбек бўлса, Верага унинг пулларидан бошқа нимаси ҳам ёқсин?! Ўзи бу ердаги ишни унинг эрини йўқ килишдан бошлашим керак эди. Ўшанда Веранинг ўзи ҳар оқшом тўшагимда ракс тушарди...

* * *

Махбус хаёлан болалари билан дарё бўйида эди. Уни узоқдан онаси кузатиб туради, дарёда кўшнинг ошлагандай келадиган акси ўйнайди. Болалар сувда кувнашади, кулишади, бир-бирига сув сепишади. Тўнғич ўғли иккита синглисини эҳтиётгаб кўлларидан ушлаб юрибди. Кизалоклар тиззаларига келиб турган дарё сувидан жунжикар, нукул “дада”, дея бакиришади.

- Дада, акамга каранг, мени гум жойга ташлаб юбормокчи?
- Дада, ковушим оқиб кетяпти! Дада!
- Дада, ҳов тепага борайлик...
- Дада, сувда кувлашмачок ўйнайлик...
- Дада, аям нега келмади?..
- Аям дарёда чўмилса, уят бўладими?
- Тепага караб турган аёл ким, дада, аямми?
- У бувим, буви, буви, келинг биз билан чўмилинг!!!

* * *

– Сенлар номига яшайсанлар... Манфаат учун ҳатто оилангдан ҳам кечишига тайёрсан. Веранинг эри саккизта боласини тирик етим килиб ўн саккиз ёшли ўрис кизга уйланган... Қизнинг айтишича профессорнинг болалари кишлоқда оддий уйда туришар экан, Вера эса шаҳарда, касрдай уйда яшайди. Бир ҳафтада бир кари эрига “ем” ташлаб кўйса бўлди, колган пайт билганини килади. Профессор эшакдай шунинг хизматини килади. Ким билади Вера Санк-Петербургда кандай томошалар кўрсатиб бу ерларга келиб қолган. Профессор ўрисга уйланиб, ўзини замонавий кўрсатмоқчи бўлгандир. Ўзбек тилини кўйиб, рус тилида гаплашганига ўлайми?! Чала-чулпа бўлмай ўл! Сен ҳам гапир, обком секретари нима деди?.. Болаларингнинг ҳаммасини қамайман, ҳаммасини!.. Уларнинг бари ҳаромдан бўлган! Ҳозир хотининг кимнинг елкасини уқалаётган экан-а?!

V. ОИЛАСИ

Илтимос, илтимос, илтимос! Хўжайним кетгандан бери, қандай яшаётганимизни тасаввур қилолмайсиз. Болаларим кун ботгандан эрта тонггача йиглаб чикади. Отаси уларга жуда меҳрибон эди, жонидан ортиқ кўрарди. Абдушкур болам ичикиб, касал бўлиб қолди. Сира ўзига келай демайди. Онам сут ташиди. Дўхтирга обордик. Касалини аниклашолмади. Нукул “дадам” дейди. Кимдир унга даданг ўлган, онанг сенга буни айтмаяпти, депти. Илтимос, болам ўлиб қолади. Бир ёш гўдакни асраб қололмасангиз нима килиб ўтирибсиз! Куткаринг, у – олим, топилмас одам... Партиями, бошқасими, уларга ҳеч ёмон сўз айтмаган. У факат шу кашфиёти деб курашди. Пахта терадиган бир трактор кашф этиши ниятида эди. Наҳотки, бу катта жиноят бўлса?

Мен деярли уйдан чикмайман. Кўшнилар чикишади, ота-онам ёрдам беради, ўзим тикувчилик килиб, бир амаллаб турибмиз. Болаларим учун эримни афв этинг!

У киши нима килган бўлса, одамлар учун килди. Одамларнинг кун бўйи пахта териб юришини кўриб, уларнинг машаккатини бироз енгиллатадиган бир трактор ишлаб чикмасам бўлмайди, деб тиришарди. Тунлари билан шуни ўйлашиб чикарди, эрталабгача бир нималарни чизиб чикарди. Москвага ҳам бир ой бориб иш ўрганиб келди. У ердан кўп мақтov ёрликлари олиди. Нима, балки бу янги килаётган техникиси қонунга тўғри келмадими? Балки, одамлар пахта термаса нима килади, деб, уни шунга камаб кўйдингларми? Бизда шундоқ ҳам пахта кўп, иш машинага ҳам, одамга ҳам етади.

Хамма “пахта иши”, “ўзбек иши” деяпти, булар унинг айби эмас. Лекин мен ўзим беш ёшимдан пахта тераман. Мехнати оғир, осонмас... Пахта маҳал қишлоғимиздан битта киз ўзини осиб кўйди, кўшни қишлоқдаги аммамнинг кўшниси эди, каттаматта аёл ўзини ёқиб юборди. Пахта осонмас, пахта жуда оғир иш...

Хўжайним шу воқеаларни кўриб, қандай жим ўтирисин... Ёмон нияти бўлмаган! Озод килсанглар, энди қашфиёт килмайди. Мен сизга ваъда бераман, тунлари ухламай бўлса ҳам, туну кун пахта териб сизга хизмат қиламан. Факат, у кишини кечиринг!

Илтимос! Илтимос!! Илтимос!!!

* * *

Махбуснинг боши зиркираб, хотираси хирадашиб қолганди. У алланималарни айтиб, бетиним алаҳисиради.

– Шуларнинг ҳаммасини ўзингиз тайёрладингизми, ғоя ажойиб, ахир бу олам шумул қашфиёт-ку! Москвадаги ўртоғим Ўзбекистонда шундай олим бор деб айтганида ишонмагандим...

– Рахмат, факат менга зарурий техникалар керак, Германияда ишлаб чиқарилган бир-иккита қурилмаларни кўллаб кўришим керак, агар уни амалиётга жорий эта олсак, халқимиз пахта азобидан кутулган бўларди. Бир чигит килиб пахта пояларни пайхон қиласиган техникалардан чарчадик.

– Ўйлаб гапиринг, Эгамберди, пахта байрам, тантана бўларди десангиз, яхши бўларди. Мен сизни якинда мухим лавозимга тайинлайман.

– Сиздан илтимос... Менга вакт керак... Ҳеч қандай лавозим керакмас... Мен шу тракторни ишлаб чикишим керак... Бу трактор ҳали миллатимизнинг ташвишларини ердан терадиган машина бўлади...

– Мен сизга ҳар қандай ёрдам беришга тайёрман. Москвада сиз ҳакингизда макола чиқди. Агар ишни тез олиб борсангиз сизни Тошкентта олиб кетишилари ҳам мумкин... Тошкентта сиздай одам керак... факат тилингиз чатоқ... Ўйлаб гапиринг... Менга бир-иккита имзосиз хатлар келган...

– Менинг дардим битта – пахтани мукаммал терадиган машиналар ишлаб чикиши... Менга ҳозир вакт керак, мен юзлаб тажрибаларни, минглаб тракторларнинг яратилиш тарихини кўрмокчиман. Нега шунча пахта терувчи тракторлар одамлардай тоза теролмаяпти, уларда нима камчиликлар бор? Наҳотки, биз орзу килгандай пахта машиналарини ишлаб чикиш шунчалик кийин бўлса?! Мен бу саволларга ҳам жавоб топганимча йўқ.

– Мен сизга омад тилайман...

– Мен сенга лаънат тилайман... Сенга, сендақаларга...

Терговчи баттар қизиши. У ҳамон аламдан титрар, тезрок тонг отса, бу ёрни тарк этиб яна Вераникига борса, балки бугун эрта тонгда уни хушнуд килар.

– Хали кизик бир нарсан аниқладим. Сенинг ишингда ҳамманинг айби бор... Санларнинг бошларингда обком турибди. У сени куткармоқчи ҳам бўлди. У ҳатто мени уйига ҳам чакириди. Аммо хотиннинг зўрини олган экан. Кўзим билан сеҳрламоқчийдим, пашша учганчалик таъсир килмади. Ердан кўзини олмади. Эри ўлса, кейин кўрамиз уни... Хуллас, обком секретари менга сени “машхур қашфиётчи”, “иттифокнинг фахри бўлиши мумкин”, деди... Сен пахта терадиган замонавий тракторлар ишлаб чиқмокчи эмишсан. Шуни билки, буни хеч качон эплолмайсан. Сен қаердаю, бизнинг механиклар, инженерлар қаерда?! Улар неча йиллардан бери қилолмаган ишларни сен – қандайдир чекка райондан чиққан оми, қишлоқи одам эплайдими? Шу чириган районнингдан чиқиб-а?! Сен ундан кўра кўп бола туғдир... Пахта ўз-ўзидан терилади...

* * *

Маҳбуснинг хаёлига яна болалари келди... Сочларини ўриб ҳовлидагирайхону атиргулларга сув қуишиётгани, хотининнинг манти учун ҳамир муштлаётгани кўз олдидан ўтди... Шермамат бедазордан исмалоқ тергани-терган... Ўғлига исмалоқли манти жуда ёқади.

– Болаларим...

– Болаларинг яхши пахтакор бўлади. Қашфиётингни хотинлар устида килинглар. Шунда сен – қаҳрамон ота, хотининг ўнта туккан қаҳрамон она, болаларинг эса илғор теримчи бўлишади...

– Ўчир овозингни!

Капитан унинг алаҳсирашига эътибор ҳам бермай деразага тикилиб турарди...

– Хотинингни эртага чақирирамиз! Қип-ялангоч килиб, коп-қора баданига қараб уни суд киласман! Ёқса балки... – капитан аҳмоқона кулди.

– У покиза аёл!

– Ҳар қандай покизани эзгилаб эркалайман... Факат кўнглим тортса, жиркан- масам! Ўзи ҳам кўпдан бери сени кўрмаган, эркак нафасини туюши билан ўзини йўқотса керак.

– У покиза аёл.

– Кейин болаларинг етим бўлади... Сенинг раисинг, агрономинг, ҳамма қариндошинг касрингга кетади... Қашфиётчи эмиш... Улар тушуниб етишин... Қара, ҳадемай тонг отади, тонгни мен, биз, факат биз кўришимиз керак. Сенлар эса пахтани билсаларинг бўлди. Сен оркали энди мен областдаги ҳамма каттанинг ёстигини қуритаман. Чунки сенлар порахўр, кўшиб ёзувчинанлар!!!

– Сен итсан!

– Нима? Тилинг пайдо бўлиб қолдими?

Капитан орқасига бемалол қаради-ю, даҳшатдан котиб қолди: қаршисида бир баҳайбат нусха, соч-соколи ўсиб кетган, кўзлари қип-кизил қонга тўлганидан корачиги ҳам кўринмай колган одам еб кўйгудай қараб турарди. Капитан бакиришгаям улгурмади. Маҳбус ҳаш-паш дегунча кишанланган кўлларининг орасига унинг бошини киргизиб, бор кучи билан терговчининг бўйини қаттиқ кисди, кейин уни тизза билан тепиб ағанатди. Тирсаги билан бўйини босиб, жон ҳолатда хириллаб типиричлаётгандерган терговчининг оғзидан кўпик чиқиб, кўм-кўк кўзларидан ёш отилиб котиб колгунича тутиб турди. Терговчининг кўзлари катта очилганча тинчиб қолди...

VI. ЯКУНИ

“Тонг отяпти...

Хозир болаларим туриб, мени яна ёлғончига чиқаради. “Эртага отанғиз келади”, деб уларни овутгандым. Энди уларни нима деб овуттай? Қачон келади деб айтай? Қачон?

Сиздан умид килиб, сизни дуо килиб, сизга ишониб кутувчи инженер Жонтемиров Эгамбердининг аёли ва болалари...”

* * *

Қатор панжаралар билан түсилган дераза ортида коронғилик тарқалиб, күёш бош кўтариб келарди. Тонг отмоқда...

Күёшнинг илк нурлари маҳбуснинг кора тер ботган юзларига тушгунча ташкарига тикилиб турди. Неларнидир узок пичирлади. Кейин чаккон харакат билан терғовчилар дам олиши учун кўйилган каравотнинг кўрпа астарини олиб ташлади. Темир каравотнинг яланғоч киррали томонига белини тўғрилаб унинг устига чиқди ва аламли бақирганча ўзини темир устунга ташлади. Қарсиллаб кетган каравотнинг овози, маҳбуснинг охирги марта азобдан инграши ташкарида хуриллаб ухлаб ётган коровулни уйғотиб юборди. Жонхолатда ўзини ичкарига урган коровул даҳшатли манзарадан қотиб қолди: Терғовчининг жасади аллақачон совиб бўлган, факат кўзлари ҳамон ўқрайиб бокарди. Маҳбус эса (саккиз ойлик азоблардан сўнг) онасининг оёғига бошини кўйганча мирикиб ухлаётган болани эслатиб ётарди. Энди бу болани ҳеч ким, ҳеч қачон уйғотолмайди...

* * *

– Тоға, сахарлаб келганим учун узр! Кеч колишдан кўрқдим!
 – Ёзиб бўлдингми?
 – Мана...
 – Ўўх-хўйӯ, асар ёзиб ташлабсан-ку!
 – Тоға, кўёвингиз чикармикан?
 – Яхши ният кил, чикади... Хатнинг турли хилидан ёзверамиз... Бирини бўлмаса, бирини ўқиб қолар...

– Тоға, сизга катта раҳмат!.. Кўёвингиз чикади-а?
 – Ҳа, дедим-ку! Кара, жиян, тонг отяпти, күёш чиқяпти... Лекин осмонда булатлар ҳам бор... Қалинроқ кийинишим керакка ўхшайди... Майли, мен энди эртарок отланай...

– Сиз берган гўштдан қайнатма шўрва қилгандим. Болам анча жонланиб қолди. Лекин, тоға, куйиб кетяпмиз-да! Кўёвингиз озод бўлармикан?! Озодман, деб келармикан?!

– Мен шошилишим керак, кара, тонг отяпти, күёш чиқяпти... Бизга аталган кун ҳам бордир ахир...

– Ўша кун қачон келади, тоға?!

– Келади, албатта, келади!!!



Ушалмаётган бир орзу Толибжон билан Гулчехранинг баҳтли қунларига соя солиб турарди. Бирин-кетин ойлар, йиллар ўтиб борар, уларнинг эса ҳамон фарзандлари йўқ эди. Қайта-қайта шифокорларга кўринишиди. Улар ҳам Худо эмас, аниқ гап айтишмасди. Гулчехра бунда ўзини айблаб, тез-тез йиглайдиган одат чиқарди. Толибжон ҳам ўғил ё кизлик бўлишини зорикиб кутарди. Болалар бор жойда ўзи ҳам болага айланниб кетар, уларнинг содда, бегубор киликларидан олам-олам завқланарди. “Ҳаммаси Худонинг иши, – дея ўйларди у. – Биз, кўрган кунимиз, топган ризку насибамизга шукр килишимиз керак. Фарзандлик ҳам бўлиб колармиз...” Шундай пайтларда темирйўл вокзалидаги ногирон ёдига тушиб, унинг золдир ғилдиракли аравачада судралиб юриши, искирт киёфаси кўз олдига келарди.

Қобилжон амакининг оғир ахволда касалхонага тушиб қолиши Толибжон билан Гулчехранинг бир маромда кечётган ҳаётларини издан чиқариб юборди. Бу кутилмаганда, бир кунда содир бўлди. Қобилжон амаки ишхонасида ийқилиб қолибди. Толибжонни дархол ёш техниклар марказига чакиришиди. Борганида қайнотаси Шокир Исмоиловнинг хонасидаги диванда хушсиз ётарди. У билан кетма-кет “тез ёрдам” машинаси ҳам етиб келди. Қобилжон амакини касалхонага олиб боришиди. Дўхтирлар “инсульт” дейишиди. Гулчехра куну тун отасининг ёнидан жилмади. Тошкентдан то-пип келинган камёб дорилару, кариянинг томирига уланган томчилагичлар ҳам ёрдам бермади. Беш кундан кейин ўнг кўли билан оёғи ишламай қолган Қобилжон амакини уйга олиб кетишиди. Уйда уч кун ётиб, бандаликни бажо келтириди.

– Толибжон ака, энди мен ёлғиз колдим, – деди Гулчехра майитни қабрга кўйиб келишган куни ўксисб-ўксисб йигларкан.

– Мен-чи?! Мен борман-ку! – Толибжон уни юпатди.

Шундай деди-ю, кейинги пайтларда Гулчехрага эътиборсиз бўлиб қолганини ўйлаб, ўзини айбдор хис қилди. Хотинининг беозорлиги, меҳр-муҳаббати эвазига хеч нарса талаб қилмаслигидан баттар эзилди. “Энди ўзгараман, – деди боти-нан. – Иш билан андармон бўлиб кетдим... Кимларгадир ўхшаб чўкмадим, шунисига шукр. Ҳаётда йўлимни топдим. Гулчехра ҳаммасини билади. Мени факат ойим шундай тушунардилар. Ойимнинг олдиларига ҳам аҳён-аҳёнда боряпман. Қарип қолганлар, Зартопганга келолмайдилар, ўзим тез-тез хабар олишим керак!”

– Дадамни охирги айтган сўзлари сизнинг исмингиз бўлди, – деди Гулчехра эрининг ўйланиб қолганини ўзича тушуниб.

– Нима демокчи бўлғанларини биламан, – деди Толибжон. – Унинг овози титраб чиқди.

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

Вакт – шамолдек елиб бораётган учкур чавандоз. Уни ҳеч ким тўхтатиб қоломайди. Кунлар, ойлар ўтарди. Қобилжон амакининг маърракаларини ўзининг уйида ўтказишиди. Шундан кейин кимсасиз бу уй хувуллаб қолди.

– Майли, шундай тураверсин, согмаймиз, – деди Гулчехра. – Уйимиз дадамни, болалигимни эслатади. Аввалгидай супуриб-сидириб юравераман.

Толибжон, хотинининг кўнглига каради. У яна ишига боши билан шўнғиб кетди. Одамлар унга муаммолари билан ҳам мурожаат кила бошлашганди. Ҳеч кимга йўқ демасди. Қўлидан келганича ёрдам беришга уринар, бу ўзининг ташвишидек кўйиб-ёниб, хафталаб, баъзан ойлаб овора бўлса ҳам ўша ишни ҳал килишга уринарди. Бир сафар Зартопганинг чекка маҳалласидаги ичимлик суви муаммосини кўтариб чиқди. Киш совуғида обкапча сув ташиётган аёллар, болаларни суратга олиб, макола билан газетада чоп эттириди. Орадан бир хафта ўтар-ўтмас, кунлар бироз илиганда маҳаллада водопровод ўтказиш ишлари бошланди. Бу одамлар орасида Толибжоннинг обрўсими янам ошириди.

Зартопганг баҳор келди. Боглар яшил майсалар билан қолланди. Дараҳтлар уйғониб, гулга кира бошлади. Кунлар бир маромда ўтарди. Гулчехра аввалгидек уйда тикувчилик қиласи, кечқурунлари бирор овқат тайёрлаб, эрини муштоқ бўлиб кутади. Толибжон одатда тушдан кейин уйдаги суратхонасида ишларди. Шу куни ҳам уйига барвакт келди. Кун чараклаб турарди. Дарвозадан кирди-ю, ховлидаги бир туп гилоснинг оппок гуллаганини кўриб чехраси очилди. Гулчехра енгил кийиниб олган, кўлида белкурак билан томоркада ер юмшатарди. Толибжоннинг гулга бурканган гилосга завқ билан караб қолганини кўриб жилмайди:

– Фалати феълингиз бор, – деди ишидан тўхтаб.

– Нимага ундан деяпсан, Гулим? – ажабланди Толибжон.

У хотинини “Гулим” деб эркаларди. “Гулим”, дедими, демак кайфияти яхши. Бундай пайтларда Гулчехрани бағрига босар, сени бир оёқдаям кўтариб юраверман, дея алкарди. Хозир ҳам белкуракка суюниб турган Гулчехра томонга юрди.

– Мен ер чопяпман, – деди Гулчехра шошиб белкуракка ёпишаркан.

Шу пайт енгил шабада эсиб, Толибжоннинг соchlарини тўзгитди. У йўл-йўлакай сочини тўғирлаб, Гулчехранинг олдига борди-да, билагидан ушлади:

– Мен ҳам қарашаман!

– Кийимингизни алмаштириб олинг.

– Майли, – деди Толибжон иложсиз.

У оркасига кайтиб, уйга кириб кетди. Гулчехра эрининг ортидан тикилганича ўйга чўмди: “Баъзан ёш боладек ўжар бўлиб колади, айтганини килдиради. Лекин кўнгли тоза. Мана шу баҳор ҳавосидек покиза инсон. Дадаси кизини унга топшириб адашмаган экан. Доно дадажониси Толибжонни ўз ўғлидек кўрарди...”. Гулчехранинг кўзидан икки томчи ёш оқиб, ёногига тушди.

Шу пайт Толибжон уйдан чиқиб кела бошлади. Гулчехра кўз ёшини билдирамайгини сидириб ташлади-да, белкуракни ерга санчди. Толибжон унинг кўзи ёшланганини сезди.

– Нима бўлди?! – деди хавотирланиб.

– Дадам эсимга тушдилар.

– Қобилжон амаки яхши инсон эди... Улар урушда кўп кийинчилик кўришган.

Халиям...

– Дадам ҳеч качон нолимаганлар. Бирор дилларини оғритсаем тез унугиб юбордилар.

- Уруш кўрганлар шукр килиб яшашга ўрганишган.
- Биз хам.
- Тўгри, Гулим, биз хам!
- Сиз яхшилиз!

Толибжон Гулчехрани елкасидан оҳиста қучоклади. У бошини Толибжоннинг кўксига кўйди.

- Фақат, бир нарса...
- Биламан, – деди Толибжон. – Вакти-соати билан фарзандли бўламиз. Худо бермаса...

Гулчехра майин кафтини Толибжоннинг лабига босиб, пичирлади:

- Ундан деманг!

Толибжон кўлига белкуракни олди:

- Ерни ўзим юмшатаман, сен дамингни ол. Томорқада ишламаганимга анча бўлди.

У белкуракни баланд кўтариб, кўпчиб турган тупрокка зарб билан санчди.

* * *

Шу куннинг эртасига юз берган ноҳуш воқеа Толибжоннинг кўнглини синган чиннидек чил-чил килиб, каттиқ азоб берди. Тўгри, у ёш бўлса хам хаётда кўп қийинчиликларни кўрди. Кўшматта ўхшаган дилозорлардан жабр чеккан пайтларидаям сира чекинмади. Пок севгисини химоя қилиш учун қоядек мустаҳкам турла олди. Бироқ ўзига яқин олиб юрган ҳамкасбининг номардлиги жону жаҳонини ўргаб юборди.

Газетада ишлайдиганига ўн йилдан ошди. Тахририятдаги журналистлар бир-бирлари билан ака-уқадек аҳил эдилар. Аммо осмон булатсиз эмас, гулнинг хам тикони бор. Янги ишга келган муҳаррир ўринбосари Садир Назировни бу аҳил жамоада кўпчилик хуш кўрмади. Ҳеч ким у билан апок-чапок бўлолмади. Толибжон бунинг сабабини кейин тушунди. Ҳаммаси газетада ўзлон килинган фотоайбномадан бошланди.

Тахририят катта кўча ёқасидаги бинода жойлашган эди. Ўтган йилнинг кузида йўл курувчилар шу кўчага асфальт ёткизишди. Улар кетиши-ю, асфальт текислайдиган баҳайбат пўлат фиддиракли трактор киши ўтиб, баҳорда хам кўчада эгасиз колиб кетди. Бирор уни кимирлатолмайди, машиналар четлаб ўтади. Йўловчилар улкан фиддиракка караб бошларини чайқашади. Зил-замбил трактор кўчага ўрнатилган метин хайкалдек котиб колди. Толибжон ўша фиддиракни суратга туширди. Йўл курувчиларнинг иш техникаси кўчада занглаб ётгани, йўл харакатига халал берадиганини ёзиб, газетада чоп эттириди. Бу фотоайбнома учун анчагина мақтоворга сазовор бўлди. Бош муҳаррир шундай ҳолатларга бефарқ ўтиб кетаётган журналистларга ўрнак килиб хам кўрсатди. Гапнинг бир учи Садир Назировга тегиб ўтди. Ҳасад ичини кемирган Садир Назиров шу кундан Толибжонга ола қарай бошлади. Одатдаги бир нави муомаласи “кора совуқ”ка айланди. Толибжон аввал бунга ўзгибор бермади. “Кайфияти йўқдир-да”, деб кўярди ўзича. Садир Назировнинг “захирага олиб кўйган” катта фитнаси бироз кейин балик сув остига тортиб кетган пўккакдек юзага калкиб чиқди.

Катта йўлдан Зартопганга кираверишда шаҳарча Кенгашининг кўчага қараган иккичаватли биноси бор эди. Олди гулзор, арчалар йўлакка соя ташлаб туради. Толибжон ишга автобусда катнарди. Шу куни ишдан эрта кайтди. Автобусдан тушиб, арча соясида турган Турдалиевга кўзи тушди. У шаҳарча Кенгаши раисининг ўринбосари эди. Аввалдан салом-аликлари яхши бўлгани учун сўрашиб кетай, деб олдига борди. У неғадир Толибжонни хушламай қаршилади. Бироз қовоғини уйиб четга қараб турди-да:

— Ука, мен сизга нима ёмонлик қилгандым? — деди дабдурустдан.

Толибжон ҳайрон бўлиб, нима дейишини билмай каловланди. Раис ўринbosарининг туйкусдан қилган совук муомаласи гангитиб кўйди.

— Ака, сизни хурмат қиласман, — деди босиқлик билан.

— Мени, хотини билан ит-мушук бўлиб юлишади, деб овоза таркатибсиз? Шу ростми, ахир??!

Толибжон лол бўлди. Бу ғирт тухмат гап эди. Зартопганда уни ҳамма хурмат килади. Бунақа муомалани сира эшиитмаган.

— Йў-ўқ, мен уйингиздаям бўлмаганман-ку? — дёёлди бўшашиб.

— Садир Назировдек одам ёлғон гапирмаса керак?! — Турдалиев жаҳл билан унга тикилди.

Толибжоннинг капалаги учди! Нима дейишини билмасди. “Бу ифво наҳотки Садир Назировдан, у билан елкама-елка ишлаётган ҳамкасидан чикқан? У ҳеч қачон Турдалиев хакида гапирмаган-ку?! Тўғри, бундан ўн кунлар аввал шаҳарча Кенгашида газета учун сурат туширганди. Турдалиев эътиборли бўлиб, ишида ёрдамлашди. Толибжон таҳририятда уни мактади. Одамларнинг оғирини енгил қилиши, ўзи билан ҳам яхши муносабатдалигини тўлкинланиб гапирганди. Садир Назиров бу гапни нима мақсадда ўйлаб топган?”

Турдалиев жавоб кутиб ҳамон ўқрайиб турарди. Толибжон, ўт балоси, сув балоси, тухмат балосидан асрасин, деган гапни эслади. Индамай кетиш ўзи қилмаган айбни бўйнига олиш эди. Аслида, бу хотинларнинг гийбатига ўхшаган бир гапдир. Аммо одамлар орасида таркаса, Толибжоннинг томчилаб йиккан обрўси шамолга совурилмайдими? Ёпиглик қозон ёпиғлигича колсин, деса, эркак киши учун номус ҳар нарсадан улуғ.

— Бундай гап бўлмаган, — деди қатъий қилиб. — Эртага таҳририятта кириб ўтолмайсизми?

Унинг зардали гап оҳанги Турдалиевга таъсир қилди, чамаси, бироз бўшашибди:

— Эртага Садир Назировга йигилиш баённомасини олиб боришим керак, — деди хўмрайиб.

— Унда, ўша ерда учрашамиз! — Толибжон ортига бурилиб, оксоқланганича жаҳл билан уйи томонга юриб кетди.

У ховлисига бўшашиб, елкасига бир коп ун ортмоклагандек хоргин кирди. Ҳаммаёқ чиннидек қилиб супурилган. Баҳорнинг майса хиди анқиб турган ажаб ҳавоси, орасталик киши дилини яйратади. Ётогига шошаётган күёш гилоснинг оппоқ гулларини сийпалайди. Аммо шу дамда Толибжон буларга эътибор берадиган ахволда эмасди. Деразадан эшитилаётган тикув машинасининг шилдираган товушига бироз қулоқ тутиб турди. Гулчехра буюртма тикиб ўтиради. “Хозир сўрққа тутади, — деб ўйлади. — Унга айтмаслигим керак. Эзилади, нима қиласман, қайфиятини бузиб...”. Толибжон уйга кирганида ўзини анча босиб олганди. Бирок Гулчехра эридаги ўзгариши дарҳол пайқади:

— Нима бўлди?! — деди хавотир билан кўзларини пирпиратиб.

Хотинининг овозидаги ҳамдардлик Толибжоннинг юрагини баттар сикди.

— Ишда чарчадим, — деди оёғига ишора қилиб. — Кўп юрдим, дам оламан.

— Майли, — деди Гулчехра. Эрининг гапига ишонмагани эса юз-кўзидан сезилиб турарди.

Толибжон индамасдан ховлига чиқди, фотолабораториясига кириб кетди. Асаби бузилган, юраги сикилган пайтларда шу нимкоронги хонасида ёлғиз колиб ором топарди. Жавонда кадрдон “Фотокор” туребди. Хозир уни ишлатмайди, замонавий фотокамералари бор. Бирок ёшлигининг мукаррам хотиралари мужассам буюмни хануз кўз

корачиғидек асрайди. Деворга мана шу фотокамерада биринчи олган портрети илип күйилган. Бу – ойисининг дарё бўйида тушган сурати. У суратга ўйчан тикилиб, столининг ғаладонидан кундалик дафтарини олиб вараклади. Бир оёғидан айрилиб, тўшакка михланиб қолган кунлардаги изтироблари, отасининг уруш хотиралари... Темириўл воқзалида ногирон дайдини кўрганида қаттиқ таъсиrlаниб, ўзини кўйгани жой тополмаган кунлари ҳам шу дафтарнинг сахифаларига яширилган. Икки оёғи кесилган пиёнистанинг ахволи аянчли эди ўшанда. Ҳарчанд уринса ҳам унинг шишинқираган юзи, одамларнинг оёғи остида судралиб юриши кўз олдидан нари кетмади. Рухиятiga даҳшатли куч билан портлаган бомбадек тъясир кылган манзара гумандек тарқаб кетишини жуда-жуда истади. Ётиб ҳам кўзига уйку келмасди. Бу ёкимсиз ўйларидан кутулиш ўйлани излаб, изтиробларини қоғозга туширди. Бутун дарди дафтарга кўчгандек енгил тортди. Ҳозир ҳам ичу таши ёниб, тез-тез ёза бошлади:

“Узоқ вакт ёзмадим ва ёзмас ҳам эдим. Лекин қалбсиз, ҳиссиз бир кимса туфайли бугун яна қўлимга қалам олдим. Садир Назиров мени асоссиз ўзининг рақиби деб ҳисоблайди. Балки, қайбир маънода бунга асоси ҳам бордир. Чунки, биз бошқа бошқа олам кишиларимиз. Мен оддий фотомухбир бўла туриб ундан кам шиламаёттирман. Ахир, у давлат маблагига ўқизган-ку?! Мўмай маош олади. Журналист! Бироқ, икки ой давомида ўша улкан пўлат гилдирак олдидан ҳар куни бефарқ ўтиб кетаверган... Занглаб кўчада қолиб кетган, йўловчи машиналарни чалгитаётган пўлат гилдиракни кўрмабдими? Кўрган! Лекин нега бу муаммо қалбини безовта қўлмади? Мен суратга олдим, ёзdim, газетада чоп эттиридим. Шу кундан у менга тишини қайради. Одам ҳам шунчалик майдакаш бўладими?!”

Садир Назиров раҳбарлар билан муносабати бузилиб қолишидан чўчийди. Феъли шундай. Ҳаётдаги, атрофидаги муаммоларга эътиборсиз. Мен билан курашишининг пасткаши усулини танлади. Ахир, мен Турдалиевнинг уйидаги бирор марта ҳам бўлмаганман! Қандай қилиб хотини билан муносабатлари ҳақида овозга тарқатишум мумкин?!

Садир Назиров – муҳаррир ўринbosари. У ҳам раҳбар! Нега унингдек одамлар масъулиятли лавозимларда ишлашади? Бундай журналист халққа нима наф келтириши мумкин?! Ё, Худо! Мен жуда хафаман! Улар яхши одамларни эзишади, қолидан чиқариб юборишади! Буларни енгиз ўтиши учун бардоши бўламан!”

Толибжон ёзувларига сўнгти нуктани кўйди. Оппок деворга тикилиб ўтириб, оёғидан ажралган фожиали кунни эслади. Онасининг меҳрибонликлари, Сервер, Николай Семёнович, Қобилжон амаки, Шокир Исмоилов кўз олдидан бир-бир ўтди. “Дунёда яхшилар кўп, – деди ички бир овоз. – Кўшматта ўхшаган ғаддорлар, Садир Назировга ўхшаган туллаклар ҳам бор. Мен жудаям кийналяпман, лекин чидашим керак! Одам – пўлатдан қаттиқ, гулдан нозик, деганлари шу экан-да”.

15

Эртасига Толибжон таҳририятга келганида Садир Назиров ишда эди. Хонасининг эшиги кия очик экан, ичкаридан икки кишининг гўнгир-гўнгир гаплашаётгани эши-тилди. Улардан бири – Турдалиев эди. Толибжон эшик туткичини ушлаб, кирайми-кирмайми деб бир зум иккиланди. Лекин кечаги воқеага ҳозир ойдинлик киритиб олмаса бошқа имкон бўлмаслигини ўйлаб, эшикни очди-да, ичкарига кирди. Садир Назиров хона тўридаги ўзининг ўрнида ўтирас, Турдалиев берироқда тик турганича кўйиб-пичшиб унга ниманидир тушунтиради. Толибжонни кўриб иккилариям жимиб қолишиди.

Садир Назиров ўрнидан турмасдан кўзини лўқ килиб тикилиб ўтираверди. У Толибжондан ёш эди. “Сўрашишням билмайди”, деб ўйлади Толибжон. Шу тобда унинг

бу ўтириши кўзига жуда хунук кўринди. Захил юзидағи олдинга туртиб чиккан дўрдк лаби ўзига сирам ярашмасди. Кўкиш, харакатсиз катта-катта кўzlари шишадек ялтирайди. “Мунча совук бу одам, – деб ўйлади, – аввал эътибор бермаган эканман”.

Турдалиев эса Толибжонни кўриб каловланди. Тез четга ўтиб, йўл берди. Толибжон аввал Турдалиев, кейин Садир Назиров билан кўл бериб сўрашди. Кўнглининг бир четида, балки у гаплар бўлмагандир, деган илинж ҳам йўқ эмасди. Садир Назиров ўша-ўша, бир тукини ўзгартирмай хайкалдек котиб колган. Турдалиевнинг кечаги вожохати йўқ, Толибжоннинг нима дейишини кутиб жимгина мўлтираб турарди.

– Садирбой, сиз мени, Турдалиев хотини билан ит-мушук бўлиб юлишади, деганимни каерда эшитгандингиз? – деди Толибжон ўзини босиб.

Садир Назиров турқини ўзгартирмади. Ўзини оромқурсининг суюнчиғига ташлаб, каршисида тик турган икки кишига сурбетларча бир-бир қараб олди.

– Турдалиев ҳакида гапирганинг ростми? – деди совуқ қилиб.

– Рост. Лекин...

– Ана! – у кўрсаткич бармоғини ниқтаб, ўрнидан сапчиб турди. – Ана, айтмадимми?!

– Нима, ана?! Мен Турдалиевни яхши одам дедим.

– Яхши одамниям сирлари бўлади. Бошқалар ҳакида гапириб юриш яхшимас!

Толибжон бу гапни эшитиб ўзини тутолмай қолди. Миясига гуп этиб кайнок конурди. Нима деярини билмасдан лаблари титграрди. Кўз олди коронғилашиб, мувознатини у оёғидан бу оёғига ташлай бошлади. Бу қабоҳатга аслалари дош беролмади:

– Гапни айлантирма! – бакириб юборди тутокиб.

Ўзи билмаган ҳолда кўли беихтиёр елкасидаги фотоаппаратига бориб қолди. Каршисида Садир Назировни эмас, жирканч башараси тиришиб турган Кўшматни кўрди. Ундан изжирганиб, фотоаппаратини баланд кўтарди. Жон-жаҳди билан улоқтирилган фотоаппарат Садир Назировнинг елкасига тегиб, катта ялтирок столга зарб билан урилди. Шиша бўлагининг “чарс” этиб сингани эшитилди. Мувозанатини йўқотган Толибжоннинг ёғоч оёғи фижирлаб танаси чайқала бошлади. Ёрдамга отилган Турдалиев уни ушлаб қолишига улгурмади. Толибжон таҳта полга қулади!

Шовқинни эшитиб қарама-қарши хонадан Зокир Қодиров чиқди. Очик эшиқдан полда ўтирган Толибжонга кўзи тушди-ю, хонага отилиб кирди.

– Нима гап?! – деди Садир Назировга қараб.

У фотоаппарат зарбидан оғриётган елкасини ушлаб без бўлиб тураверди. Бу пайтда икки ўт орасида коврилаётган Турдалиев зўр бериб Толибжонни турғазишига уринарди. Толибжон қарахт бўлиб қолган, ҳеч нарсани эшитмас, хис килмасди. Зокир Қодиров дарҳол Турдалиевга ёрдамлашиб. Биргалишиб Садир Назировнинг хонасидан олиб чикиши.

Уни бош муҳаррирнинг хонасига ярадор одамдек икки томонидан суюб, судрагудек қилиб олиб киришди. Бурчакдаги суюнчилик диванга ётқизишганда Толибжон секин кўзини очди. Зокир Қодиров пиёлага чой қуйиб, унинг титраб турган лабига тутди. Толибжон тамшаниб бир култум чой ичди. Шовқин-суронни эшитиб, таҳририятнинг уч-тўрт нафар ходимлари ҳам ховлиқканча бош муҳаррирнинг хонасига кириб келишганди. Улар бир зумда Толибжонни ўраб олишди. Кимдир каердандир кўлига тушиб қолган газета билан уни елпир, яна бирор ҳеч нарсага тушунмай ачинганича қараб турарди.

Зокир Қодиров иш столига бориб, “тез ёрдам”га кўнгирок қилди. Турдалиев айбини бўйнига олган маҳкумдек бўшашиб, хона бурчагига бориб қолди. Яна ҳамма Толибжон билан овора бўлиб, бир-бирларидан нима гаплигини суриштира бошлашибди. Шу аснода “тез ёрдам” этиб келди. Хонага кирган оқ ҳалатли шифокор аёл ранги оқариб ётган Толибжоннинг билагини бироз ушлаб турди-да, кон босимини ўлчай бошлади.

— Артериал босим кўтарилиди, — деди темир жомадонини очаркан. Сўнгра чаккон харакатлар билан муолажага киришди.

Бу пайтда Зокир Қодиров Турдалиевни саволга кўмиб ташлади. У бўлган воқеани айтиб берди.

— Толибжонни кўп йилдан бери биламиз, унака йигитамас, — деди Зокир Қодиров унга таъна билан тикилиб.

— Мен бугун ҳаммасини тушундим, — Турдалиев гуноҳкорона бошини эгди, — кечиринглар мени.

Мухаррир унга ҳеч нарса демади, яна Толибжоннинг тепасига келди. Кимdir унинг қўлини уқалар, бошқаси ҳамон буқлоғлик газета билан елпирди.

— Бироз кимирлатманглар, — деди “тез ёрдам” шифокори. — Қон босими тушади. Лекин барибир, худуд шифокорига кўрингандари маъкул.

Толибжон ўзига келиб колди. Тирсагига таяниб, ўрнидан туришига харакат килди. Бироқ кўзга кўринмас юҳо бор қувватини сўриб олгандек ҳолсиз эди. Чўяндай оғирлашган қовокларини базур кўтариб, кўзини пириратди. Зокир Қодиров олдига келганида хижолатдан ёнклари уча бошлади. Садир Назировнинг хонасида қуюшкондан чикиб кетганига афсусланди. Асабийлигининг сабабини тушунолмай кийналди. Бир марта Гулчехрадан беркитикча шифокорга ҳам учраганди. “Бу зўрикиш кўпроқ ногиронликнинг таъсири, — деганди доктор. — Шундай пайтларда ўзингизни босишга харакат килинг. Жанжалли вазиятлардан узокроқ юринг”.

— Кечираисизлар, — деди бетоб ётган одамникига ўхшаган заиф овозда. — Айб менда.

— Йўқ, Толибжон, сиз айбор эмассиз, — Зокир Қодиров чертиб-чертиб гапиди. — Янги ўринбосарим жамоа билан чиқишолмаяпти. Хурмача қиликларидан азият чеккан сизгина эмас... Майли, бу масалани кейин кўриб чиқармиз. Ҳозир Юсуф уйингизга олиб боради. Дам олинг, шифокорга кўрининг. Мехнат таътили берамиз.

Эшик очилиб, таҳририят хайдовчиси Юсуф кирди. У Толибжонга ҳамдардлик билан қараб кўйди-да, ўрнидан туришига ёрдамлашиб.

Зокир Қодиров “сиз айбор эмассиз”, деган бўлсаем Толибжон ўзини тутолмай қолганидан қаттиқ афсусда эди. Уятдан бир сўз демай, Юсуфнинг қўлидан ушлаб секин-аста эшик томонга юрди.

Зартопганга етгунларича ҳам Толибжон гапирмай борди. Юсуф ҳовлига етаклаб кирганида дарвоза очилганини эшитган Гулчехра уйдан чиқди. Эрининг ахволини кўриб, эс-хонаси чикиб кетди. Тиззаси қалтираб, нима деярини билмай, ранги окариб туриб колди.

— Хавотир олманг, кеннойи, ҳеч нарса бўлмади, — деди Юсуф. — Бироз қон босимлари ошибди. Ҳозир яхшилар. Аччиқ кўк чой дамлаб берсангиз отдай бўлиб кетадилар.

Толибжон бўшашиб туарди. Ҳозир Садир Назировнинг хонасидаги важоҳатидан асар ҳам колмаганди. Аксинча, қилиб кўйган шўхлигидан пушаймон боладек жилмайиб хотинига термилди. Юсуф хайрлашиб чикиб кетган ҳамон етаклашиб уйга киришди. Гулчехра Толибжонни ўринга ёткизиб кўйди-да, яна сўрекка тутди. У бўлган воқеани айтиб берди.

— Кўрдингми, Гулим, гапни ҳар томонга бурса бўлади. Таҳририятда Турдалиевни мақтаб гапиргандим, Садир Назиров бошқа томонга буриб юборди. Ёмон гапга одамлар тез ишонишади. Тухматдан ёмони йўқ экан бу дунёда.

— Сизга бир нарса бўлса мен нима киласман?! Асабингизни бузманг. Ҳеч бўлмаса мени ўйланг-да. Энди сиздан бошқа кимим бор? — Гулчехра кўзига ёш олди.

Толибжон Гулчехрага қўлини чўзди. Гулчехра каравотнинг бир четига ўтириб, беихтиёр эрининг қўлини силай бошлади. Толибжон унинг елкасидан кучди.

— Сени ҳар доим ўйлайман, Гулим!

— Мен ҳам...

...Эргасига сахарлаб Гулчехра бозорга чиқиб кетди. Толибжон мәхмөнхонасида чой ичиб ўтиради. Дераза очик эди, дарвозанинг тақиллагани эшитилди. Толибжон ўзининг исмини айтиб чакирган Юсуфни овозидан таниди.

— Кираверинг, — деди ўрнидан кўзғалиб.

Қадам товушлари эшитилиб, дераза олдида жилмайганича Юсуф пайдо бўлди. У кўлини кўксига кўйиб салом берди.

— Толибжон, опок бўлиб қолдизми? Кеча кўркитиб юбордингиз-ку, — деди хазил аралаш кулиб.

Унинг самимий гапидан Толибжоннинг кўнгли кўтарилди.

— Ичкарига киринг, чой ичамиз.

— Майли, дўстим, бошқа сафар, — тараддулланди Юсуф. — Зокир акам, айтиб ўт, дегандилар, бирровга кирдим, — сизга меҳнат таътили беришибди. Бемалол дам олавераркансиз.

Юсуф хайрлашиб, шошганича чиқиб кетди. Бироздан кейин бозорга кетган Гулчехра кўлида картошка-пиёз тўла сўмка билан келиб қолди. Толибжоннинг меҳнат таътилига чиққанини эшитиб, суюнди:

— Ўзингизни аямай ишлайсиз, жудаям чарчагандингиз, — деди эр-хотин чой ичиб ўтиришганда. — Иш ишни топар, дейишади, энди яхшилаб дам олинг.

— Зерикиб қоламан-да?

— Мен зериктирмайман...

Шу куни Толибжон кун бўйи уйдан чикмасдан китоб ўкиб ётди. Гулчехра бурутмаларини тикиб-чатиб ўтириди. У алланималарни гапириб, Толибжонни ноxуш ўйлардан чалгитмоқчи бўларди. Кечга якин хеч кутилмаганда Турдалиев келиб қолди. Кўлида нон, канд-курс солинган коғоз халта бор эди.

— Овора бўлибсиз-да, — деди Гулчехра у узатган коғоз халтани олаётib.

— Овораси борми, келин. Толибжон тузукми?

— Худога шукр, яхшилар. Уйда китоб ўкиб ўтирибдилар. Киринг, кираверинг!

Турдалиев мәхмөнхонага кирди. Толибжон уни ўрнидан туриб карши олди.

— Келинг ака, — Толибжон хеч нарса бўлмагандек, муловазат билан дастурхон ёзилган столга таклиф килди.

Турдалиев бундай карши олинишини кутмаган экан, чамаси, бирдан чехраси очилди. Ўтириб, кўлини фотихага очди-да, узундан узок дуо килди.

— Ука, мен сизни хафа қилиб кўйдим, жуда-а хижолатман, — деди. — Садир Назировни ҳамма гаплари куруқ тухмат экан. Ё, тавба! Кап-каптта одам-а!? Бунақасини кўрмагандим. Мендаям айб катта. Гапига чиппа-чин ишонибман. Сизни шу уйга кўчиб келган пайтингиздан биламан-ку. У одамни гапига ишонмаслигим керагиди.

— Ҳакиқатни билган бўлсангиз кифоя, — деди Толибжон хотиржам оҳангда.

— Ҳакиқат эгисаям, синмайди, ука, — яна гапга тушиб кетди Турдалиев. — Бугун ишхонангизда катта йигилиш бўлди. Мениям чакиришибди. Зокир Қодиров жуда-а ақлли одам-да, масалани ўртага ташлаб, очик муҳокама килди. Ҳамкасларингиз, сиз мени факат мақтаганингизни айтишибди. Ўша куни сизга гапирган гапларимга минг-минг пушаймон бўлдим. Садир Назировнинг “ичида гиҷжаси бор” экан-да, факат сизамас, бошқалар ҳақидаям бўлмагур гапларни тарқатибди. Ҳаммалари бир бўлиб, уни изза қилиб ташлашибди. “Ариза ёзиб бўшайман”, деб йигилишдан чиқиб кетди. Яна бир марта узр, мени кечиринг, ука.

— Мен ҳам бунақа одамни энди учратдим, — деди Толибжон бошини чайқаб.

Кеч кузакда дарахтлар учидан барг тўка бошлагандаёк одамлар, кишининг эрта келишидан далолат, дейишганди. Бу гап чин бўлиб чиқди. Киш эрта келди. Эрта келган кишининг қаҳратон совуги чўзилиб кетди.

Сўнгги пайтда Толибжон Сервер билан кам кўришди. Улар иш, оила ташвишларидан ортишмасди.

Сервер анча кеч, йигирма етти ёшида Урие деган крим кизига уйланди. Урие мактабда кутубхоначи бўлиб ишлаб, сиртдан олийгоҳда ўқирди. Турмушга чиккан йилида ўқишини битириб, рус тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. Улар тўрт йил деганда фарзандли бўлишди. Гулчехра чакалокка атаб бир бўхча кўйлак-иштон, тагликлар тикиди.

Толибжон уйга кирганида Гулчехра кўзида ёш билан чакалокка тиккан кийимларини силаб ўтиради.

– Нима бўлди?! – деди хавотирланиб.

Гулчехра индамади. Толибжон уни тушунди. Хотинининг ёнига ўтириб, сочларини силади:

– Худо бизгаям фарзанд беради, ноумид бўлмайлик. Бола асраб олишимиз ҳам мумкин.

Гулчехра ялт этиб эрига каради:

– Сиз шунга розимисиз?!

– Сен истасанг, майли.

Гулчехра уни бўйнидан кучоқлади:

– Шуни айттолмаётгандим.

Толибжон Гулчехрани бағрига босиб, сочларини хидлади:

– Мени халиям яхши билмас экансан. Бир-биримиздан хеч качон, сирам ажралмаймиз! Севгининг баҳори билан шодланма, ёз-киши ҳам бор, дейишади. Биз ҳаммасига чидаймиз, Гулим!

Гулчехра Толибжонга меҳр билан термилди:

– Кўпинча, бола асраб олганлар фарзанд кўришаркан.

– Нима бўлгандаям у бизнинг боламиз бўлиб қолаверади. Мен шундайларни учратдим... Битта янгилик айтами?

– Айтинг! – Гулчехра суюниб кетди.

– Биз якинда машина оламиз!

– Йўғ-э?

– Шундай! Пулимиз бор. Ижрокўмдан менга машина ажратишиди. Ариза бериб қўйгандим. Ё бўлар, ё бўлмас, деб сенга айтмагандим.

– Қандай машина??!

– “Москвич”, ёмон машинамас. Менга мослаштириб беришади, – у оёғига ишора килди. – Ҳайдовчиликка ўқийман.

– Бутун Уриеларникига борайли-ик? – деди Гулчехра эркаланиб. – Буни уларга ям айтамиз!

– Майли, – деди Толибжон анчадан бери Серверни кўрмаганини эслаб.

Гулчехра ёш боладек суюниб кетди. Дарҳол чақалоқ кийимларини қайта бўхчага тутиб, ўрнидан турди. Соат кундузги тўртлар эди. Толибжон аввал ёш техниклар марказига, Жаннахоннинг олдига чиқиб келмоқчи бўлди. Жаннахон – жиккаккина корейс аёли, тасвирий санъат тўгарагининг раҳбари. Ўзбек тилида бемалол гаплашиб, ўзбекча кўшикларни ҳам койилмақом қилиб айтади. Шунинг учунми зартоп-ганликлар эркалаб “Жаннахоним” дейишади.

Жаннахон атрофиға рассомчиликка кизикадиган катта ёшлиларни ҳам түплад олганди. Тұғарак машғулотларидан кейин йиғилишиб, расм чизишади. Толибжон ҳам улар билан акварель бүекда ишлашни машқ кила бошлади. Үрганғанлари фотосурат ретушида – газетага берилдиган суратларнинг камчилигини ок-кора ранг берип тузатышда аскотди.

Үша, 1968 йилнинг киши ниҳоятда каттық келди. Совукнинг зўридан кўчалар, йўлкалар музламадан локланган тахтадек ялтираб кетди. Совуқ сира пасаяй демас, кундан кун забтига оларди. Қулокчинларини бостириб кийган болалар бирпас яхмалак отиб, бурунлари кизарби, қалтираганча уй-уйларига тарқалишади. Толибжон шундай совуқда Жаннахоннинг олдига чиксамми-чикмасамми, деб бироз иккиланди. “Бирровга ўтаману келаман” деб ўйлаб, иссиқ кийиниб олди.

– Йўл бўлсин? – деди хонага кирган Гулчехра.

– Жаннахоннинг олдига бориб келай?

– Шу пайтда-я?

– Озгина машқ қилиб, бир соатга қолмай қайтаман. Ретушга қўлим келишиб колди.

– Майли, – деди бўшашиб Гулчехра. – Мен дўкондан харажат килиб келаман. Уриеларникига борамиз-а?

– Борамиз, Гулум.

Толибжон ҳовлидан авайлаб юриб кўчага чиқди. Йўл четларига куралган қоруюмлари оқ мармарга ўхшайди. Яланғоч дараҳтлар қурук совуқда ҳайкалдек котган. Қовоғи уюлган осмон ваҳимали кўринади. Бундай пайтда ҳайдовчилар ҳам иложисизликдан йўлга чикишади. Кўчадан ҳар замонда ўйловчи автобус ёки оғир юқ машиналари ўтиб коларди. Толибжон эҳтиёт бўлиб, аста-секин йўлни кесиб ўтди. Оксокланганича мактаб томонга юрди. Мактаб ҳовлисига кирганида болалар учавериб музлама қилиб юборган йўлакда тойиб кетиб, йикилишига бир баҳя колди. “Шу бугун чикмасам бўларкан-да, – деб ўйлади. – Жаннахон ҳар куни ишда-ку, ахир!” Лекин энди оркага қайтгиси келмади.

Мактаб ҳовлисидаги ёш техниклар марказининг бир қаватли биноси бу “кора совуқ”да жунжиккандек оппок корга бурканиб олганга ўхшарди. Ҳамишагидек остоңада ўтирадиган хушфөъл коровул энди йўқ. У Қобилжон амакини эслади: “кандай инсон эди-я!”. Икки тавакали эшикни гижирлатиб очганида юзига ёқимли илиқ ҳаво урилди. Йўлақдан бўёк, араланган ёрочнинг ўтқир хиди келиб турибди. Хоналар берк, тўтарак раҳбарлари ишларини тутатиб, уй-уйларига кетишган. Факат “Тасвирий санъат” деб ёзилган жажжи лавҳли тўрдаги эшик очик эди. Толибжон ўша эшикнинг олдига бориб, ичкарига мўралади.

Жаннахон рассомчилик дастгохига мук тушиб, чап қўлида бўёк корадиган палитра, ўнгида мўйқалам тутганича берилиб ниманидир чизарди. Оёқ товушини эшишиб, бошини кўтарди:

– Толибжон?! – Жаннахон суюниб кетди. – Келганингиз яхши бўлди!

– Хаёлингизни бўлдим, майли, ишлайверинг.

– Йўқ, айни пайтида келдингиз, кимнингдир фикрини сўрамоқчи бўлиб кийналаётгандим. Мана, буни қаранг, кимга ўхшайди? – у дастгохга қотирилган суратга ишора килди.

Толибжон тасвирдаги сўлим чехрали кизни дархол таниди:

– Манзура, – деди ҳеч иккиланмай.

– Ҳа, ўзимиз билан ишлайдиган Манзура. Уни ўзбекона миллий либосда тасвир-лаяпман. Атлас жилосига ранг топиш кийин бўляпти. Шунчалар сеҳрли, бу атлас! Яна нимадир етишмаяпти. Нима, а? Мана, узокроқдан қаранг-чи?

Суратда бир ўрим сочини олдинга ташлаган киз жилмайиб туради. Эгнида атлас кўйлак, унинг устидан ҳарир мовий “чопонча” кийган.

- Яхши-ку... Дўппи кийдирсангиз бўлмайдими?
- Во-ой, Толибжон, топдингиз! Тўғри! Тасаввур қилдим, ироқи дўппи керак!
- Ишлаётган экансиз, мен бораколай?
- Йўқ, бу ерга ўтиринг! Мана сизга қалам, акварель. Қоғоз хам бор.
- Жаннахон дераза токчасидан гултувакдаги тиканли кактусни олиб, столга кўйди.
- Шу кактусни ишланг!

Толибжон Жаннахон суринг кўйган курсига ўтириди. Қалам билан гултувак, унда ўсиб турган кактусни чиза бошлади.

- Шундай бўладими? – деди бирордан кейин.

Жаннахон ишини тўхтатиб, унинг олдига келди.

– Яхши, – қогозга дикқат билан тикилди. – Энди бўёк берасиз. Ранг танлаётгандага ёруғликка эътибор килинг. Қаранг, бир томон ёругрок, чап тарафга соя тушган, бўёгу куюкрок бўлади.

Толибжон яна ишга киришди. Бир пайт нимагадир кўнгли ғашланди. “Тезрок ўйга боришим керак, – деб ўйлади безовталаниб. – Гулчехра кутиб ўтиргандир”.

- Мен қайтақолай? – деди Жаннахонга.
- Дарров-а? – Жаннахон болаларча самимий жилмайди.
- Гулчехра билан Серверларникига боришга келишгандик.
- Унда майли, кейин давом эттирасиз.

У хайрлашиб, хонадан чиқди. Ташқарида қуруқ совук янам забтига олганди. Коронги туша бошлабди. Уйига етиб келганидаям безовталиги тарқамаганди. Шошиб дарвозани очди. Ҳовлига кирди-ю, турган жойида қотиб қолди! Уйнинг остонасида кимдир чўзилиб ётарди! Ҳаллослаганича яқин борди. “Гулчехра! Ё Оллоҳ! – деди. – Йикилибди!”. Толибжон ерга ўтириб, Гулчехранинг бошини тиззасига олди:

- Гулчехра! Гулчехра! Нима бўлди?

Гулчехрадан садо чиқмади. У ҳушсиз эди. Ерда ётган сўмкани суруб, хотинининг кўлинини ушлади. Муздел! Ўрнидан туриб, уйнинг эшигини очди. Юраги каттиқ уриб, кўллари қалтираб, бадани совукни сезмасди. Фикру ёди Гулчехрада, унинг овозини эшитса ҳаммаси жойига тушиб кетадигандек тумоларди. Аммо Гулчехрадан садо чиқмади. “Ҳозир ўзига келади, ҳеч нарса килмаган”, деди пицирлаб. Ихраб-сихраб икки кўлтиғидан олиб, уйга судради. Бир амаллаб хонага олиб кирди-да, каравотга ёткизди. Нима киларини билмай юзларини ишқалади. Гулчехра ингради.

- Ҳозир, ҳозир! – деди Толибжон титроп товушда.

Пиёлала чой қўйди, қўли қалтираб лабига тутди. Гулчехра чойдан бир култум ҳўплади.

- Нима бўлди? Яхшимисан??
- Йикилдим, – деди Гулчехра базўр.
- Ҳозир, “тез ёрдам” чакираман! – деди титраб-қақшаб Толибжон.

У бир лахза тараффудланди. “Тез ёрдам” чакириш учун чорраҳадаги почтага бориши керак эди, ўша ерда телефон бор. Гулчехрани шу ахволда ёлғиз ташлаб кетолмайди. Нима килсин??

Ўйлаб ўтиришнинг пайти эмасди. У кўзини юмиб ётган Гулчехрага бир каради-да, ташқарига чиқди. Ҳовли коронғи, уй остонасини электр чироги ёритиб туради. Бориб дарвозани очди. Нажот излаб кўчага чиқди. Нима килишини билмай бироз турди.

Шу пайт симёҷчадаги фонус ёруғига Жаннахон кўринди. У уйига қайтаётганди. Толибжон овоз берди. Жаннахон ажабсиниб тўхтади. Толибжон қўли билан имлаб, ўзи томонга чакирди. Жаннахон бурилиб, кўчани кесиб ўта бошлади.

- Нима гап, Толибжон? – деди яқинлашиб колганда.
- Гулчехра йикилибди! – Толибжоннинг ботинидан ички бир нидо отилиб чиқди.
- Қаерда?! – Жаннахон ҳамдардлик билан сўради. – Ахволи яхшими?
- Ёмон! Уйда ётибди. “Тез ёрдам” чакириш керак. Ёлғиз қолдиролмаяпман.
- Мен хозир, ҳозир почтага кириб, кўнгирок қиласман!

Толибжон маъқуллаб бошини иргади, томоги куруқшаб гапиришга ҳоли колмаганди. Яна бирор сўз айтса, ботинидаги фарёд ташига отилиб чиқадигандек лабини кимтиб олди.

Жаннахон шошиб чорраҳа томонга кетди. Толибжон бошини эгуб, яна ҳовлига кайтиб кирди. “Дўконга бориб нима қиласди, – деди ўзича. – Миси чайқалган бўлса-я?! Қанча ётган экан совуқда?” Шу хаёл билан уйга кирди. Гулчехра ҳамон каравотда қимирамай ётарди. Назарида юзига бироз қизиллик юргургандек туюлди. Гулчехра Толибжоннинг кирганини сезиб, базўр кўзини очди.

- Ўзингта келдингми?! – деди Толибжон унинг бошига эгилиб.

Гулчехра нимадир демокчи бўлиб, лабини очди, лекин овози чикмади. Толибжон унинг курсисига ўтириди. Беихтиёр бошини мушт қилиб тугилган кўлларига кўйди: “Энди нима бўлади? Ахволи оғир!”

Шу ҳолатда қанча ўтирганини билмайди, Жаннахон кирди. Толибжон бошини кўтариб, илинж билан унга каради.

– “Тез ёрдам” ҳозир келади, – деди Жаннахон. Кейин каравотда ётган Гулчехрага яқинлашиди. – Яхшимисиз? – деди секин.

Гулчехрадан садо чикмади.

- Совуқда қолиб кетибдими?

– Ҳа.

– Грелка борми?

– Бор! – деди Толибжон ҳовликиб. Шу эсига келмаганига афсусланди. Бир зумда резина грелка топиб келди. Жаннахон грелкага иссик сув қуйиб, Гулчехранинг оёклари остига қўйди.

Улар гап-сўзсиз ўтиришарди. Хонадаги совук сукунат одамни ютиб юборай дейди. Бир пайт дарвоза тақиллади. Жаннахон билан Толибжон ялт этиб бир-бирларига карашди.

- “Тез ёрдам!”, – деди Толибжон ва шошиб ўрнидан турди.

Дераза ортида қадам товушлари эшитилди. Толибжон эшикни очиб, оқ ҳалатли аёл ва эркакни кўрди. Ўзини четга олиб, уларни ичкарига киритди.

- Нима бўлди? – деди ўрта ёшлардаги, тўладан келган дўхтири аёл.

– Ҳовлида йикилибди, – деди Толибжон бўшашиб. – Бир соатга совуқда қолган.

Дўхтири Толибжон суреб кўйган курсига ўтириди. Гулчехранинг билагини ушлаб, жим бўлиб қолди. Жаннахон ҳамон грелкани Гулчехранинг оёғига босган ҳолатда ўтиради. Дўхтири фонендоскопини кулоғига тутиб, Гулчехранинг нафас олишини эшита бошлади. Кейин кон босимини ўлчади. Ҳамширага қандайдир дорининг номини айтди. Толибжоннинг кулоғи битиб қолган, бир ахволда тик турарди. Жаннахон ўрнидан туриб, пиёлага чой қуйиб, унга тутди. Толибжон чойдан бир-икки хўплади.

Ҳамшира Жаннахоннинг ёрдамида Гулчехрани ёнбошлиятиб, игна санчди.

- Касалхонага олиб борамиз, – деди дўхтири аёл бошини чайкаб, – ахволи оғир.

Ҳамшира ишини тутатиб, индамай чикиб кетди. Бироздан кейин йиғма замбил кўтариб кирди. Шу пайт Гулчехра ўқчиidi. Толибжон унинг олдига келиб, кўлини ёстикка қўйди-да, бошига энгашди:

- Қаеринг оғрияпти!?

– Бо-шимм, – Гулчехранинг заиф овози эшитилди.

Уни замбилга ётқизиши. Замбилинг олд томонидан дўхтири, орткичларидан ҳамшира билан Жаннахон кўтариб, ташкарига олиб чикишиди. Толибжон оқсоқланиб уларга эргашди.

Гулчехра “Тез ёрдам” машинасида йўл бўйи куруқ йўталиб борди. У кўкрагига кўлини кўйиб зорланарди. Ёнида ўтирган Толибжоннинг юраги эзилиб кетди. Нима дейишини билмай нуқул кўлини ушларди.

Зартопгандан туман шифохонасигача йигирма дақиқалик йўл эди. Йўлда ўтган бу киска вақт Толибжонга бир умрдек туюлди. Зартопганга келгани, олма сотувчи кизни учраттагани, Қобилжон амаки билан турганида мактаб ҳовлисига кириб келаётган Гулчехранинг киёфаси бир-бир хаёлидан ўтди. Уни беадог муҳаббат билан севиши, Гулчехрасиз яшашнинг маъноси йўклигини ўйлади.

Нихоят туман марказига етиб келишиди. Гулчехрани шифохонанинг қабулхона бўлимига олиб киришиди. Уни шифокорлар ўраб олиб, ўпкасини эшитишиди, кон босимини ўлчашди, ўзаро нималарнидир маслаҳатлашишиди.

– Мия чайқалиши бор, – деди узун бўйли, соchlарига ок оралаган невропатолог.

– Дадамирза ака, беморда зотилжам белгилари аник, – деди ёшгина қабулхона шифокори.

– Терапевт билан ҳамкорликда даволаймиз, – хулоса ясади Дадамирза ака.

Гулчехрани терапия бўлимидағи интенсив палатага ётқизишиди. Йўлакдан ойна билан тўсилган бу хонага тиббий мосламалар қалаштириб ташланганди. Ички қассалликлар шифокори рентгенография килиш кераклигини айтди. Уни Толибжон танириди. Эркин Содиков деган бу докторнинг туманда обрўси баланд эди. Истеъдодига пойтахтдаги шифокорлар ҳам тан беришганини эшитган. Шу бугун унинг навбатчи эканидан кўнгли бироз таскин топди.

Ҳамширалар Гулчехрани фиддиракли каравотта ётқизиб, рентген хонасига олиб кетишиди. Толибжон “Интенсив палата” деб ёзилган ойнаванд хонада кутиб ўтириди. Улар беш-үн дакикада кайтишиди. Гулчехранинг кўкариб колган бармокларига қизил югуриб, анча бўшашганди. Толибжон буни яхшилик аломати, деб тушунди. Лекин сўлғин юzlари ҳамон лов-лов ёнарди. Ҳамшира муолажа бошлади. Ёнбошига игна санҷди, билагига томчилагич улади.

Хонага Дадамирза ака билан Эркин Содиковлар киришиди. Эркин Содиков Гулчехрага термилиб ўтирган Толибжонни эшик олдига чақирди.

– Рентгенограммани олдик, – деди паст овозда. – Ўйлаганимдек, икки томонлама ўпка зотилжами. Ҳовлида тахминан бир соат қолиб кетган, дедингиз-а?

– Ха.

– Бу совукда шундай бўлиши аниқ эди.

– Оғирми?

– Икки томонлама зотилжам оғир кечади. Беморнинг кувватига караб...

– Нима бўлади?!

– Ҳамма чораларни кўярпмиз. Умумий ва биокимёвий таҳлилларга караб муолажа белгилаймиз. Ҳозир таҳлилларнинг жавоби келади. Умуман, даволашни бошладик. Антибиотик килинди. Беш фоизли глюкоза эритмаси аскорбин кислота кўшиб томирига уланди. Бу яллигланишни кайтаради. Сиз тушунган одамсиз, биз тиббиётда бор муолажаларни киламиз албатта.

Ушбу лаҳзада Толибжон ўзини заиф, иложсиз сезарди: “Оғир дейишияпти... Кўлидан нима келади? Ёрдам сўраб кимга боради?!”

– Ҳамшираларга халал бермасак бемалол ишлашади, – яна Эркин Содиковнинг овози эшитилди. – Юринг, менинг хонамга.

Улар бўлим йўлагига чикишди. Ординаторлар ўтирадиган хонага киришганда Эркин Содиков юмшоқ диванга ишора килди:

- Шу ерда дам олинг, бемалол. Бу совуқда Зартопганга қайтмайсизку ахир.
- Раҳмат, – деди Толибжон. – Гулчехрани ташлаб қаёққаям борардим.
- Тушунаман, – доктор шундай деб бошини иргади-да, чиқиб кетди.

У юраги сикилиб бироз ўтириди, яна йўлакка чиқди. Оқсоқланиб Гулчехра ётган хонага борди, ойнадан ичкарига мўралади. Ҳамшира томчилагичга тикилиб тик турибди, Эркин Содиков фонендоскопи билан Гулчехрани эшигарди. Толибжон эшикни очиб, ичкарига кирди.

- Қандай? – деб сўради бирор юпанч гап эшитиш илинжида.
- Бирдек, – жавоб берди доктор.

Тун ана шундай таҳликали ўтди. Тонг ёришганда бўлим жонланди. Бўш палатадан эснаб чиқсан икки фаррош киз узун йўлак, муолажа хоналарини ювишга киришишди. Ҳамширалар томчилагич мослама, сирланган идишларида дори-дармонлар билан шошиб у ёқдан-бу ёкка ўтишарди.

Эркин Содиков Толибжонни саҳарлик килиш учун бўлим ошхонасига бошлаб кирди. Толибжоннинг томогидан ҳеч нарса ўтмади. Докторнинг кўнгли учун бир бурда нон билан чой ичган бўлди. Соат тонгти еттига яқинлашганди. Ошхона эшиги очилиб, бозовта ҳамшира кўринди.

- Дўхтир! Бемор оғирлашди! – деди таҳликали овозда.

Эркин Содиков сапчиб ўрнидан туриб, эшикка отилди. Бу гапни эшитиб, Толибжоннинг этидан тирноғигача музлаб кетди. “Гулчехра оғирлашибди. Нега, нега оғирлашади? Шунча дори-дармондан кейин ҳам-а?” У кўзига калқкан ёшни сидириб ташлаб, ошхонадан чиқди. Йўлакда Эркин Содиковнинг Гулчехра ётган хонага кириб кетаётганини кўрди. У ҳам ёғоч оёғини гижирлатиб ўша томонга интилди. Эшик олдида ичкаридан чиқиб келаётган ҳамшира уни тўхтатди:

- Илтимос, бироз кирмай туринг.

Толибжон ҳамширага бўйсунниб йўлақда колди. Зум ўтмай бояги ҳамшира яна юргургиб кайтиб чиқди. Худди шундай шиддат билан йўлак охиригача бориб, чапдаги эшикка кириб кетди. Бир дакика ўтар-ўтмас кўлида ок сирли идиш билан кайтиб келди. Толибжон ниманидир сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, аммо улгурмади. Ҳамшира хонага отилиб кириб, ортидан эшикни ёпди.

Ярим соатлардан кейин Эркин Содиков интенсив палатадан чиқди. Толибжон унга хавотир билан термилди.

- Тана ҳарорати кўтарилган, – деди у. – Ҳозир бироз тушяпти.
- Кирсам бўладими?
- Албатта, киринг.

Доктор электр чироғининг хира ёруғида ялтираётган йўлакдан ординатор хонаси томонга тез-тез юриб кетди. Толибжон интенсив палатага оёғига тош боййлангандек оғир кадамлар билан, куркув, ички бир титроқда кирди. Гулчехра ўринда оппок, гўзал бўлиб ётарди. У гўё хаста эмас, сахарги ширин уйкуда ором олаётгандек эди.

Толибжон каравот ёнбошидаги курсига ўтириб, унинг кўлинни ушлади. Гулчехра кийналиб кўзини очди. Нилуфар ёноклар титради. Нимадир демокчи бўлиб лабини жуфтлади. Овози чикмади. Кўзларида жонланиш пайдо бўлди. Толибжон сеҳрлангандек унга тикилиб ўтиради. Уларнинг кўзлари учрашли:

- “Мен сиздан миннатдорман”, – дерди Гулчехранинг ёш қалқиб турган нигоҳи.
- “Гулчехра, сенсиз яшолмайман!” – дея зорланди Толибжоннинг ёш тўла кўзлари.

“Доимо қалбингиздаман”, – деди Гулчехранинг ўчаётган алангадек сўлғин нигохи.

“Мени ташлаб кетма!” – деди Толибjon илтижоли бокиб...

Кимdir тирсагидан ушлади. Толибjon чўчиб каради: Эркин Содиков экан.

– Толиктириб кўймайлик? – деди у юмшоқ оҳангда.

Улар олдинма-кейин интенсив палатадан чиқиб, ординатор хонасига киришди. Толибjon хонада колди, Эркин Содиковни бемор кўргани чақиришди. Хона эшиги очик эди. Толибjon юмшоқ диванга беҳол ўтириди. Кўзини юмганида тиркираб ёш чиқиб, аччик икки томчи ёноғидан лабига оқиб тушди.

Йўлакдан тапир-тупур оёқ товушлари эшитилганда яна ўринидан кўзғалди. Юраги ховликиб тез ура бошлади, боши айланди. Бир амаллаб йўлакка чиқиб олди. Югургилаб кетаётган ҳамшириянинг Гулчехра ётган хонага кирганини кўрди-ю, бутун танида совуқ калтироқ бошланди. Ёғоч оёғи ўзига бўйсунмаётганини сезди. Кўлинин деворга тираб, кесилган дараҳтдек оғаётган танасини базур ўнглади. Хаёлидан “Гулчехрага бир нима бўлди?!?” деган фикр чакмоқдек чакнаб ўтди. Ўша томонга юрди. Ойна ортида харакатлар тезлашганди, дўхтирларнинг хавотирли чехралари юрагини музлатиб юборди, нимадир юз бераётганини тушунди. Ичкарига қарай-қарай эшикни очиб, хонага кирди. Гулчехранинг каравотини дўхтири, ҳамшиralар куршаб олишганди.

– Юрак уриши тезлашди, – деган эркак овози эшитилди.

– Қанча?

– Бир юз беш.

– Аппаратга оламиз!

Ранги пахтадек оппоқ, ҳұпсиз Гулчехранинг бутун бадани каттиқ зилзила бошлангандек титрай бошлади. Толибжоннинг бошига тош ағдарилгандек бўлди. Бу тош юрагининг бардошини синамокчидек дақиқа сайин оғирлашиб, уни ерга тортарди. Ўша, золдири гидиракли аравачадаги исқирт ногирон яна кўз олдида пайдо бўлди. У одамлар оёғи остида судралиб юрар, атрофдагилар ижирғаниб, ўзларини четта олишарди... “Йўқ!” – деб юборди Толибjon бехосдан. Унинг овозини эшитиб, Эркин Содиков ортига ўтирилди. Афтодаҳол Толибжонни кўриб, олдига келди. Тикилиб турди-да, елкасига кўлинини кўйди.

– Ахволи оғирми? – сўради Толибjon.

– Оғир.

– Тузаладими!?

– Нима зарур бўлса ҳаммасини қиляпмиз.

Толибjon Гулчехра томонга талпинди. Ҳамшиralар четга ўтиб, йўл беришди. Кимdir ўринидик кўйди. Толибjon ўтириди. Гулчехранинг муздек кўлинини ушлади. Кафтларининг орасига олиб исита бошлади. Кўзларидан қайнок ёш қуйилди. Иккита билтур томчи Гулчехранинг билагига тушди. Уни кафти билан авайлаб артди. Беихтиёр кўлларини силай бошлади... Қанча ўтирганини билмайди, бир пайт кимdir кўлтиғидан олиб турғизди. Эркин Содиков экан:

– Ахволи бироз енгиллашди, – деди. – Юринг, туни бўйи ухлаганингиз йўқ.

Толибjon караҳт бўлиб қолганди, индамай бўйсунди. Улар бўлимнинг узун йўлгадан юриб, шифокорлар хонасига киришди. Толибjon яна ўша юмшоқ диванга чўқди. Эркин Содиков пиёлага чой куйиб тутди. Илик чойдан бир-икки қултум хўплаб ўтирганида доктор нимадир деди-да, чиқиб кетди, Толибjon унинг гапини англамади. Яна эшик очилиб, ҳамшира киз кўринди.

– Сизга келишибди, – деди.

У ҳамон караҳт бўлиб ўтиради, талмовсираб тикилди.

– Сизни чакиришяпти, – деди ҳамшира кўли билан йўлакка ишора қилиб.

Толибжон диван туткичига суюниб ўрнидан турди. Йўлакка чикиб, Гулчехра ётган томонга хавотир билан каради.

– Толибжон! – деган таниш овоз эшишилди.

Бўлимнинг кираверишида Сервер турарди. У тез-тез юриб Толибжоннинг олдига келди.

– Гулчехра яхшими? – деди унга тикилиб.

Толибжон бошини чайқади.

– Эҳ! – деди Сервер ўнг кўлини мушт килиб кафтига уаркан. – Фалокат оёқ остида, деб шуни айтадилар-да!.. Дўхтирилар нима дейишяпти?

– Ўпаки шамоллаган, ахволи оғир... Биласанми, Сервер, ҳаммасига мен айбордорман! Ўзимни кечиролмаяпман! Ўшанда уйдан чикиб кетмаганимда бундай бўлмасди. Қобилжон амакининг васиятини бажаролмадим... Гулчехрани авайлолмадим-...

Толибжон бўшашиб, галати бўлиб колганди. Кечаги кўзлари чакнок, ҳазил-хузул килиб юрадиган Толибжонни хозир таниб бўлмасди. Ташкаридаги қаҳратон совуқ ҳам, касалхонанинг иссиқ ҳоналари ҳам унинг учун бефарқдек. Бир кунда ғамдан букилиб қолган, ноchor кариядек бошини эгиб олган.

Сервер унинг ахволини тушуниб турарди. Бўлиб ўтган воқеани Жаннахон ба-тафсил айтиб берганди. Толибжон билан Гулчехра уникига бормокчи бўлишгани, Гулчехра дўкондан харажат килиб кайтганида йиқилганини ҳам. Сервер бунда кайбир маънода ўзини ҳам айбордерек ҳис килаётганди.

– Сен билан коламан, – деди у. – Дори-дармон керакдир? Дўхтирилар айтиши-мадими? Иброҳим ҳам мен билан келди. Пастда кутиб турибди. Устозимни ёлгиз колдирмайман, деяпти.

– Йўқ, Сервер, хозир ҳеч нарса керакмас. Сен ишингта боравер, – у Сервернинг елкасига кўлини кўйди. – Раҳмат, дўстим, Иброҳимга ҳам айт, кейинроқ келар.

Толибжон нима килишини билмай яна ичкарига кирди. Бироз қаловланниб турди-да, диванга ўтириди. Суянчикка бошини ташлади, оғир тин олиб кўзини юмди... Коронғилик бирдан ёришиб, Гулчехра пайдо бўлди. Чехраси бандидан узилган лолақизғалдоқдек сўлғин, изтиробдан лаблари титраб нимадир демокчи бўларди. Лекин бир оғиз ҳам гапирмади. Толибжонга аразлагандек қаради-да, оппоқ туманли бўшлиққа сингиб кетди... Толибжон кўзини очди. Аламдан диванни муштлади! Қобилжон амакининг кизини унга ишониб топширгани, ботиний нидо билан айтган гапларини эслади. “Нега бундай бўлди?! – деда ўйлади. – Энди нима қиласман?!” Кўнгли тўлиб кетди. Кўзидан ёш куйилди. Юзига оккан томчиларни беихтиёр харакат билан сидириб ташлади...

Уни иложисизлик эзарди. Кўнглидаги андух шарораси бутун вужудини куйидирди. Шу ал-фозда анча ўтириди. Мияси тўхтаган соат механизмидек котиб колганди. Яна кўзини юмди.

У касалхона йўлагидаги дўпирлаган қадам товушларини эшитиб ўрнидан турди. Шошиб йўлакка чиқди. Иккита ҳамшира ҳовлисиб Гулчехра ётган ҳонага кириб кетишиди. Толибжон ҳам оксокланниб ўша томонга интилди. Ойнаванд ҳонага етганида зўрикишдан нафаси бўғзига тикилганди. Ҳансираф, Гулчехра ётган каравотга қаради. Унинг атрофини яна шифокору ҳамширалар ўраб олишибди. Эшикни шахт билан очиб, ичкарига кирди. Эркин Содиков дарҳол унинг олдига келди.

– Ахволи яна оғирлашди, – деди. – Ҳарорати кирк бир. Юрак уриши нотекис!

Толибжон Гулчехранинг бошига келди. Ҳамшира сарғимтил суюкликка дока-ни ботириб, унинг кўзини намларди. Шу пайт сунъий нафас бериш аппаратининг тахликали овози эшишилди.

– Томирига адреналин, преднизолон юборамиз! – деди Эркин Содиков. Ўзи дарҳол Гулчехранинг кўкрак кафасини иккала кафти билан уқалашга тушди.

Толибжон тошдек қотиб қолди! Деразага қараб ўз-ўзича Худога ёлворди. Гулчехранинг жонини асраб қолишини илтижо килди. Бунинг учун ҳамма нарсасини, ўзининг жонини ҳам беришилгини айтди: “Ахир, унинг гунохи нима?! Нега гулдем нозик Гулчехраси мана шу қаҳратон совуқда кора ерга қўйилади?! Эндиғина яшадим, деганида бу кўргилик бормиди?!”

Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, бир пайт Гулчехрани куршаб олган ок халатлилар издиҳоми ортга чекина бошлади. Xона жимжит бўлиб қолди. Каравот ёнбошидаги аппаратнинг ёқимсиз овози ҳам тинган. Гулчехра ўша-ўша, оппок, гўзал бўлиб ухлагандек ётибди. Толибжон бир-бир босиб каравотга якинлашди. Кимdir курси олиб келиб кўйди. У ўтириди. Чарчоқ кўзлари Гулчехрага термилди...

— Толибжон ака, бандалик, рози бўлинг, биз кўлимиздан келганини килдик, — деди доктор.

Толибжон унинг гапларини ё эшитди, ё эшитмади. Гулчехранинг қўлини олиб, кўзига босди. Билагини ёш боланинг қўлини ушлагандек авайлаб силади. “Гулим, азобдан қутулдинг! — деди пичирлаб. — Энди... ҳамма азоб менг...”

17

Гулчехрадан айрилиши, бу жудолик Толибжонни бенихоя каттиқ изтиробга солди. Гўё рухиятида бир жарлик пайдо бўлгану, ўтмиши, бугунини, бор кувончларини ана шу тубсизлик ютиб юборгандек. Золдир гидиракли аравача, ижирғанган одамларнинг оёғи остида судралаётган исқирт ногирон хаёлидан кетмасди. Бу манзара ботиний ўйларининг туб-тубига тошдек чўккан, хаёт суви куриб, ўша тош юзага қалкиб қолгандек.

Бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар тушида кечаетгандек эди. Изтиоблари ёниб бўлган шамдек котди. Хотинининг жонсиз танасини қандай уйга олиб келишгани, кабристон, одамлар эс-эс ёдида. Сервер билан Иброҳим доим ёнида бўлишди. Ҳовлига тумонат одам йифилди. Қишлоқдан дадаси билан ойиси етиб келишди. То-бут кўтарилаётганда Муслима опа шундай фарёд килди, жанозага келган эркаклар ҳам унинг айтиб йиғлашларига чидолмай бошларини эгиб олишди.

Буларнинг ҳаммаси Толибжоннинг хаёлида жуда тез, бир лаҳзада юз бергандек туюлди. Дадаси билан ойиси уникида қолишиди. Муслима опа ўғлини овутишга уринар, аммо ўзининг аҳволи ҳам яхши эмасди. У кексайиб қолганди. Келинининг бевакт ўлими, ногирон ўғлининг тақдирига куйинишлари бутунлай ҳолдан тойдирди. Бир неча кунда мункиллаган кампиргага айланди.

Маъракалар ўтгандан кейин Толибжон дадаси билан онасини қишлоқка олиб борди. Ўзларининг ўйларида ғамлари бироз унтилди, деб ўлади. Ўзи эса “Ёлғизлик пешонамга ёзилган экан, — дея ботиний фарёдини босишига уринарди. — Аслида, унчалик ёлғиз ҳам эмасман. Гулчехра доим ёнимда юргандек, тириқдек”.

Шу кунларда Толибжон хаётидаги бу оғир жудоликни енгиш учун тиришиб-тирмашарди. Аммо ўзини кўлга олишга қанчалик уринмасин, Гулчехранинг энди йўклигига кўникољмади. Бир куни меҳмонхоналарида ўтирганида юраги сикилиб кетди. Ичу таши айрилиқ ўтида ёниб, нафаси бўғзига тикилди. Юраги хун бўлиб ташкарига чиқди. Киш кечаси ўша қаҳратон киши тунидек совук эди. Еру осмон унинг дардига шерик бўлгандек көвогини уйган. У ҳовлига чиқиб муздек ҳаводан чукур-чукур нафас ола бошлади. Гупиллаб кор ёға бошлади. Остонадан тушиб, йўлақдан дарвоза томонга юрди. Юзларига муздек кор парчалари кўниб, кўз ёшларига қўшилиб эриб кета бошлади. Курукшаган лабларига нордон томчилар куйилди. Дарвоза олдида максадсиз бироз туриб, яна ортига кайтди. Қалин қорни гарч-гурч босиб уйининг остонасига келди... Гулчехра шу ерда йикилганди... Остонага ўтириб, беихтиёр кафти билан корни сиди-

ра бошлади, ерни авайлаб силади... Бироздан кейин совқотди. Ўрнидан туриб, пинжагининг ёқасида йигилган корларни қоқиб, уйга кирди. Хона иссик эди. Пиёлага чой күйиб ичди. Ёғоч оёғини сиб, кўзида ёш билан ухлаб колди...

Толибжон ишга чиқмаётганди. Саҳарда Зокир Қодировнинг ўзи хабар олиб, холаҳвон сўраб кетди. Тумандаги янгиликлардан гапириб, анча ўтирди. Мехнат таътилига чиққанини айтди...

У Гулчехрадан айрилган кунидан бери ёткожоналарига киролмай, бошқа хонада ётиб юарди. Нима киларини билмай ўша хонага кирди. Гулчехранинг ҳамма буюмлари шу ерда эди. Кийим жавонини очиб, беихтиёр унинг кўйлакларини силай бошлади: “Турфа ранг, анвойи гулли... Унинг шунча кўйлаги борлигини билмаган экан... Янги кўйлак кийса боладек суюнарди... Буларнинг барини ўзи тиккан”. Жавоннинг кийимлар тахланган токчасидаги бўхча кўзига иссик кўринди. Олиб, очди. Чачалокқа тикилган кўйлак-иштон, тагликлар экан. Бўхчани қайта тутиб, жойига кўйди. Буларни Гулчехра Сервернинг чаҷалогига атаб тикканини эслади: “Ният килган эди, эгасига топширолмади, энди мен олиб боришим керак”.

Тахайюлида Гулчехра доим бирга эди; килган ишларини жилмайиб кузатарди гўё. Бирор буюмни кўтаришга кийналса, ёнига келиб ёрдамлашиб юборадигандек. Ҳатто тушлик килаётганида хам каршисида ўтиргандек туюлди.

* * *

Толибжон кечга якин Серверларнига бормоқчи бўлди. Ўша кунни эслаб юраги ўйнаб кетди! “На Сервернинг, на чаҷалогининг айби эмас бу! – деда ўйлади. – Тақдир экан, бизнинг аччиқ тақдиримиз! Улар ич-этларини еб кўйишиди. Бориб келмасам бўлмайди. Бироз ўтириб қайтаман”. Шу ўй билан Гулчехра тайёрлаб кўйган бўхчани олиб, уйидан чиқди.

Сервернинг онаси уч йил бурун ошқозон саратонидан вафот этган, синглиси турмушга чиққанидан кейин уйда Урие билан ўзлари қолишганди. Толибжон йўлда кетаётси иккиланди: кишили-кировли кунда уларнига бориши тўғримикан? Бормаса, яна бўлмайди... Юраги сикилиб кетди... Шундай ҳардамхा�ёл билан Серверларнига етиб келди. Дарвоза очиқ эди. Толибжон ҳовлига кириб, кори куралган йўлакдан уй томонга юрди. Ойнаванд дахлиздан доғланяётган ёғ иси келди. “Урие кечки овкатга уннабди”, деда ўйлади. Йўталиб, овоз берди. Шу заҳоти дахлизнинг эшиги очилди.

– Келинг-келинг, – деди енгил кийимда оstonага чиқкан Урие.

– Кутимаган меҳмон бўлиб келдим.

– Үндай деманг, биз учун доим энг азиз меҳмонсиз.

Толибжоннинг овозини эшигиб, ичкари хонадан Сервер ҳам чиқди.

– Зерикиб ўтиргандим, келганинг яхши бўлди, дўстим! – деди кучогини очиб.

Толибжон кўлидаги бўхчани Уриега узатди:

– Гулчехра чачалоққа кийимлар тикканди.

Урие нима деярини билмасдан бўхчани оларкан кўзи ёшлианди. Улар нокулай вазиятда бир муддат жимиб қолишиди.

– Раҳмат, – деди Урие. – Дугонамнинг совғасини умрбод асрайман! – Раҳмат!

Улар меҳмонхонага киришиди. Хонанинг ўртасига доира шаклидаги хонтахта кўйилган, атрофига кўрпачалар солинганди. Толибжон ёғоч оёғини узатиб девор томонга ўтирди.

– Урие, софра келтир, – деди Сервер хотинига.

Урие қўшни хонадан иккита оппок жилдли юмшок ёстик олиб чиқди. Биттасини деворга тираб кўйди. Толибжон ёстикка суюнди.

Сервер билан Урие уй кийимида эдилар. Уриенинг бошида ихчам кўк дурра, эгнида майда оқ баргчалар тасвири туширилган сиёхранг кўйлак.

Толибжон билан Сервер ўтиришгач, Урие шошилиб чикиб кетди. Бироздан кейин кумушранг ялтирок патнис кўтариб кирди. Патнисдан оппок сочиклар, финжонларда қаҳва олиб хонтахтага кўйди.

– Овора бўлманглар, – деди Толибжон. – Мен тезда қайтаман, бирровга келгандим.

– Нега овора бўлайлик? – куйиниб гапирди Сервер. – Сендай дўстим борлигидан курсандман. Уйимизга келсанг, бошимиз осмонга етади! Биз доим бир-биримизга тоғдек суюнчиқ бўлишимиз керак!

Толибжон унинг гапларини эшитаркан, Зартопганга келган кунини эслади: Сервернинг кўчадаги харракда жилмайиб ўтиргани хаёлида жонланди. Шундай оғир кунларда ёлғиз эмаслигини ўйлади. Эр бошига иш тушганда атрофдагиларнинг кимлиги билинади. Уни яхши одамлар сужуди. Бунга шукр қиласди. Ҳаётнинг кўзга кўринмас жарпикларига куламади, умр уммонининг тубсиз гирдобларида чўкмади. Жондан азиз Гулчехрасидан айрилган, юраги алам-изтиробга тўлгандана ҳамдарлари бор.

Толибжон финжондаги ширин қаҳвадан хўплаб, ўйга чўмиб қолди. Бу уйга Гулчехра билан келгани ёдига ташганди.

Хонага кўлида патнис билан Урие кирди. Бу аёл нимаси биландир Сервернинг онасига ўҳшаб кетарди: сира тиниб-тинчмайди, Анифе онадек оккўнгил. Толибжон уни мактаб кутубхонасида ишлаётган пайтидан билади. Ўшандаям муаллимлару фаррошларнинг ишларига ҳам аралашиб кетаверарди. Турмушга чиққанидан кейин уй юмушлари, томорқа ташвишлари ёш келиннинг зиммасида бўлди. У ҳеч қаҷон чарчадим демас, доим кулиб, кўшдек чараклаб юради. Мана, ҳозир ҳам чакалогини ухлатиб, қанча ишга улгурди экан.

– Хаве (қаҳва) ичиб бўлдингизми? – деди Урие Серверга.

– Ичдик, Урие, рахмет.

Урие энгашиб, кўлидаги патнисни узатди.

– Э ха-а, баҳла шўрпаси-ку (лўбия шўрва!) – деди Сервер патнисдаги ликопларга караб.

Эр-хотин тиришиб-тирмашиб меҳмоннинг кўнглини олишга уринишарди.

Толибжон билан Сервер гапга тушиб кетишиди. Урие жим кулок солиб ўтириди. Бироздан кейин узр сўраб, кўшни хонадаги чакалогидан хабар олгани чиқди. Сервер математика, астрономия хакида гапира бошлади.

– Болаларга астрономияни чукур ўқитиш керак, афсуски, дарс соати кам берилган, – деди Урие.

– Мен ҳам мактаб астрономиясидан “сомон йўли”дан бошқасини эслолмайман.

– Ваҳоланки, фалакиёт фанининг асосчиларидан бири – Мирзо Улуғбек оламга машҳур бобомиз бўлади! Бу фан ўн бешинчи асрдаёқ бекиёс ривожланган. Нега, деган савол тугилади?! – ҳаяжонланиб кетди Сервер.

– Дарҳақиқат, нега?

– Чунки, биз яшаб турган Ер сайёрасининг тақдири коинот ва юлдузлар билан чамбарчас боғлик. Буни инсоният вақт ўтган сайин чукурроқ англаяпти.

Сервер иштиёқ билан гапиради. Унинг Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳакидаги ҳикоялари Толибжонни лол қолдирди. Сервер тўққизинчи ўнинчи асрларда яшаб ўтган бу буюк олимлар ҳакида жуда кўп маълумотларни биларди. Уларнинг математика, астрономиядан ёзган асарларини эринмасдан бир-бир санаб берди. Айниска, ал-Фарғонийнинг астрономиядан энг содда дарслик ёзганини эшитганида Толибжон ҳайрон қолди:

— Демак, ўша даврларда оддий халқнинг болаларига аник фанлар ўқитилган экан-да?

— Ўқитилмаса, буюк олимлар ойдан тушишмаган-ку! Уларнинг ҳаммаси подшоларнинг авлоди, деб бўлмайди.

— Сен айтган олимлар ҳакида жуда кам биларканман, — тан олди Толибжон.

— Бунда, биз — ўқитувчиларнинг ҳам айбимиз бор. Мен ўқувчиларимга Муҳаммад Тарагай Улуғбек ҳакида жуда кўп гапириб берганман. Биласан, Улуғбек — Амир Темурнинг невараси, Шохрухнинг ўғли. Сохибқироннинг “беш йиллик юриш” и даврида, 1394 йилда таваллуд топган. У туғилганида мунажжимлар олим ва хукмдор бўлишини башорат килишган экан.

Толибжон ўзининг ёш техниклар марказида илк олган суратлари, Достоннинг хонасидаги Улуғбек портретини эслади.

— Башоратларга ишонасанми?

Сервер ўлланиб қолди. Муносиб жавоб излаб қийналаёттани юз-кўзидан сезилиб турарди. Толибжон дўстининг гапини бўлиб қўйганини пайқади.

— Кечирансан, сени чалғитдим, — деди.

— Йўқ-йўқ, Толибжон, хижолат бўлма. Ўзим ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман. Биласан, мен аник фанлардан дарс бераман. Бирок, тарихда мунажжимлар башоратининг ўнгидан келганига мисоллар ҳам кўп-да. Бу тасодиф бўлиши мумкин, албатта. Лекин “Чол ибн Хаттоб” киносидағидек эмас-да, энди. Ердаги ҳаёт осмон жисмлари билан боғлиқларини қадимги мунажжимлар яхши билишган. Башоратчилар ҳам минг йиллар давомида биз билан ёнма-ён яшаб келишади. Аммо одамлар улардан ҳануз воз кечишмайди. Шундай экан, ишониши ё ишонмаслик ҳар кимнинг ўз иши... Умуман, бу баҳсли масала.

Сервер бироз жимиб қолди-да, жўшкинлик билан давом этди:

— Хуллас, бўлажак буюк олимнинг дунёга келиши Амир Темурдек сохибқиронга олам-олам кувонч баҳш этди. У камал килинаёттган қалъадаги жангларни тўхтатди. Халқига юкландиган соликлардан ҳам воз кечди. Набирасига Муҳаммад Тарагай деб ўзи исм кўяди.

— Улуғбек буюк бобосининг ишончини оклади, албатта.

— Улуғбек ўша давр илмий мактаби — Самарқанд академиясини яратди! “Зиж” асари фалакиёт фанининг ривожига улкан хисса кўшди. “Зиж”да куёш, сайёralар, ой харакатини мукаммал талкин килган. Юлдузлар жадвалини тузишга умрининг кўп йилларини сарфлади!

— Яқинда газетада ўқидим, Улуғбекнинг ўрганилмаган асарлари ҳам бор экан, — деди Толибжон.

— Ҳа, “Рисолаи Улуғбек” асари Ҳиндистонда сакланади. Улуғбек буюк математик ҳам эди. Бу асар хали ўрганилмаган. Балки яна янги асарлари топилар. Буюкларнинг мероси дарёга ўхшайди, бир оқим ортидан янги оқим келаверади...

Улар анча сухбатлашиб ўтиришди. Соат тунги ўнга якинлашганди.

— Энди мен турай, — деди Толибжон. — Сахарда поездга чикаман. Ойимнинг олдиларига, кишлокқа бормоқчиман.

Дастурхонга фотиха ўқилди. Сервер билан Uriе уни кўчага кузатиб чиқиши. Толибжон киши совугида жунжикиб, секин-аста коронғилик кўйнига шўнгигиб кетди.

Кимдир уни авайлаб, ортиқча гапдан ўзини тийса, бошка бирор – кечагина келин-куёв бўлиб суратга тушган йигит – бугун бўйи баравар ўғлини етаклаб юрган бўларди.

...Ўшанда у меҳнат таътили тугамай ишга чиқиб кетди. Газетанинг одатдаги хизмат сафарлари бошланди. Уйида ётоқхоналарига киришга юраги бетламасди. Бу хонадаги жиҳозу буюмлар Гулчехра тириклигидаги кандай бўлса шу ҳолича сакланар ва хонада унинг ўзи кезиб юргандек, сўйган кўйлакларини янги туғилган чақалок мисол авайлаб силаб-сийпалётгандек бўларди. Толибжоннинг буларга кўниши жуда-жуда оғир эди. Шундай кунларда хотини ўйларида мунаввар киёфада умрбод яшаб қолишини тушунди. Гулчехранинг сўлим чехраси умр йўлидаги кайбир пучмоклардан истаган пайтда жилмайиб чиқиб келаверарди...

У Зартопганинг соҳир саҳарлари жозибали эканини кўчиб келган кунлариданоқ сезганди. Шаҳарчанинг чор тарафини уфқка туташиб кетган бепоён боғлар куршаган. Мана хозир ҳам енгил шабада аллакайлардан олма гулининг ок-пушти япрокларини учирив келди. Толибжон темирийўл бекатида кишлоғига олиб борадиган поездни кутиб ўтиаркан, ёшлик йиллари ёдига тушди. Чорраҳадан бурилиб, бозор олдидан ўтаётганида яна Гулчехрани учратган кунини эслаганди...

Пештахтага ярми кирмизи, ярми тилларанг олмалар териб кўйилганди ўшанда... У секин сотувчи кизга яқинлашди:

“Олма ширинми?” – деди.

“Ширин”, – жилмаяди сотувчи киз.

“Майлими?” – Толибжон олмага кўлини узатди.

“Олинг, еб кўринг!”

Толибжоннинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Атрофдагиларга сездирмасдан рўмолчасини олиб артди. Бекат навбатчиси электропоезд келаётганини эълон қилди. Харракларда ўтирган йўловчилар “дув-в” этиб ўринларидан туришди. Толибжон ўзининг мискин ўйлари билан одамлар издиҳомига кўшилиб кетди.

Темирийўлда энди электропоездлар қатнай бошлаганди. Овозиз келиб тўхтайдиган “электричка”га зартопганилклар ҳавасга ҳам минишарди. Вагонлар озода, кулай, манзилга тез етказиб кўяди.

Толибжон поездда атрофни томоша қилиб борди. Ойнадан Зартопганинг баҳорни каршилаб ўйғонаётган боғлари лип-лип этиб ўтарди. Бир-бирига томирлардек уйқашиб кетган олма шоҳлари ғалати шаклларни хосил қилган. Қибладан эсган шамолда кун чиқишига эгилган новдалар осмонга талпинаётган одам киёфасини, айримлари кўринмас тўсикка урилиб, вулкондек отилаётган шаршарани эслатади. “Дарахтлар ҳам күёшга интилади, – дея ўйлади Толибжон. – Инсон иродали бўлиши, яшами, ишлами керак!.. Гулчехранинг хотираси-чи?! Мен уни унутмоқчиманми? Бу хиёнат эмасми?!?” Ўзини вагоннинг локланган ёғоч суюнчигига ташлаб, кўзини юмди...

У электропоезд қишлоқ бекатига яқинлашганда ўриидан турди. Перронга уч-тўрт нафар ёшлилар тушишди. Бу йигитларни танимасди. “Қишлоғимизнинг эски одамларидан бўлиб колибман”, деган ўй ўтди кўнглидан. Йигитлар йўл-йўл бўйинбоғли кимсага ажабсиниб карашарди. Толибжон секин-аста юриб бекатдан чиқди-да, қишлоқ йўлига тушиб олди. Узоқдан кўёш нурларида кумушранг товланиб, мовий тасмадек уфқка чўзилган дарё кўринди. Болалиги ўтган йўллар ўтмиши хотираларини ёдига солди. Ойисини, кўшни аёлларни суратга туширган даврларини эслади. Дарё бўйида штативга ўрнатилган камера олдида мағурур тургани хаёлида жонланди. Одамлар ўзгарибди, йўллар эса ўша-ўша... Дарёнинг ўйга чўмгандек мунғайтан кумлок кирғоги ҳам аввалидек. Факат унинг ёшлик йиллари жуда-жуда олисларда колиб кетди...

У туғилиб-усган уйига хаёл оғушида кириб келди. Ҳовлида кексайиб колган

Муслима опа хазин овозда “ту-ту-ту” лаб товукларга дон сепиб юради. Дарвоздадан кирган ўғлини күрди-ю, маккажүхори дони солинган эски товоқ кўлидан тушиб кетди. Уни бир четта олиб кўйди-да, рўмолини тўғирлаб, “Болажоним!”, дея талпинди. “Ойим кариб колибдилар, – ўйлади Толибжон. – Жудаям карибдилар! Сезмабман...”. Унинг кўзларидан тиркираб ёш чикди. Онаси нимадир деб кучоқлаганида ҳам кўз ёшлари тинмаганди.

- Ойи, дадам қанилар? – деди овози бўғилиб.
- Даданг уйда ётибди, болам, кувватсиз бўлиб қолган.
- Нега??
- Қариллик-да, қариллик, – Муслима опа ўғлига маъноли тикилди. – Бизни қўяввер, ўзинг яхшимисан?
- Ишлаб юрибман, ойи.

Она-бала бир-бирларини сўзсиз тушунишди. “Қийналдингми?” демоқчи бўлди онаси. “Менинг ҳаётим шу энди”, дерди Толибжон...

- Юр, бу ерда турмайлик, – ойиси уй томонга ишора килди.
- Даҳлизга киришганда Толибжон кўлидаги юхалтани узатди:
- Гўшт, нон олгандим. Зартопганинг нонидан.
- Ойиси жилмайди:
- Ҳеч нарса кўтариб овора бўлма. Дадангни пенсияси катта.
- Ойи, мен ёмон ўғилман.
- Нега ундей дейсан?
- Сизларга қаролмаяпман.
- Биз сендан розимиз. Йўлингни топдинг, кишлоқдагилар ҳам хавас қилишади сенга.

- Ойи!
- Нима, болажоним?
- Сизларни Зартопганга олиб кетаман.
- Юр, дадангни олдига кирамиз, – Муслима опа олдинга ўтиб, йўл бошлади.
- Нимкоронги хонага киргандарида электр чирогини ёқди. Дераза олдида-ги каравотда дадаси ётарди. У аввалти норгул гавдали, бакувват эркакка сирайм ўхшамасди. Деразадан тушган ёруғ окаринкираган, захил юзини ёритиб турарди.

 - Ассалом алайкум, дада, – деди Толибжон оҳиста.
 - Ва алайкум ассалом, – бошини у томонга бурган дадасининг хиркироқ овози ундан-да секин чикди.
 - Нима бўлди, дада?
 - Шамоллаб колибман, ўғлим. Ўзинг яхши юрибсанми?
 - Яхшиман. Дўхтир чакирмадингизми? – у ойисига қаради.
 - Чакирдим. Дўхтир дори ёзиб берди. Касалхонага ётинг, деди. Даданг унамадилар.

Толибжон кечагина тогу тошларда жавлон уриб юрган, саҳт-сумбатидан куч ёғилиб турадиган дадасининг озгин билакларига кўзи тушиб ўқинди.

– Касалхонага бормайман, – у Толибжонга термилди. – Тузалиб кетаман. Ўғлим, мен ҳаётда ҳамма нарсани кўрдим; бойликниям, камбағалликниям. Яхшилик билан ёмонликкайм жуда-а кўп дуч келдим. Ҳар бир ишни ақл тарозисида ўлчаб, кўнглим чопганини килганман. Худо тўғри йўлга бошлади. Урушда ўлимни бўйнимизга олиб жантга кирадик. Ўлим билан ҳам кўп бор юзма-юз бўлдим. Худо тақдиримга ёзган экан, омон қолиб, шунча яшадим. Сен ҳам ўз йўлингни топдинг, энди хотиржамман...

Ўшанда Толибжон отасининг бу гаплари васият ва видолашув эканини тушун-

мабди. Орадан бир хафта ўтар-ўтмас уни зудлик билан кишлокка чакиртириши. Етиб борганида отасининг жони узилганди...

Ҳаётида юз берган жудоликлар Толибжонни эсанкиратиб кўйди. Гулчехранинг ўлими, отасининг ёрут оламни тарк этиши... Бир ой ўтар-ўтмас онажонидан ҳам айрилди...

Эри ўлганидан кейин Муслима опа қувватдан кетди. Иштаҳаси йўқолиб, нихоятда холсизланиб қолди. Ўғлини кўриб овунар, унга тўйиб олмокчидек узок-узоқ термиларди. Толибжон, отамга бефарқ бўлдим, дея ич-ичидан эзилиб колганди. Онасининг ахволини кўриб, ишидан таътил олди. Отасига ўхшаб Муслима опа ҳам касалхонада ётишига сира-сира кўнмади. Шундан кейин ўзининг машинасида шаҳардаги таникли шифокорларга олиб борди. Ҳар сафар ўғлининг машинасига ўтираркан, Муслима опанинг нигоҳидан миннатдорлик, шукроналик туйгулари нурдек ёғиларди.

– Ўғлим, сен бошқачасан, – деди бир куни машинасида шаҳарга кетаётгандарида.

Толибжон онасининг гапи сермаъно эканини тушунди. Шу кунгача канча азиз одамларидан жудо бўлди. Мана, энди онаси ҳам юракни эзib юборадиган мискин оҳангда сўзлаёттир.

– Рахмат, ойи, доим мени ўйладингиз, – деди. – Энди ўзингизга қаранг... Бугунги тиббиёт кучли. Сизни энг яхши дўхтирларга олиб бораман.

Онаси унинг гапларини ё эшитмади, ёки эътибор бермади. Жим бўлиб, бироздан кейин нимагадир ўтмишни эслади:

– Ўша пайтда, эсингдами, шаҳарга якин жойга кўчиб бораман, дегандинг?

– Кечагидек эсимда, ойи. Нима десам йўл бердингиз.

– Тўғри қилибман. Йўқ деганимда кишлокда қолардинг. Ёлғиз ўғлини сиғдирмади, дегувчилар ҳам бўлди. Бу гапларга кулок солмадим. Мана, катта одам бўлиб кетдинг.

– Ҳа, ойи... Якинда суратларимга танловда “Гран-при” – олий мукофот беришди.

– Нега менга айтмадинг?!

Толибжон индамай елкасини кисди. Машина асфальт йўлдан елиб борарди. Ойиси, “танлов”, “Гран-при” деганинги тушундими, йўқми, ҳар ҳолда, мукофот деган сўздан таъсиrlанди:

– Сендан розиман, болам!

Муслима опа бу гапни шундай бир титрок овозда айтдики, бундан Толибжоннинг эти жимирилаб кетди. Ўйда “Ойим нега ундан дедилар?! – деган фикр чакмоқдек чакнади! Машина рулинни ушлаган кўли бўшаши. Тезликни камайтириди. – Энди ойимдан бошка меҳрибоним колмади-ку? Гулчехрадан, отамдан айрилдим!”

Ҳар инсоннинг ҳаётида жудоликнинг иштибоҳи боди сабодек кезиб юради. Аммо одамзод ишонч билан яшайверади. Бағри бутунликка, эрганги кунига ишончиз яшаб бўладими, ахир. Ўтган салафларни хотирлаб согинамиз, ўқинамиз. Ёнимиздаги, бағримиздаги меҳрибонимизни бериб кўйганда эса сорбонсиз колгандек бўзлаймиз.

Номдор докторларнинг муолажалари кор килмади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас ойиси бутунлай ётиб қолди. Кўни-кўшни, кариндош-уруғлар хабар олишар, “тузалиб кетасиз”, дейишарди кўнтил сўраб. Аммо хасталик орқага чекинмади, нимжонгина аёлни бир бурда килиб кўйди.

Муслима опа овқатдан қолди. Бошида кўшни – Ҳидоят опоки сув томизиб ўтириди. Ойиси узок ухлайди. Кўзини очганида уларга термилади, кимнидир излагандек бўлади. Ҳидоят опоки – чўпдек озғин, корачадан келган кампир, титрок кўллари билан унинг соchlарини силайди.

— Муслимажон, ўртожон, қаридик, — дейди ғамғин овозда. — Кўз очиб-юмгунча ўтди-я ёшлигимиз! Мен ёнингдаман, ўғлинг ёнингда, хотиржам бўл! Яхши-ёмон кунларда бирга бўлдик, сирдош эдик... Биздан рози бўл...

Унинг гапларини эшитиб Толибжон икки кафтини юзига босди. Танаси ботиний ўқсикдан силкиниб-силкиниб тушаркан, елкасида Ҳидоят опокининг кўлини сезди.

— Ўғлим, — деди у, — Муслима сени ҳеч тилидан кўймади... Онанинг меҳри булоқ бўларкан-да, болам, қайнаб турган булокнинг суви адо бўлармиди? Дарё бўйида суратга туширганинг эсингдами? Унда жуда ёш эдинг?

Толибжон ялт этиб Ҳидоят опокига қаради.

— Нималарни эслаяпти мияси айнинган кампир, деб ўйладингми? — Хар кирганимда Муслима шу суратни, янги дурра ўраб, кўк гул босилган кўйлакда тушган суратини кўрсатарди. Сени соғингандан шундай киларди. Дарё бўйида мениям суратга туширгансан. У пайтларда онанг иккаламиз анча ёш эдик...

Толибжон Ҳидоят опокининг охирги гапларини эшитмади. “Сени соғингандан” дегани юрагини эзди. Унинг калимаи тоййиба ва калимаи шаҳодатни тиловат килаётгани эшитилди:

— Ла илаҳа иллаллоҳу Мұхаммадур Ресулуллоҳ. Ашҳаду ал ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұхаммадан абдуху ва росулу...

“Ох, ўртоғжон-а, сенданам айрилдим-а!” деганида ялт этиб онасига қаради. Муслима опа кўзларини юмиб, хотиржам бир киёфада мангу уйкуга кетганди. Толибжон онасининг кўлини кафтлари орасига олиб, бошини кўйди...

19

Ёшлари улғайиб колганда ҳам Толибжон билан Сервер ўртасидаги дўстлик ришталари узилмади. Аксинча, вакт ўтган сайин бу кўзга кўринмас иплар янам маҳкамрок боғланди. Онасидан айрилганидан кейин Толибжон анча чўкиб қолди. Сервер уни ёлғиз қолдирмасдан, олдига тез-тез келиб турарди.

— Тентаксойнинг нариги томонига ўтгансан-а? — деб қолди бир куни.

— Ўтганман? — Толибжон ажабланди.

— Йўлдош отани биласанми?

— Йўқ, эсломаяпман.

— Бир юз ўн уч ёшга кирганлар!

— Йўғ-э??!

— Худди шундай!

— Отани зиёрат қилгани узок-яқиндан одамлар келиб туришади. Буни сенга аввалорк айтишим керак эди. Ёши юздан ошганлар Зартопгандан кўп. Шунинг учун бу шов-шувли воеқа эмасдир, балки. Лекин Йўлдош отанинг сўқир кўз билан одамлар дилидагини ўқий олиши кобилияти бор, дейишади. Одамлар ота билан ёнма-ён яшаб, унга ўрганиб қолишиган. Уни ҳамма ўзининг бобосидек яхши кўради. Бирорта катта иш бошламоқчи бўлганлар, сафарга жўнаётганлар дуоларини олишади. Газетага бу яхши мавзу, деб ўйлайман. Масалан, отанинг хаёт тарзини ўрганиш керак. Йўлдош ота уч нарсага – тўтири овқатланиш, тартибли яшаш, хушфөйлика қатъий амал қилас эканлар.

Толибжон дўстининг гапига кизиқиб қолди. Сервер Зартопганднинг тарих китобидаги суратлардагидек – уйлар бир-бирига туташган кўхна маҳаллалари, тор жинкўчаларини яхши биларди. Шу ерда катта бўлгани боис кўп одамларни танийди. Зартопгандаги мактабда ишлаётгани учун шаҳарчадаги воеқалардан ҳам хабардор. У бўлса юз ёшдан ошган Йўлдош отани шу пайтгача билмас экан.

Эргаси ишга борганида Зокир Қодиров уни бетоқатлик билан кутиб ўтиради. Бош муҳаррирнинг хонаси одатдагидек саранжом-саришта, буюмлари ўрни-ўрнида. У анча кексайганига қарамасдан ҳамон гайрат билан ишлар, газетага замон нафасини олиб кириш учун тиришиб-тирмашади.

– Богонлар баҳорги юмушларини бошлишди, – деди, саломлашаётib. – Шу сонга Зартопган боғларидан суратлар сув, ҳаводек зарур. Ён дафтарингиз тўлиб келса янайм яхши.

Бу пайтда Толибжон Японияда ишлаб чиқарилган “Nikon” фотоаппаратида сурат олар, ишга ўзининг машинасида катнарди. “Москвич” анча эскирди. Аммо алмаштиришни истамади. “Ойим, дадам ўтирганлар бу уловга, – дея ўйларди. – Машина олишимни эшитганида Гулчехранинг боши осмонга етганди. Хотиралардан воз кечолмайман, сира-сира ундан килолмайман...” Йиллар давомида қаймокранг “Москвич” ўзига бутунлай бўйсунди. Машина ногиронларга мўлжаллаб лойихаланган: уланиш, газ, тўхташ педаллари – руль ва руль ўқига ўрнатилган. У пайтлар ёш эди, бошқаришни тез ўрганди...

Мана ҳозир ҳам машинасига ўтири, рулни тутамлаб, бир муддат ўйланди. Кейин двигателни ўт олдириди. “Москвич” Зартопган йўлида шамолдек елиб кетди. Шахарчага кириб келар экан, атрофга завқланиб тикилди. Бу пайтда Зартопган янада кўркамлашиб, аҳолиси анча кўпайган, катта йўл ёқасида автомобилларни таъмирлаш корхонаси, чорраҳада шахарча Кенгашининг икки қаватли янги биноси қад ростлаганди.

Толибжон машинасини бош муҳаррир топширигини бажариш учун боғларга эмас, беихтиёр Йўлдош отанинг маҳалласига бурганини сезмай қолди. Йўл бирдан киялади. Пастликда Тентаксой ҳайкириб окари. Ўзанининг икки томони тик жарликлардан иборат. Бу табиат деворларига узун, калта томирлар тирмашган. Илонизи ўзанидан тошган лойқа сув жарликлар пойидаги яшил ўтлоқни кучогига олган. Ҳар ер-хар ерда жинғил буталари ўсади. Шошқин сойнинг гил тупроқ йиғилган бир тутам оролчасида бакатерак бор. Ўжар оқим ҳарчанд уринсаям бақатеракни қулатолмабди. Дараҳтнинг бақувват танаси сувга эгилган. Азamat шохлар кунчикардаги кирғокқа талпиниб ўсаётир. Бу эса бақатеракнинг мувозанатини саклаб, оқимга бардош беришга имкон яратган...

Фаройиб манзара Толибжонни ўйга толдирди. Бир пайтлар таҳририят машинасида келиб, кўприкдан манзара сурат олганини эслади. “Одам ҳам мана шу дараҳтга ўхшайди: яшаш учун тиришиб-тирмашади. Ҳаёт – тезкор ва бешафқат оқимга ўхшайди. Инсон бу оқимга карши тура олиши керак! Шунда ҳаёт давом этади. Ўша, “инсон маймундан яралган”, деган Чарлз Дарвин ҳам ҳаёт учун курашда инсон бардоши асосий ўрин тутади, деган экан. Тўғри, мухолиф ҳамкаслари унинг бошини маймун танасига чиздириб масҳаралашган. Бирок бу инглиз олимининг, ҳаёт асосида табиий танланиш ётади, дегани ҳақиқат бўлиб чиқди. Дарвин биргина мана шу коидани исботлаш учун бутун умрини сарфлаган... Толибжон-чи? Унинг умр бўйи тиришиб-тирмашганидан, бутунги килаётган ишидан кимга, нима наф?..”

Толибжон сой кўппригидан ўтиб, Йўлдош отанинг уйига етиб келди. Дарвоза очиқ экан, овоз бериб ичкарита кирди. Катта ҳовли ўртасида бир туп улкан кийғос гуллаган. Оч пушти, нофармон гуллари баҳорнинг мумтоз тароватини ўзида мужассам этган. Ним тараалган ифори кишини сархуш қиласди. Чап тарафда кўхна бир уй кўринади. Қаршидаги, пойдевори баланд бошқа иморатнинг жимжимадор ёғоч панжарали айвони ҳам бор. Мана шу айвондаги каравот олдидা эллик-эллик беш ёшлардаги аёл жилмайиб турарди.

- Келинг-келинг, – деди у очиқ чехра билан.
- Йўлдош отани йўқлаб келдим.
- Билдим.
- Қандай?
- Сизни танийман, газетада ишлайсиз, Толибжон Зайниддиновсиз! Мен отамнинг келинлариман, исмим Наргиза. – Аёл чакконлик билан уйнинг очиқ эшигидан ичкарига мўралади. – Мансур ака, газетадан келишибди!

Аёл суюнчили курсини Йўлдош ота ётган каравотга якин сурди:

- Келаверинг, бемалол, дадамни ҳозир бу ёқса олиб чикдик, тоза хаво олсинлар, деймиз-да.

Толибжон айвонга чиқди. Йўлдош ота оқ қошлари ўsic, лаблари қалин, чехрасидан нур ёғилиб турган кария эди. Ёстиғига суялган жажжи радиодан мумтоз кўшиқ тарафмоқда. У ёнбошлаганича кўпшикка кулоқ тутади. Хонанда ёниб “Сайкал”ни куйламоқда.

– Ёрдин ҳижрон чекар ушишоқи зор, эй дўстлар...

Шу дамда Навоийнинг нолали сатрлари Толибжоннинг калбига ёкимли ҳисларни олиб кирди. Йўлдош отанинг оппоқ чойшаб солинган ўринда эркаланиб ётиши, чехрасида айвонга тушаётган күёш нурларининг жимирилаб ўйнаши кўнглига хуш ёқди.

– Ўтиринг, марҳамат! – Наргиза опа таклиф килди.

Шу пайт очиқ эшикдан ўрта бўй, котма, коп-кора бежирим мўйловли эркак чиқди.

– Хуш келибсиз, – деди у икки кўлини узатаётib. – Ассалому алайкум!

Толибжон у билан самимий сўрашди.

– Отамизни зиёрат қилгани келибсизда, жудаям хурсандмиз. Қани, нега тик турибсиз? Мен отамизнинг кенжা ўғиллари – Мансурман.

– Неча ёшдасиз? – Толибжон курсига ўтираётib беихтиёр сўради.

– Отамиз бир юзу ўн учга кирдилар, мен эллик саккиздаман. Отадан беш фарзандмиз: уч ўғил, икки киз. Тўнғичлари – Тошпўлат акам етмиш тўрт ёшда, ҳали бақувватлар.

Толибжон унинг мурти оқармаганига эътибор қилди. Мансур ака жуда ёш кўринарди. “Ирсият деганлари шуми? – ўйлади ўзича. – Бир замонлар Сталиннинг қаҳрига учраган фан – генетика!” Узок умр кўраётган Йўлдош отанинг фарзандлари ҳам кексаликка бўй бермаётгани кенжা ўғлининг саҳт-сумбатидан кўриниб турарди.

Наргиза опа ҳамон кўшиқ тарафлаётган радиони ўчириди. Толибжон Йўлдош отага тикилди. Унинг тарам-тарам ажинли чехрасида шундай бир покизалик бор эдик, кўнгли ёришиб кетди. Ўsic қошлар, оппоқ сокол, бежирим садаф мўйлаб юзига нуронийлик, улуғворлик бағишлаганди.

– Ассалому алайкум, ота, – Толибжон салом берди.

– Ва алайкум ассалом... Ким? – ботиний гулдурак овоз эшитилди.

– Дада, муҳбир бу киши, газетадан.

Наргиза қайнотасининг туриб ўтиришига ёрдамлашди.

– Кўзлари кўрмай қолди, – деди. – Аммо хотиралари жуд-да яхши. Радиодан янгиликларни эшитиб, бизга айтиб ўтирадилар.

– Радио эшитасизми, ота? – баланд овозда сўради Толибжон.

– Зерикаман-да... Газитданмисан, болам?

— Ҳа.
— Үнда, яхшилаб ёз!
— Ҳўп, ота...

Толибжон Йўлдош отанинг аллақандай оҳангга йўғрилган беназир ички овозини эшигтан сайин ғалати ҳолатга туша бошлади. Бу овоз нимаси биландир узок мозийдан келаётганга ўхшар, лабларидан учайдиган сўзларда кишини ўзига тортадиган жозиба бор эди.

— Ким бўлиб ишлагансиз, ота?
— Богбонман, болам, боғбон! Уч ерда боф килганман! Олма, узум экдим...

Йўлдош ота ўтмишини хотирлар экан, Толибжон тезда фотоаппаратини ишга туширди. Моҳир мусаввир чизиб кўйгандек нурли киёфа фото тасмасида муҳрлана бошлади.

— Нега индамаяпсан, болам? — деб колди бир пайт Йўлдош ота.
— Сизни эшитиб ўтирибман.
— Йўқ, ичингда дардинг бор, сени айрилиқ кийнаяпти.
— Ҳа, ота, — деб юборди Толибжон беихтиёр.

У қаршисидаги беозор қариянинг олдидаги ғалати ҳолатга тушди. Мансур ака билан Наргиза опаларнинг бор-йўқликларини ҳам унугиб кўйди. Йўлдош отанинг сўқир кўзлари Толибжонни кўриб тургандек диккат билан тикилди.

— Кўлингни бер, — деди дутор торларидан тарағандек тўлкинили овоз.
Толибжон унинг майин кафтига кўлини кўйди. Ота бир муддат кўлини ушлаб турдилади, кўйиб юборди.

— Сен яхши одамсан, — деди ўшандай аллаловчи овоз. — Кўнглинг тоза йигитсан. Хотиржам бўл, йўқотганинг умрингнинг охиригача ботинингда яшайди, ёлғиз колмайсан.

Қария Куръон сураларини тиловат кила бошлади. Толибжон бу Илохий суралар силсиласи калбига илиқ нур бўлиб куйилаётганини хис килди...

20

Умр оқар сувдек кўз очиб юмгунча ўтаркан. Вақт моҳир чавандоз мисол олдинга чопади. Буни Толибжон Зайниддинов ёши улугларга хос эҳтиёткорлик эди. Бир куни шахар автобусига чиққанида, иккита пўрим кийинган йигитлар бараварига ўринларидан туриб, “ўтиринг, ота”, деб жой беришди. “Қариб қолибман”, деб ўйлади. Дарҳакикат, ҳозир у бир пайтлардаги дўппи кийиб юрадиган озгин, корачадан келган кишлек йигити эмасди. Сийрак соchlарига ок оралади. Бироз тўлишиб, бўй-бастида зиёлиларга хос улуғворлик кўриниб колди. Эгнида шу пайтларда урф бўлган бўзранг пинжак, бўйнида бўйинбог. Йиллар силсиласида ўзи мансуб бўлган ахли давроннинг бир бўллагига айланган.

Бекор колган кунлари Серверни кўргиси келиб қоларди. Уни излаб мактабга бормоқчи эди, бунга ҳожат қолмади, тушдан кейин ўзи келиб колди. У хар доимгилик олифтанамо кийинган, эгнида ялтироқ сарик йўлли кўйлак, оёғида шу пайтларда урф бўлган ок туфли.

— Дам олаётган бўлсанг, узр, безовта қилдим, — деди хуштавозелик билан.

— Айни вактида келдинг, — Толибжоннинг чехраси очилиб. Серверни гилос остидаги стол-стул кўйилган жойга таклиф қилди. — Ўзим ҳам мактабга, олдингта бормоқчи бўлиб тургандим.

— Нега? Уйга боравермайсанми? Кеча сени Урие сўради. Қара, “Дўстингиз келмай кўйдилар, нима бўлди, орангиздан ола мушук ўтдими?” дейди-я.

— Бизнинг орамиздан ола мушук ўтиб қаёқка борарди, Сервержон?

— Тўғри айтасан, ушлаб, томга улоқтирамиз!

Улар кулишиди.

— Иш кўпайиб кетиб анча пайт кўришолмадик, — деди Толибжон узрли охангда. — Бугун бекорман, зерикиб ўтиргандим, келганинг яхши бўлди.

— Унда бошқа гап. Ўзим ҳам уй ташвишларидан бўшамаяпман. Бугун ўғлимни Кримга жўнатдим.

— Мехмонгами?

— Йўқ, бутунлай кўчиб кетди.

— Йўғ-э?

— Шундай, дўстим, крим татарлари ватанларига қайтишяпти.

— Қолганлар ҳам кўчишадими?

— Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, Толибжон. Лекин кўпчиликнинг ўйида шу муаммо борлиги аник. Тўғри, биз тақдир тақозоси билан меҳмондўст юртда томир отдик, аммо... Орзиқиз ҳақидаги афсона эсингдами?

— Сув парисига айланиб, денгиздан кишлогига қайтган кизми?

— Ҳа. Бу ерда ҳам Орзиқизлар кўп. Фарки — биздаги Орзиқизлар тутқун эмас. Лекин Ватан соғинчи ўша-ўша.

— Сен-чи, Сервер, сен ҳам...

— Мен... мактабни, ўқувчиларимни ташлаб кетолмайман. Отам билан онамнинг қабрларини... — Сервер ўз-ўзига гапираётгандек паст овозда сўзлай бошлади. — Зартолпани, сени, Толибжон...

Сервер гилоснинг соясидаги ёғоч курсида ўтириб, ишкомдаги шарбатга тўлган кора кишишиб гужумларига тикилди.

— Юр, уйга кириб чой ичамиз, — деди Толибжон.

— Майли, — Сервер ўрнидан турди.

Олдинма-кейин меҳмонхонага киришди. Ўргадаги столга, ҳатто дераза токчаларигаям китоблар, даста-даста газета-журналлар тахлаб ташланганди.

— Кўп ўқияпсанми? — деди Сервер.

— Кўлимга тушган ҳамма нарсани ўқийман. Газеталар тинимсиз “қайта куриш” ҳақида ёзишяпти. Замон ўзгариб кетди.

...Йигирманчи асрнинг саксонинчи йиллари ўрталаридан бошланган “қайта куриш” шўролар хукуматининг сиёсий баркарорлигини тиклашга навбатдаги уриниши эди. Муаммо кўп. Улар қандай бартараф этилади? Кўплар катори Толибжон ҳам ўзича бу саволга жавоб изларди.

— Мактабдаям шу гаплар, — Сервер дераза рўпарасидаги юмшоқ диванга ўтириди. — Беш йиллик истиқболли режада янги мактаблар курилиши белгиланган. Режага бизнинг мактаб киритилмабди.

— Нега?

— Марказ етарли маблағ ажратмаган.

— Мактаб жуда эски-ку, авария холатида десаям бўлади?

— Ҳа, уруш йиллари харбий госпиталга мослаштирилган холича колган.

- Ҳалиям унутмадингми?
- Биринчи синфга борганимда каттагина бола эдим. Мен билан бир партада ўтирган, мўйлови чикиб қолган йигитни айтиб бергандим-а, сенга?
- Ҳа.
- Ўша йигит чизган расмлар кечагидек кўз олдимда. У ярадор аскарнинг суюгини арралаётган докторни тасвирлаганди!
- Ҳаммаси уруш касофати.
- Тўғри айтасан, урушнинг кулфатини биз ҳам кўрдик.
- У кунлар узокда колиб кетди. Аммо бугун ҳам муаммо йўқ эмас. Якинда газетамиизда “Аёлнинг фожиали қисмати” деган мақолани бердик. Бир шифокор ўзига ўт қўйган аёл ҳакида ёзибди.
- Бу даҳшат, Толибжон!
- Шундай, дўстим, болаларининг кўзи олдида ёнаётган аёлни тасаввур кил!
- Ахир, дўзах азоби-ку?!
- Ҳа, дўзах азоби! Чидаб бўлмайдиган ҳаёти шунга мажбур қилган!
- Нима бўлган экан?
- У жуда ёш турмушга чиқкан. Кетма-кет фарзанд кўрибди. Қишлоқда яшайди. Колхоздаги иш, уй-рўзгор, сигир-бузоклар... – буларнинг ҳаммаси бечора аёлнинг зиммасида, бўйнига тош бўлиб осилган. Доктор аёлнинг аччик қисматини изтироб билан тасвирлабди. Жуда таъсирчан мақола! Ўзинг ўйлаб кўр, Сервер, тунлари боласи йиғлаб чиқади, у уйкуга тўёлмайди. Қайнонанинг, эрнинг кўнглини олиш... Бу бухронлар ичida ҳаётдан ҳам тўйиб кетган-да. Кунларнинг бирауда ўзига керосин сепиб, ўт қўйибди! Жизғанаги чиқкан танани кўйганларни даволаш марказига олиб келишади.
- Ҳалиги докторгами?
- Ҳа. Шифокор йигит ўша мақоласида аёлнинг жони узилаётганда айтган сўзларини ёзибди.
- Нима деган экан?
- “Яшашдан чарчадим”, дебди базўр пичирлаб. Инсоннинг бардоши темирдан эмас эканда... Ўша мақола чиқкан газетанинг тўрттинчи бетида номдор муаллимнинг “Оила, энг аввало, давлат аҳамиятига молик бўлган катта иш хисобланади”, деган сўзлари катта ҳарфларда ёзилган. Остида “Умрингиз бокий бўлсин” сарлавҳаси билан ахборот беришибди. Унда ўн битта фарзанди бор “каҳрамон она” кўкларга кўтарилади.
- Мазмунан бир-бирига қарама-қарши экан, – Сервер ажабланди.
- Ҳа, балли! Мен оддий одамлар орасида юраман. Улар – дехқонлар, исчилар. Ҳатто ўқитувчилар ҳам сен айтган “қарама-қаршиликлар” ҳақида сўрашади. Ишонсанг, нима дейишими билмасдан кийналаман.
- Мактабдаям шундай гап-сўзлар ўрмалаб колган.
- Ҳар кандай муаммога локайд қараб бўлмайди, Сервер. Уни ечиш йўлларини ахтариш керак!
- Мен ўқувчиларимни фикрлашга ўргатяпман, мустақил фикрлайдиган бола оккорани ўзи ажратиб олади.
- Бу энг тўғри йўл, Сервер.
- Сен-чи, Толибжон, ахир сен газетада ишлайсан, камчиликларга ҳеч қачон бефарқ бўлмагансан. Эсингдами, бир пайтлар асфальт ётқизувчиларнинг кўчада колган пўлат ғилдираклари муаммосини кўтариб чиккандинг?
- Жуда яхши эсимда. Садир Назировнинг кўрсатган “ўйин”лари ҳам.

— Кечирасан, нохуш воеани эслатдим.

— У пайтларда ёш, кизиккон эдим... Ҳозир бир иш киляпман. — Толибжон ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Ташкарига бироз тикилиб, Серверга ўтирилди. — “Зартопган одамлари” фотокургамасини тайёрлаяпман. Матбуотда чоп этилмаган суратларим кўп. Улар, масалан, пешонаси терлаб ишлаётган дехқон йигит ёки бешикдаги боласини аллалаётган аёл... Бу суратларда оддий одамларнинг хаёт лаҳзалари муҳрланган. Уларни йигиб, халқаро танловга жўнатаман.

— Тўғри киласан, жуд-даям тўғри киласан! — Сервер тўлкинланиб кетди. — Сен олган ҳар бир сурат, ўзинг айтганингдек, зўр хикояга ўхшайди, уларда аллакандай сеҳр бор, билсанг!

Толибжон дўстининг куйинчаклик билан айтган гапларига мамнун қулоқ соларди.

21

Йигирманчи асрнинг саксонинчи йилларида горбачёвча “кайта куриш” жамиятда, халқнинг ҳаётида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этолмади. Аксинча, бу жараён одамларнинг онгини янада тиниклаштириди, юз бераётган воеаларга муносабат билдиришга ўргатди. Хурфикрилийк, матбуот эркинлиги палласи бошланди. Ошкоралик даврида шўролар мамлакати раҳбариятининг йўл қўйган хатолари бирин-сирин очила борди. Буни бир амаллаб хаспўшлаш мақсадида турли найранглар ўйлаб топилди. Шулардан бири кейинчалик “ўзбеклар иши” деб ном олди. 1983 йилда Марказ топшириги билан Ўзбекистонда паҳтани териш, кайта ишлашдағи “ўғирлик”, “қўшиб ёзиш”лар тафтиш килина бошланди. “Негатив ҳолатлар”, “поражўриклилар” ҳакида бутун оламга жар солинди.

Буларнинг бари буюк эврилишларнинг арафаси эди. Ўша кора кунлар осмонида ҳам умидбахш бир шуъла бор эдики, бу нур якинлашиб келаётган янги кун, оддий одамлар узоқ вақт муштоқ бўлиб кутган янгича ҳаётга ишора эди.

Толибжон Зайнiddинов ҳам жамиятда юз бераётган ушбу ўзгаришлардан чеккада эмасди. Қишлокларни кезар экан, энди одамларнинг кайфиятлари ўзгариб қолганини пайқади. Уларнинг чехраларида ёруғ кунларга интилиш, умид пайдо бўлгани рўй-рост сезилиб турарди. Ўзи ишлаётган газета ҳам рўй бераётган воеаларни имкон кадар ёритиб борди. 1991 йилнинг 1 сентябрини халкни кўпдан қийнаётган саволларга жавоб бўлди. Тонгда туман марказининг ахолиси еру осмонни титратган карнай-сурнай овозларидан уйғонди. Фалакка ўрлаган кудратли садолар давлат Мустакиллиги эълон килинганидан дарақ эди!

Толибжон ишга ўзининг машинасида жўнади. Туман марказига етганида карнай-сурнай овозларини эшилди. Ҳали эрта бўлишига қарамасдан кўча одамлар билан гавжум эди. Кўш қаватли райком биносининг рўпарасида бекасам тўн устидан белбоғ боғлаб, янги марғилон дўппи кийган ўн чоғли йигитлар карнай, сурнай, доираларини берилиб чалишарди. Толибжон тўхтаб, уларга бироз қараб турди, сўнгра машинасини таҳририят томонга бурди.

Таҳририят биносининг кўчага қараган кўш тавақали эшиги очик эди. Машинани тўхтатиб, секин тушди-да, ичкарига кирди. Зокир Қодиров хонасида столига мук тушганича нималарни дир тез-тез ёзиб ўтиради. У ишига каттиқ берилгандан Толибжоннинг кирганини сезмади. “Зокир ака ё уйига кетмаган, ёки тунни бедор ўтказган, — деб ўйлади Толибжон. — Етмишдан ошган бўлсаям сира тинмайди-я!”

У томоғини кириб кўйди. Зокир Қодиров коғоздан бошини кўтарди. Толибжон-

ни кўрди-ю, дархол кўлидаги ручкасини қўйиб, ўрнидан турди, тез-тез юриб келиб, кучогини очди.

– Мустақиллик муборак, Толибжон укам! – деди уни маҳкам қучиб.

Қаттиқ ҳаяжонланганидан овози чертилган тордек титраб кетди. У самимий жилмаяр, чехрасида кувонч барқ уриб турарди.

– Келинг, Толибжон, сиз бугун жуд-да, жуда кераксиз! – деди уни хона тўридаги столи томонга етакларкан. – Бугун ҳар қачонгидан кўп сурат олишингиз лозим! Карнай-сурнайчилардан бошланг, азизим! Эшиятисизми, бутун туманга мустақиллик садолари тараляпти! Тарихий кун бугун! Сизнинг суратларингиз ҳам тарихда колиши шубҳасиз!

Зокир Қодиров кайта иш столига ўтириб, тез-тез қофозларини титкилай бошлади. Толибжон унинг оташин сўзлари таъсирида ўзига кўп йиллардан бери кадрдон чехрага тикилганича рўпарадаги курсига чўкди.

– Бугун газетамизнинг Мустақиллик сонини чиқарамиз, – деди Зокир Қодиров кўлидаги қофоздан кўзини узмай. – Бош мақола ҳам тайёр! “Мустақиллик муборак, ҳалқим!” деб сарлавҳа кўйдим. Нима дейсиз?

– Жудаям яхши! – Толибжон чин дилдан маъкуллади.

– Унда эшигинг, мақола шундай бошланади:

“Бу ўлкада ҳар нарса бордир, Кўрмаганлар доим хумордир”, деган мисраларни битган ҳассос шоир Ҳамид Олимжон серқўёши диёримизнинг ҳусну тароватини, қалби қайнот одамларининг фидоии ишларини тараним этганди. Юртимиз оламда тенгисиздир. Унинг табиий бойтиклари, маъданлари беҳисоб. Яқин-яқингача буни чуқур ҳис қила олмасдик. Ҳур Ўзбекистон, деяр эдигу, аслида ҳурликтан ўироқ эдик. “Мустақиллик” сўзи фақат қалбларимизнинг қатида эди...”

Зокир Қодиров ўқищдан тўхтаб, матнадаги ниманидир тузатди. Ҳаяжонланганидан ўрнидан туриб кетди. Толибжонга бир қараб олди-да, яна сухандонлардек кироат билан маколанинг давомини ўқий бошлади:

“Мана, ниҳоят иигирма милионли ўзбек ҳалқи қалбida асраб-авайлаб келган муқаддас орзу рўёбга чиқди. Минг тўйқуз юз тўйсон биринчи йил, Биринчи сентябрь Ўзбекистон тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзишиб, ундан абадулабад ўрин олди. 1991 йилнинг 31 августида бўлиб ўтган Республика Олий Конгашининг нафбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди! Сессия, ҳалқимизнинг орзу-умидларини ифодалаб, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги тўғрисида Конун қабул қилди...”

Зокир Қодиров бутун вужуди қулоққа айланиб ўтирган Толибжонга каради:

– Энди, ука, шу мақолага ярашадиган ажойиб суратлар керак! Илтимос, бор маҳоратингизни ишга солинг! Суратларингиз қалб кўри билан ўйғрилган бўлсин!

Толибжон бош муҳаррирнинг хонасидан чиқаркан, Зокир Қодировнинг мустақиллик ҳақида ёзганларини ўқиётган пайтдаги ҳаяжонини ўзида ҳам хис қилди. Бу куннинг тонги ана шундай эхтирослар билан бошланди.

Райком биносининг қаршисидаги катта майдонга ҳар томондан одамлар оқими ёпирилиб келарди. Ўнг тарафда, улкан қайраочлар соясида ширмой нон, ширинликлар, мева шарбатлари савдоси ташкил қилинган. Уларнинг ёнбошига яна бир гурух карнай-сурнайчилар келишиди. Карнайлар бир-бирига навбат бермасдан, овозлари еру осмонни титратиб наъра тортарди. Доира зарбига жўр бўлаётган сурнайнинг дилни китикловчи шўх овози таралади.

Толибжон кўлида фотоаппарати билан одамларнинг дарёдек оқимига кўшилиб

кетди. Бир пайт баланд бўй, қалин мўйловли, чехраси күёшдек чараклаб турган дароз йигит югуриб келиб, у билан кучок очиб сўраша кетди.

— Толибжон ака, мени танидингизми?! — деди дўриллаган овозда. — Маҳамаджонман, механизатор! Суратимни михдай килиб газетада чикаргансиз. Зўр сурат эди-да, жон ака!

— Э-эз, Маҳамаджон ука! — деда у ҳам севинчини ичига сиғдиролмаётган йигит билан куюқ сўраши.

— Ака, мустакиллик байрамингиз билан! — Маҳамаджон оғзи қулогида жилмаярди. — Каранг, энди бемалол белбоғ боғлаб юрсак бўларкан-да! — У бекасам тўн кийиб, шохи белбоғ боғлаган карнай-сурнайчиларга ишора килди. — Йигитларга ярашибди-я, ака?

— Ярашган! Жудаям ярашган! — Толибжон унинг гапидан завқланди. — Шулар билан суратга туширайми?

— Зўр бўларди-да, ака! Мени яна бир марта газетага чикаринг! Биринчи бетига!

Улар ёнма-ён юриб бориб карнай-сурнайчилар гурухига якинлашишди. Атрофда ёш-яланг йигит-қизлар кўп эди. Кимдир ўйин тушган, бошқа бирор мусика оҳангига мослаб қарсак чалади. Бир пайт Маҳамаджон уларга қўшилишиб ўйинга туша кетди. У йигитларга хос завқ-шавқ билан тойчоқдек даврани гир айланар, қотма гавдаси доира услубига мос енгил кўтарилиб тушарди. Толибжон сурат ола бошлади. Маҳамаджон фотоаппарат объективига караб гоҳ оғзи қулогига етиб жилмайганича муком қиласди, гоҳ кўлини кўксига кўйиб миннатдорчилик билдириб кўяди. “Кўнгли тоза йигит экан, — ўйлади Толибжон. — Бундай йигитлар, қизлар кишлокларимизда кўп. Улар ҳакида алоҳида кўргазма қиласман! Бугун олган суратларим ҳам ана шу кўргазмага кўйилади”.

Шу дамда унинг кўнглида ижод завки уйғонганди. Йиллар давомида дардларига малҳам бўлиб, ҳаёт билан ҳамнафас яшашга даъват килган бу илоҳий туйғу қалбига дарё мавжларидек силсила бўлиб кўйилиб келди. У Маҳамаджонни ташлаб кетолмай кутиб турди. Нихоят, терлаб-пишган йигит ҳансира б олдига келди:

— Ака, энди юринг мен билан, — деди авайлаб тирсагидан ушларкан. — Бир ошхўрлик қиласиз! Ўша, газетада чикарган суратингизни олиб кўйганман. Ўғлим катта бўлганида бераман, дадаси қандай йигит бўлганини билсин-да. Шунака ният бор, ака, қалай?

Толибжон Маҳамаджоннинг кишлокча соддалик билан айтган самимий гапига қулоқ тутиб туриб:

— Тўғри қиласиз, — деди. — Отасининг зўр йигит бўлганини билсин-да!

Бу Маҳамаджонга маъқул келди. У Толибжоннинг кўлини олиб маҳкам сиқиб кўйди.

— Ҳали кўп иш қиласиз, мухбир ака! — Мана, мустакил бўлдик! Энди бошланади, катта ишлар. Балки, янги трактор ҳам беришар?

— Беришади! Энди, беришади! — деди ишонч билан Толибжон.

Улар ўйин-кулги килаётган ёш-яланглар издиҳомини оралаб боришарди. Майдон тўрига катта сахна ясалган. Раккоса киз сахнани гир айланиб, қушдек енгил парвоз қиласди. Хонанда йигит Тўра Сулаймоннинг урф бўлган шўх қўшигини куйламоқда:

Чаман ичинда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён,
Сарви, санобармидир, — соч бир ён, суман бир ён.

Махамаджон Толибжонни майдоннинг кунгайига етаклади. Бу ерга катор килиб муваққат ошхоналар тикланган. Атрофи Хоразм гиламлари билан уралган. Бир нечта оқ ўтов ҳам бор. Ош, бешбармоқ, кабоб иси димоққа урилиб, иштаҳани китиклайди. Улар “Ўзбекистон” хўжалиги” деб ёзилган шинам айвонга киришиди. Махамаджон бўш жой излаб атрофга алланглади. Шу пайт тўрдаги, “кагталар” ўтирган даврадан корин кўйган, паст бўй, ўрга ёш бир киши ўрнидан турди-да, чақкон юриб келиб, уларга пешвоз чиқди.

— Келинг, Толибжон ака! — деди хуштавозелик билан. — Бизни жуда хурсанд килдингиз-да. Шундай улуғ кунда-я! Кагталар сизни дастурхонга таклиф килишяпти.

У яна нималардир деб, шовкин-сурон остида Толибжон билан Махамаджонни даврага бошлади. Улар бўш ўринларга ёнма-ён ўтиришиди. Тўкин дастурхон атрофидаги меҳмонларнинг кўпичи Толибжонга яхши таниш эди. Улар билан алоҳида-алоҳида сўрашиб чиқди. Махамаджон кагталарнинг олдида одоб саклаб ўтириди. Лекин, “мухбир ака”ни ўзи меҳмон киломаганидан хижолатлиги кош-ковоғидан сезилиб турарди. Даврадагиларнинг сухбатлари кизиди. Ҳар ким юрагидаги гапни айтишга шошиларди.

— Махамаджон ука, сенгаям янги трактор олиб берамиз, — деди раис салмоқлаб.

— Энди-и, мустакилмиз, жамоа хўжаликлариям янгича бўлар? — деди Толибжоннинг ёнида ўтирган хисобчинамо киши.

— Бундан бу ёғига ҳаммаси янгича бўлади-да. Пахта ишига энг зўр техникалар келиши аниқ! — деди билағонлик билан раис.

Толибжон уларнинг ҳангомаларини эшитиб ўтиаркан, ўзлари туғилиб-ўсган кишлопклари, уfkка туашган бепоён далалар уларнинг ҳаёти эканлигини тушунди. Кун тигида терлаб-пишиб меҳнат қилиши бу одамларга завқ-шавқ бағишлияди, экин-тикин ишлари бошланганида баҳор ёшартиради, ҳосилларини йигиб олаёт-гандарида куз эпкинлари кўксиларини тўлдиради. Буларнинг бари ота-боболар юртига муҳаббатнинг худди ўзи эмасми?!

Толибжон тушдан кейин Зартопганга кайтди. Зартопган марказида ҳам байрам сайли давом этарди. Чорраҳа одамлар билан гавжумлашган. Симёғочларга турфа рангдаги байроклар илинган. Кўчаларга сув сепиб, супурилган. Бозорга кираверишда мевалар савдоси ташкил этилибди. Тилларант товланаётган хусайнин узумлару кирмизи олмалар кўзни камаштиради. Толибжон олма расталари олдидан ўтаётуб Гулчехрани эслади. Унинг кулиб туришлари хаёлида жонланди. Майнин овозини эшитгандек бўлди. Қадами секинлаб, бехосдан қокилиб кетди. Шу дамда бирор кўлтиғидан олиб, “эҳтиёт бўлинг” деди. Толибжон ўзини ўнглаб, бошини кўтарди. Ёшгина йигитча жилмайганича яна нимадир деди. Толибжон унинг гапни яхши англамади. Секин бурилиб, ортига қайтди. Гулчехра билан ўтган баҳтиёр кунларини хотирлаб кўнгли бузилди.

У хаёл билан бораракан, шаҳарча кенгашининг биносига етганини сезмай қолди. Қўш қаватли бинонинг очик айвонига гиламлар тўшалиб, саҳна безатилган. Атлас кўйлакли хонанда аёл доира чертиб ялла айтарди. Бола кўтарган келинчаклар завкланиб термилишади. Болаларнинг кўлларида узун, рангли қофозларга уралган кўлбола ширинликлар. Толибжон тикилиб қаради: ўн-ўн беш ҷоғли келинчак турган бўлса, ҳаммалари болаларига ўша “ўрама қанд”дан олиб беришибди. Уларнинг чехралари тонгти шабнамдек тиник, жилмайиб бир-бирларига гап ташлаб қўйишади. Хонанданинг овози ширали, нолалари эхтиросли эди. У вафоли ёрхакида куйларди. Толибжон кўшикка маҳлиё бўлиб қолди.

Байрамга келаётгандар дакика сайин кўпаярди. Уларнинг орасида оқсоколлар, ёш йигит-қизлар ҳам бор эди. Толибжон издиҳомни ёриб ўтиб, олдинга интилди.

Атрофдаги одамларни, ашула айтаётган хонандани суратга тушири. Чарчаган бўлсаям кетгиси келмасди. Бирйўла мактабдаги тантанага ҳам кириб чикмоқчи бўлди. Чорраҳадан ўнгта бурилиб, мактаб томонга юрди. Яқинлашганида овоз ку чайтиргичдан ўқувчи кизнинг кироат билан шеър ўқиётгани эшитилди. Шеър тугаган ҳамон бир гала оқ каптарлар пирпирак мисоли овоз чикариб осмонга кўтарили. Яна ўқувчиларнинг қарсаклари эшитилди.

Ховлига кирганида бир қаватли кўхна бинолар куршовидаги майдоннинг чор тарафида катта-кичик ёшдаги ўқувчилар саф тортишган, кўлларидағи турфа ранг шарларни силкитиб кийкиришар, парвоз килаёттан оқ каптарларни олқишилашарди. “Бинолар нураб колибди, – деда ўйлади Толибжон. Сервернинг бир пайтлар айтиб берганлари ёдига тушди: уруш йилларидағи ҳарбий госпиталь кўз олдига келди. “Наҳотки, шу бинода жангдан олиб чиқилган ярадорлар жон беришган?! Кейин ғалати расмлар чизадиган дароз ўқувчи билан кичкина Сервер бир партада ўтиришган... Энди буларнинг ҳаммаси аччик тарих бўлиб колди”.

...Ўшанда Толибжон Зайниддинов бир неча йил ўтиб бу ерда хаёлидаги қўш қаватли янги мактаб қад ростлашини билмаганди...

У секин-аста юриб ҳовли бурчагидаги ёш техниклар марказига борди. Остонада Қобилжон амаки ўтиргандек, уни кулиб қарши оладигандек туюлди. Ҳовлини бироз айланиб, ёшлик йилларини хотирлади. Узум ишкоми остида кийкириб сакраётган Иброҳимни кўргандек бўлди... Сўнгра, кўнглини энтикирган ширин хислар оғушида мактаб дарвазасидан чиқиб кетди

Толибжон уйига етиб келганида ҷарчаганини хис килди. Дарвозани очаётib почта кутисига кўзи тушди. Тунука кутичанинг тиркишидан хат кўриниб турарди. Кутининг копқоғини очиб, мовий рангли хатжилдни олди. Унда лотин алифбосида уй манзили ёзилганди. Толибжон ажабланди. Бир кўлида хат билан уйига кирди. Хатжилдга карай-карай дераза қаршисидаги столга борди. Ўтириб, кўзойнагини тақди-да, хатжилдни авайлаб очди. Ундан ажнабий тилда ёзилган бир варак қоғоз чиқди. Толибжон лотинча ҳарфларни хижжалаб ўқишига уриниб кўрди. Матн инглиз тилида эди, айрим сўзларни тушунгани билан тиши ўтмади.

У бироз шундай ўтириб, нафасини ростлади. Кейин уйидан чиқиб, яна мактабга борди. Байрам килаётгандар орасидан инглиз тили ўқитувчинини топиб, хатни ўқитди. Унда шундай ёзилганди:

“Жаноб Толибжон Зайниддинов!

Сизнинг “Зартопган одамлари” фото коллекциянгиз “Мұхрланган лаҳзалар” ҳалқаро фото танловининг “Гран-при” – олий дараҷасали мукофотига лойиқ топилди.

Мукофот топшириши маросими ушбу 1991 йилнинг ойида Стокгольм шаҳрида ўтказилади. Йўл ҳаражатлари танлов ташкилотчилари зиммасида. Кўшимча маълумотларни хабар қиласиз.

Тантанада қатнашиш имкониятингиз ёки истагингиз бўлмаган тақдирда, мукофот почта орқали Сизга етказилади.

“Зартопган одамлари” фото коллекцияси Венециядаги фотография мерослари фондининг консультантлари томонидан санъат асари дараҷасида баҳоланди. Ушбу фото коллекцияни сотиб олмоқчи бўлган музейлар бор.

Жавобингизни кутамиз.

Ҳалқаро фотография Маркази”



Сувон МЕЛИ

ТАҲЛИЛ МУСИҚАСИ

1

Туйғу, маълумки, жисм ва жонда, кўнгилда кечмиш рухий-жисмоний кечинмалар, рухий хис-туйғулар мажмуидир. Шеър туйгунинг сўздаги намоёни, ифодаси экан, хеч курса шу жиҳати билан у мусикага кондош соҳага айланади. Бу икки соҳа кондошлиги ҳакида талай фикрлар айтилган, тадқикотлар яратилган. Бунинг устига мумтоз шеъриятимизнинг етакчи вазни аruz ҳам моҳиятан мусикий ҳодисадир. Мусика ўта нозик, пинҳоний туйғуларнинг оҳанг ва товушлар воситасида килни кирк ёрар даража ингичка сезги ифодаси ўларок, бу ифодани тушунтириш ва талқин этишда сўзга эҳтиёж сезади. Машхур педагог В. А. Сухомлинский ёзганидек: “Сўз мусиканинг бор-буд теранлигини ҳаргиз англата олмайди, лекин туйгу англатишнинг ушбу ўта инжа жабҳасига сўзсиз ҳам яқинлашиб бўлмайди” (Кабалевский Дм. Воспитание ума и сердце, М., 1984, с. 173).

Тахлил, аксарият ҳолларда, шеърдан олинган таассурот ва ушбу таассурот конуниятларини сўз орқали баён этиш, яъни муайян матн сифатида тушунилади. Ва шундай баён, матн, яъни тахлилнинг керак ё керак эмаслиги, бу йўл билан асар қалбига кириш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳакида бот-бот фикрлар янграб туради. Шоир Сафар Оллоёр “Ўз осмони бор йигит (Хол Мұхаммад Ҳасан портретига чизгилар)” (Тошкент, “Musiqa”, 2017, 205-бет) тўпламига кирган “Шарқирок оҳанглар – окишдан дарак” номли яхши бир мақоласида тўsatдан ёзади: “Негаки, шеър шархланмайди, гарчи бунга хожат бўлса ҳам (?)” (Сўрок бизники – С. М.). Чунки унинг маъно-мазмуни ..., бир сўз билан айтганда, бор-йўғи фақатгина ўзида мужассамдир. Бинобарин, шеърни шархлашга уриниш – туғилган қўзичокнинг, у ери ундей, бу ери бундай дейишга ўхшаш гап, менимча”. Яна салдан кейин шоир “Айтдим-ку, шеърни шархлаб бўлмайди”, деб писанда ҳам килиб кўяди.

Чамаси, шоиримиз шархлашини хато қидириш, деб тушунади, шекилли. Айтиш жоизки, одатда, жўн ва ҳашаки тизмалар эмас, кўркам ва теран шеърлар шархланади. Буюк бадииятдан айб қидирилмайди, чунки бу буюк файздир. Ундан бадиий маъно, пировардда илохий файз изланади. Шунинг учун туғилган қўзичокдан у ери

Сувон МЕЛИ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ҳодими. Филология фанлари номзоди. 1951 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Икки юздан ортиқ илмий мақолалари матбуотда эълон қилинган.

бундай, бу ери ундей дея айб қидириш эмас, унинг нозик ҳусни, гўзал ожизлиги-ю тетапоя килишидан завқ тулош, Яратганинг қудрати, сир-синоатидан лол қолиш, янги вужуднинг кўрк-тароватига таҳсин айтиш – буни шеърни шарҳлашга уриниши билан менгзаш мумкин.

Шеърни шарҳлаш ёки таҳлил қилиш (булар бироз фарқли, лекин моҳияттан бир нарса) илк боскичда бадиий асар қўнгилда уйғотган, пайдо қилган хис-туйғу ва фикрлар ифодасидир ва шундан кейингина ушбу ҳолатни сўз оркали ифода этиб, когозга туширмоқдир. Шеърни шарҳлаб ёки таҳлил қилиб бўлмайди ёки бунга ҳожат ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ дегувчилар шеърнинг, шеъриятнинг таъсирдорлик кувватини ва ҳусусиятини, қўнгилда илк тикланадиган файзу моҳиятини инкор этган бўладилар.

Шеърдан туғилган тоза таассурот илмий асосда ва ҳис-ҳаяжонли тарзда, синчков, лўнда йўсинда баён этилганда чинакам илмий-бадиий таҳлил вужудга келади. Бундай таҳлил ҳамиша тансиқдир.

Таҳлил мусикаси таҳлил этилаётган шеър мусикасидан туғилади. Таҳлил шеърга янги, аникроги, шеър қаърида яширин, маълум вазиятда юзага қалқиб чиқадиган маънолар, нолалар, кочиримлар кўшсагина, яъни уларни кашф этсагина, ўз вазифасини уddaлаган бўлади. Акс ҳолда, юкоридагига ўхшаш гаплар чикаверади.

2

Буюк бир газал, айтайлик, ҳазрат Алишер Навоийнинг “Қаро кўзум...” ёхуд “Ўлтургуси” радифли ғазали мумтоз куй, маком йўлида ашула қилиб айтилар экан, матнадаги ғазал бир неча бор кучайган ҳолда, ундаги таниш сўз ва иборалар сехржодуга бурканиб, сўзлар чўғланиб сирли жилоларини намоён ва намойиш этади гўё. Масалан, ҳалқимизнинг севимли санъаткори Муножот Йўлчиева:

“Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосигаким,
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси”,

дея ўзининг сехрли овози билан кўйлар экан, байтдаги “майдон” бир неча бор кенгайгандай, “тамошо” каломи оламшумул кўлам қасб этаётгандек туюлади. Сўзнинг асл навоийона миқёси ҳакиқатан ҳам шундай. “Туюлмок” феълининг ўзаги “туй” (хатто “ту” бўлиши мумкин) бўлиб, у жуда қадимий туркий сўзимиздир. “Туйғу” сўзи ҳам ушбу ўзакдан. “Тўймок” англамок ёки тушунмоқдан юксакрек (балки бу бошка ўлчамдаги тушунчадир) поғонада туради. Англашда акл ва мантиқ ишласа, “тўймок”да одамнинг бутун вужуди, борлиғи, кўнгли ҳаракатда бўлади.

Шундай қилиб, ўқилган, мутолаа қилинган ғазал билан мумтоз куй жўрлигida ижро этилган айни шу ғазал, яъни англаш ва тулош жиҳатидан гўё икки бошқабошқа ҳодисага – китобдаги ғазал ва куй оғушидаги ғазал – ўҳшайди. Бундан шундай хулоса чиқадики, демак, мумтоз куй ва соҳир овоз ғазалдаги сўз, ибора ва тинимлар замирида потенциал мавжуд маънолар ва ҳиссиятлар мажмуини юзага чиқаради, намоён этади ва инсон зехнияти учун кўримли ва сезимли юксакликка кўтаради.

Бундай фикрлар туғилиши ва айтилишидан мақсад шеър таҳлили ва умуман таҳлил (агар у бадиий асар қалбига даҳл қилувчи чинакам таҳлил бўлса, албатта) ва буюк ғазал мумтоз куй канотида парвоз қилиб, зимнида мавжуд бор-буд куч юзага чиқиши – бир-бирига монанд ҳодиса эканини кайд этишdir.

Таҳлил ҳам мумтоз куй сингари бадиий асарга канот бағишлиса, унинг зимний маъноларини кўз-кўз кила олса, канийди.

Энди шу ўринда таҳлил сўзига синчковорк нигоҳ қаратайлик. “Таҳлил

(тарқалиш, куртак ёзиш; текшириш, суриштириш; ҳал қилиш, очиш)”. Бу сўзниг луғавий маъноси, бизга зарур ҳос маъноси бундай: “Нарса, ходиса ҳамда шу қабиларни моҳият, конуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши” ва яна “Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиши” (Қаранг: Ўзбек тилининг изохли лугати, 5 жилдли, 4-жилд, Тошкент: 2008, 41–42-бетлар). Агар сўзниг тарихий илдизларига бокадиган бўлсак, у “парчалаш, майдалаш, йўқ қилиш; эритиш; очиш, ҳал қилиш” (Алишер Навоий асарлари тилининг изохли лугати, 4 томлик, 3-том, Тошкент, 1984, 216-бет) каби маъноларни ҳам англатиши маълум бўлади. Агар ушбу маъноларни бир нуктага жамлайдиган бўлсак, тахлил бирор нарса ёки ҳодисанинг килни кирк ёриш даражасида ичу ташини ўрганиш, дейишимиш мумкин.

Яна бир мулоҳаза. Маълумки, келиб чиқиши арабий бўлган “тахлил” ва ҳазрат Навоий бот-бот ишлатган “ҳиля” (зебу зийнат, такинчок) уядош сўзлар. Одатда араб тилидаги уядош сўзлар ўзаро туташ маъноларни англатган ҳолда бир-бирини кувватлаб, кучайтириб келади. Ушбу икки сўзни маъно жиҳатдан боғлайдиган бўлсак, шундай манзара хосил бўлади: бадиий асар синчков тахлил жараёнида бор бисоти, имконидаги маъно потенциали билан яқолроқ очила боради, гўё у зебу зийнатга бурканиб, такинчоклар тақкандек бўлади. Бу ҳол асарнинг кўркига кўрк кўшади, тахлил натижасида асар тўлишади, калбан ёришади.

Демак, тахлил кенг маънода олганда бадиий асарнинг аввал ҳассос кўнгил кўзгусида инъикос этиши, жилваланиши бўлиб, шундан кейингина сўз, матн либосида юз кўрсатишидир.

3

Якинда “Ёшлик” журналининг 2017 йил, 2-сонида “Қўлёзма” рукни остида камтарин, қувноқ ва далбар шоир Азиз Абдураззокнинг икки шеъри муаллиф қўлёзмасида эълон килинди. Дурдана икки шеър – “Оқликка шафкат” ва “Эҳтиёт шарт”. Ҳар иккисига “1988” санаси кўйилган. Аввал биринчисига тўхталсак.

Оқликка шафкат

*Майли, ёгмай турақолгин, қор,
Ерга тувисанг, топтар одамлар.
Бўлајжаксан киру хору зор,
Эзар поку нопок қадамлар.
Майли, ёгмай турақолгин, қор,
Оқлигинча қолақолгин, қор,
Поклигинчча қолақолгин, қор.*

Австриялик машхур руҳшунос олим Виктор Франкл “Маъно излаётган одам” номли китобида ёзди: “Санъаткор илҳом оғушида яратади, шу боис унинг ижод маншаъи коронғилигича колади, онг у ерни тўлигича ёрита олмайди” (Франкл В. Человек в поисках смысла, М., 1990, с. 99). Яхшиям ёрита олмайди, акс ҳолда биз, яъни инсон ижоднинг сехрли сир-синоатидан мосуво бўлардик. Онг ижоднинг ғайри шуурий оқимига конун-коидалар киритиб, уни мантик ўлчовлари билан занжирланган бўлар эди. Балки бунда бадиий ижод ҳам мутлақо бўлмасди, ҳойнаҳой. Шу ерда Оскар Уайлднинг бир гапи ёдга келади: “Санъатни севмасликнинг икки усули бор. Бири – уни шунчаки севмаслик. Иккинчиси – уни ақл орқали, рационал севиш”.

Ушбу шеърнинг маншаъи – пайдо бўлиш ўрни қаерда?

Буни, юкорида руҳшунос олим ёзганидек, аниқлаш қийин, лекин юзароқ тафсилотларни кайд этиш мумкин. Қор ёғаётган манзарани кўз олдингизга келтиринг. Сон-

саноксиз оппок зарралар (геометрик шакл бўйича, кристаллар)¹ ерга, пастга бетиним ёғилади. Бундай шиддатдан, еру кўкни тутган оқликдан завқланасиз. Лекин айни шу завқ туйкусдан, кутилмаганда аламга, оғрикка эврилади: шундай мухташам оқлик заволга юз тутмоқда, ахир. Лекин шеър номида “алам” эмас, “шафқат” сўзи бор. Нега “Оқликка шафқат”(?) Шафқат алам ва оғриқдан устунми ёки уларнинг пайдо бўлиш манзиллари бошқа-бошками? Оғриқ ва алам асосан, кузатувчининг ахвол-рухиясига тегишли бўлса, шафқат кузатилган нарсага даҳлдордир. Яъни корга, унинг бекиёс оқлигига. Шафқат аяш, раҳм килиш хис-туйгуси бўлиб, бунга биринчи навбатда одамнинг ўзи, кор ёғишини кузатаётган одам муносиб эмасми? Демак – шоир ва ёғаётган кор. Сирли бир эврилишга кўра ёғаётган корга, оқликка шафқат ортга бурилиб, шафқат билдираётган одам, кузатувига ҳам доҳил бўлиб қолади. Бу – айни табиий, оқлик ўзида, вужуду кўнглида бўлмаса, оқликка мунчча сажда (шу сўз қаламга келди ва уни ўзгартирмадик) қиласмиди шоир. Буни олдга қаратилган туйғунинг ортга кайтиш қонуни, деб атасакмикан, ёки хиссиятнинг умумлашма қонуни?

Аммо ҳозирча хиссият кузатувчидан жабҳага, корга томон оқмоқда:

Майли, ёғмай турақолгин, қор...

Сатрни уч нукта (...) билан сийлаймиз, бу бизга уни шеърдаги матндан айриб, иисбатан мустакил бўлак сифатида нигоҳ ташлашига, алоҳида кўз-кўз килишга имкон яратади. Мисрада гап оний лахзалар ҳакида кетмоқдаки, катъий мантиқни ишга солиб ҳолатта боқсак, бу ҳеч қачон амалга ошмайдиган иш экани аён бўлади, ёғаётган корни қандай тўхтатиб қолиш мумкин. Бу имконсиз. Яна, “майли” деганига нима дейсиз? Ундан буни ҳеч ким сўраётгани йўқ. Лекин. Мумкин бўлмайдиган нарса айтилмоқдами, демак, нимадир мухим нарса бор ва шу нарса мантиқни орқага сурис ташлайди. Мантиқсизлик юксакроқ мантиқ томон йўл очади.

Бу сатр шеърнинг илк мисраси бўлиши категорида унинг лейтмотиви, ўқ илдизидир. Одатда, мисра шеърда ҳам мухтор, якка ҳолда, ҳам бошқа мисраларга боғлиқ, жамоа тарзда вазифа бажаради. Баъзан шеърдан ажратиб олинган алоҳида мисра янги, кутилмаган қиёфада намоён бўлиши мумкин. Агар “Майли, ёғмай турақолгин, қор” сатрини кейинги мисралар билан жўровозлиқда кузатсак, шоир нега бундай демоқда, деган саволга жавоб оламиз:

*Ерга тушсанг, топтар одамлар,
Бўлажаксан кир-у хору зор.
Эзар поку нопок қадамлар.*

Чунки, ернинг қонунлари ўзгача, тартиботи бошка. Ерга тушдими, энди бунда у тушаётган осмоннинг поклиги йўқ. Қор топталиши аниқ, у шунга маҳкум ва бу учун ҳеч ким айбдор эмас. Азалий илохий таомил шундай. Корнинг ерга тушиши мукаррар бўлганидай, унинг топталиши ҳам мукаррар. Унинг “кир-у хору зор” (ифода ва тасвири мантиқлини каранг) бўлиши, “поку нопок қадамлар” эзизи ҳам мукаррар. Бунда қадамларнинг эзгу-ёвузлиги ҳам, эрк-ихтиёри ҳам йўқ. Мукаррарият шунчалик мутлақ экан, унда бу қадар жонбозликка боис не?

¹ Шу ерада бир изоҳ: оламнинг эзотерик структурасигит багишинтаган Друнвало Мельхеседекининг “Хаёт гулининг кўхна сири” китобида кристаллар ҳакида шундай дейилади: “Улар тирик ва онга эга. Мен улар билан, улар мен билан мулокотга киришадилар. Ўшбу ўзаро фикр алмашувудар кўпглаб муммалорга обийлини киридим... Кристаллар фавқулодди иктидорга эга. Улар барча турли-туман усуслар билан одамларга таъсир ўтказадилар”. (Мельхеседек Друнвало, Древняя Тайна Цветка Жизни, М., Изд. “София”, 2012, с. 242–243). Муз заррачалари бўлган кор ўзининг кристалл шакли ва ирфоний оғни билан одам, яъни шоир шуурига шеърда айтилган ушбу гояни, маънини жойлаб кўйган бўлса, не ажаб. Умуман, кор ёғишининг инсон қалбига соладиган сехр-жодуси айнан кристаллар билан боғлиқ бўлса нима дейсиз?

Боис оқликнинг, эзгуликнинг, гўзалликнинг илохий сехрида, жаннатий жозибасида. Оний гўзалликдан сеҳрланган кўнгил уни шу кадар қизғанадики, ўз табиий йўли – ерга энишини хоҳламайди. Охирги мисраларда шеър оҳангидага тезланиш рўй бериб, хиссият гўё портлайди. Лейтмотив мисра бошчилигига охирги уч мисра шеърни кескин, фоже ва бир пайтнинг ўзида нозик зарб билан якунлайди:

*Майли, ёғмай турақолгин қор,
Оқлигингча қолақолгин, қор,
Поклигингча қолақолгин, қор.*

Француз бастакори ва мусика назариётчisi Жан Филипп Рамо (1683–1764) шундай ёзган экан: “Мусика математик фанлар сирасига кирмайди, аксинча, аник фанлар мусиқанинг бир кисмидир, чунки улар асосида мутаносиблик ётади, мутаносиблик эса жарангли вужуд хосиласидир” (Золотое сечение, М., 1990, с. 299)

Демак, неки жарангли вужуд бўлар экан, у қайбер даражада мусикийликка дахлдордир. Мисралар сони, уларнинг турокларга бўлиниши, сўзлар хижолардан ташкил топиши, уларнинг сони, қоғияланиши тартиби ва яна бошка катор омиллар мусикий тийнат ва мусикий сифатга эга. Банд неча мисрадан ташкил топиши, уларнинг ўзаро муносабати, қайтарик мисралар – булар ҳам мусикий аҳамият касб этади.

Буюк қомусий олим Абу Наср Форобий бобомиз ўзининг “Мусика ҳақида катта китоб” (“Китоб ал-мутика ал-кабир”) асарига кирган “Мусикий уйғунлик ҳақида” маколасида ёзди: “Ундан ташкири, мусика жорий тилнинг синтаксисига бўйсунади. У шу даражада риторика ва шеърият қоидаларига, яъни диалектика билан боғлиқ санъатнинг ушбу икки тури конунларига амал килади” (Аль-Фараби, Естественно-научные трактаты, Алма-Ата, 1987, с. 218). Мусика миллий тил синтаксиси, яъни гап тузилиши ва гапда сўзларнинг бирикуви билан чамбарчас боғлиқ экан, у санъат асарига айланган ҳар бир шеър, ҳар бир мисра хужайрасида яшамоги тайин.

Шеърга қайтиб, ундаги сўнгти мисралар қаърига басират нигохи билан боказдиган бўлсак,

Оқлингингча → қолақолгин, қор.
Поклигингча → қолақолгин, қор.

зимнида ёлворишга коришик алам борлиги сезилади.

Мумтоз ашулачилигимизда нола деган атама бор. “Нола – (ийғлаш) – ашула айтганда сўзнинг бир бўғинида овозни титратиб чўзиш” (И. А. Акбаров, Музика луғати, Тошкент, 1987, 231-бет.) Қоғозга битилган шеър ёки ғазал ҳали ашула эмас, албатта. Лекин сўз ва маъно ички талаффузи билан ялпи нола оҳангини вужудга келтирадики, буни потенциал ашула дейиш мумкин.

Агар шеърга қайтсан, гап факат ёғаётган корда эмас. (Ёғаётган корда ҳам албатта, чунки шеър қор ҳақида-ку!) Ёғаётган кор осмондан ерга оҳиста тушгунга кадар ўтган сониялар оралиғида – оламдаги жами оқликнинг, харакатдаги оқликнинг тимсоли, оқлик эса – гўзаллик тимсолидир. Ва у шу билан бирга жамики оқлик (оқлик, балки гўзалликнинг энг олий даражасидир) Ерга, ҳаёт аталмиш талотўпга тушгач, лат ейиши, заха тортиши, оқлигидан, поклигидан факат бир кисм колишини шоир билади, ҳамма билади. Лекин ҳеч ким, ҳеч бир куч уни “кир-у хору зор”ликдан саклаб кололмайди. Чунки “хору зор”лик – бу ҳаёт, ҳаёти дунё дегани. Лекин ҳамма шул синоатга, ёғаётган кор каби ҳаётга интилади. Ҳаёт эса... факат оқликдан иборат эмас.

Балки мутлақ оқликда ҳаёт йўқдир. Ҳаёт синов дунёси, кир-чирлик унинг

ажралмас бўлаги, азалий қонуниятнинг моҳиятидир, балки. Лекин оқлик – оқлик, поклик – поклик-да. Унинг мавжудлиги улуғ тасалли-ку муниш ва мунглур одамга.

Шеър минбардан ўқиладими ёки ўзича овоз чикариб, ё овоз чикармасдан кўз югутириладими – ҳар кандай холатда муайян мусикий тант, бўлакка бўлинган холда талафуз этилади. Бундай хол шеър ичда ўқилгандан ҳам сакланади. Мисра шу тахлит мусикавий идрок этилади, шеър мисралар йигими ва кетма-кетлигидан ташкил топаркан, улар кай тартибида ва қай йўсинда кофияланиши, кандай банд ҳосил этиши, банддаги мисралар сони, тўла ва ҷала бандлар – барчаси бириккан холда шеър мусикасини яратади.

Агар мазкур шеърга банд нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, дастлаб илк тўрт мисра банд ҳосил килади, бешинчи кайтарик мисра эса устами тарзда бешлик бандни ясади. Унинг структур вазифаси шундаки, у ҳам тепага, ҳам қўйига ишлайди. Ўзидан куйидаги икки мисрага тиргак вазифасини ўтайди ҳамда бириқиб учлик, яъни ток бандни ҳосил килади. Айрим ўзгариш билан тақрорланган, шакл ва маъно жиҳатидан кондош мисралар акс-садо, эхо жарангি яратиб, туталланмаган туталлик ҳосил килади.

Ушбу мисралар ва бутун шеър дунёй дуннинг косир зиддиятидан, шафқатсиз заруриятидан (одатда, шафқат шафқатсизликдан сўралади) нола чекади гўё.

4

Иккинчи шеър:

Эҳтиёт шарт

*Юрмоқ учун яралмиши оёқ,
Тепмоқ учунмас.
Бу бир оддий ҳақиқат, ўртоқ,
Тепган тушибунмас.
Эҳтиёт бўл,
Бу дунёда бор ҳисоб-китоб,
Бир кун келиб берурсан жавоб,
Бедарвоза ҳеч шаҳар бўлмас.
Ажалидан анча эртароқ,
Тепган ўлар,
Тепилган ўлмас.*

Бу шеър юкоридагидан тамом ўзгача. Олдингизда юракни орзиқтирувчи лирика, фоже бир рух етакчи бўлса, бунда қатъият ва золимга таҳдид бор.

Асар уч структур бўлакдан иборат: 1. Сарлавҳа. 2. Илк банд – шеърга кириш, “ўртоқ”ка, яъни шеърхонга мурожаат. 3. Асосий кисм – бу энди “тепган” – жобирга мурожаат.

Шеър сарлавҳаси бежиз илк структур бўлак сифатида белгиланмади. Зотан, сарлавҳа мисли уй ёки ховлига олиб кирадиган эшик ёки дарвоза. Бу ўҳшатиш янги бўлмаса-да, масала моҳиятини аниқ ифодалайди. У нафакат эшик ёки дарвоза, балки маъновий йўлкўрсаткич ҳам. Сарлавҳа, ном бадиий асарнинг ажралмас ва муҳим унсуридир. (Айрим шеърларда сарлавҳа бўлмайди, яъни шу холат ҳам маъно ташииди, сарлавҳасизлик ҳам шеърдаги муайян қонуниятни ургулайди).

Ушбу нуктаи назаридан сарлавҳа ва бутун шеър ва улар орасидаги муносабатга (киёс принципи шу ўринда ҳам амалда) синчков диккат қаратсан, “эҳтиёт шарт” жумласида яширин ва аччиқ киноя мавжудлигини фаҳмлаш мумкин. Киноянинг бош хусусияти, маълумки, ҳодисага бериладиган баҳонинг атай нотўғрилигидир. Эҳтиёт шарт, одатда, бирорнинг эҳтимолий хавфдан огоҳ этишини билдириш, сарлавҳадаги бу гап “тепган”га қаратилган. Ахир, у тепонгич бўлса, эҳтиёт кўчасидан ўтмаган

бўлса, эҳтиётни назар-писанд килармиди? Айни шуниси билан, сарлавҳа – биринчи катламда киноя, юкорирок ёки теранрок катламда – огохлантириши, ҳатто, таҳдид.

Шеърдаги илк банднинг оҳанги, мусикаси ўзгача – кескин ва кўпол. Тўққиз хижоли (4+5) мисра беш хижоли киска сатр билан давом этади ва “мас” (эмас) инкори билан тугалланган қиска мисралар жаҳл ва ғазабни жонли тарзда ифода этади. Кундалик ҳақиқат – “Юрмок учун яралмиш оёқ” шу қадар одмики, агар гап шу ерда тугалланганди, хўш, нима бўпти, дея елка кисишишимиз мумкин эди. Лекин киска ва силтov билан битилган сатр “Тепмок учунмас” янграши биланок манзара бирдан ойдинлашади. “Юрмок” одатдаги хол, “тепмок” ахёнда бўладиган фавкулоддаги вokea. Савол туғилади: нега бу икки хол қаршилантирилмоқда? Шунда асарнинг салбий бош қаҳрамони – “Тепган” шеър майдонига чикади. Унинг бош белги – хусусияти аклсизлик, ғоғиллик, юксак маънодаги гумроҳлик – “Тепган тушунмас”.

Асосий қисм кескин ҳамда шиддатли буйруқ майли – “Эҳтиёт бўл” билан бошланади, у сарлавҳанинг сал ўзгарган, мурожаат шаклидир. Мухими, шу ердан бошлаб, шеър кайфияти ва ритмикасида кескин бурилиш содир бўлади. Бошда “Ўрток”ка қаратилган сўз тўсатдан (рус адабиётшунослари Достоевский асарларида “вдруг” (тўсатдан) сўзининг поэтикасини маҳсус тадқиқ этишганки, кескин бурилишни англатувчи ушбу сўз ва ҳолат маҳсус эътиборга лойиқ эканини кўрсатади) йўналишини ўзгартириб, инвектива (бирор шахс ёки вokeaga карши қаратилган кескин қораловчи нутк) тусига киради. Бу нутк шеърнинг сўнгиги уч сатрида ўз ҳадди аълосига чикади:

*Ажалидан анча эртароқ,
Тепган ўлар,
Тепилган ўлмас.*

Факат шу ер, охирги мисраларга келибгина жабрдийда жобир билан ёнма-ён ҳолда юзага қалқиб чикади. Тирик жон борки, барчаси ўлади. Маколда айтилганидек, синмасни кулол, ўлмасни Худо яратмас. Лекин ўз ажали билан ўлмок иборасига зид бўлган ажалидан бурун ўлмок, деган тушунча борки, унинг сир-асрори, касофати-ю моҳиятини банда аник-тиник билмайди. Лекин унинг юзада турган бир сабаби қайсиdir даражада тушунарлидай. Бировга ноҳақ зулм, жабр килиш, ахлоқ-одоб, одамийлик қондаларини кўпол тарзда бузиш, Яратганга шак келтириши каби гуноҳи кабирлар...

Шу боис биринчи банддаги “мас” ялпи инкорлар бу ерда тасдик – инкор (ўлар-ўлмас) билан алмашади. “Тепган” ажалидан анча эртароқ ўлади, “тепилган” эса вакти-соати етиб, ўз ажали билан тўшагида тинчгина омонатини топширади.

Охирги икки сатрда бироз ёпик парадокс бор. Одатда тепган зарб беради, тепилган жароҳат олиб ҳатто ўлиши ҳам мумкин. Тепишида ўлдиришга, маҳв этишга ғайри шуурий интилиш бор. Лекин шеър хотимасида нак тескариси – “Тепган ўлар, тепилган ўлмас”. Бунда оддий ҳолатдан юксак ахлоқий аҳком ҳосил бўлмоқдаки, терслик, парадокс ушбу ҳолатга куч-кувват ва жозиба баҳш этмоқда.

Олий адолат қарор топади, худди Лермонтовнинг машхур “Шоирнинг ўлими” шеъри адогида айтилганидек – “Тангри хукми бор...” (Но есть и божий суд...) Шу тарика ҳажман кичик, аммо улкан маъно камровли шеър якунланади.

5

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “тепмок” сўзининг олти маъноси (шулардан иккитаси “кўчма” белгиси остида) қайд этилган. (Қаранг: 4-жилд, 69-бет). Лекин биз таҳлил қилаётган шеърда юз кўрсатган маъно лугатда акс этмаган. Агар “тепган” ва “тепилган” сўзлари маъносига шўнгийдиган бўлсак, улар аник ва кўчма

маъни англатишини күрамиз. Бундаги тепиши, биринчидан, бевосита оёқ билан зарба беришни англатади, лекин шеърда күчма қатлам ҳам борки, бу муҳимроқ. У бирорвға каттиқ жабр килиш, иссик ўрнидан мажбуран, күпоп тарзда кетказиши, ожиз одамни ерга уриш, ҳақорат килиш каби күчим маъни тармокларига эгаки, ушбу күпмальолилик, турли хиссий-эмоционал маънолар босими шеър жозибаси ва бадий теранлигини тайин этади.

“Ёшлик” журналида босилган күләмдадан күринадики, ушбу икки шеър бир варақдан олдинма-кетин ўрин олган. Бу – тасодиф эмас, хойнахой. Демак, уларни бирлаштирадиган қандайдыр муштарак жиҳат, кизил ип бор.

Қорнинг оқлиги, поклигини қызганиб, бу шаффоғ туйғуни шафқат деб атаб (“Оқликка шафқат”), “Майли, ёғмай тұрақолғын, кор” дея мунглиғ ох тортаёттан күнгил оқ ва пок кор кора ерга түшгач, уни қандай күргилик, топташ ва тепкилар күтиб турғанини иккинчи “Эхтиёт шарт” шеърида ҳам тасвирлаб, ҳам химоя этмоқда гүё. Агар биз икки шеър орасыда ботиний боғлиқлик, маънавий робита излайдиган бўлсан, кор – тепилган (одам) категорини ҳосил килишимиз мумкин. Қор барибир ерга тушади, уни “поку нопок қадамлар” топтайди. Атайдан эмас, оёқ остида бўлгани учун. Лекин... Атай эзишлар, топташлар, ожизни тепкилашлар, кутурган зўравонликлар...

Шундай кирдикорлар ҳақидаги “Эхтиёт шарт” шеъри ушбу нұкталарда “Оқликка шафқат” шеъри билан кесишади ва ҳар иккаласи биргаликда гўзаллик ва эзгуликни ҳар бири ўз йўлида, лекин яхлит маъновий маҳражда тааринум этади.

Оқлик ва поклик ғалаба килади – “Тепган ўлар, тепилган ўлмас”. Балки бундай бўлмас ҳам, тепганлар ажали етгунча тирик юарлар балки. Лекин шеър “тепилган”нинг таҳдид шаклига кирган илтижосиким, таникли адаб Сайдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий” романида улуғ авлиё бобомиз тилидан айтилганидек, “Мазлумнинг илтижоси ҳаргиз мустажоб бўлгай... Бир ғарибни йиглатган золимнинг кулиб юришини Оллоҳ хуш кўрмагай”.

“Тепилган” фақат одам бўлиши шарт эмас, у топталган ҳақиқат, писанд этилмай четга иткитилган улуғ ғоя, ҳақорат қилинган пок туйғулар ҳам бўлиши мумкин. Уларга қарши ҳезланган куч алал-оқибат зору забун бўлишга маҳкумдир.

Ҳар қандай бадий асар ўзига ҳос ҳомили роз, яъни сир масканидир. Үндаги бадий сир ва сехрни охиригача очиш имконсиз, бунинг устига, очилган сир – сир эмас. Айни шундай сир ва сехр бадий асарни ўзи яратилган давр ахли учунгина эмас, келгуси авлодлар учун ҳам тансик бўлишини таъмин этувчи илк омилдир. Чинакам бадий асар ҳомили роз бўлар экан, унинг ботиний оламида сайр этиб, сир-асрорини очишга жазм этган одам кошифи роз, яъни сирларни кашф этувчи бўлиши лозим ва тайиндир.

Бадийлик – абадийлик, дегучи эди мархум бир устозимиз. Устоз шоир Азиз Абдураззоқ ушбу икки шеър биланқ абадийликка дохилдир. Деймизки, жойингиз жаннатда бўлсин, Азиз ота.

Икки оғиз хулоса.

Тахлил ва мусика. Туйкус бир-биридан жуда узок ҳодисаларга ўхшайди. Лекин масала зимнига бокиб фикр кильсан, аён бўладики, асл бадий асар ижодкор қалбига Яратган жойлаган мусикадан (хоҳланг уни илҳом деб атант) туғилади ва бу мусика сўз ва оҳанг санъати бўлиб яралган асарга кўчиб ўтади. Ушбу мусика вужудига бир нав кирмай, қалбан тингламай туриб бадий асарни тўлаконли тахлил килиб бўлмайди. Тўлаконли тахлилда эса сўз санъати мусиқасидан тахлил мусиқаси яралса ажабмас.



Отабек
ДҮСТЕРОВ

МАЪРИФАТ БУЛОГИ

Адид Ойбек асос солган “Шарқ юлдузи” журнали, мана, қарийб бир аср бўлибдики, ватандошларимиз шуурини ўзининг ёркин нурлари билан баҳраманд этиб келмоқда. Журнал бу узун умри давомида қанчадан-қанча буюк ижодкорларни кашф этмади дейсиз. Қанчадан-қанча ижодкорлар “Шарқ юлдузи” очган эшик орқали адабиёт майдонига кириб келишди. Бу журнал ўша ташкил этилган пайтларидан бўён ижодкорлар учун ўзига хос трамплин вазифасини ўтаб келган ва келмоқда. Бу журналда чикиш баҳтига мусассар бўлган ёш ижодкор қайсири мъянода юксак адабиёт намояндадалири томонидан эътироф этилиш ва тан олиниш баҳтига ҳам сазовор бўлиб келган. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтсак, XX аср ўзбек ва жаҳон шеъриятининг иккита буюк вакили Абдулла Орипов ва Рауф Парфилар илк бор шу журналда кашф этилган. Абдулла Орипов шеърлари ўша даврнинг забардаст ижодкорлари тавсиясига биноан Ҳусниддин Шарипов эътибори остида журнал сахифаларида эълон қилинган бўлса, XX аср интеллектуал шеъриятининг асосчиси Аскад Мухтор ёзган ок йўл билан бирга Рауф Парфи шеърлари ҳам мазкур мўътабар ва мукаддас журнал юзини безаган экан. Мана шу иккита улкан ҳодисадан олдин ва кейин, колаверса, ҳозир ҳам бу улуғ анъана давом этиб келмоқда. Демак, мазкур анъанадан келиб чиқиб айтиши мумкинки, “Шарқ юлдузи” журналида адабиёт майдонида яшаб қоладиган ижодкорлар асарлари чоп этилади. Ушбу журнал биз назарда туттган ижодкорлар ва улар яратган асарлар учун қайсири мъянода синов вазифасини ҳам ўтайди. Чунки журнал таҳририятида ўз даврининг буюк ижодкорлари хизмат қилиб келишган. Булар Ойбек, Аскад Мухтор, Ҳусниддин Шарипов, Носир Фозилов, Матёкуб Кўшжонов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Курбон, Баҳром Рўзимуҳаммад, Сирожиддин Сайийд ва бошқа кўплаб улуғ ижодкорларнинг мазкур журнал тарихида ўзига хос ва мос ўрни бор десак асло мубобалаға килмаган бўламиз. Булар орасида яна бир шоир борки, у кишининг номлари алоҳида айтиб ўтилса адолатдан бўлади. Бу шоир Икром Отамурод бўлиб, у киши қарийб ярим асрлик умрларини шу журналга баҳшида этиб келмоқдалар. Бугунги журнал таҳририяти ҳам аввалгиларига муносиб ворислар десак асло хато

Отабек ДҮСТЕРОВ – 1993 йилда туғилган. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий раскомлиқ ва дизайн институтини тамомлаган. Ўзбекистон Ѕиллар имтифоқининг Тошкент иргизация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институты қошидаги “International House – Tashkent” академик лицейи бошлангич ташкилот етакчиси. Мирзо Угузбек туманинг Ѕиллар имтифоқи кенгаши фаоли.

килмаган бўламиз. Бугунги таҳририят ҳам шоир Сирожиддин Рауф бошчилигида Икром Отамурод, Рисолат Ҳайдарова, Ориф Ҳожилар... имкони борича фидойилик билан журналга чин дилдан хизмат килиб келишмоқда. Демак, бугун ҳам факаттина яхши ва янги асарлар журналда эълон килинмоқда. Мен ушбу журналнинг ашаддий мухлиси, обуначиси ва ўкувчиси сифатида журналда берилаётган ҳар бир асарни колдирмай ўқиб бораман. Бугун журналнинг сўнгти сонларидан бирида эълон килинган асарларнинг мендаги таассуротларини сиз билан ҳам ўртоқлашмоқчи эдим.

Жумладан, журналнинг 2017 йил 7-сони аввалги сонлари каби ўкувчиларнинг эсида колиб, уларнинг тасаввурини бекиёс таассуротлар билан бойитишга хизмат киласди десак асло янглишмаймиз. Ушбу сонда эълон килинган ижодкорлар ва уларнинг асарларидан чиқарган хulosаларим билан сўзимни давом эттирсан.

Ўзбекистон халк ёзувчиси Мухаммад Али шубҳасиз бугунги адабиётимизнинг пешқадам ва сермаҳсул адибларидан бири саналади. Унинг хилма-хил адабий турларда фаол қалам тебратадиган сўзимизнинг ёркин исботидир. Мухаммад Али асосан тарихий мавзуларда ижод киласди. Бундан анча йиллар мукаддам у хинд ҳалкининг ўлмас эпоси “Рамаяна”ни ўзбек тилига таржима қилган эди. Таржи-ма беиз кетмабди. Адид ушбу муҳташам асардан таъсиrlаниш ўларок ўзининг “Хинди斯顿 маликаси” деб номланган дарамасини яратибди. Мазкур драма чин маънода “Шарқ юлдузи” сахифаларига ҳам мазмунан, ҳам шаклан ярашиб тушган. Чунки унда Шарқ инсонининг фазилатлари улуғланади. Драмани ўқир экансиз, Рамада мард ва ўқтам ўзбек йигитини, Ситада эса гўзал ва окила ўзбек кизини кўргандек бўласиз. Драма бошидаги Ситага куёв танлаш учун ўтказилган мусобақада “Тарамастҳа – Термиз, Хоразм ёқдан” ҳам паҳлавонлар иштирок этади. Ушбу сатрни ўқир экансиз, беихтиёр Хоразм юртининг ўлмас қаҳрамони Хинди斯顿да мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган Пурёвалий – Паҳлавон Махмуд ёдинигизга тушади. Адабиёт халклар ўргасидаги дўстлик эканлигига яна бир бор амин бўласиз.

Рама худди ўзбек йигитларидай отаси Даҳаратханинг сўзидан чиқмайди. Бу куйидаги сатрларда яққол акс этиб туради:

*Отамга тик боқмасман, йўқ, ундан ўғилмасман!
Йўқ, онајсон, отамнинг сўзин икки қўлмасман.
Отам сўзин қайтармоқ менга зилдай гуноҳdir,
Йўқ, Рамангиз ушмундоқ гуноҳлардан ийроқdir!*

Менга ушбу сонда таъсир кўрсатган асарлардан яна Шуҳрат Маткарим қаламига мансуб “Оғрик” ва “Гапиришга кўрқадиган одам” хикояларидир. “Оғрик” хикояси қаҳрамонини қийнаётган оғрик жисмоний оғрик дессангиз, адашасиз. Яъни қаҳрамонни қийнаётган оғрик митти айни пайтда улкан армонлар оғриғи, биринчи муҳаббат ва жамиятдаги ноҳақликлардан орттирган асоратларининг улкан оғриғидир. Аммо хикоя якуннада қаҳрамон ушбу оғрикни оғрикнинг ўзи билан енгади. Чунки хикоя қаҳрамони – олийжаноб инсон. У ўтмишидаги оғрик орттирган паллаларида мардана турган, одил турган. Ишда колиши учун бошлиғига хушомад килмаган. Хуллас, қаҳрамон асар якуннада бир умр хаёлларида асраб юрган биринчи муҳаббати хаёлларига берилиш орқали оғриқдан халос бўлади.

“Гапиришга кўрқадиган одам” хикояси қаҳрамони Дарвеш ҳам олийжанобликда аввалги хикоя қаҳрамонидан колишмайди. Дарвеш болалигига умуман гапирмаган. Бу кўпчиликни ташвишига солса-да, кўпни кўрган кайвони момоси оқтигининг дим

акллилигидан хотиржам. Момонинг хотиржамлиги бежиз эмас экан, оқтиғи гапни ўрнида гапирадиган инсон бўлиб вояга етади. У кунлардан бир кун Наврӯзга пул йиғиши баҳонасида қишлоқни талаб юрган бир юлғичга сўз бермай, уни шарманда қилиб, уйидан чиқариб юборади. Содда авом эса билиб-бilmай бояги лўттибознинг ёнини олиб чиқади. Аммо барibir хикоя якунида асл ҳақиқат, яъни юлгичнинг асл башараси очиб ташланади. Авом кўни-қўшни Дарвеш олдига кечирим сўраб келади. Аммо бу кечирим уларнинг Дарвеш кўнглига етказган жароҳатта малҳам бўлолмайди. Дарвеш болалигига Халфа момоси кистовга олиб: “Нега гапиrmайсан?” деганида, “гапиришига қўрқаман”, деб жавоб берган эди. Хикоя якуни хам ана шундай мифик тарзда якунланади. Дарвеш одамлардан зада бўлиб, инсониятдан юз ўтирган сўнгти охудай инсониятдан юз ўтиради, яъни бошқа гапиrmасликка катъий аҳд килади.

Ушбу сондаги менга таъсир кўрсатган учинчи “Ичон қальъадаги ойдин кеча” асари эссе жанрида ёзилган бўлиб, тарихимиз ва мумтоз адабиётимиз билимдонларидан бири Комил Аваз қаламига мансуб. Адид эсмесида ўзи ва забардаст рус адиди Владимир Солоухин ўртасидаги самимий дўстликдан хикоя киласи. Бу дўстлик биргина “Кудук” шеъри воситасида боғланган. Бу дўстлик натижаси ўлароқ Хоразмга келган буюк адидни қадим Ичон ва Дишон қальъа хотиралари бир умр тарк этмайди. Адид ўз ўрнида муаллифга хам ёрдам кўлини чўзади. Гарчи бу ёрдам ўша пайтдаги бешафқат тузум туфайли амалга ошмай қолган бўлса хам муаллиф ёдидан мангуга жой олади. “Кудук”да эса айнан шу нарса – инсонга эзгулик улашинг, деган буюк ва ўлмас ғоя илгари сурилади:

Эзгуликни улашсанг элга,
Абад тирик, азизсан элда.
Кенг ҳам нурли бўлса қўчогинг,
Майли, катта эмас, булогинг –
Бошидасан, панд сенга минг бор,
Халқ олдига қулф урма зинҳор.
Мехр сувин кўрмагин малол,
Кўп чуқурроқ ботириб, сув ол.
Узайсин ҳўй умрине кўп, илло,
Лек, қилма ўзингдан мосуво –
Илҳом, севгинг топмасин завол,
Лек чуқурроқ ботириб сув ол.

“Шарқ юлдузи” журнали хам ўқувчиларимиз шуурига зилол сув каби тоза туйғулар, фикрлар ва гоялар улашаётган маънавият қудуғидир. Илоҳим, “Шарқ юлдузи” оркали қалбимизга окиб кираётган маърифат булоғи мангуга окиб тургай!

ИСКАНДАР ДЕВОРИ



Ильёс ИСМОИЛОВ

Шарқда яратилган искандарномаларнинг асосий образларидан бири Искандар деворидир. Алишер Навоий бу масалага маҳсус эътибор каратиб, Искандар ҳакидаги асарини “Садди Искандарий” деб номлади. Бунга турли асослар бўлган, жумладан, Искандарни дунёга машҳур килган сабаблардан бири унинг кўплаб гаройиб ишларни амалга оширгани, тилсимлар банд килгани эди. Сад кисаси Куръон таъсирида Шарқда кенг оммалашиб, Искандар ҳакидаги тарихий, диний, адабий манбаларнинг деярли барчасида сюжетнинг ажралмас таркиби қисмига айланган. Искандарнинг тўсиқ куриши Навоий достонида бутун воқеалар ривожининг қок марказида бўлиб, у жаҳонгирнинг куруклиқдаги сафари ниҳоясидир. Шунингдек, Навоий мазкур ходисада Искандар фаолиятининг халоскорлик миссияси ифодасини кўрган, унга Искандарни ижобий қаҳрамон сифатида тасвирилаш учун асос сифатида караган.

Колаверса, Шарқда “Искандарнома” номи билан жуда кўп асарлар яратилган. Низомий ўз достонини шундай номлагач, Амир Хусравдан бошлаб жаҳонгир тўғрисидаги асарларни алоҳида номлаш орқали ҳам ўзига хосликни намоён қилиш тенденцияси кузатилади. Хусусан, Амир Хусрав “Оинайи Искандарий”, Навоий “Садди Искандарий”, Жомий “Хирадномаи Искандарий”, Абдикеҳ Шерозий эса “Оинни Искандарий” деб номлайди. Табиийки, бу номлар бевосита асар мазмунидан келиб чиқкан ва ижодкорнинг жиҳдий эътибор қаратган жиҳатларига ишора киласи.

Фирдавсий “Шоҳнома”си ва Амир Хусрав достонида баён қилинган Искандар девори ва Яъжуж-Маъжуж билан боғлиқ тафсилотлар “Қисаси Рубғузий” маълумотларига жуда яқин келади¹. Низомий “Иқболнома”да ваҳшӣ қавм ҳакида бироз маълумот берса-да, саднинг курилиши тўғрисида хеч нарса демай, фақатгина тўсикнинг темирдан курилганини кайд этган. Навоий девор тўғрисида салафларига нисбатан энг кўп маълумот ёзиб колдирган. У девор курилган географик худудни Шимол томон, тўғрироғи Қирвон ўлкаси деб кўрсатади, бирок Қирвоннинг хозир қайси худудларга тўғри келиши, Навоий бу маълумотни қайси манбадан олгани

¹ Рабгузий Носируддин. Қисаси Рабгузий. К. 2. – Т.: Ёзуучи нашриёти. 1991 й. 88 – 95-бет.

Ильёс ИСМОИЛОВ – 1989 йилда туғилган. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини (хозирги ТДПУ) тамомлаган. Матбуотда ўндан ортиқ мақолалари, “Усмон Азим изходиёти” (ҳаммуалифликда) ва “Алишер Навоий изходида Искандар образи” номли китоблари нашр этилган. Хозирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти.

хакида аник маълумот йўқ². “Садди Искандарий”да кайд этилишича, девор икки тоғ орасининг энг якин жойи – 10 минг кариллик (10 кмга яқин) худудда курилган, унда мис, қалай, биринж, темир, кўргошин ва тоғ тошлари каби материаллардан фойдаланилган. Меъморлар 7 хил маъдан қотишмасини ерга қўйиб, устига тоғ тошларидан териб, бир соч толасидек дарз кўймай тараашлаган. Деворнинг узунлиги 10 000, эни 500 кулоч, баландлиги 300 кари эди³. Деворнинг одамлар яшайдиган томонига иккита зинапоя килинган, тепасида яна темир билан маҳкамланган кубба ва кунгурулар ўрнатилган. Маълумотлардан деворнинг 6 ойда куриб тутагилгани аён бўлади⁴. Фирдавсий, Низомий, Дехлавий ва бошқа бир қанча манбаларда саднинг темир парчаларидан бунёд этилгани айтилса, Навоий фарқли равишда сад курилишида, асосан, тоғ тошларидан фойдаланилганини қайд этади. Қирвон элининг дини, миллати ва тили хусусида ҳеч нарса демайди.

Табарийнинг (839–923) ёзишича, Яъжуж-Маъжуҷ қарама-карши икки тоғ орасидан чикади, Зулқарнайндан сад куришни турклар илтимос қилган, чунки Яъжужлар туркларнинг ерларига тез-тез бостириб кириб, талон-тарож килар экан. Зулқарнайн ерли ҳалқ ёрдами билан темир парчаларини икки тоғ орасига тўлдиргач, уни киздирби әритади ва устидан бакир⁵ қўйиб мустаҳкамлайди⁶.

Табарийдан сўнг Абу Райхон Беруний ва Рабгузий ҳам ўз асарларида шу каби хабарларни ёзиб колдирган. “Осор ул-бокия”да кайд этилишича, аббосий халифа Ал-Мутаъсим тушида тўсикнинг фатҳ этилганини кўрган ва кўриб келиш учун эллик кишини юборган. Улар Боб ул-Абвоб, Лон ва Ҳазар йўли орқали бориб, темир парчаларидан курилган ва әритилган мис билан мустаҳкамланган, кулафланган дарвозага эга, шу атрофдаги аҳоли томонидан кўриқланувчи деворни кўриб, қайтишда йўл бошловчи уларни Самарқанд рўпарасидаги жойларга олиб чиккан экан⁷. Беруний бу икки хабар тўсикнинг одамлар яшайдиган ернинг шимоли гарбий чорагида бўлишини тақозо этади, лекин у ерларда булғор⁸ миллатининг яшаси, уларнинг мусулмонлиги ва арабча, туркча ҳамда ҳазарча аралаш бир тилда сўзлашига ишониб бўлмайди⁹, дейди. “Қисаси Рабгузий”дан эса Зулқарнайн курган том машрик томонда экани маълум бўлади. Рабгузий Беруний ёзиб колдирган Ал-Мутаъсим билан боғлиқ воқеани Маждиддин Андигоний “Тафсир”идан иктибос килиб келтиради. У садни кўриб келишга юборилган эллик кишига Абу Яъкуб Таржимоний бош бўлгани, уларга сарф учун беш ҳачир юқига тенг олтин берилганини аник кайд этади. Улар Бағдоддан йўлга чиқиб икки ярим йилда ортга қайтишган. Қайтаётганде Самузкендга (Самарқанд) саккиз йиғочлик ердан ўтиб келишган экан¹⁰. Эътиборлиси, Беруний ҳам, Рабгузий ҳам сайёҳларнинг Самарқанд якинидан ўтганини маҳсус қайд этади.

Ибн Касир (1301–1373) “Тафсир ул-Куъран ул-азим”да келтирган садга доир тафсилотлар Табарий маълумотларига якин. Унинг кайд этишича, Яъжуж саддини

² Низомий “Искандарнома”да икки ўринда Қирвон ўлкаси номини тилга олади, улардан Қирвоннинг шимолий гарбий кутбга якин худудларда жойлашганини маълум бўлади. Диноварий ҳам Қирвоннинг Араб ярим оролига якин худудларда жойлашганини кайд этган.

³ Фирдавсий маълумотига кўра, саднинг баландлиги 500, эни 100 аршин (70,9 см атрофидаги узунлик ўлчови) бўлган.

⁴ Навоий Алишер. Садди Искандарий. 20 томлик. 11-том. – Т.: Фан нашриёти, 1993 й. 388 – 402-бет.

⁵ Бакир – мис.

⁶ Taberi, Muhammed Ibn Cerir, Cemi'ul-Beyan an-Te'vil'il-Kur'an, Hisar Yayinevi: 1283-1286-s. <http://tefasir.blogspot.com/p/tefsir-kitaplar.html>

⁷ Ўша асар, 78-бет.

⁸ Низомий “Искандарнома”да Искандарнинг оби хаёт кидириб борган ерларда Булғор форига дуч келганини ёзади.

⁹ Ўша асар, 78-бет.

¹⁰ Рабгузий Носируддин. Қисаси Рабгузий. К. 2. – Т.: Ёзувчи нашриёти, 1991 й. 93-бет.

кўриб келиш учун одам юборган халифа Возик эди. Сайёхлар келтирган маълумотларга кўра, бино темир ва бакирдан бунёд этилган, унинг бир улкан дарвозаси бўлиб, олдида йирик-йирик қалитлар осиб қўйилган; ўша ернинг бир четида фиштлар ва қурувчилардан қолган нарсалар, ёнида қўшни киролликларнинг беклари жойлашган ўринларни кўришган. Сад фавқулодда юксак ва чикиб бўлмас даражада баланд, тўсик ва атрофидаги тоғлар жуда мустахкам эди¹¹.

Мухаммад Ҳамдий (1878–1942) тафсирида эса унга қадар яратилган тафсирлардаги маълумотлар ўзига хос тарзда умумлаширилган. У Искандардан бошка сад қурган фотихлар ҳам борлигини қайд этади: “Искандардан кейин ҳам Шарқ ва Фарбга юриш килган, сад қурган фотихлар йўқ эмас. Масалан, Рум қайсарларидан бирининг Ингилтереда, Кисро Нуширавоннинг Кавказ тоғларида “Боб ул-абвоб” ёки “Демир капи” (Темир дарвоза) деб аталувчи ерда бир сад қургани ҳакида тарихий асарларда маълумотлар бор”¹². Мухаммад Ҳамдий Искандар қурган сад ва у жойлашган худуд тўғрисида уч хил караш мавжудлигини айтади:

1. Бу икки тоғ Шимолда, турклар худудининг охири бўлган шаркий томонидадир. Айтишларича, бу караш эгалари Замахшарий ва Абу Сууд бўлиб, турк худудидан мақсад кичик Туркистон дейилувчи Мовароунахрдир. Шунга кўра, бу караш икки тоғнинг Чин садди (Хитой девори) жойлашган ерларда эканига ишора қиласди;

2. Арманистон билан Озарбайжон тарафлардаги Туркистон худудларининг охирда дейилади. Қози Байзовий бу карашни ёклайди, унга кўра, бу тоғлар Кавказ тоғлари бўлиб, икки тоғ ораси Демир капи жойлашган ердир. Ибн Халдун ва Абуль Фидо каби тарихчиларнинг аниклашларича, бу ерда Нуширавон бир сад қурган. Абу Райхон айтадики, бу ерлар инсон яшайдиган ерларнинг Шимол тарафида бўлиши керак;

3. Шимолнинг энг чет кисмларидаги икки юксак тоғdir, Ҳазкиял (а.с.)нинг¹³ китобида “охир ул-чирбия” (“ohiril-cirbiya”) дейилган. Бундаги чирбия исми эса бизга Сибрия (Сибр – И. И.) исмини эслатади. Бу географик худуд Фарб томонларнинг сўнгти чегараси, Урал тоғлари, Шарқ томондан эса Баҳранг бўғози тарафлардир, шу боис мазкур карашнинг юкорида биз кўрган фикрлар билан алоқаси бўлиши керак.

Мухаммад Ҳамдий мазкур фикрларини куйидагича хulosалайди: “Шу тарика икки тоғ ораси Истаной ва Урал тоғларининг орасида жойлашган Сибирянинг ўзими, ғарбидаги Урал ва Кавказ тоғлари орасими ёки шарқида Баҳрангта рўпара бўлган Камчатка тарафдаги тоғлар орасими, бунинг ҳакиқатини аниклаш имконсиз. Куръонда эса бу икки саднинг ўрнини аниклаш учун ғарб ва шарқ томон деган далилдан бошқа ишора йўқ. Бунда Русиянинг ғарб томони эҳтимоли бўлгани каби, бир замонлар Осиёнинг Баҳранг бўғозидан Америкага алоқаси бўлгани ҳамда Зулкарнайнинг қадим тарихда яшаганига кўра Осиёнинг шарки, Америка ғарбидаги жойлашган Баҳранг номли жой бўлиши ҳам жуда катта эҳтимол. Булардан бошка Шарқда Чин садди ва Фарбда Боб ул-абвоб машхур бўлганига кўра икки саддан мақсад булар эканини ошкора айтиш мумкин. Нима бўлганда ҳам, булар Зулкарнайн замонида топилмаган бўлса-да, Куръоннинг нозил бўлиши асносида топилиши ва машхур бўлишининг ўзи асослаш учун етарли бўла олади. Шу тарика, бу икки саднинг орасидан мақсад Туркистон бўлиши керак”¹⁴.

¹¹ Эън Kesir. Tefsirul Kurani Azim. 2512–2514-s. <http://tefasir.blogspot.com/p/tefsir-kitaplar.html>

¹² Yazır, Elmalılı Muhammed Hamdi. Hak Dini Kur'an Dili. 1140-s. <http://tefasir.blogspot.com/p/tefsir-kitaplar.html>

¹³ Алишер Навоийнинг “Тарихи анбие ва ҳукамо” асарида унинг исми Ҳиззул а.с. тарзида келади. Навоий Алишер. Тарихи анбие ва ҳукамо. 20 томлик. 16-том. – Т.: Фан напиёти, 2000 й. 110-бет.

¹⁴ Yazır, Elmalılı Muhammed Hamdi. Hak Dini Kur'an Dili. 1143–1144-s. <http://tefasir.blogspot.com/p/tefsir-kitaplar.html>

Дарҳакат, манбаларнинг аксарияти Искандар радмининг Шимолда жойлашгани ва унинг курилиши туркй халклар билан алокадор эканини тасдиклайди. Шунингдек, Яъжуҷ-Маъжуҷнинг, аслида, мӯғул-татарлар эканлигига оид карашларнинг мавжудлиги ҳам мазкур ўзанга дахлдор¹⁵. Искандар девори тафсилотлари Навоийнинг “Садди Искандарий” достони ва рисолаларида кўпроқ тарихий нуктаи назардан баён килинган бўлса, шоир лирикасида рамзий образга айланниб, муайян поэтик мақсад ифодаси ёки янги талқинлар учун хизмат килган. Шоир шеъриятида Искандар деворининг хилма-хил поэтик талқинларига дуч келиш мумкин.

Масалан, “Наводир ун-ниҳоя”нинг ошикона туркумдаги 142-ғазалида маҳвашнинг ёрига етказувчи озорлари, ошикнинг изтироблари, маъшуқанинг бевафолиги баён қилинار экан шундай талмех кўлланади:

Умр янглиг бевафодур халқ, гўё, эй Хизр,
Чекти Зулкарнайн Яъжуҷси вафо олига сад¹⁶.

Навоий хоҳ кадр осмонининг шохи бўлсин, хоҳ сарвқадлар ойи бўлсин, олам ахлида вафо йўқ ва улар жавр қилишда тенгдир деган карашни баён қилас экан, Искандар образи билан боғлик ноодатий поэтик фикрин ўргатга ташлайди. Гўё Зулкарнайн сад – деворни вафо Яъжуҷи қаршисига курган, шу сабабми халқда вафо йўқ. Байтда иккита янги талқин мавжуд: бири Зулкарнайн қурган девор окибатининг янгича ифодаси бўлса, иккинчиси Яъжуҷи вафо – вафо Яъжуҷи иборасининг кўлланишидир. Навоий кўпгина ўринларда Искандар деворининг инсониятни балолардан куткарғанини таъкидлайди, аммо бу ғазалда Зулкарнайн қурган сад гўёки инсоният ўртасида вафонинг ийқолишига олиб келган деган янги-ча поэтик талқинни яратади. Шунингдек, Навоий лирик асарларининг аксариятида бало тушунчасига нисбатан бало Яъжуҷси бирикмасини кўлласа, байтда унга карши ўларок вафо Яъжуҷси бирикмасидан фойдаланади. Бу орқали фикрий ранг-баранглик, образ ва рамзлардан турли мақсадларда фойдаланиш, поэтик фикрин асослаш усувларини ҳам кўрсатиб берган. Байтда лирик каҳрамоннинг Хизрга му-рожаати ҳам мазмун ва мавзуга тўла мувофик. Бу Хизрни Искандар билан замондош, балки Искандарнинг мулоzими¹⁷ деб тасаввур этиш натижаси, унга кўра Хизр Искандарнинг Яъжуҷга қарши ўрнаттган тўсик қурилишининг ҳам тирик гувоҳи бўлиб чиқади, шу боис сад қурилиши билан боғлик саволнинг Хизрга берилиши тўла асослидир.

Навоий ижодида бу каби талқинлардан ташкари саднинг турли хусусиятлари ва унинг Искандарга нисбат берилishi билан боғлик мулоҳазалар ҳам учрайди. Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” дебочасида девоннинг яратилиш сабаблари, ўзига кадар яратилган девонлардан фарки хусусида тўхталиб айтадики, паришон абётнинг мажмуя ҳолига келиши Ҳусайн Бойқаро сайд-харакати билан бўлган, йўқса, шоирда ўша кезлари шеърларни жамлаб девон тартиб бериш журъати йўқ эди. Подшо бу борада Навоийга маҳсус ҳат ҳам юборган, шоир бундан кийин аҳволда қолганини айтади:

Навоий ғамга қолди ўз қаломи жонғизосидин
Анингдекким, етар булбула мөхнат ўз навосидин¹⁸.

Навоий девоннинг юзага келиш жараёни хусусида сўзлар экан адолат ва камтар-

¹⁵ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тафсири Хилол. III жуз. – Т.: Шарқ НМАК, 2008. 519-бет.

¹⁶ Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. 20 томлик. 2-том. – Т.: Фан нашриёти, 1987. 105-бет.

¹⁷ Навоий Алишер. Тарихи анбие ва хукамо. 20 томлик. 16-том. – Т.: Фан нашриёти, 2000. 95-бет.

¹⁸ Навоий Алишер. Бадойиъ ул-бидоя. 20 томлик. 1-том. – Т.: Фан нашриёти, 1987. 19-бет.

лик юзасидан девон сохиблигига ўзидан кўра Ҳусайн Бойқаро муносиброқ эканини таъкидлайди ва асос сифатида Искандар билан боғлиқ тарихий воқеани талмех қиласди:

*Ҳамул садким, Сикандар қылди маъмур,
Ким айтурким, анга ким эрди муздур?*¹⁹

Яъни, машхур садни Искандар курди дейилади, бирок ҳеч ким девор курилишида ишлаган хизматкорларни тилга олмайди; чунки тўсикни бунёд килиш тўғрисидаги асосий фоя эгаси ва уни амалга оширишда бош-кош бўлган шахс Искандардир. Гарчи курилишда минглаб меъморлар ишлаган бўлса-да, девор сохиби сифатида Искандарнинг номи тарихда колди, шу каби девоннинг юзага келишида мен бир муздур – ёлланиб ишловчи ё бир меъморман, холос, сохиби девон сифатида Ҳусайннинг айтиши тўғрирок, демокчи бўлади Навоий. Бунда контекст билан боғлиқ холда яна бир маънени англаш мумкин, яъни айни масалада Искандар, сад ва унинг буюк халоскорлик миссияси каби уч муҳим тушунчанинг Ҳусайн, девон ва унинг маърифий-бадиий аҳамияти тушунчаларини англатиш учун талмех қилиниши, ўз навбатида, Навоий ижоди ва унинг халоскорлик миссияси ҳакидаги тагмаъноларни ҳам юзага чиқарган.

Навоий ижоди давомида саднинг турли сифат ва хусусиятларидан ҳам поэтик фикрлари ифодаси учун унумли фойдаланган. “Хайрат ул-аброр”нинг тавба масаласидаги “Бани Исройлий Ринд” хикоясида ринд тавбасининг барқарорлигини куйидагича асосслайди:

*Ҳақ чу они тавбага маҳрам қилиб,
Садди Скандар киби маҳкам қилиб*²⁰.

Демак, Ҳак лутфи туфайли риндинг тавбаси Искандар курган сад каби мустахкам бўлган. Навоий тавбанинг маҳкамлигини образли тасвирлаш ёки яхшиrok англатиш учун бошқа бир мисолга мурожаат этмайди. Бунинг учун биз юкорида кўрган Искандар саддининг хусусиятларини билиш талаб этилади.

Бизнингча, ринд тавбасининг мустахкамлигини кўрсатиш учун бу талмехнинг танланишига саднинг мустахкамлик жиҳатидан ташқари, уни куришдан кўзланган мақсад ҳам асос бўлган. Агар сад инсониятга ҳавф солувчи Яъжуҷуга қарши тўсик бўлса, тавба инсонга етувчи барча балолар олдига тўсиқдир. Навоий тавбанинг маҳкамлигини таъкидлаш учун Искандар курган садни мисол килганда тўсикнинг факат моддий мустахкамлик хусусиятини эмас, унинг тўсигб турувчилик, халоскорлик вазифасини ҳам назарда тутади. Бордию мустахкамлик бобида бошқа бир жисм, масалан, төг олинганида мисол ва мавзу (тавба) ўртасидаги боғликллик факат зоҳирий жиҳатга кўра содир бўлиб, ички алокадорлик йўқолган бўлар эди.

Навоий ижодида кенг тасвирланган жаҳон раъносидан мужаррад бўлмоқлиқ гояси Искандар мавзусининг сад мотиви билан ҳам боғланиб кетган. Жумладан, Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” таркибидаги таржиъбанднинг бешинчи кисмida “жаҳон раъносидан мужаррад (ҳоли) бўл, зеро, қабул аҳли” уни рад этади” тарзи-даги фикрларини баён килар экан, уни талмех орқали асосслай бошлайди: ҳикмат бобида Бу Али (Ибн Сино) олдингда абжад ўқиса ҳам, фасоҳат бобида назминг

¹⁹ Навоий Алишер. Бадойиъ ул-бидоя. 20 томлик. 1-том. – Т.: Фан нашириёти, 1987 й. 23-бет.

²⁰ Навоий Алишер. Хайрат ул-аброр. 20 томлик. 7-том. – Т.: Фан нашириёти, 1991 й. 240-бет.

²¹ Аҳли қабул – ҳакиқатдан огоҳ бўлган инсонлар умумий тарзда шундай ном билан ҳам аталган, уларнинг мукобили сифатида “Аҳли рад” тилга олинади. Навоий “Хайрат ул-аброр” муқаддимасида мазкур иккى тушунчани батафсил изоҳлаб берган.

Ҳассонни²² хижолатта қўйса ҳам, бойлигингдан Корун даргохингда хизматкор бўлса ҳам, шижаот бобида Рустам сенга бош этса ҳам, Искандардек дентизу қурукликини олиб, бало Яъжужи учун сад чексанг-у тахтинг Искандарникидек улуғвор бўлса ҳам ёлғиз жаҳондан эмас, нимаки Ҳақ ғайри бўлса, ундан ҳалос бўл.

Навоий бунда тилга олинган соҳанинг энг муҳим ва машҳур намояндадарини ёдга олади. Ҳикмат бобида Ибн Синони, фасоҳат борасида Ҳассонни, бойлик борасида Корунни, ёвқурлик бобида Рустамни ҳамда баҳру барни эгаллаган, инсониятни Яъжуж балосидан кутқарган энг юксак тахт соҳиблари бобида Искандарни тилга олади. Қизиги, Абу Али ҳикмат бобида шогирд бўлиши, Ҳассон фасоҳат бобида лол қолиши, Қорун бойлик бобида ожиз бўлиши, ҳатто Рустам ҳам куч-кудрат бобида бош эгиши мумкин, бироқ Искандар тўғрисида бундай деб бўлмайди:

Скандар янглиг олиб баҳру барни,
Бало Яъжуси учун болгасанг сад...
Жаҳонга чун бақо йўқтур, бу барча
Неча кундур валие эрмас муҳаллад²³.

Навоий бошка қаҳрамонлардан фарқли ўларок Скандар янглиг дейди, Искандардан ортиқ маъносини англатувчи бирикма қўлламайди, чунки бу борада Навоий учун Искандардан мукаммалроқ образ йўқ. Навоий Искандар образининг бундай тасавур этилишида муҳим асослардан бири сифатида сад қурилишини кайд этади. Шоир Искандар тўғрисидаги талмехларни дунёнинг моҳияти масаласига олиб келиб улаш орқали ўз фано концепциясининг образли ва тушунарли бўлишига ҳам эришади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Алишер Навоий ижодида муҳим ўрин тутувчи “Садди Искандарий” достони, хусусан Искандар девори ва унинг тарихи ўрганилган.

Автор статьи исследует поэму Алишера Навоий “Садди Искандарий” (“Стена Искандера”), где стена, построенная Искандером, выступает как символ борьбы со злом.

The author examines the poem of Alisher Navoi "Saddi Iskandari" ("The Wall of Iskander"), where the wall built by the Iskander acts as a symbol of the struggle against evil.

²² Ҳассон – Ҳассон ибн Собит (р.а.) мусулмонларни руҳлантирган ва “Расуллурроҳнинг шоири” сифатида танилган сахоба. Дарҳакиат, араблар шоир ва нотиклардан юқоридаги мақсадларда фойдаланишган, Алихонтўра Согунийнинг маъълумот бернишчича, ислом ривожида алоҳида аҳамият касб этувчи “Бадр жанг”да мушриклар кўшинни руҳлантириш учун айни шу усулдан фойдаланган экан. (Тарихи Муҳаммадия, 165-бет.)

²³ Навоий Алишер. Бадойт ул-бидоя. 20 томлик. 1-том. – Т.: Фан нашриёти, 1987 й. 614-бет.

МҮНДИ КИЙГАН ТУЛКИ

Хикоя



Ҳамдам
ЭШОНҚУЛОВ

Чашма – мафтункор кишлоқ. Атрофини қурама тоғлар ўраб олган Катта сойнинг икки кирғогидаги бир-бираға ўхшамайдиган уйлар атрофга кўрк бағишилаб туради. Равшан чол ҳовлиси чеккасидаги товуқхонадан ҳар куни қарийб бир челак тухум йигиб оларди.

Кунларнинг бирида Қоратов томонда товуқхонага тулкилар тушди, шекилли, кунора тўртта-бешта зотдор макиён изсиз ўйқола бошлади. Чол атрофга копқон кўйди. Айёр тулкилар темир қопқоннинг хидини олиб, тузокқа чап берарди. Тумшуги ингичка, кулоклари хушбичим, думи узун бу жоноворлар қоялар остига бекиниб олиб, атрофни зийракли билан кузатарди.

Равшан чол шумкилиқ тулкиларнинг келадиган йўлига, буталар остига дори сепилган гўшт бўлакларини ташлаб кўйди. Айёр тулкиларга бу чора ҳам кор қилмади. Қария тобора камаяётган товуқларининг кушандаларини кўлга тушириш учун бошқа чора излади. Бозорга тушиб, учта сопол кўза сотиб олиб, ўйлаган резжасини бажаришга киришди. Бир бўлак куйруқ, уч бўлак гўшт ва челак олиб, тоғ этагидаги шудгорланган ерга борди. Кўзланган манзилга етиб келгач, шоша-пиша ишга киришди. Тошларни уйиб, ўчок ясади ва ичига хас-хашак, тараша солди. Гу-гурт чакиб, тарашани ўт олдиргач, куйрукни челакка ташлади. Сўнгра кўзаларнинг бўйини синдириб, ичига бир бўлакчадан гўшт ташлаб, беш-ён метр оралиқда териб чиқди.

Равшан бобо мўлжалидаги ишни амалга оширгач, эшагини миниб қишлоқка кайтди. Бу орада офтоб тоғлар ортига бекиниб, борликни тун коронғиси коплай бошлаган эди.

Тулкининг хид олиш қобилияти кучли эканини чол хисобга олган эди. Пакирда қайнаган сувда думба эрий бошлади. Тараша ловуллаб ёниб, куйруқнинг хиди узокларга таралди.

Пухта ўйланган бу иш олисларда изғиб юрган тулкиларнинг оромини бузди. Улар ис олиб ўнгирларни айланиб, куйруқ қайнатилаётган жойга етиб келишди. Икки тулки бир-бираға гал бермай, шудгор оралаб югурди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1938 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Ўзини аямаган одамлар”, “Қизилқум аллари”, “Бир жуфт олтин узанги”, “Саҳро мўъжизалари”, “Оқтот ҳикоялари” сингари насрый китоблари чоп этилган.

Йирикрги мұнди ичида гүшт борлыгини пайқаб, күзанни олд оёклари билан наридан-бери думалатиб күрди. Токати тоқ бўлиб, тумшуғини күзанинг синдирилган оғзига текизди. Ўчоқдаги аланга сўниб қолди. Бир неча сония бетокат бўлиб турган тулки, нихоят, хатарли ишга жазм этди: тумшуғини күзанинг ичига чўзди. Мазали гүштнинг хиди унинг аклу хушини ўғирлаган эди. Ҳайлагар тулки бошини мўндининг ичига тикиб, кўза тубидаги гүштни чиқармокчи бўлди, бирок боши, бўйнидаги жунлари орқага қайрилиб, боши кўздан чикмади. Иккинчи тулки ҳам худди шу тахлитда мўндини бошига “кийди”.

Равшан бобо эрталаб етиб келганида мўнди кийған тулкиларни кўриб, ҳийласи иш берганидан хурсанд бўлди. Тулкилар ўзларини овчига ипсиз боғлаб берган эди.

Келгуси йили қицда Равшан бобо тулки телпак кийди. Қишлоқдошлари уни кутглаб, кизиқиб, сўраб-суриштиргач, қария уларга тулкиларга қандай қилиб мўнди кийдирганини гапириб берди.



**Санъат одамларни башка ҳунар-
мандалардан қўра қўпроқ ишонтира-
ги. Санъат маъбурлаш орқали эмас.
Балки ихтиёрий рафишда ҳаммани ўз
қудига айлантиради.**

ХОРГИЙ

Ишқингда етказ саодатларга



Пўлат МЎМИН

Эй, муҳаббат

Эй, муҳаббат, шунчалар фусункорсан,
Эй, муҳаббат, оромбахш беғуборсан,
Эй, муҳаббат, гоҳида дилозорсан,
Эй, муҳаббат, қалбимда мудом борсан.

Муштоқдирман доимо меҳрингта мен,
Ҳар юракка туширган муҳрингта мен,
Лол қолганман кўрсатган сехрингта мен,
Эй, муҳаббат, чиндан сен сехркорсан.

Ўйламаган юракни ўйлатасан,
Ўйнамаган юракни ўйнатасан,
Сўйламаган тилни ҳам сўйлатасан,
Эй, муҳаббат, умримда бир баҳорсан.

Йўл кўясан баъзида хатога ҳам,
Баробарсан гадою подшога ҳам,
Не кулфатлар солмадинг Лайлога ҳам,
Эй, муҳаббат, сен мисли ҳукмдорсан.

Истардим мен, дилларни куйдирмасанг,
Хижронларга асло йўл кўйдирмасанг,
Ошикни ҳам жонидан тўйдирмасанг,
Эй, муҳаббат, малҳаму шифокорсан.

Битилганми бирорта қонун сенга,
Этай таъзим юрт учун ҳар кун сенга,
Даврим берган янгича мазмун сенга,
Эй, муҳаббат, Мўминга мададкорсан.

Пўлат МЎМИН – Ўзбекистон ҳалқ шоури. 1922 йилда туғилган. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) битирган. Ижодкорнинг “Сайранг, күшлар”, “Тонг кўйлари”, “Хунардан унар”, “Яхшиларга ўҳишасам”, “Кўлди хиёл”, “Кўшиқ айтаб” сингари йигирмадан ортиқ тўпламлари нашир этилган. Шоир 2004 йилда вафот этган.

Кулди хиёл, индамади

Эй гүзэл, номинг на деб, бердим савол индамади,
Махлиё этди тамом офтобжамол, индамади.

Боғида танхо ўзи гулми терар тонг чоғида,
Гулдайин кулган чирой бўлдими лол, индамади?

Боғини килган экан санъатидан гулга макон,
Кокилин аста силаб ўтса шамол, индамади.

Кўлида гулдастасин менга берар деб ўйласам,
Бағрига босди гулин, кулди хиёл, индамади.

Дер эдим мен ўзима: “Бехудага ташлама гап”,
Билмадим, ул ким ила айлар висол, индамади.

Ёрини таъриф этиб, куйлар эди кўнглида ул,
Жавдирап эрди кўзи, сурди хаёл, индамади.

Кўнглида бошқа бирор, севги вафодори яшар,
Шу сабаб, Мўмин сўзим келди малол, индамади.

Малоҳатларга

Ишқингда етказ саодатларга,
Қолдирма, жоним, маломатларга.

Пинҳон эт, дерлар, севгингни элдан
Ё бош эгайми ул одатларга?

Парво этмайсан ҳажринг ўтидан,
Қалбимда ёнган ҳароратларга.

Кечма сўзингдан, асло ишонма
Бошқалар килган сиёслатларга.

Минг бор синаб кўр, ўшал сўзим сўз,
Қўймасин сени хижолатларга.

Кулар истаклар кулган ҳаётда,
Берилма ортиқ хаёлотларга.

Сендуурсан азал – охир севганим,
Элтар вафойинг фароғатларга.

Вафодорингман, Мўмин, умрбод,
Бокмагил ўзга малоҳатларга.

Устозлар

Мехр нури ёгар доим кўзингиздан, устозлар,
Юрсам дейман, шу табаррук изингиздан, устозлар.

Чин инсонлик китобига баҳту хикмат битибсиз,
Одоб ила билим олдим сўзингиздан, устозлар.

Қалбингизнинг йўқ ғубори, меҳрибонсиз шунчалар,
Қуёш олмиш ҳароратин юзингиздан, устозлар.

Фан боғининг боғбонисиз, чароғбонсиз кўнгилга,
Минг эҳтиром ўғлингиздан, кизингиздан, устозлар.

Жой олдингиз бир умрга шогирд юрак тўридан,
Мўмин хаёт дарсин ўқир ўзингиздан, устозлар.

Вафо билан келибди

Ёр уйига келинпошша ибо билан келибди,
Куёв тўра юрагига шифо билан келибди.

Аста-аста қадам босар, кутлуғ бўлсин қадамлар,
Ҳаёт билан хиром айлаб, химо билан келибди.

Тўй окшоми хонадонга нур таралиб бир зумда,
Гўё тунда куёш чиқиб, зиё билан келибди.

Назокату чиройига ёшлиги нур қўшибди,
Андишаю одоб деган сарпо билан келибди.

Узукка кўз кўйган мисол кўёв бола ёнида,
Гўё кўёв Тохир бўлиб Зухро билан келибди.

Севги баҳтин кўз-кўз этар кўз тегмасин баҳтига.
Бошига баҳт куши кўниб, Ҳумо билан келибди.

Бу даргоҳдан кетмас бўлиб келган бўлсин, эй Мўмин,
Юрагида аҳду паймон вафо билан келибди.



Армон бўлиб қолма қалбимда

Амирқул
ПҮЛКАН

Интизор чечаклар

Қиши куни булбулни соғиндим жуда,
Кўзимни тўрт қилди сайроқи кумри.
Аслида, баҳорни қўмсанш бехуда,
Зероки, уч ойдир кишнинг ҳам умри.

Биласман, шу фасл ўтмасдан қолмас,
Шу ёлгиз бир умид кўнглимга канот.
Лекин, у қалбимга таскин беролмас,
Бахш эта олмайди менга ҳаловат.

Дунёда баҳордан сулуврок не бор,
У менга сўзлагай эзгу чўпчаклар.
Дўстларим, ҳадемай келади баҳор,
Доим кор остида ётмас чечаклар.

* * *

Ўн тўрт кунлик бўлганида ой,
Тун кўйнинга кирганда фалак,
Тингла, мени, кўнглимни айтай,
Деразангни очиб қўй, малак!

Йирокларга кетганим чоғда,
Қилганида хижрон жонҳалак.
Ракибларни колдирган доғда,
Деразангни ёпиб қўй, малак!

Амирқул ПҮЛКАН – 1948 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) татомлаган. Шоирнинг “Пойга”, “Будоқ”, “Изҳор”, “Оҳанг” каби шеърий тўпламлари, “Мангуликка суюқасд”, “Шайтоннинг ўлими” достонлари нашр этилган. У 1982 йилда вафот этган.

Ботирлар

Неча бор заминни күйдирди оташ,
Неча бор мозийнинг айланди чархи.
Ва лекин, йўлидан тоймади куёш,
Ва лекин, тушмади ботирнинг нархи.

Фанимлар юртимга қилдилар юриш,
Муқаддас тупроқда тутдилар чодир.
Интиқом олмоққа чорлади уруш,
Ёвларга ўқ бўлиб санчилди ботир.

Ботирлар жон берди мардона туриб,
Тулпорлар кон кечиб чопдилар сарсон.
Ўқ еган бургутдек, ногоҳ, чарх уриб,
Уларнинг кўксига йиқилди осмон...

Улар ҳам ҳаётни севарди жондан,
Улар ҳам яшарди толе ахтариб.
Ботирлар кўксидан сачраган қондан
Кўкдаги юлдузлар қолди қизариб.

Эҳ, улар шароб ҳам ичмади қониб,
Умр ҳам бермади жангти беомон.
Шоирлар кудратни куйлади ёниб,
Уларнинг шаънига битдилар достон.

Зотан, мен улардан олгайман сабок,
Шул узоқ ўтмишга соглайман назар.
Бугун ҳам қайдадир писганча кўркок,
Ботирнинг ортидан урмокда ханжар.

Мен қандай чидайн бундай жафога,
Не қиласай гўдаклар қолсинлар сағир?
Умримни бергайман балки даъвога,
Мен ҳам ботирларга зурёдман, ахир.

Ва, лекин, бу билан ўзгармас тарих,
Тўкилиб битмагай киприкдаги гард.
Барибир, уларни бўлмас қайтариб,
Жазога мустахик бўлмагай номард.

Майда гап килсан гар кечиринг, бирок,
Дўстларим, ботирлик эмасдир осон.
Кўз юмган ботирлар бугун ҳам уйғок,
Уларнинг кифтида турибди осмон.

Шодлигимнинг поёни йўқдир,
Оlam яшнар қүёш нуридан.
Бу дунёда парилар кўпдир,
Сен яхшисан аммо баридан.

Шодлигимнинг поёни йўқдир,
Оlam яшнар қүёш нуридан.
Бу дунёда ошиклар кўпдир,
Мен яхшиман аммо баридан.

Мақсад

Одамлар хаётда ўтаркан бурчин,
Эришмок истаркан собит бўлмокка.
Мақсад керак экан яшамоқ учун,
Мақсад керак экан ҳатто ўлмокқа.

Мен унинг ортидан югурдим йиллаб,
Гохида оёғим тойилди тошга.
Аллаким панд берди тушсин деб кулаб,
Бирорлар оғамдек кўтарди бошга.

Гарчи, мен юлдузни кўзлаганим йўқ,
Ҳавои ишқни ҳам қилмадим одат.
Ё Хумо қушини излаганим йўқ,
Максадим кетидан интилдим фақат.

Оҳ, уриб ётмадим фурсатни кутиб,
Қўрқмадим келгай деб бевақт заволим.
Гохида дехқоннинг қўлидан тутиб,
Эгатдан сув бўлиб оқди хаёлим.

Меҳрибон халкимни севдим ҳар қачон,
Бошига ғам тушса, ғам чекдим минг бор.
Мен учун юртимдек азиздир жаҳон,
Мен уни куйларман бехудуд, бисёр.

Шу боис, ўйимнинг йўқ эрур кети,
Шу боис, бўлолмам андак бепарво:
Кетмасин уйлардан ҳеч вақт нон хиди,
Инсонга ҳамиша баҳт бўлсин раво.

Матлабим, заҳматинг чекдим кўп фоят,
Мақсадим, мен учун ўзинг бўл даҳо!
Сен бўлсанг, мангута бокийдир хаёт,
Сен бўлсанг, менга ҳам йўқдир интиҳо!

* * *

Сен менинг орзум бўл,
Кўшик бўлиб янгра қалбимда.
Муқаддас бўй бўлгин,
Умри узун бўл,
Армон бўлиб колма қалбимда.

Зангор бўшликларга шўнғи,
Юлдуз бўлиб порла, кувонай.
Сабо бўлиб эсгил тонгти –
Гўзаллигинг шавқига қонай.

Сени куйлаб ўтай...
Хур бўл,
Ёник қалбим бўлиб қол, гулим!
Умримга мезон бўл,
Мақсад бўл,
Кўзларимга нур бўл, севгилим!

* * *

Нур этагин йигиб олиб,
Шом талпингач ер томон,
Хона ичра танҳо қолиб,
Сирлашамиз икковлон.

Хаёл мени сархуш этар,
Ўй сураман суюниб.
Тонгда аранг чикиб кетар,
Тун хаёли кийиниб.

* * *

Мен сени севаман,
Олис фазони,
Ёркин юлдузларни куйлайман ёниб.
Денгизга лаб тутган улкан дарёларнинг
Хаётбахш сувидан ичгайман кониб.

Мен сени севаман,
Куйлаб, мадҳ этиб,
Сўйларман бу дунё одамларига.
Гуллар унаверар,
Бахт кўкаради
Сўнгсиз далаларнинг этакларида.

Мен сени севаман,
Юксак тоғлардан
Шошилган шоввадек билмайман тиним.
Сенга талпинаман бутун умр бўйи,
Боболар Ватани – Ўзбекистоним!



Паул ХЕЙЗЕ

ДАҲШАТЛИ ҚАЙТИШ

Ҳикоя



Альберт олти йиллик қамоқдан сўнг уйига қайтди. Ўша мусиқачилар кўчаси, 65-хонадон. Унинг уйи одми, бирок шинамгина эди. Ташқаридан қараганда жуда кичик ва тор кўринади, аммо ичкари тарафдан ховли катта. Бу кўчадагилар баланд ва дабдабали ўй қуришни ёқтиришмайди. Шунинг учун ҳам бу ердаги уйлар бир-биридан паст, камтарона, яшаётган хонадонлари кўнгилларидек содда ва тартибли. Альберт очик дарвозадан кирап экан, ҳаяжондан боши айланар, юраги безовта ва тартибсиз урар эди.

Олти йил оз муддат эмас. Ёруғ ховли томон қадам босар экан, Альбертнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Коронги кунлар, маҳбусликдаги оила соғинчи... Энди барчаси ортда қолди, дея мусаффо осмонга қаради. Қаради-ю, ҳаёлидан қандайдир тизгинсиз фикрлар ўтарди. Вужуд озод, аммо қалб эрксиздек эди. Ҳовли ичкарисида кичик ховуз ёнида нималарнидир ерга чизиб ўтирган саккиз ёшли болакайнай кўриб, бакириб юборди.

— Ўғли-и-им, — овоз бўғиқ ва паст чиқди.

Бу болакай Удо эди. У эркак кишидан “Ўғлим” деган овозни эшитмаган (качонлардир эшиттан, бироқ эслолмайди). Удо хайрон қолди. Дадасининг келганини шу дамда хаёлига сифдиролмасди. Шунинг учун бироз жим турди. Сўнг қўлидагиларни ерга ташлади-да, отаси томон югурди. Альберт ҳаяжондан ўғлига пешваз чиқишга улгурмади ҳам. Шошиб келган болакай отасининг титроқ оёқларини кучиб олди. Чунки у бу оёқларнинг ташрифига жуда интизор эди. Катта катталигига, кичик кичиклигига қарамасдан, ийғлаб шовкин солдилар. Ота-болнинг овозидан Альбертнинг келганини меҳмонни кўнгилдагидек кутиш учун ошхонада тараддуд кўраётган Альбертнинг онаси Аника ва рафиқаси Шади ҳам сезди. Кўз кўзга тушгач, кучли ҳаяжон кўзгалди. Ҳамма йиғлади. Айниқса, Шади ҳаммадан кўпроқ обидийда килди. Чунки ҳаётнинг шафқатсиз чархпалаги шундай бетиним, бераҳмлик билан айландики, у соғинч аталмиш илгичи билан Шадининг юрагини эзи-и-иб, бир ерини тирнаб ўтди. Кўз ўнгидаги отасиз катта бўлаётган, кундан-кун улгаяётган Удо ва фарзанди кўумагию меҳрига муҳтоҷлиги қаддини

Паул Ёханн Людвиг Фон ХЕЙЗЕ – Нобель мукофоти совриндори, немис ёзувчиси ва драматурги. 1830 йилда туғилган. Унинг “Сўнгги кентавр” қиссаси, “Аср фарзандлари” романи, “Мария Магдалина” драмаси жаҳон адабиётидан муносиб ўрин эгаллаган. Адид 1914 йилда вафот этган.

букиб қўйган она. Ха, буларнинг ҳаммасини иложисиз олти йил кузатиб ўтирган Шади учун оғир эди. Мана, ўша нурли кун келди. Энди хаёт янгидан бошланади. Факат бугун Альберт роса чарчаган. Озиб-тўзиб кетган. Ахир у олти йил камоқда шохона яшамаган. Унинг озиб кетишини тушунса бўлади. Аммо бугун кечкурун шохона зиёфат бўлиши тайин. Шундай ҳам бўлди. Зиёфатга севимли қўшнилар ва яқин қариндошлар ҳам келишганди. Самимий ўтган кечки меҳмондорчиликдан сўнг ҳамма яхши ниятлар билдириб уйига тарқалди. Альберт ўзининг хонасига кириб кетди. Удо тамадди ярмидаёк ухлаб қолган эди. Аника ҳам Удодан қолишмади. Ха, энди қарилик. Шади бўлса майнин овозда кўшик айтарди. Гўёки тонг ёришиб сайроқи кушлар хониш килаётгандек эди. Стол устидаги вино қолдикларини бир идишга солар экан, кайфияти ўзгармайди. Чехрасида нимтабассум. Бу табассум худди Худо томонидан ҳадя этилгандек юзида котиб қолган эди. Дастлаб ширинликлар, сўнг ёғли егуликлар солинган идишлар йигиштирилиб, ювилди. Ҳамма иш бажарилгач, стол устига оппок мато ташланди. Стуллар стол тагига киритилди. Бир дунё иш бир зумда адо бўлди. Ўша кайфият ва ўша табассум билан Шади Альберт кирган хонага юзланди. Кирди-ю, юраги оркага тортиб кетди. Не кўз билан кўрсинким, Альберт ухлаб ётар, унинг боши устида Шадига бутунлай нотаниш, ёкимсиз ва бадбўй тутун бурксирди. Эрнинг бундай локайдилгини аклига сифдиролмаган аёлнинг бир лаҳзада ўйлари чалкашди. Маҳбуснинг хотини дея идаоли мурожаатлар энди гиёхванднинг аёли дея ўзгаради. Бу Шадининг согинч ва муҳаббатга тўла қалбидаги умидларини сўндириди. Унга бир онда дарз кетди.

Озишнинг ҳам, тўзишнинг ҳам сабаби бор экан...

Немис тилидан

Дилобар АСЛИДДИН қизи таржимаси

Дилобар АСЛИДДИН қизи

1994 йилда тугилган. Навоӣ давлат педагогика институтини таомилаган. Мирзо Угуబек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети Олий журналистика курсида таълим олмоқда. Б.Брехт, П.Хейзе ижодидан, немис ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан таржималар қўлган.



АДАБИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2017 йил Андижонда Бобур ийли деб аталгани барчага маълум. Якинда шу муносабат билан “Захириддин Мухаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” мавзусида ҳалкаро конференция ўтказили.

Андижон шаҳрида бўлиб ўтган ҳалкаро конференцияда Япония, Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Туркия, Озарбайжон, Туркманистон, Киргизистон каби мамлакатлардан бобуршунос олимлар, адилар, республикамиз адабий-илмий жамоатчилиги, Тошкент шаҳри ва катор вилоятлардан мутахассислар катнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги карорига биноан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан адабининг “Сайланма”си, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Ҳалқимизнинг оташқалб фарзанди” номли хотира китобини нашрга тайёрлаш кўзда тутилган эди. Бу китоблар “Мъянавият” нашриёти томонидан чоп этилди.

“Сайланма” китобига Шароф Рашидовнинг “Кашмир кўшиғи”, “Икки дил достони” сингари машҳур асарлари, шеърий ижодидан намуналар, ҳалқимиз ҳаётига оид, шунингдек, адабиётимиз ривожига бағишланган публицистик ва адабий-танқидий мақолалар киритилган. “Ҳалқимизнинг оташқалб фарзанди” китоби эса Шароф Рашидовни кўрган, билган замондошларининг, давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирларнинг хотираларидан ташкил топган.

Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовга бағишланган Мели Норматов қаламига мансуб “Ҳалқ фарзанди” деб номланган учинчи китоб эсаFaфур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди. Китобда давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва раҳбарлик фаолиятига доир хотиралар жамланган. Шунингдек, ушбу китобда ўтган асрда мамлакатимизда юз берган муҳим жараёнлар, уларнинг иштироқчилари ҳакида хам хикоя килинади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий ахборот-кутубхона хафталиги бўлиб ўтди. Ҳафталик доирасида ўтган тадбирларда минглаб адабиёт мухлислари катнашди. Айникса, давлат арбоби, таникли адаб Шароф Рашидов, шоир Эркин Воҳидов, Ўзбекистон ҳалқ артисти Комилжон Отаниёзовларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган шеърият ва мусика кечаси кўпчиликда катта таассурот колдириди.

Таникли шоир Раззок Абдурашиднинг “Йўлдан топгандарим” китоби Faфур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Муҳаммад Али очиб берди. У саксон ёшни қаршилаб турган шоирни улуг ёши ва янги китоби билан кутлаб, шоир ижоди ҳамда кўп илллик ижодининг хирмонидан саралangan маҳсули бўлган ушбу китобга юксак баҳо берди.

Шундан сўнг Мирзо Кенжабек, Икром Отамурод, Нодир Жонузок, Фарид Усмон, Исмоил Маҳмудлар сўзга чикиб, шоир ижоди борасида илик сўзлар айтишди. Шоир билан боғлиқ хотираларни эсга олишди.

Китобдан шоирнинг лирик шеърлари, хикматга бой тўртликлари ва Расул Ризо, Самад Вурғун каби жаҳон шоирларидан қиласи таржималари ўрин олган. Уларни атоқли шоир Мирзо Кенжабек саралаб нашрга тайёрлаган.

Чирчик шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройида атоқли адабиётшунос ва таржимон Иброҳим Фафуров таваллудининг саксон йиллиги олдидан адаб билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда шоиру ёзувчилар, санъаткорлар, адабиёт ихлосмандлари қатнашдилар. Анжуман Иброҳим Фафуров илмий-ижодий фаолияти мисолида бугунги ўзбек адабиёти ҳамда таржимонлик санъатидаги янгиланиш ва ўзгариш, юксалиш ва ривожланиш жараёнларининг кизғин муҳокамасига айланди. Тадбирда сўзга чиккан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Баҳтиёр Назаров, ҳалқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Анвар Обиджон, Махмуд Тоир, ҳалқ рассоми Алишер Мирзо, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, шоира Ҳалима Аҳмедова ва бошқалар Иброҳим Фафуровнинг мутаржимлик, мунақкидлик, мураббийлик соҳасидаги ибратли фаолияти, юқсан инсоний фазилатлари ҳакида сўзладилар. Тадбир иштироқчиларда чукур таассурот колдири.

Ўзбекистоннинг кўшини давлатлар билан ҳар томонлама алокалари ривожланмоқда. Айниқса, маданий-адабий соҳадаги алокаларимиз жадаллаштаётгани кишини қувонтиради. Жорий йилнинг 12–15 ноябрь кунлари Туркманистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Ашхабоддаги “Муқом” ва “Ватан” театрларида, Тошховуздаги вилоят театрида ўзбекистонлик санъат усталари катта концерт бердилар. Куй, кўшик, шеърхонлик уйғунлигига бўлган чикишлар туркманистонлик санъат муҳлисларида ёркин таассурот колдири. Томошабнайларнинг ўзбек хонандаларига қўшилиб кўйлаштаётганини кўрган ҳар бир инсонда бу икки ҳалқ ҳакида “бирга қўшик кўйлашадиган ҳалқ” экан деган фикр туғилиши табиий ва бу ҳақиқатдан-да шундок.

Шоир Курбон Муҳаммадзизонинг ўзбек ва туркман дўстлиги мавзусидаги шеърлари муҳлислар томонидан олқишилар билан кутиб олинди. Туркманистон давлат кутубхонасида ўзбекистонлик ва туркманистонлик ижодкорлар ўртасида адабий мулокот бўлиб ўтди. Туркманистон қаҳрамони, шоира Гўзал Шокулиева, Туркманистон ҳалқ ёзувчилари Отамурод Отабоев, Тошмамбет Журдеков, “Маданият” журнали мухаррири Ўғилқурбан Гашлакова, “Дунё адабиёти” журнали ходимаси Мамажон Аразова ва бошқа туркманистонлик ижодкорлар ўзбек ва туркман адабий алокалари ҳакида мулҳозаларини ўртоқлашдилар. Ўзбек адабиёти жаҳонга чиқаётгани ҳакида илиқ сўзлар айтдилар. Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ҳалкаро алокалар ва бадиий таржима бўлими масъуль котиби Адҳамбек Алимбеков Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти ҳакида гапириб, туркманистонлик ижодкорларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиётини ҳамда инглиз тилида нашр килинган Ойбекнинг “Навоий” романни, Зулфиянинг “Шеърим”, Эркин Воҳидовнинг “Дилрабога” китобларини тақдим килди.

Учрашув катнашчилари таржима ишини ривожлантиришга, адабий-маданий алокаларни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидладилар.

Мамлакатимиз Конституцияси кабул қилинганининг 26 йиллиги олдидан “Шарқ юлдизи” журнали таҳририяти томонидан бир катор ижодий учрашувлар, шеърият кечалари ташкил этилди. Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги 307-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Тадбирда “Шарқ юлдизи” журналининг бош мухаррири Сирожиддин Рауф, Шеърият бўлими мудири Икром Отамурод, Адабиётшунослик бўлими мудири Ориф Ҳожи иштироқ этиб, Конституциямизнинг ҳар бир инсон хаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳакида атрофлича тўхталиб, ўкувчилар ва устозларга Ватан, бурч ва инсонийлик ҳакидаги шеърларидан ўқиб бердилар. Шунингдек, мактаб ўкувчилари томонидан тайёрланган шеърий композицияга ўз муносабатларини билдирилар. Учрашув сўнгидаги мактаб кутубхонаси учун “Шарқ юлдизи” журнали нусхалари тақдим этилди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

ИБН ДАВЛАТ. Қадрини билган кишига ҳар насиҳат кимиё4

ПУБЛИЦИСТИКА

Қобилжон ТУРСУНОВ. Тараққиётнинг янги тўлкини6

НАЗМ

Ойдин ҲОЖИЕВА. Фанимат дамлар. Туркум10

Одил ҲОТАМОВ. Ҳокисор сўзларим сизни кутади18

Шойим ШЕРНАЗАР. Кизларнинг лабида кулади лола22

Бахридин САДРИДДИНОВ. Оқтова чўққилар уйғонар ҳар тонг29

Хилола ИСМАТОВА. Соғинсам... ёришади юрагим33

НАСР

Исройл ХОЛБОЕВ. Кетмонга сунянган одамлар. Эссе15

Рахим ҚОДИР. Бола нигоҳи. Ҳикоя25

Исақон СУЛТОН. Ҳазрати Ҳизр изидан. Қисса36

Озод МУСТАФО. Танбур ва кумуш тўғногич. Ҳикоя79

Жавлон ЖОВЛИЕВ. Озодлик. Ҳикоя101

Абдужалол РАҲИМОВ. Матонат. Қисса. (Охири)112

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ. Мўнди кийган тулки. Ҳикоя163

ЁШЛАР ДафтаРИДАН

Кувончингда баҳтим яшайди67

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Эзгуликка эш кўнтил74

Абдулхамид ҚУРБОНОВ. Зулф – сўфиёна истилоҳда олам

рамзи82

ТАҲЛИЛ

Фарруҳ ЖАББОРОВ. "Малика айёр" да ҳаёт дарахти97

СЎЗ СЕХРИ

Сувон МЕЛИ. Таҳлил мусиқаси146

ТАЛҚИН

Ильёс ИСМОИЛОВ. Искандар девори157

ОНА ЙОРТИМ – ОЛТИН БЕШИГИМ

Салима УМАРОВА. Истиклолим, мангу – бокий бўл!94

МУЛОҚОТ

Иброҳим ҒАФУРОВ, Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД. Маданий авлодлар силсиласи56

ЭҲТИРОМ

Ашурали ЖЎРАЕВ. Баҳтили ёзувчилардан бирни90

МУТОЛАА

Отабек ДЎСТЕРОВ. Маърифат булоги154

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Пўлат МҮМИН. Ишқингда етказ саодатларга165

Амиркул ПЎЛКАН. Армон бўлиб колма қалбимда168

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Наул ХЕЙЗЕ. Даҳшатли қайтиш. Ҳикоя172

Адабий ҳаёт174

Шарқ ўлдузи

2017

11-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри
таҳририк ижодий жамоаси нукта
назаридан фарқланниши мумкин.

Таҳририяга юборилган
материаллар муаллифларга
кайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек
адабиети" ихтиослиги бўйича
рўйхатига киритилади.

* Журналга обуна даврий
нашрларни етказиб берин
билин шугулланувчи барча
ташкилотлар орқали алмалга
оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 16-а уй.

Телефонлар:

227-00-81, 245-22-99, 245-27-87

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишига руҳсат этилди

07.12.2017 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16

Офсет босма усулида оғсет
қоғозида босилди.

Босма табоби 11,0.

Шартли босма табоби 15,4.

Нашриёт хисоб табоби 17,2.

Адади 2350 нусха.

Буюртма № 83

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахберот агентлигига 05.02.2016 й.

0562-ракам

билин рўйхатга олинган.

"SILVER STAR PRINT" МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
22-мавзә, 17-уй.

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусаххих:

Дилғузा Махмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева


Copyright © "Шарқ ўлдузи"

Унутылмас лаҳзалар



Тошпўлат Ҳамид ҳаётидан лавҳалар

Уб. 40866с.



Аслиддин КАЛОНОВ. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”
асари асосида ишланган сурат

Хурматли журналхонлар!

2018 йил учун “Шарқ ўлдузи” ва “Звезда Востока”
журналларига обуна давом этмоқда.
Журналларимизга барча обуна ташкилотлари ёки
таҳририятимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин.
Обуна индекслари: “Шарқ ўлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831